



Лев Толстой



Соната тилсими

Руссанаар

Лев ТОЛСТОЙ

СОНАТА ТИЛСИМИ

Қиссалар



Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ - 2021

УЎК 821.161.1-3
КБК 84(2Рус)
Т 64

Рус тилидан
Ҳаким САТТОРИЙ
таржималари

Толстой, Лев.

Соната тилсими [Матн]: қиссалар / Л. Толстой: таржимон Ҳаким Сатторий. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2021. – 264 б.

Толстой ижоди бадий жанрларга кўра ранг-баранг – романлар, қиссалар, ҳикоялар, пьесалар, санъат ҳақидаги рисоалар, кўплаб публицистик ва адабий-танқидий мақолалар, минглаб хатлар, жидда кундаликлар... Ғўё улкан бадий сўз фабрикаси ўн йиллар давомида тиним билмай муттасил ишлаб турган ва унинг дастгоҳларида энг нодир маҳсулотлар яратилган. Улар бир-биридан оҳорли, кўркем.

Қўлингиздаги китобда жам бўлган “Бечора Иван Ильич”, “Крейцер сонатаси”, “Сергий ота” асарлари ёзувчининг ана шундай нодир маҳсулотларидандир.

УЎК 821.161.1-3
КБК 84(2Рус)

ISBN 978-9943-6452-5-7

© Лев Толстой, 2021
© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2021

АДАБИЁТ МАМЛАКАТИ

Жаҳон адабиётининг даҳоларидан бири Лев Толстой асарларининг бошқа тилга таржима қилиниши ўша адабиёт учун чинакам байрам бўлган. Бизнинг она тилимизда ҳам буюк сўз санъаткорининг барча йирик асарлари нашр этилган. Қуйидаги таржималар эса ёзувчи таваллудига 185 йил тўлиши муносабати билан амалга оширилган эди. Унинг байрам саналари ҳамиша мухлислари ва умуман, жамоатчилик томонидан тантаналар билан муносиб нишонланган, янги тадқиқотлар, таржималар, кашфиётлар эълон қилинган. Зеро, бу адибнинг номи ва ижоди бутун инсоният учун эъзозли. Ҳар кун, ҳатто ҳар соатда ер юзининг қайсидир пучмоғида кимдир унинг асарларини мутолаа қилади, улар асос бўлган фильмларни кўради ёки шунчаки хаёлида унинг сиймосини жонлантиради.

Лев Толстой юксак бадий салоҳият билан тараннум этган умуминсоний ғоялари орқали башариятнинг ардоқли фарзандига айланиб қолган. Агар адабиёт одамзоднинг мангу макони бўлмиш Ер қурали билан қиёсланадиган бўлса, сўз мулкининг ҳам тоғлари, дарёлари, чўққилари, жилғалари – табиий қиёфаси бор. Лев Толстой эса олам ичида алоҳида оламни ташкил этувчи, ўз шамойилига эга бир қитъадир. Қайсидир бир рассом ҳазил сурат чизган экан. Унда Лев Толстой ёнбошлаб ётибди, унинг азамат гавдасида – елкасида, кўкрагида, соқоли орасида, бурнининг устида, қўл-оёғида дунёнинг бошқа шоир-ёзувчилари худди чумолидек ғамирлаб юришибди. Уни ана шундай маҳобатли тасаввур этадилар ва у шунга лойиқ.

Лев Николаевич Толстой 18 ёшли талабалик пайтидан таассуротларини қоғозга тушира бошлади ва кундалик ёзишни доимий машғулотиغا айлантириб, уни сўнгги нафасигача давом эттирди. Бу машғулот унинг ёзувчилигига туртки бўлди, деб айтиш мумкин. Орадан тўрт йил ўтиб, “Современник” журналида эълон қилинган ва унинг катта Адабиётда тан олиншини таъминлаган “Болалик” қиссаси ҳам соф автобиографик мазмунга эга эди. Шундай қилиб, Толстой қалами 60 йил давомида қоғоз узра сайри-ни тўхтатмади ва жуда улкан кўлам касб этиб, дунёда санокли сўз усталаригина эриша оладиган натижага муяссар бўлди.

Кейинчалик унинг ватанида адабиёт билимдонлари мавзу жиҳатдан бепоён, мазмунига кўра беқиёс ижод намуналарини ўттиз йил давомида сатрма-сатр тўпладилар. 1958 йилда поёнига етган бу юмуш туфайли Лев Толстойнинг 90 жилдлик Мукамал асарлар тўплами юзага келди. Бу бошқа бир рус сўз санъаткори фахр ила васф этган “Александр қуббасидан ҳам баланд” олтин минора эди. Беш-ўн минг нусхада чоп этилган Мукамал асарлар тўплами қарийб 3 минг босма тобоқдан иборат бўлиб, унинг 2,5 минги Толстой қўли билан ёзилган матнлар, 500 тобоғи эса изоҳлардан иборатдир. Мутахассислар бу нодир хазинани мухлисларга тўла ҳолда етиб боришини кўзлаб, чуқур ҳурмат ва ифтихор билан Толстой битикларига шарҳлар ёзганлар, асарларининг, ундаги исмлар, жой номларининг алифбо тартибини тузиб чиқиб, зарурат даражасида эскартишлар ҳавола қилганлар. Ўз ватандошларининг ижодини ардоқлаб, уни етарлича адабий-илмий изоҳлар билан бойитганлар. Кейинчалик ҳам Лев Толстойнинг Танланган асарлари қайта-қайта нашр этилган. Бу беназир ижод маҳсули ҳозиргача дунёнинг юздан ортиқ тилига таржима

бўлиб, умумий адади қарийб 250 миллион нусхадан ошиб кетган.

Толстой ижоди бадиий жанрларга кўра ранг-баранг – романлар, қиссалар, ҳикоялар, пьесалар, санъат ҳақидаги рисоалар, кўплаб публицистик ва адабий-танқидий мақолалар, минглаб хатлар, жидд-лаб кундаликлар... Гўё улкан бадиий сўз фабрикаси ўн йиллар давомида тиним билмай муттасил ишлаб турган ва унинг дастгоҳларида энг нодир маҳсулотлар яратилган. Улар бир-биридан оҳорли, кўркам.

Жумладан, “Бечора Иван Ильич” (“Смерть Ивана Ильича”) қиссаси ўз вақтида Лев Толстой бадиий даҳосининг энг ёрқин кашфиётларидан бири сифатида эътироф этилган эди ва бу баҳо ҳамон қадрини туширгани йўқ. Бир умр ўз қобиғида яшаган, ҳатто қарта ўйинидан ҳам завқ туймай, фикри-хаёли хизмат вазифасини қойил қилиб уддалаш-у, ҳар нарсадан яшаш қондаси қилиб олгани “ёқимли, гўзал, кўнгилочар” қирраларни излайдиган одам баногоҳ тирикликнинг энг буюк мантиғи – ўлим билан юзма-юз бўлади, беморликда ўтган дамлари давомида бутун умрини сарҳисоб қилади. Хатоларини тушуниб етади.

Ёзувчи таъбири билан айтганда, “Фақат ўзини ўйлаб яшаш мумкин эмас, бу ўлим. Худбинлик – тентаклик” эканлигини англаган Иван Ильич қазо остонасида илк марта атрофида одамлар борлигини, уларни ҳам ўйлаш, улар учун ҳам нимадир яхшилик қилиш лозимлигини тан олади: ўғлига ва хотинига “раҳми келади”, улар учун бирор яхшилик қилишни хоҳлайди, афсуски, бунинг иложи йўқ; ажал гирибонидан олиб турибди. Шунда у ёруғ оламни тарк этиш билан ўғли ва хотинининг мушкулини осон қилиши мумкинлигини эътироф этади: “Уларга шафқат қилиш лозим, шундай қилиш керакки, улар қийноқ азобини чекишмасин”.

Вақт зик, унинг қўлидан бор-йўғи шу келади.

Асарнинг оламшумул ғояси инсон имкони қўлдан кетмай умрининг қимматига етиши, балки ҳаёти давомида ҳар бир лаҳзани қадрлаши, дунё яхшиликлар билан гўзал-у, худбинлик (эгоизм) барибир таназзулга олиб боришини тасдиқлашга қаратилган. 1882 – 1886 йиллар орасида яратилган асар эълон қилинган, жамоатчиликнинг ва бадийи зиёлиларнинг диққатини тортди. Машҳур композитор Петр Чайковский уни ўқиб, “Мен қачонлардир ишонганман, энг буюкларнинг буюғи, бу – Лев Толстой. Рус кишиси унинг битта асари мисолида Европа инсониятга нима туҳфа этганини ҳис қилиб, бошини мағрур тутиб юриши мумкин” деб ёзди. Ёзувчининг машҳур портретини чизган рассом Илья Крамской эса қисса ҳақида “Бу ҳар қандай санъатни хира торттирадиган муъжиза, бу бемисл ижод” деган. Француз ёзувчиси Ромен Роллан эса қиссани “рус адабиётининг француз китобхонларини ўта ҳаяжонга солган асарларидан бири” деб эътироф этганди.

Қиссанинг ёзилиши қандай шароитда бошлангани ҳақида маълумот сақланмаган экан. Гувоҳларнинг кундаликларида 1882 йил баҳорида Толстойнинг яхши кайфият билан ишлаётгани, янги асаридан парчалар ўқиб бергани муҳрланган. Асар устида иш эса у нашр қилинаётганда ҳам давом этган. Баъзи лавҳалар қисқартирилган, Х боб энг охирида қўшилган. Қиссада Тула округ суди прокурори бўлиб ишлаган ва қирқ беш ёшида 1881 йил 2 июнда вафот этган Иван Ильич Мечниковнинг ҳаёти асос қилиб олинган. У машҳур химик олим Илья Ильич Мечниковнинг акаси бўлган.

Буюк сўз санъаткори ўзи яшаган “маърифатли жамият”да одам наслининг бачкана туйғулар тўри ичида ўралашиб қолиши бир марта бериладиган улугъ неъмат – яшаш саодатини қанчалик абгор қилиши мумкинлигини таъсирли ҳаётий воқеалар орқали

ифодалаб, инсониятга тириклик мазмунини уқиш борасида яна бир сабоқ бериб кетди. Фақат ғафлатда қолмай, ҳеч қурмаса, қиссани бир бор ўқиб чиқиш ҳам бу ҳақиқатни ҳис этишга хизмат қилади.

Ёзувчининг ўзи эътироф этишича, унинг бошқа бир машҳур қиссаси – “Крейцер сонатаси”нинг яратилишига 1886 йил февралида ёзилган номаълум бир аёлнинг хати туртки бўлган. У хотин-қизларнинг ҳуқуқлари камситилаётганидан арз қилганди. Шунингдек, актёр В. Н. Андреев-Бурлак 1887 йил 20 июндаги ташрифи чоғида поездда учратган бир одамдан эшитганларини сўзлаб берганди. Зиёфатда ижро этилган Людвиг Бетховеннинг яҳудий миллатига мансуб моҳир созанда Рудольф Крейцерга бағишланган тўққизинчи сонатаси ёзувчига қаттиқ таъсир қилади... Шундай таассуротлар асосида яратилган бу асар бутун Россияни жунбишга келтиради, у нашр этилмасданоқ турли йўллар билан кўплаб нусхаларда тарқалиб кетади. Бир-бирига зид фикрлар уйғотади. Фақат 1891 йил 13 апрелда Толстойнинг хотини император Александр III нинг шахсан қабулида бўлгач, унинг рухсати билан қисса эълон қилинади.

Асарда қаламга олинган маиший турмуш тарзи талқини, унинг хотимаси черков хизмакорларида турлича таассурот уйғотади, улар диний ақидалардан келиб чиқиб, ёзувчини анча ёзғирадилар. Барибир қисса бадий асар сифатида ҳамон китобхонларни тўлқинлантириб келмоқда. Эҳтимол, оила шамчироғи милтиллаб нур сочар, унда баланд-паст гаплар бўлиб турар экан, “Крейцер сонатаси”ни мутолаа қилиш ортиқчалик қилмайди. Зеро, кўпинча “оила мадҳияси”га айланиб қолган эр-хотин уруши (гарчи бизда “дока рўмолнинг қуриши” деб баҳоланса-да) оқибатида қандай кутилмаган фожиалар рўй бериши мумкинлиги юзасидан ахборотга эга бўлиш учун

ҳам уни ўқиш лозим. Лев Толстой қаламига хос битик сифатида эса у, шубҳасиз, ёзувчи истеъдодининг муносиб намунасидир. Ўз пайтида Антон Чехов ёзган экан: "...ғоянинг муҳимлиги, ижронинг гўзаллигига кўра (бадий юксаклигини айтмаганда ҳам) унга тенг келадиган бошқа асарни топиш маҳол".

"Крейцер сонатаси"га "Сўнгсўз" биринчи марта қисса билан 1891 йилда эълон қилинган. "Сўнгсўз"нинг биринчи таҳририга 1889 йил 6 декабрь санаи қайд этилган. Ёзувчи уни шу йилнинг октябри охирларида қоғозга тушира бошлаганга ўхшайди. 1 ноябрда В. Чертковга ёзган хатида асарига қўйилган муаммо ҳақида муаллифнинг фикрини ифодалаб, нимадир ёзишга киришганини таъкидлаган экан. Шундай қилиб, "Сўнгсўз" ҳали китобхонлардан хатлар келмасидан олдинроқ ёзила бошланган. У эълон қилинган, адабий давраларда турлича кутиб олинган. Масалан, ёш И. Бунин жуда мутаассир бўлиб, Толстойга ўзининг биринчи хатини ёзган ва Ясная Полянага боришга изн сўраган. А. Чехов эса Гоголь ёзишмалари билан таққослаб, уни салбий баҳолаган экан. ("Сўнгсўз"нинг давомида ахлоқий масалалар христиан дини талабларидан келиб чиқиб баҳоланади, шунинг учун уни таржима қилишга зарурат сезмадик).

"Сергий ота" қиссаси ҳам Лев Толстойга хос нодир хазинанинг бир намунаси. Далилларнинг гувоҳлик беришича, ёзувчида асарни яратиш фикри 1889–1890 йиллар атрофида пайдо бўлган. Маълумки, бу даврда Лев Толстой ижодининг чўққиси ҳисобланган "Уруш ва тинчлик" эпопеяси, "Анна Каренина" романи сингари шоҳ асарлари эълон қилиниб, улар ёзувчига шон-шуҳрат олиб келганди.

XIX асрнинг 90-йилларида Россиянинг энг таълиқли шахсларидан бирига айланган Толстой бадий ижод қаторида кўплаб жамоатчилик юмушлари би-

лан ҳам банд эди. Шунданми ёки ижодий мувозанат талаби биланми, “Сергий ота” борасидаги ишлар анча чўзилган. Дастлаб ҳаммаси жадал кетган: ўзининг яқин дўсти ва ношири Владимир Чертковга ёзган хатларида (қиссани ҳам унга бағишламоқчи эди), кундалигидаги қайдларида Сергей отани бот-бот эслаб турган. 1990 йилнинг 6 июнида Кундалигида “Сергий ота”ни бошладим, унинг ифодаси ҳақида чуқур ўйлаб олдим, барча эътибор-у кечирадиган руҳий ҳолатлар тадрижида” деган қайд учраса, сентябрда Чертковга ёзган хатида ижодий иш, хусусан, сюжет ривожини унга ёқаётганлиги, барча ўйлаганларини тўла акс эттиришга уринаётганлигини билдирган. Шунингдек, зиммасида хайрия ишлари билан боғлиқ бир расмий ҳужжатни тезда тайёрлаш кўндаланг турганини маълум қилган.

Кутилмаганда, 1891 йил 16 февралдаги хатида эса ўзига қадрли бўлган бу мавзу ҳақида бош қотириш малол келаётганини, ундаги бош ғоя сифатида шахвоний ҳирсга ёки такаббурликка қарши курашни талқин этишда ўйланиб қолганини айтган. Хуллас, қисса устидаги ишни шу йил ёзгача давом эттирган ва кейин бутунлай ташлаб қўйган. Тўғри, кундалигида (1895 йил 18 мартдаги ёзув) “Сергий ота”ни бироз ёздим, лекин яхши чиқмади” деган қайд учрайди, лекин барибир, асарни 1898 йил ёзида узил-кесил қоғозга туширади.

Кейинчалик, 1900 йил 8 октябрда Ясная Полянага ташриф буюрган М. Горькийга асар мазмунини сўзлаб берганда, суҳбатдоши ундан жуда таъсирланганини, ифодаси содда ва гўзал, бироқ ғояси довдиратиб қўядиган даражадаги ҳикоя тинглаганини эътироф этган. Жумладан, Максим Горький “Лев Николаевич ҳақидаги хотиралар” китоби (1919 йил) да шундай қайд этади: “Бир куни оқшом, қоронғилик

куюқлашиб бораётган чоғ, у қошларини қимирлатиб, жунжикиб “Сергий ота” вариантыдаги хотиннинг зоҳидни йўлдан уришга борганини ҳикоя қилувчи саҳнани ўқиди. Охиригача ўқиб, бошини кўтарди ва кўзини юмиб, аниқ гапирди:

– Яхши ёзибсан, чол, яхши”.

Бу учрашув 1901йилнинг охирларида рўй берганди.

“Сергий ота” ёзувчининг вафотидан кейин – 1911 йилда В. Чертков томонидан нашр этилган.

Лев Толстой қиссасида, бошқа кўплаб асарларида бўлгани каби, идеал танлашдаги хатоликнинг касри-ни жуда ишончли очиб берган. Бош қаҳрамон қисмати орқали ўз ички майлларини енга олмаслик, имкониятларига ортиқча баҳо бериш, ҳаёт зарбаларига қасдма-қасд унга қарши зарба беришга уриниш одамни қандай кўйга солиши ўзининг теран бадий ифодасини топган. Шунингдек, воқеалар интиҳосида “Инсонни ўлдириш мумкин, бироқ уни енгиб бўлмайди” (Э. Хемингуэй) деган фикрнинг тасдиғи ҳам бор. Иккинчи бир томондан эса кўрпага қараб оёқ узатиш лозимлиги, беҳуда чираниш белни синдириши мумкинлиги уқтирилганга ҳам ўхшайди.

Буюк ёзувчининг асарларида олмос қирраларидек жилва кўзга ташланади. Уларнинг ҳаммаси эзгуликка хизмат қилади.

Таржимон



Бечора
Иван Ильич

1

Суд маҳкамасининг катта биносида Мельвинскийлар ишига алоқадорлар ва прокурор танаффус пайтида Иван Егорович Шебекнинг хонасига кирдилар ва суҳбат кўпчиликнинг тилида юрган машҳур Касов иши юзасидан кетди. Федор Васильевич суднинг ваколоти йўқлигини исботлаб жиғибийрони чиқди, Иван Егорович ўз фикрида собит қолди, Пётр Иванович эса бошиданоқ можарога қўшилмай, баҳсда иштирок этмай, ҳозиргина олиб келинган “Ведомости”ни varaqlashga тутинди.

– Жаноблар! – деди у, – Иван Ильич-чи, вафот этибди.

– Наҳотки?

– Мана, ўқинг, – деди у Федор Васильевичга газетанинг ҳали бўёқ ҳиди анқиб турган янги сонини узатиб.

Қора ҳошия ичида бундай гаплар ёзилган эди: “Прасковья Федоровна чуқур қайғу билан азиз умр йўлдоши, Суд палатаси аъзоси Иван Ильич Головиннинг яқинлари ва қариндошларига унинг 1882 йил 4 февраль куни вафот этганини маълум қилади. Дафн маросими жума куни соат 1 га тайинланди”.

Иван Ильич жам бўлиб турган жанобларнинг биродари эди ва ҳамма уни яхши кўрарди. Уни бир неча ҳафта аввал мазаси қочиб қолди; хабарлашганлар унинг дарди бедаво эканини топиб келдилар. Унинг ўрни бўш турарди, шундай тахмин изҳор қилиндики, мабодо вафот этса, бу жойга Алексеев тайинланиши мумкин, Алексеевнинг ўрнига эса ё Винников, ё Штабель. Шу туфайли Иван Ильичнинг ўлими ҳақида эшитганларидан кейин хонада тўпланган жаноблар ҳар бирининг миясида дастлаб бу қазо маҳкама аъзолари ёки уларнинг танишларининг мансаб пиллапо-

сига қандай таъсир этиши ҳақидаги тахминлар айлана бошлади.

“Энди, эҳтимол, Винников ёки Штабелнинг ўрни менга тегади, – ўйлади Федор Васильевич. – Бунименга аллақачон ваъда қилишган, бу ўсишим чўнтагимга девонхонадан ташқари саккиз юз сўм олиб келади”.

“Калугадаги қайноғамни чақиришим керак эканда, – ўйлади Пётр Иванович. – Хотиним жуда хурсанд бўларди. Шунда қариндошларимга ҳеч нима қилмаганим борасидаги маломатлардан қутулар эдим”.

– Унинг қайтиб ўрнидан туrolмаслигини сезгандим, – ҳаммага эшиттириб деди Пётр Иванович. – Афсус, увол кетибди...

– Айтмоқчи, унга нима жин теккан экан?

– Дўхтирлар аниқлай олишмабди. Яъники, аниқлашибди, бироқ хулосалар ҳар хил эмиш. Мен уни охириги марта кўрганимда, ўзига келиб қолгандек, оёққа туриб кетадигандек туюлганди.

– Мен эса уни ўша байрамдан кейин кўрмадим. Ҳамма йиғилган эди-ку.

– Қизиқ, нима бўлган экан ўзи?

– Менимча, хотини билан боғлиқ қандайдир майда гаплар бўлган. Тушуниб бўлмайдиган.

– Бориш керак бўлади. Ит топмас жойда яшашади ўзиям.

– Сизга ҳам узоқ. Бизга ҳам тупканинг тубида.

– Мен эса бир дарё нарида яшайман, менинг аҳволимга сира ҳавас қилиб бўлмайди, – деди Пётр Иванович Шебекка кулиб. Шаҳар манзилларининг узоқлиги ҳақида хангомалашиб мажлисга кириб кетишди.

Бу совуқ хабар, кутилганидек, мансаб курсисидоги ўзгаришлар борасида қилинган мубҳам хаёллардан ташқари мулоҳаза юритган ҳар бир кимсада,

доим бўладигандек, ўлим барҳақ, хайрият, у ўлибди, мен эмас, деганга ўхшаш чучмал мамнунлик кайфиятини ҳам ҳосил қилди. “Ўлса, ўлгандир; бироқ, мана, мен ҳаётман”, шундай ўйлади ёки ҳаёл қилди ҳар ким.

Яқин танишлари, Иван Ильичнинг дўстларини шундай аташ мумкин бўлса, шу билан бирга беихтиёр ўзларининг гарданига дафн этиш билан боғлиқ одамни эзиб юборадиган зил-замбил юмушларни адо этиш, ҳам жанозада қатнашиш, ҳам таъзия изҳор этиш учун марҳумнинг мотамхонасига бориш мажбурияти келиб тушгани ҳақида ўйлаб кетдилар. Марҳумга бошқалардан кўра Федор Васильевич ва Пётр Иванович яқин эдилар.

Пётр Иванович ҳуқуқшунослик билим юртида Иван Ильич билан бирга ўқиган эди ва доим ўзини Иван Ильич олдида қарздор ҳисобларди. Тушликдан олдин хотинини Иван Ильичнинг вафоти юзасидан хабардор қилиб ва қайноғасини ўз округига кўчириш имконияти туғилгани ҳақидаги муждани шипшитиб, Пётр Иванович ҳордиқнинг ҳам баҳридан ўтди-да, фракини эгнига илиб, Иван Ильичнинг хонадонига йўл олди.

Иван Ильич яшаган хонадон йўлагига от қўшилган арава билан аравакаш турарди. Пастда, кийимхона деворига чўткача, заррин упа билан тозаланган, четларига зарҳал уқа ёпиштирилган тобут қопқоғи суяб қўйилган эди. Қора кийинган икки аёл келувчининг пўстинини қўлидан олди. Пётр Иванович Иван Ильичнинг опасини таниди, наригисини танимади. Кейин у юқоридан чиқиб келаётган Шварцни кўрди. Шварц яқинлашиб тўхтади ва кўз қисиб қўйди, бу билан гўё: “Иван Ильич бемаҳал хунар кўрсатди”, дегандек туюлди.

Шварцнинг инглизча чакка соқолли юзи ва фрак ичидаги чўпдек гавдасидан дардчил мотамсаролик

уфуриб турар, бу мотамсаролик унинг ўйноқи феълига мос тушмас, айти шу ўринда номувофиқ манзара ҳосил этганди. Ҳар ҳолда, Пётр Иванович шундай ўйлади.

Пётр Иванович аёлларни олдинга ўтказиб юборди ва уларнинг изидан секин зинапояга яқинлашди. Шварц чиқиб кетишга шошилмай, тепада кутиб турди. Пётр Иванович тушунди: у, албатта, видолашув расми қаерда ўтиши юзасидан гаплашмоқчи. Аёллар зинапоядан ўтиб, марҳумнинг беваси томон кетдилар, Шварц эса жиддий қимтилган, қалин лаблари ва ўйноқи нигоҳи ила мўйловини учириб, Пётр Ивановични мурда ётган ўнг томондаги хонага имлади.

Пётр Иванович ҳар доимгидек бундай жойда нима жоизлигини тўла англамай, ичкарига кирди. Фақат у билардики, айти паллада чўқиниш зарар қилмайди. Мақбул амални бажаришда тавозе жоиз-ножоизлиги борасида ҳам иккиланиб қолди ва шунинг учун ўрта ҳолатни танлади: хонага кирар экан, чўқинди ва бироз тавозе қилгандек бўлди. Қўл ва бош ҳаракатига монанд тарзда хонага бирқур разм солиб чиқди. Икки ёш йигит, афтидан, бири гимназист, ҳайтовур, жиянлари чоғи, чўқинганча хонадан чиқишди. Мотамзада бева қимирламай турарди. Қошлари асабий чимирилган аёл унга шивирлаганча ниманидир уқтирарди. Сюртукдаги дадил, шахдам дъячок ҳар қандай ғашликка ўрин қолдирмайдиган қатъий оҳангда баланд овоз билан қироат қиларди; ошхона хизматкори Герасим Пётр Ивановичнинг ёнидан енгил юриб ўтиб кетар экан, полга нимадир сепгандек бўлди. Бунни кўриб, Пётр Иванович бирдан сулайиб ётган мурданинг енгил ҳидини ҳис қилди. У Иван Ильичникига охириги келишида бу хизматкорни кабинетда кўрганди; Пётр Иванович беморнинг ҳоли-руҳиясидан хабар олиб, хизматида бўлган ва Иван Ильич бу сипориши учун

уни яхши кўриб кетганди. Пётр Иванович чўқинишни поёнига етказди, тобут, дьячок ва стол ортидаги бурчакка қўйилган иконанинг миёнасига енгил тавозе қилди. Кейин, ўзига чўқиниш амали жуда чўзилиб кетгандек туюлгач, тўхтади ва бошини марҳум тарафга бурди.

Марҳум барча ўликлар каби тобутнинг тўшамасига муз қотган вужуди билан ғарқ бўлиб, боши ёстиққа абадий тиркалган, жами охирги сафарга чиққанлар сингари ўзини намойиш этганча, мумдек сарғайган пешонаси чаккаси аралаш чуқур ажинларга кўмилган, юқори лаби қисиб қўйгандек бурни танқайиб, тош қотган қўйи оғир чўкиб ётарди. У Пётр Иванович кўрмагандан бери анча ўзгарган, баттар ориқлаган бўлса-да, барча марҳумларда бўлгани каби чехраси “очилган”, яъни тириклигидан кўра теранроқ маъно касб этганди. Юзида шундай бир қатъий ифода бор эдики, гўё зиммасига қандай вазифа юкланган бўлса, барчаси бажо этилган ва тўғри бажо этилган. Шу билан бирга бу ифодада тирикларга қаратилган таъна ва таъкид мужассам эди. Таъкид Пётр Ивановичга ўринсиздек, жилақурса унга тегишли эмасдек туюлди. Нимадандир кўнгли ғаш бўлди, шундан кейин Пётр Иванович апил-тапил яна бир марта чўқинди ва ўзича одамшавандалик шартларини бузгандек бўлса-да, жуда шошиб, қайрилди ва эшик томон юрди. Шварц чатаноғини кериб, икки қўли билан цилиндрини ўйнаганча даҳлизда кутиб турарди. Шварцнинг ўйноқи, соф ва ёқимтой бир нигоҳи Пётр Ивановични ўзига келтирди. Пётр Иванович тушундики, у Шварц бу ҳолатдан юқори туради ва ҳеч қанақа васвасага берилмайди. Унинг туриши таъкидларди: Иван Ильичнинг дафн маросими мажлис тартибининг бузилишини тан олишга ҳеч ҳам сабаб бўлолмайди, яъни бундан кейин ҳам ҳеч нарса оқшомлари қарта

тахламини қарсиллатиб очиш ва шу пайтда хизматкорнинг яна тўртта ёниб битмаган шам келтиришидан тўхтатиб қола олмайди; умуман, бу издиҳом бизга бугунги оқшомни ҳам кўнгилли ўтказишга ҳеч монелик қилмайди. У ўтиб бораётган Пётр Ивановичга пичирлаб, Федор Васильевичникида бир қўлга шерик бўлишни таклиф қилди. Бироқ маълум эдики, Пётр Ивановичга тақдир бу оқшом ялло қилишни буюрмаганди. Бева Прасковья Федоровна паст бўйли, тўладан келган аёл эди, худди тобут қаршисида тургандек қошлари чимирилиб, бошини қуйи эгиб олган, қорага бурканган, тўр рўмолни елкага ташлаган. У даврадошлари кўршовида ўз хонасидан чиқди-да, ҳаммани мархум ётган хонага бошлади ва деди:

– Ҳозир дафн маросими бошланади, ўтинлар.

Шварц беихтиёр букилганча тўхтаб қолди, у бу таклифни қабул ҳам, рад ҳам этмаганга ўхшарди. Прасковья Федоровна Пётр Ивановични таниб, чуқур нафас олди, тирғалиб яқин келди ва унинг қўлидан тутди.

– Биламан, сиз Иван Ильичнинг энг яқин дўсти бўлгансиз... – ва унга тикилиб, шу калимасига жавобан ҳаракат кутди.

Пётр Ивановичга маълум эдики, бундай пайтда чўқиниш, қўлни узатиш ва чуқур хўрсиниб, “Таъзиямни қабул қилинг!” дейиш лозим. У худди шундай қилди ҳам. Шундай қила туриб сездики, амал жойига тушди: у мутаассир эди, аёл ҳам мутаассир бўлди.

– Кетдик, у ерда маросим бошланмасдан олдин мен сиз билан гаплашиб олишим керак, – деди бева. – Менга қўлингизни беринг.

Пётр Иванович қўлини чўзди ва улар Шварцни ёнлаб ўтиб, ички хона томон кетдилар. Шварц ғамгин нигоҳлари билан кузатиб қолди. Унинг ўйноқи кўзлари гўё “Мана сизга қарта ўйини! Энди кутула ол-

Nizomiy n°111

T D P U

kutubxonasi

майсиз. Бошқа ҳамроҳ топамиз. Бўшасангиз борарсиз, майли, бешовлон бўлармиз”, деяётгандек эди.

Пётр Иванович яна бир бора чуқур ва ҳасратли хўрсинди, Прасковья Федоровна унинг қўлини миннатдорона қисиб қўйди. Хира лампа ёритиб турган, деворига пуштиранг газлама тортилган меҳмонхонага кириб, стол атрофидан жой олишди: аёл диванга, эркак пружиналари чиқиб ётган, оёқлари қийшиқ паскак курсига чўкишди. Прасковья Федоровна бошқа стулга ўтиришни таклиф қилмоқчи бўлди-ю, ҳолат тақозоси билан сукут сақлади. Пётр Иванович курсида ўтирар экан, Иван Ильич меҳмонхонани қандай созлагани ва айна пуштиранг гулли газлама юзасидан у билан маслаҳатлашганини эслаб кетди. Диванга стол ёнидан ўтаётиб (меҳмонхона ичи тўла мебель ва буюмлар эди), аёлнинг қора ридоси попуги нимагадир илашиб қолди. Пётр Иванович ридони бўшатмоқчи бўлди-ю, бироқ тагидаги курси тийғониб кетиб, у қўзғалолмади. Бева кийимини ўзи ажратиб олди, Пётр Иванович шаккок курсини яна тагига босиб олиб ўтирди. Аёл бутунлай халос бўлмаган экан, Пётр Иванович яна қўзғалди, курси яна қийшайди, ҳатто ағнаб кетди. Буларнинг ҳаммаси жойига тушгач, аёл ёнидан тоза ипак қўлрўмолчасини чиқарди-да, йиғлай бошлади. Пётр Иванович бўлса, попук ва курси масаласини ҳал қилгач, тумшайиб жойига ўтириб олди. Ноқулай вазиятга Иван Ильичнинг буфетчиси Соколов барҳам берди. У Прасковья Федоровнага қабристонда белгиланган жой икки юз сўм туриши ҳақида маълум қилди. Аёл йиғлашдан тўхтади, маҳзун ҳолатда Пётр Ивановичга термилиб, французчалаб ўзига ниҳоятда оғир эканини изҳор этди. Пётр Иванович сукут сақлаб, ўз ҳолати шундай маъно англатишига қатъий ишонч билан, бу вазиятда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмаслигига ишора қилди.

– Чекинг, марҳамат, – деди аёл виқорли, айна пайтда эзгин овозда ва Соколов билан жойнинг нархи бўйича андармон бўлиб қолди. Пётр Иванович чека туриб кампир жуда синчковлик билан ерларнинг турли нархларини суриштирганини ва олмоқчи бўлган пулига аниқлик киритганини эшитди. Бундан ташқари, жой масаласини ҳал қилиб, гўяндалар юзасидан ҳам топшириқлар берди. Соколов кетди.

– Ҳаммасини ўзим эплайман, – деди у Пётр Ивановичга столда сочилиб ётган альбомларни бир четга сураб экан; кул столга тушаётганини пайқаб, шоша-пиша кулдонни Пётр Ивановичга яқин суриб қўйди ва давом этди: – Муғомбирлик билан бу ғамбода кунда дунёнинг ишлари билан шуғулланмайман, деб ўтирсам бўлаверарди. Аммо бу юмушлар мени юпатмаса ҳам... бироз овунтиради, ахир шу ташвишларнинг бари унинг учун-ку. – Аёл яна рўмолчасини олиб йиғлашга тутинди-ю, ҳасратидан устун келгандек, бир силкиниб осойишта гапира бошлади:

– Айтмоқчи, сизда менинг ишим бор.

Пётр Иванович тагида лиқиллаб турган курсининг пружиналари сочилиб кетмаслигини ҳисобга олиб қимирлади-да, майин қуллуқ қилди.

– Охирги пайтларда у қаттиқ қийналди.

– Йўғ-э! – деди Пётр Иванович.

– Ҳа, даҳшатли азоб чекди! Охирги дақиқаларда эмас, соатларда у тўхтамай қичқирди. Сурункасига уч кеча-кундуз овозини ютмай қичқирди. Бунга чидаб бўлмасди. Тушунолмайман, мен бунга қандай чидадим; уч эшик ортидан ҳам эшитиларди овози. Оҳ, қандай чидаганимга ўзим ҳайронман!

– Ҳуши жойидамиди, ўзини билармиди?.. – сўради Пётр Иванович.

– Ҳа, – шивирлади кампир, – охирги дақиқаларгача. Жон беришидан чорак соат олдин биз билан ви-

долашди ва ҳатто Володяни олиб чиқиб кетишни сўради.

Дастлаб шўх бола, ўқувчи, кейин улғайган ўртоқ сифатида жуда яқиндан билган кишисининг азобланиши ҳақидаги фикр, ўзининг ва манов хотиннинг сохта жонҳалаклиги ёқмаётганига қарамай, бирдан Пётр Иванович даҳшатга тушди. У яна ўша пешонани, лабга тармашган бурунни кўргандек бўлди ва бу манзарадан ўзи ҳам кўрқиб кетди.

“Уч кеча-кундуз даҳшатли азоб ва ўлим. Таасуфки, бу ҳозир, исталган дақиқада мен билан ҳам рўй бериши мумкин”, – ўйлади у ва бир дақиқада кўрқув дунёсига фарқ бўлди. Аммо тўсатдан беихтиёр сергакланди, бу кўргилик Иван Ильичнинг чекига тушди, меникига эмас, мен билан бундай фожиа рўй бермайди, деган одатдаги фикр калласига келди; агар шу тарзда ҳаёл қилса, тушкун кайфиятга асир бўлишини, бундай қилиш мумкин эмаслигига Шварцнинг ҳаёт тарзи мисол эканини ўйлаб кетди. Шундай мулоҳазага бориб, Пётр Иванович тинчланди ва қизиқиш билан Иван Ильичнинг сўнгги дақиқалари қандай кечганлигини суриштира бошлади, гўё ўлим унга эмас, фақат Иван Ильичга хос саргузаштдек.

Иван Ильич бошдан кечирган ҳақиқатан даҳшатли жисмоний азоблар ҳақидаги ҳар хил тафсилотлардан сўнг (бу тафсилотларни Пётр Иванович Иван Ильич чеккан азоблар Прасковья Федоровнанинг асабларига қандай таъсир қилганини ҳис этди) бева, афтидан, ишдан гапириш вақти етганини тушунди.

– Оҳ, Пётр Иванович, қандай оғир, қандай оғир азоб, қандай даҳшатли азоб, – у яна йиғлай бошлади.

Пётр Иванович тин олди ва аёл бурнини қоқиб бўлишини кутиб турди. Бурун қоқиш тугагач, деди:

– Таъзиямни қабул қилинг...

Бирдан аёл яна гапга тушиб кетди ва навбат мақсадга келганда, эрининг вафоти муносабати билан хазинадан қайси йўллар ила кўпроқ пул олиш юзасидан фикрини сўради. Бу билан Пётр Ивановичдан нафақа жамғармаси бўйича маслаҳат сўраётгандек бўлди, бироқ кўриниб турардики, аёл бу масаланинг ҳатто у билмайдиган энг майда тафсилотларигача ўрганиб чиққан; ҳаракатлар хазинадан мотам муносабати билан мўлроқ маблағ ундиришга қаратилганди; унинг қизиқиши товон ундиришнинг яна ҳам мақбул йўлларини излаш борасида янги усулларни топишда эди. Пётр Иванович бундай маблағ манбалари ҳақида ўйлай бошлади, анча бош қотиргандек бўлди ва таомил бўйича ҳукуматни хасисликда лаънатлаб, дедик, белгиланган меъёрдан чиқиб бўлмайди. Буни эшитиб, аёл чуқур хўрсинди ва суҳбатдошидан тезроқ қутулишга баҳона қидира бошлади. Гап қайси томонга оғганини тушуниб етган суҳбатдош папиросини ўчириб ўрнидан турди ва қўл олишгач, олдинги қаторга йўналди.

Бир пайтлар Иван Ильич брикабракдан* ўз қўли билан харид қилган соат қўйилган, ўшанда раҳматли жуда яйраган эди, ошхонага кирар экан, Пётр Иванович попга, таъзияга келган бир қанча танишларига дуч келди ва Иван Ильичнинг зурриёти, чиройли ойимқизни кўрди. Қиз бутунлай қорага ўраниб олганди. Унинг қомати нозик, жуда нозик, айниқса, мотам либосида яна ҳам нозик кўринарди. Чехраси ғамгин, қатъиятли, ҳатто ғазабли эди. У худди Пётр Иванович нимададир айбдордек, унга таъзим қилиб қўйди. Қиздан кейин шундай аламзада ҳолатда ёш бойвачча йигит турар, унинг суд терговчиси, куёв эканини эшитган эди. У ҳам маъюс саломлашди ва зинапоя қуйисидан Иван Ильичга қуйиб қўйгандек ўхшайдиган ўғли, гимназия-

* Брикабрак (франц.) – камёб буюмлар дўкони (Изоҳлар таржимонники).

чининг қомати кўрингач, Пётр Иванович марҳум ётган хонага киришни истаб, ўша томон ўтди. Ўғил Пётр Ивановичнинг хотирасида сақланиб қолган билим юртидаги кичкина Иван Ильич эди. Боланинг кўзлари йиғидан қизарган ва таассуфки, ўн уч-ўн тўрт ёшли болаларда учрайдигандек, шумроқ эди. У Пётр Ивановични кўргач, қовоғи солиниб, пешонаси уялганнамо тиришди. Пётр Иванович унга бошини ирғаб қўйди-да, марҳумнинг хонасига кирди. Мотам маросими бошланди – шамлар, йиғи овозлари, ўлайлаш, кўз ёшлари, энтикишлар. Пётр Иванович оёғининг учига кўзини тикканча бошини эгиб қовоқ солиб турди. У марҳум тарафга бир марта ҳам назар солмади, охиригача бўшашмай, ўзини маҳкам тутди ва биринчилардан бўлиб хонадан чиқди. Олдинда ҳеч ким йўқ эди. Ошхона хизматчиси Герасим хонадан отилиб чиқди-да, кийимхонадаги жами пўстинларни паншахадек қўли билан у ён-бу ён суриб, Пётр Ивановичнинг либосини топди ва унга узатди.

– Қалай, биродарим Герасим? – гап қотди Пётр Иванович йўлига, нимадир дейиш учун. – Афсусдами-сан?

– Худонинг иродаси. Ҳаммамизнинг борар жойимиз ўша ёқ, – деди Герасим оппоқ, сўйлоқ тишларини тиржайтириб ва замзамали хизматга сафарбар этилган одамдек шахт билан эшикни очиб, извошчини чақирди, аравага Пётр Ивановични ўтқазди ва яна муҳим бир иши эсига тушгандек орқага бурилди-да, ўқдек учиб айвон томонга ўтиб кетди.

Пётр Ивановичга тоза ҳавода нафас олиш, айниқса тутатқи, мурда ва карбол кислотанинг ҳидидан кейин, жуда ёқиб тушди.

– Қай томонга буюрадилар? – сўради ҳайдовчи.

– Ҳали кеч эмас. Майли, Федор Васильевичникига кираман.

Пётр Иванович йўлга тушди. Ҳақиқатан, ўйиннинг биринчи давраси тугагач, қартабозларни ўзининг бешинчи бўлиб қўшилишига мажбур қилди.

2

Иван Ильич яшаб ўтган ҳаётининг тарихи ҳам жуда оддий, ҳам одатдагидек, ҳам ўта даҳшатли эди.

Суд палатасининг аъзоси Иван Ильич қирқ беш ёшида вафот этди. У Петербургдаги турли вазирлик ва департаментларда шароитнинг ўзи одамларни бирқадар даражага етказадиган маълум амални қўлга киритган мансабдорнинг ўғли эдики, ҳаммаси кундай равшан бўлганидек, бундайлар қандайдир муҳим вазифани бажаришга ярамайдилар, аммо барибир ўз мансаб ўринлари, ўтаган хизматлари ва етишган даражаларига кўра уларни ишдан ҳайдаб бўлмайди, негаки, ўйлаб топилган хуфиёна бир жойга тошдек чўкиб туришади, олти мингдан ўн минггача маош тайин ҳамда шу зайлда то мункиллаганча ивирсиб юраверишади.

Ҳар хил кераксиз маҳкамаларнинг кераксиз аъзоси, махфий маслаҳатчи Илья Ефимович Головин шундай одам эди.

Унинг уч ўғли бор эди. Иван Ильич иккинчиси эди. Катта ўғли худди отаси сингари ҳаёт кечирди, фақат бошқа вазирликда хизмат вазифасини ўтади, эндиликда ўша оқим билан яшаб, нафақа ёшига яқинлашиб қолган. Учинчи ўғил омадсиз чиқди. У турли жойларда ўзини синаб кўрди, ҳозир темир йўлда ишляпти: отаси, акалари, айниқса, уларнинг хотинлари нафақат уни кўришни ишташмайди, балки зарурат туғилганда ҳам унинг борлигини эслашни хоҳлашмайди. Опа отаси каби петербурглик амалдор, барон Грефга узатилганди. Иван Ильич, тан олганларидек, оиланинг фах-

ри эди. У акаси сингари совуққон ва тартибли ҳам, ука-
сидек тажанг ҳам эмасди. У оға-иниларнинг ўртасида
эди – ақлли, ҳаракатчан, ёқимтой ва батартиб одам
эди. Укаси билан ҳуқуқшуносликда ўқиди. Укаси
ўқишни тугатмади, бешинчи босқичда ҳайдалди,
Иван Ильич эса мактабни яхши тугатди. Билим юрти-
да у бутун ҳаёти давомида қандай талъат касб этган
бўлса, шундай эди: қобилиятли, хушчақчақ, саховат-
ли, киришимли, бироқ ғоят омилкор ижрочи эди ва
бунини ўз бурчи деб биларди; бу бурчини ўзидан юқори
турувчи ҳар қандай одамнинг иродасига бўйсуниб
деб тушунарди. У болаларга, кейинчалик катталарга
хушомадгўйлик қилмасди, бироқ эсини танигандан
бошлаб ёруғликка интилган чивиндек, юқори дара-
жадаги одамларга талпинди, ўзича уларнинг турмуш
тарзларини, ҳаётга қарашларини ўзлаштирди ва бун-
дай одамлар билан яқин алоқа ўрнатди. Болалик ва
ёшликнинг барча жозибалари унинг учун изсиз кет-
ди; у ҳиссиёт ва шуҳратпарастликка берилди, юқори
давраларда эса туйғулари тақозо этган даражада му-
росасозлик йўлини тутди, бироқ маълум чегарадан
чиқмади.

Ҳуқуқшуносликда дастлаб ўзига қабиҳ туюлган
ҳаракатларни содир этган пайтлари ҳам бўлди, уларни
амалга оширган лаҳзаларда ўзидан нафратланиб ҳам
юрди; кейинчалик бундай қилиқлар ўзи интилган ки-
шилар феъл-атвориға ҳам бегона эмаслигига ва улар
шу ҳоллари билан ярамас ҳисобланмасликлариға
гувоҳ бўлди, уларни яхши деб ҳам билмади, бундай-
ларни бутунлай унутмади, ҳамда улар ҳақидаги хоти-
ралар хафа қилмай ҳам қўйди.

Ҳуқуқшуносликда ўнинчи синфни тугатиб, ота-
сидан хизмат либоси учун пул олгач, Иван Ильич
Шармерда либосга буюртма берди, занжирга касб
ёрлиғини илдириб, шахзода ва тарбиячи билан хайр-

лашди, ўртоқлари билан Дононда тушлик қилди ва янги урф бўлган жомадонга энг яхши дўконлардан харид қилинган чойшаб, кўйлақлар ва орасталикка асқотадиган ашёларни жойлаб, вилоятга, отаси топган губернаторнинг махсус топшириқлар бўйича ходими вазифасига йўл олди.

Вилоятда худди ҳуқуқшуносликда қандай бўлса, шундай енгил ва ўнғай шароитни яратиб олди. У хизматни ҳам, мансабни ҳам, ёқимли ва яйраб дам олишни ҳам жойига қўярди; гоҳида бошлиқларнинг топшириғи билан жойларга хизмат сафарига чиқар, бу пайтда катта-кичик билан учрашганда ўзини сипо тутар, ҳеч вақт мақтанмай, аниқлик ва ҳалоллик билан аксарият бузғунчиларни мурасага келтириш борасидаги зиммасига юкланган вазифаларни адо этарди.

У ёшлигига, енгил-елпи шўхликларга мойиллигига қарамай хизмат курсисида фавқулодда босиқ, расмийатчи, ҳатто қатъий эди; жамоат ишларида гоҳида ўйинқароқ, ҳозиржавоб, ҳар доим хушмуомала, одамшаванда ва албатта, унинг ўз одамларига айланиб улгурган хўжайинлари айтганидек, “эркатой гўдак” эди.

Вилоятда олифта ҳуқуқшуносга илакишиб қолган бир аёл билан, бир сатанг билан алоқалар бўлди; меҳмон флигель-адъютантлар билан ичкиликбозлик ва кечки овқатдан кейин шаҳар четидаги кўчага кириш ҳам бўлди; бошлиққа, ҳатто бошлиқнинг хотинига мулозамат қилиш ҳам бўлди; буларнинг ҳаммаси ўз шамойилида юксак назокатни сингдирган эдики, уларни асло ёмон сўз билан атаб бўлмасди: ҳаммаси французларнинг “ёшлик қутуриши керак” деган ҳикматига мос келарди. Ҳаммаси покиза қўл билан, тоза кўйлақларда, французча илтифотлар билан, энг муҳими – жамиятнинг юқори қатламида, яна уларнинг хайрихоҳлиги остида рўй берди.

Иван Ильич шу тарзда беш йил хизмат қилди ва хизмат жойини ўзгартириш фурсати келди. Янги суд маҳкамалари ташкил қилинди ва уларга янги одамлар керак эди.

У шундай янги одамлардан бири бўлиб чиқди.

Иван Ильичга суд терговчиси лавозими таклиф қилинди ва у гарчи бу вазифа бошқа губернияда бўлса-да, ўзига нисбатан шаклланган муносабатлардан воз кечиш ва янги муносабатлар ўрнатишга тўғри келса-да, уни қабул қилди. Иван Ильични дўстлари кузатиб қўйди, гап ташкил қилишди, эсдалик учун кумуш папирос қути тақдим этишди ва у янги жойга жўнаб кетди.

Суд терговчиси Иван Ильич олдингидек комильфо*, одамшаванда, хизмат мажбуриятини шахсий ҳаётидан ажрата биладиган ва махсус топшириқлар бўйича ходим сифатида жамоатчилик ҳурматини уйғота оладиган одам бўлиб қолди. Терговчилик хизматининг ўзи Иван Ильич учун олдинги ишидан кўра қизикроқ ва мафтункорроқ эди. Олдинги хизматида амалдорлар ва маъмурларнинг қабулига келган, қалтираб турган одамларнинг ҳасадини кўзғаб, уларнинг ёнидан тугмаси ялтироқ мундирда қадамларини салмоқлаб ташлаб ўтиб, бемалол бошлиқнинг хонасига кириш, бир пиёла чой устида папирос чекиб, валақлаб ўтириш унга жуда-жуда ёқар эди; бироқ унинг бундай бахтиёрлигига ҳасад қиладиганлар кам эди. Бундай одамларни уни хизмат сафарига жўнатганларида жойлардаги полиция бошлиқлари, бузгунчилар орасида учратарди; ўзига тобе бундай одамлар билан назокатли, дўстона муомалада бўлар, бу билан уларни хоҳласа эзиб ташлаш қўлидан келиши-ю, азбаройи улуғлигидан марҳамат кўрсатаётганини писанда қилишни севарди. Бун-

* *Комильфо (франц.)* – одоб-ахлоқли, тарбияли.

дайлар озчилик эди. Энди эса суд терговчиси Иван Ильич англаб етдики, ҳамма, жуда эътиборли, ўзига бино қўйган ҳамма одамлар унинг бир ишорасига маҳтал, хоҳласа, сарлавҳали машъум қоғозга ўшатиш сўзларни ёзади ва ўша эътиборли, димоғдор зотни айбдор ёки гувоҳ сифатида унинг қаршисига ўтирғизиш қўядилар ва у ҳаммасини ҳал қилади, хоҳласа, қаматади, хоҳламаса, тутқун қалтираб, унинг саволларига жавоб қайтаришга мажбур. Иван Ильич ҳеч қачон ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилмаган, аксинча, вазиятни юмшатиш йўлидан борган; бироқ бу ҳокимиятни англаш ва уни юмшатиш имконияти янги хизмат вазифасининг завқ ва жозибасини ташкил этди. Хизматда, айнан терговчиликда Иван Ильич ҳар қандай мураккаб иш жорий қилинган тартиблар асосида ифодаланса, унинг фақат ташқи моҳияти билан қоғозда акс этиши, хусусий жиҳатлари рад этилишини англаб етди ва асосийси талаб этиладиган жами расмийчиликлар сақланганда юзага келадиган хизмат доирасига кирмайдиган барча ҳолатларни инкор этиш усуллари жуда тез ўзлаштирди. Бу бутунлай янги ёндашув эди. Ва у 1864 йилда амалиётга жорий қилинган низомларга иловаларни ишлаб чиққан кишиларнинг дастлабкиларидан эди.

Бу шаҳарга суд терговчиси вазифасига ўтгач, Иван Ильич янги танишлар орттирди, борди-келдиларни йўлга қўйди, ўзини бошқачароқ тутди, ҳаммасига янгича тус беришга интилди. У губерния маъмуриятидан анча узоқлашди, танишларни эса шаҳарда яшаётган судьялар ва бой зодагонлар диванидан орттирди, одамлардаги ҳукуматдан енгил норозилик кайфиятини юқтирди, мурасасозлик ва ривожланган фуқаролик тартибларини ёқлади. Шу билан бирга, Иван Ильич ўз орасталигини бирқадар ўзгартириб, янги вазифада иягини қиртишлашни

бас қилди ва соқолига қанча хоҳласа, шунча ўсиш имконини берди.

Иван Ильичнинг янги шаҳардаги ҳаёти жуда кўнгилли эди: губернатор билан ихтилофда бўлган жамоа тотув ва ҳамжиҳат эди; маблағ еб-ичишга етарди, яна қарта ўйини унинг ҳаётига ўзгача завқ бағишларди, у қарта ўйнаганда шод-хуррам бўлар, бу ўйиннинг нозик жиҳатларини ўзлаштириб олган, шунинг учун аксарият ютиб чиқарди.

Бу жойдаги икки йиллик хизмати давомида Иван Ильич ўзининг бўлажак умр йўлдошини учратди. Прасковья Федоровна Михель Иван Ильич ўралашиб қолган даврадаги энг истараси иссиқ, ақлли, ҳаракатларидан ўт чақнаб турган қиз эди. Терговчи Иван Ильич меҳнатга дам берувчи эрмак ва фароғатлар қатори Прасковья Федоровна билан кўнгилочар, енгил муносабат ўрнатди.

Мухим топшириқлар бўйича ходимлик даврида Иван Ильич рақсга тушишни қойиллатарди; суд терговчиси бўлгач, йўлига рақс тушарди. У шу маънода рақсга тушардики, бу янги муассасадами, бешинчи синфдами – фарқи йўқ, агар иш шунгача бориб етса, мен бу борада тенгсиз эканимни кўрсатиб қўяман. Шу йўсинда, базмларнинг охирида баъзан Прасковья Федоровна билан рақсга тушар ва бу рақслар жараёнида Прасковья Федоровнани мағлуб этарди. Шу тариқа қиз уни севиб қолди. Иван Ильичда уйланиш борасида аниқ, режалаштирилган мақсад йўқ эди, қиз уни севиб қолгач эса шундай саволни кўндаланг қўйди: “Аслида, уйланишимга нима монелик қилади?”

Қизалоқ Прасковья Федоровна яхшигина зодагонлар авлодидан эди, аҳмоқ эмасди; ўзига яраша бисоти бор эди. Иван Ильич тақдирини бундан ҳам мойлироқ қиморга тикиши мумкин эди, бироқ шуни си ўнғай. Иван Ильичнинг ўз тирикчилиги бор эди, у

шунга умид қилардики, қизнинг топиш-тутиши ҳам бундан кам бўлмайди. Насли тоза, ёқимтойгина, ғоят басаришта ҳам. Гапнинг сирасини айтганда, Иван Ильич атрофидаги одамлар шуни маъқул кўрганлари туфайли уйланди, дейиш адолатдан бўлмайди, негаки у ўз қайлиғини севди, унда ҳаётда туйғуларини қадрлайдиган ҳамроҳни кўрди. Иван Ильич икки мулоҳазага кўра уйланди: шундай аёлни танлагани ўзига ёқди, боз устига юқори мансабда турган арконлар ҳам бу қарорни маъқуллашди.

Шундай қилиб, Иван Ильич уйланди.

Уйланиш жараёнининг ўзи – тўй, оилавий ҳаётнинг дастлабки палласи – келин-куёвларга хос ширингуфторликлар, янги мебеллар, янги идиш-товоқлар, то аёлининг ҳомиладор бўлгунича жуда яхши кечди, ҳатто Иван Ильич таассуф қила бошладики, уйланиш унинг ўзи ҳаётнинг бор буд-шуди деб қараган, жамият томонидан маъқулланган ва қабул қилинган енгил, ёқимли, шодон турмуш тарзини бузиб юбормай, аксинча, уни теранлаштирар экан. Аммо хотини ҳомиладорлигининг дастлабки ойларида бирдан нига ўзгача, кутилмаган, ёқимсиз, оғир ва қолипга сиғмайдиган воқеалар содир бўлдики, уларни ҳеч ким соғинмаганди, улардан қутулиб ҳам бўлмади.

Иван Ильичга туюлганидек, аёл ўринсиз инжиқликлар билан, бу унинг ўзининг ибораси эди, турмушнинг ёқимли ва сокин муҳитини буза бошлади: эрини сабабсиз рашк қилади, ундан ўзига айрича эътибор қаратишини талаб қилади, ҳамма нарсадан шубҳаланади, шу билан эркакни ёқимсиз ва дағал ҳолатларга солади.

Бошида Иван Ильич бундай вазиятдан олдин ҳам ўзига кўп ёрдам берган усул – ҳаётга енгил-елпи, истиғносиз қараш билан чиқиб кетмоқчи бўлди, хотинининг руҳий мувозанатини тартибга солишга

уринди, олдингидек очилиб, яйраб яшашда давом этди: уйига дўстларини чорлаб, қарта ўйнарни, ўзи ҳам клуб ёки танишлариникига қадам ранжида қилиб турди. Лекин бир сафар хотини шундай важоҳат билан кўпол сўзларни ишлатиб ҳақорат қилди ва эри айтганларини бажо келтириб, таслим бўлмагунча, ўзи каби уйда ўтириб сиқилмагунча дийдиёларини бас қилмаслигини баён этиб, кейинчалик ҳам ўшандай ҳақоратларни давом эттирдик, бундан Иван Ильич даҳшатга тушди. У эр-хотинлик муносабати – ҳар қандай шароитда ҳам, айниқса унинг хотини билан – ҳаётнинг дилраболиги ва гўзаллиги билан чиқишмас экан, аксинча, уларни кўпроқ бузар экан, демак, ўзингни шундай ғоратгарликдан сақлашинг лозим, деган хулосага келди. Ва Иван Ильич бу йўлда воситалар излай бошлади. Юмуш битта эди, Прасковья Федоровнани тинчлантириш ва Иван Ильич хизмат ҳамда унинг мажбуриятларидан келиб чиқадиган воситалар билан ўзининг мустақил дунёсини чегириб, хотинига қарши кураш бошлаб юборди.

Фарзанд туғилиши билан уни овқатлантириш, бу борадаги турли ғиди-бидилар, ҳақиқатан бўлган ёки ўйлаб топилган, Иван Ильичнинг аралашишини талаб қиладиган, бироқ унинг ўзи нима қилишини билмайдиган бола ва онанинг касалликлари – инжиқликлар Иван Ильич учун оила даврасини торайтириб, ундан ташқари ҳаётни яна ҳам жозибали қилиб борар эди.

Хотин жаҳлдор ва шафқатсиз бўлиб боргани сари Иван Ильич ҳаётининг оғирлик марказини яна ва яна хизмати елкасига юкларди. У касбини олдингидан ҳам қаттиқроқ севадиган, янада шуҳратпарастроқ бўлиб қолди.

Кўп ўтмай, уйланганларига бир йил тўлиши нариберисида Иван Ильич тушуниб етдики, оилавий ҳаёт тирикчиликда асқотадиган кўп нарсаларга ўргатибди,

амалда жуда қийин ва мураккаб иш ҳисобланган, жамият томонидан тан олинган турмуш тарзи асосидаги муносиб тирикчиликни юритиш учун ўз мажбуриятини бажаришда, худди хизмат соҳасида бўлганидек, аниқ муносабатни қарор топтириш лозим экан.

Иван Ильич ўзи учун оилавий ҳаётда ана шундай муносабатни яратиб олди. У оилавий ҳаётдан уйда тушлик, хизматкорлардан фойдаланиш, хотини илтифот қилиши мумкин бўлган тўшак сингари одатий машғулотлар, энг асосийси, кўпчилик фикри билан қарор топган зоҳирий расмийатчиликни талаб қилди. Қолган вақтларда кўнгилочар хушчақчақликни излади, агар топа олса, мамнун бўлди; агар қаршилик ёки майдагапга дуч келса, шу лаҳзада ўзининг хизматдаги хилват, чегараланган оламига равона бўлди ва ундан фароғат топди.

Иван Ильични яхши ходим сифатида қадрлашарди ва уч йилдан кейин прокурор ёрдамчиси этиб тайинлашди. Янги мажбуриятлар, уларнинг масъулияти, ҳар қандай кишини судга тортиш, авахтага тикиб қўйиш имконияти, нутқининг равонлиги, ишдаги ютуқлари – буларнинг ҳаммаси Иван Ильични хизматга баттар руҳлантирди.

Болалар улғайди. Хотини яна ҳам майдагап ва забти тор бўлиб қолди, лекин Иван Ильичнинг оилавий ҳаётда ўзи ишлаб чиқиб ўрнатган тартиблари унинг учун бунақа майдакашликларнинг аҳамиятини деярли йўққа чиқарди.

Бир шаҳарда етти йиллик узлуксиз хизматдан кейин Иван Ильични бошқа губернияга прокурор вазифасига ўтказишди. Улар кўчиб келишди, сармоя кўп эмас эди, хотинга янги жой ёқмади. Топиш-тутиш олдингидан кўп бўлса-да, тирикчилик қимматлашиб кетди; бундан ташқари икки фарзандлари вафот этди ва Иван Ильич учун оилавий ҳаёт бамисоли дўзахга айланди.

Прасковья Федоровна янги яшаш жойидаги барча омадсизликлар учун эридан ёзгирарди. Эр-хотин суҳбатларининг аксарият мавзуси, айниқса, болалар тарбияси масаласида олдингидек жанжалларга бориб тақалар, жанжаллар эса исталган дақиқада оловланишга шай турарди. Гоҳида севишиб юрганларининг ёқимли хотиралари қалқиб чиқарди, аммо бу ҳам узоққа бормасди. Бу лаҳзалар улар бир қўниб ўтган оролча эди, кейин яна бир-бирларидан ажратиб юборган, бегона қилиб қўйган хусуматлар уммонига фарқ бўлишарди. Бегоналашув, агар Иван Ильич бундай бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаганда, уни хафа қилиши мумкин эди, бироқ аллақачон бундай ҳолни нафақат табиий қабул қилди, балки оиладаги фаолиятининг мақсади деб билди. Мақсад эса бундай кўнгилхираликлардан иложи борица кўпроқ халос бўлиш йўллари излаш ва бу ҳаракатига зарарсизлик ҳамда ёқимлилиқ хусусиятини бағишлаш эди; бу мақсадга эса оила даврасида иложи борица камроқ бўлиш, келишга мажбур бўлганда эса бошқа бировнинг ҳамроҳлигида ташриф буюриш билан эришди. Муҳими, Иван Ильичнинг иши бор эди. Унинг хизмат оламида бутун ҳаётий қизиқишлари мужассам бўлганди. Бу қизиқишлар эса уни гирдобига тортиб кетди. Ўз ҳукмронлигининг ҳавоси, кимни хоҳласа мажақлаб ташлаши мумкинлиги, судда унинг ташрифи ёки қўл остидагилар билан учрашишига интиқ бўлишлари ва асосийси, ҳис қилиб турган ишини маҳорат билан амалга ошира олиши – буларнинг ҳаммаси уни мамнун этарди ва дўстлар билан суҳбатлар, бирга тушликка чиқиш ва қарта ўйини билан биргаликда унинг ҳаётини бекаму кўст қиларди. Умуман айтганда, Иван Ильичнинг ҳаёти шу тарзда, ўзи чамалаганидек, ёқимли ва кўнгилли давом этарди.

У шу зайлда етти йил яшади. Катта қизи аллақачон ўн олтига тўлган, яна бир гўдак вафот этган, ташвишларининг манбаи бўлмиш гимназиячи бола билан қолишганди. Иван Ильич уни ҳуқуқшуносликка бермоқчи бўлди, Прасковья Федоровна эса жўрттага гимназияга топширди. Қиз уйда таълим олди ва яхши ўсди, бола ҳам ёмон ўқимади.

3

Иван Ильичнинг уйланганидан кейинги ўн етти йиллик ҳаёти шундай кечди. У аллақачон ҳар хил силкилашларга бўй бермайдиган, яна ҳам ёғлироқ жойга кўз тикиб турган басавлат прокурор даражасига етганда кутилмаганда ёқимсиз бир воқеа рўй берди-ю, унинг тинч ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Иван Ильич университет шаҳарчасига раислик лавозимидан умидвор эди, Гоппе илдамроқ чопди-да, бу жойни эгаллаб олди. Иван Ильич чидолмади, ўз норозилигини билдирди ва у билан ҳамда ўзига яқин бошлиқ билан жанжаллашиб қолди; шу билан ундан совидилар ва кейинги даврада ҳам уни четлаб ўтишди.

Булар 1880 йилда рўй берди. Бу Иван Ильичнинг ҳаётидаги энг оғир йил бўлганди. Шу йилларда, бир томондан қараганда, тирикчилик учун маош ҳам етмасди; бошқа тарафдан – уни бутунлай унутдилар ва унинг чекига тушган, ўзининг тасаввурича, оғир ва даҳшатли ноҳақликларни бошқалар одатдаги ҳол сингари баҳоладилар. Ҳатто отаси ҳам унга ёрдамлашишни ҳаёлига келтирмас, буни ўзининг мажбуриятидан ташқари ҳисобларди. Иван Ильич англадики, 3500 рубллик маош олиб, тирикчилик қилаётган прокурорни ҳамма тарк этди ва унинг ҳозирги аҳволини меъёрида деб, ҳатто бахтли ҳисоблашади. Фақат унинг ўзи шуни билардики, ўзига нисбатан қилинган

ноҳақликлар, хотинининг охири йўқ ёзғиришлари, қарзлари, у шунга мажбур бўлиб, энди қарз кўтара бошлаганди, имкониятидан яхшироқ яшашга уринишлари сабаб аҳволи ҳавас қилгулик эмас.

Шу йилнинг ёзида моддий аҳволини мўътадиллаштириш мақсадида таътил олди ва хотини билан Прасковья Федоровнанинг қишлоқдаги акасиникига кетишди.

Қишлоқдаги бекорчиликдан Иван Ильич дастлаб фақат зерикиш эмас, балки қаттиқ соғинч ҳиссини ҳам туйдики, бундай яшаб бўлмаслигини ва қандайдир аниқ чоралар кўриш зарурлигини тушуниб етди.

Уйқусиз тунларнинг бирида у долонда айланиб юриб, Петербургга бориш, кимларнингдир эшигини тақиллатиб, шундай бебаҳо одамни унутиб юборган ўшаларни жазолатишга қарор қилди ва бошқа вазирликка ишга ўтишни мўлжаллади.

Кейинги кун хотини ва қайноғасининг ҳарчанд йўлдан қайтаришларига қарамай, Петербургга жўнади.

У бир нарсга учун йўлга чиқди: беш минглик маоши бор жойни тилаб олиш. У аниқ бир вазирлик, йўналиш ёки машғулоти турини мўлжаллагани йўқ. Унга ҳар қандай жой: маъмуриятдами, банкдами, темирйўлдами, император хоним Мариянинг муассасасидами, ҳатто божхонадами, беш минглик маош бўлса кифоя, бўладигани беш минг рубллик маош ва бўладигани унинг қадрига етмаган вазирликдан халос бўлиш.

Қарангки, Иван Ильичнинг бу сафари кутилмаган ва ҳайрон қоларли муваффақият билан якунланди. Курсда биринчи даражали вагонга таниши Ф. С. Ильин чиқди ва уни губернатордан олган телеграммасидаги янгилик билан таништирди. Шу кунларда у ишлаган вазирликда тўнтариш рўй

бераётган эмиш, Пётр Ивановичнинг ўрнига Иван Семёнович тайинланар экан.

Кўзда тутилаётган янги тайинланишлар Россия тарихидаги аҳамиятидан ташқари Иван Ильич учун ҳам беиз кетмасди, негаки, Пётр Иванович ва шубҳасиз, унинг ўртоғи Захар Ивановичнинг янги мансабга кўтарилиши Иван Ильич учун олий даражадаги айна муддао эди. Захар Иванович Иван Ильичнинг дўсти ва ҳамтовоғи эди.

Москвада хабарлар тасдиқланди. Петербургга ўтгач, Иван Ильич Захар Ивановични топди ва ўзининг олдинги Адлия вазирлигида ишончли ўринга тайинланишининг қатъий ваъдасини олди.

Бир ҳафтадан кейин хотинига телеграмма жўнатди:

“Захар Миллернинг ўрнида биринчи маърузада лавозим билан сийланаман”.

Иван Ильич ходимларнинг ўзгариши шарофатидан кутилмаганда ўзининг кадрдон вазирлигида шундай ўринга тайинландики, бу олдинги мансабидан икки поғона баланд эди: беш минг рубллик маош ва уч минг рубллик рағбатлантириш. Рақибларнинг барча тўсиқлари олиб ташланган ва вазирлик эгалланган, бундан Иван Ильич бутунлай бахтиёр эди.

Иван Ильич қишлоққа шод, мамнун қайтди, кўпдан бери у бундай яйрамаганди. Прасковья Федоровна ҳам хурсанд бўлди ва олдинги гиналарни унутиб, ярашдилар. Иван Ильич Петербургда унга қандай иззат кўрсатганлари, бир вақтлар душман саналганларнинг писиб қолганлари-ю, унга қуллуқда бўлганлари, унинг омадига ҳасад қилишлари, айниқса Петербургда уни қанчалик қаттиқ севишларини сўзлаб чарчамасди.

Прасковья Федоровна бу гапларни жонқулоғи билан тинглар, ўзини ҳаммасига ишонаётгандек қилиб

кўрсатар, ҳеч нарасага эътироз билдирмас, фақат янгидан кўчиб борадиган шаҳарларида турмушни ўзгача йўлга қўйиш юзасидан режалар тузарди. Иван Ильич ҳам хурсандчилик билан бу режалар унинг ҳам мўлжаллари билан мос тушаётганини таъкидлар, ўзининг абгор бўлган ҳаёти хотинининг ҳақиқий, унутилган шодликлари қайтиши эвазига изга тушиб кетишига ишонарди.

Иван Ильич қисқа муддатга келганди. 10 сентябрда лавозимни қабул қилиши, шу билан бирга, янги жойга ўрнашиши, ашқол-дашқолларни вилоятдан келтириши, янги нарсалар сотиб олиши, кўп нарсаларга буюртма бериши лозим эди; бир сўз билан айтганда, ҳаммасини шундай ташкил қилиш керак эдики, унинг ақли нимани таъкидлаган бўлса, рўёбга чиқиши ва буларнинг ҳаммаси Прасковья Федоровнанинг қалби истаган орзулар билан мос тушиши лозим эди.

Энди, ҳаммаси муваффақиятли уддалангач ва хотини билан мақсадга ўтилгач, бирга жуда кам яшаганлари, ими-жимида айро тушганлари, эр-хотинликнинг дастлабки йилларидагидек тотли турмуш насиб этмагани кўз олдига келди. Иван Ильич оиласини ҳозироқ олиб кетишни ўйлади. Аммо бирданига унга ва оиласига яқин ва ғамхўр бўлиб қолган опаси ва куёвининг қистови билан Иван Ильичнинг бир ўзи жўнаб кетди.

Иван Ильич жўнаб кетди, ишдаги муваффақиятлар ва хотини билан мурасага келганидан туғилган, бир-бирини қувватлаган аъло кайфият уни тарк этмади. Бинойдек шинам уй топди, бу бир пайтлар эр-хотин орзу қилган бошпананинг айнан ўзи эди. Эски услубдаги кенг, баланд хоналар, шинам катта кабинет, хотини ва қизи учун махсус хоналар, ўғил учун дарсхона – худди улар учун атайлаб қурилгандек. Иван Ильич жиҳозлашни ўз зиммасига олди, гулқоғозларни ўзи танлади, қадимги боярлар услубидаги мебеллар со-

тиб олди, деворларга ҳам ўз дидидаги пардалардан торттирди, ҳаммаёқ очилиб кетди ва у хаёлида тасаввур қилган олиймақом манзара юзага келди. Жиҳозлаш ярмига етганда унинг хунари шу даражада намоён бўлдики, ҳосил бўлган нафосат кутганидан анча юқори эди. У ҳаммаси тайёр бўлгач, бошқалар қабул қиладиган салобатли, тўкис ва дилтортар манзарани тасаввур қилди. Ўзича катта хона қандай бўлишини хаёлига келтириб кўрди. Ҳали таъмири тулмаган меҳмонхонага назар ташлаб, у аллақачон камин, унинг олдидаги панжара ва жавонларни кўрди, бу сочилиб ётган курсичалар, деворларга терилган мис товоқ ва ликоплар жой-жойига қўйилганда юзага келадиган кўрк уни яйратиб юборди. Унга ўзидек дидга эга Паша ва Лизенькани бу совғаси билан қанчалик хурсанд қилиши мамнуният бағишлади. Улар бунақасини кутмаганди, бироқ ҳаммаси улар учунда. Муҳими, кўнгилга олийжаноблик ва тўкислик кайфиятини улашадиган арзон нархдаги қадимги буюмларни топиш ва харид қилиш мумкин бўлди. Яқинларига йўллаган хатларида уларни бирваракайига ҳайратга солиш учун ҳаммасини яшириб, балки баттар қилиб ёзди. У бу юмушларга шунчалик берилиб кетдики, айти уни мамнун қилган ва севган янги иши ҳам кейинга сурилиб қолди. Мажлислар асносида хаёли паришон бўлиб кетарди: дераза пардасини осигга қандай пирамон олсам: сидирғасиданми ёки йиғилганидан? Қараб ўтиришга сабри чидamay, нарсаларни ўзи ташиди, ҳатто мебелларни ўрнаштирди, пардаларни осди. Бир сафар нарвончага чиқиб, гулқоғоз ёпиштираётган устага ўзи истаган бурама нақшни ўргатаман деб сурилиб кетди ва йиқилиб тушди, чаққонлик билан ўзини ўнглаб олди-ю, аммо дераза ромига биқини билан қаттиқ урилди. Лат еган жойи оғриб юрди, бироқ ҳаммаси ўтиб кетди. Шу кун-

ларда Иван Ильич ўзини ўта хушчақчақ ва бардам ҳис қиларди. “Ўзимни ўн беш йилга ёшаргандай сезаяпман”, деб такрор-такрор таъкидларди ўзича. Юмушларни сентябрда тугатишга астойдил интилди-ю, барибир иш октябрнинг ўрталаригача чўзилди. Майлига, лекин ҳаммаси гузал бўлди, буни нафақат ўзи тан олди, балки кўрганлар ҳам эътироф этишди.

Одатда бир-бирига ўхшагаш ўртаҳол одамлар бой бўлишни жуда хоҳлайдилар ва бойларга тақлид қиладилар: қалин мовут газлама, қора ёғоч, гуллар, гиламлар ва тўқ ёки ялтироқ мис лаганларни тахлайдилар ва ҳамма танийдиган машхур одамларга ўхшагилари келади. Унда ҳам, гарчи диққатни қаратиш шарт бўлмаса ҳам, шунга ўхшаш нарсалар бор эди; ўзининг назарида эса унинг буюмлари бутунлай ўзгача эди. Ниҳоят у оиласини темирйўл станциясида кутиб олиб, уларни тўғри ўзининг ярақлаб турган хонадонига бошлаб келди, оқ галстук тақиб олган хизматкор гулларга ғарқ олдинги хона эшигини очди, кейин меҳмонхонага, хос бўлмага киришди, шу ерда ҳайратдан донг қотишди, – бундан у ўзини дучандон бахтиёр ҳис этар, уларни айлантириб, ҳамма жойни кўрсатар, мақтовларни мамнуният билан қабул қиларди ва мамнунлигидан кўнгли чароғон бўларди. Шу оқшом чой устида Прасковья Федоровна Иван Ильичдан қандай йиқилганини сўраганда, у ёйилиб кулди ва ҳаммага қандай учиб тушганини ва устани кўрқитганини кўрсатиб берди.

– Бехудага гимнаст бўлмаганман ахир. Бошқа одам бўлганда ўлиб қоларди, мен эса мана бу жойим билан андак туртиниб ўтдим, холос; қўл тегиб кетса, оғрийди, бироқ аллақачон тузалиб кетди; ўрни андак қорайиб турибди.

Улар янги хонадонда ҳар доимгидек, бир пайтлар яхши яшаганлари сингари, худди ҳамма нар-

са етарли-ю, фақат яна битта хона камдек, маблағ, бошқа воситалардан ҳам шикоят йўғу, фақат жиндай пул – беш юз сўм етишмайди сингари жонҳалак кайфиятда кўнгилли яшадилар. Айниқса, ҳали ҳаммаси бажарилмаган, лекин адо этилиши лозим бўлган дастлабки пайтлар ёқимли эди: ниманидир харид қилиш, бошқасига буюртма бериш, бирининг ўрнини алмаштириш ёки ўзгасини тузатиш даркор. Гарчи эр-хотин ўртасида бир қанча англашилмовчиликлар юзага келиб турса-да, иккаласи ҳам шундай мамнун эдиларки, юмушлар қанчалик кўп бўлмасин, ҳаммаси ортиқча гап-сўзларсиз адо этиларди. Ташвишлар ниҳоялаб қолганда бироз зерикарли бўлар, нимадир етишмаётгандек туюлса, таниш-билишчилик, расм-русумлар билан турмуш бисёр бўларди.

Эрталабдан судда бўлган Иван Ильич тушликда уйига қайтарди, дастлабки вақтларда, агар уйдаги баъзи қусурлар унинг жиғига тегишини ҳисобга олмаганда, кайфияти доим яхши бўларди. (Дастурхондаги, чойшаблардаги кичкина доғ, пардадан ситилиб кетган тизимча ҳам уни зор қақшатарди: у қанча меҳнат сарфлади буларга, қандай чидайди?) Умуман, Иван Ильичнинг ҳаёти худди ўзининг эътиқоди талаб қилгандек ўтаётганди: енгил, ёқимли ва жозибали. Соат тўққизда туриб, қаҳва ичади, газета ўқийди, кейин вицмундирини кийиб, суд маҳкамасига йўл олади. У жойда тегирмон тоши айланиб туради ва Иван Ильич худди дўлда қолгандек бўлади: ишга шўнғиб кетади. Қабулига келганлар, девонхонадан маълумотномалар, девонхонага қоғозлар, мажлис – доимий ва қатъий йўлга қўйилган тартибот. Ана шундай шиддаткор оқимдан ташқарида бўлган ва хизмат вазифасининг тўғри ташкил қилинишига ҳалақит берадиган барча ғўр, ҳаётий даҳмазаларни инкор этишга тўғри келарди: одамлар билан ҳеч қандай муносабатга,

айниқса, ишга доир муносабатларга йўл қўймаслик, муносабатлар фақат хизмат доирасида бўлиши, хизматнинг ўзи муносабат бўлиши лозим эди. Масалан, биров келади-да, ниманидир билмоқчи бўлади. Иван Ильич ундан қарздор эмас ва бундай одам билан бирор гап-сўз қилишга мажбурияти йўқ; мабодо, ўша одам ҳамкасб бўлиб, хизмат юзасидан нимадир муносабатга киришиш лозим топилса, буни Иван Ильич кифтини келтириб, барча хизмат низомларида таъкидланган талабларни жойига қўйиб, шу билан бирга дўстона назокат билан адо этарди. Хизмат муносабатлари тугадими, ҳаммаси тугарди. Шу уддабуронлиги туфайли ҳаётининг ҳақиқий манзараси билан хизмат йўриғини қориштириб юбормасди, Иван Ильич узоқ амалий тажрибаси ва иқтидори билан бу санъатни мукамал эгаллади ва баъзан сеҳргар каби ўзича ҳазиллашиб, инсоний ва хизмат бурчини аралаштириб кўришни синаб ҳам кўра бошлади. Унга шунинг учун ҳам йўл қўйдики, ўзининг иқтидори кучини ҳис қиларди ва исталган пайтда зарурат юзасидан инсоний ва хизмат бурчини ажратиб юбориб ва яна жой-жойига қўя олишига ишонарди. Иван Ильичнинг ишлари фақат енгил, ёқимли, жозибалигина эмас, сеҳргарона давом этарди. Ора-сира чекар, чой ичар, озроқ сиёсат ҳақида, яна бироз умумий ишлар юзасидан, мавриди билан қарта тўғрисида, ҳаммадан кўпроқ эса лавозимларга тайинлашлар борасида суҳбатлашарди. Ҳорғин, бироқ оркестрда ўз партиясини биринчи скрипкада муваффақиятли ижро этган моҳир созанда кайфияти билан уйига қайтарди. Уйда қизи ойиси билан қаергадир кетган чиқар ёки уларникига кимдир келган бўларди; ўғил гимназияда, дарсларни репетитор кўмагида тайёрлайди ва гимназияда қандай ўқитишса, шу даражада таҳсил олади. Ҳаммаси яхши эди. Тушликдан кейин, агар меҳмонлар бўлмаса, Иван

Ильич баъзан одамлар тилдан қўймайдиган китоблардан ўқир, оқшомлари эса иши билан машғул бўлар, қоғозларни титкилар, қонунлар билан танишар, суд кўрсатмаларини қонун талаблари билан солиштирарди. Бу машғулотлар унга зерикарли ҳам, ёқимли ҳам туюлмасди. Қарта ўйналганда-ку бошқа гап, лекин ишлаш барибир бир ўзи ёки хотини билан ўтиргандан кўра яхши эди. Иван Ильичга хуш ёқадиган дамлар мавқеи баланд эркак ва аёлларни чорлаб уюштирган чортанг давралар – дилкаш тушликлар эди, шунчаки одми суҳбатдошлардан фарқ қилмайдиган, маълум даражага эришган одамлар билан вақт ўтказишлардан унинг меҳмонхонаси файзга тўлиб кетгандек туюларди.

Бир сафар уларникида ҳатто базм бўлди, рақсга тушдилар. Иван Ильич учун ҳаммаси ёқимли, ҳаммаси яхши эди, фақат хотини билан торт ва конфетлар борасида катта жанжал чиқди: Прасковья Федоровнанинг ўз мўлжаллари бор эди, Иван Ильич эса қаттиқ туриб қиммат сотадиган қандолатфурушдан харид қилишни талаб қилди; анчагина торт олдилар, ортиб қолди ва шундан жанжал чиқди, қандолатфурушнинг баҳоси эса қирқ беш рубл эди. Жанжал каттариб кетди ва ёқимсиз тус олди, Прасковья Федоровна унга: “Аҳмоқ, заҳар” деди. Эр бошини чангаллаб қолди ва баногоҳ юраги унга ажрашиш ҳақида эслатгандек бўлди. Бироқ базм хушчақчақ ўтди. Яхши одамлар йиғилганди, Иван Ильич княгиня Труфонова ва “Сен қайғумни ол” жамиятини тузиб машхур бўлиб кетган унинг синглиси билан рақс тушди.

Хизмат юзасидан мамнунлик худбинликни, ижтимоий ҳаётдан мамнунлик димоғдорликни пайдо қилади, Иван Ильич учун эса ҳақиқий хурсандчилик қарта ўйинидан эди. У тан олардики, ҳаммасидан кейин, қандайдир воқеалар-у ҳаётидаги нохушликнинг

изидан хуш ёқадигани, барининг қаршисида шамдек ёниб турган мамнуният, бу – яхши ўйинчилар, ҳудабехудага бақиравермайдиган ҳамтовоқлар билан қарта ўйнаш, албатта, мудом тўртовлон (беш киши бўлса, менга ёқади, деб турсанг ҳам ўйин қийин кечадди) иштирокида ақлли ва жиддий ўйин (агар қўл келиб турса), кейин кечки овқат билан бир стакан вино ичиш. Кичикроқ ютуқдан кейин (каттаси ёқмайди) Иван Ильич оромбахш кайфият билан уйқуга ётарди.

Улар шу тарзда умргузаронлик қилишарди. Теваракларида энг мақбул одамлар йиғилган, эътиборли шахслар, ёшлар ҳам келиб-кетиб туришарди.

Даврадаги танишларидан эр ҳам, хотин ҳам, қиз ҳам бутунлай рози, атрофларида хира пашшадек айланиша бошлаган, садоқатларини изҳор этиш учун ҳатто японча таомлар тайёрлаб келишга киришган ҳар хил танишлари-ю дўстларидан узоқлашишди. Тез орада хира пашшалар тарқаб кетди ва Головинлар атрофида энг яхши дўстлар давраси қолди. Ёш йигитлар Лизенька атрофида ўралаша бошлашди, айниқса, суд терговчиси Дмитрий Иванович Петришевнинг ёлғиз ўғли, меросхўри анча айланишиб қолдики, бу масалада Иван Ильич Прасковья Федоровна билан жиддий гаплашиб олди: уларни тройкада сайр қилишга юборишса ёки уйда хонаки спектакль ташкил этишса қандай бўларкан? Улар шундай яшашарди. Ҳаммаси шундай давом этарди ва жуда ёқимли эди.

4

Ҳаммаси кўнгилдагидек давом этарди. Иван Ильич баъзан шикоят қилиб қоладиган оғзидаги ачқимтил, ёқимсиз таъм ва ошқозонининг чап тарафи санчиб туришини ҳам кўнгилсизликка йўйиб бўлмасди.

Аммо бу нохушлик ортиб борди, оғриқ ҳам ўтиб кетмади ва шууридан биқинидаги доимий сирқираш сезими ҳамда кайфиятининг бадбинлигини чиқариб ташлай олмади. Кайфиятидаги бадбинлик борган сари кучайиб, Головинлар оиласида қарор топган файзли турмуш тарзини ҳам издан чиқара бошлади. Эр хотини билан тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолди ва бундай доимий машмашалар оилавий тароват ва жозибани барбод қилди, фақат одоб меъёрлари аранг жон сақлаб турарди. Яна жанжал мунтазам тус олди. Яна эр ва хотин алоҳида-алоҳида ўтиришгандагина эркин нафас оладиган бўлишди.

Энди Прасковья Федоровна ҳеч тортинмай, асосиз равишда эрининг феъли оғирлигидан ёзғирадиган бўлди. Ўзига хос ҳамма нарсани бўрттириб гапириш одатидан келиб чиқиб, у эри бошиданоқ шунақа итфеъл бўлганлигини, фақат ўзининг бардоши билан йигирма йиллик бу азобни енгиб келганлигини такрорлай бошлади. Рост гап ҳам шу эдики, энди жанжаллар эр томонидан келиб чиқарди. Унинг инжиқликлари ҳар доим тушлик пайтида, кўпинча шўрвани тановул қилиши билан бошланарди. Ҳали идишларнинг синиғига кўзи тушиб қолар, ҳали овқатнинг таъми ёқмас, ҳали ўғлининг столга тирсагига таяниб ўтиргани ғашига тегар ёки қизининг соч турмагидан жиғибийрони чиқарди. Буларнинг ҳаммасида Прасковья Федоровнани айбларди. Прасковья Федоровна бошида эътироз билдириб, бунақа бачканалик қилаверма, деб айтди, лекин эри барибир тушлик пайти бир-икки қилиқ кўрсатишини қўймади, бундан аёл унинг овқат пайтида жини қўзийдиган касали бор эканини тушуниб етди ва ўзига таскин берди; ортиқ эътибор бермай қўйди-да, фақат тезроқ овқатланиб, туриб кетадиган бўлди. Прасковья Федоровна бутун бардошини ишга солиб, мураса йўлини

тутди. Эрининг қабих феъл-атворга эгалигини тушуниб, ўзига раҳми келиб кетди. Ўзига раҳми келган сайин эрига нисбатан нафрати ортиб бораверди. Ҳатто унинг ўлимини тилашгача бориб етди, бироқ буни хоҳламади, негаки, унақада тирикчилик манбаидан ажралиб қоларди. Бу нарса унинг баттар жиғибийронини чиқарарди. Шунчалар чорасиз эдики, ҳатто эрининг ўлими ҳам уни бу кўргиликдан халос қила олмасди, ҳамма заҳрини ичига ютди, шу тарзда юраги зардобга тўлиб бораверди.

Навбатдаги жанжалдан сўнг, бу гал Иван Ильич бутунлай ноҳақ эди, буни ўзи ҳам тан олди ва ўзига келгач, ҳақиқатан ҳам хотинининг жиғига тегадиган бўлиб қолганини, бу касаллик эканини очиқ эътироф этди, хотини касаллиги рост бўлса, даволаниш лозимлигини айтди ва таниқли бир шифокорга бориб учрашишни қистай бошлади.

Эр шифокор ҳузурига борди ҳам. Ҳаммаси ўзи кутгандек бўлиб чиқди; ҳаммаси рисоладагидек бажарилди. Кутиш, ўзига суд амалиётидан таниш бўлган қоғоз тўлдиришлар, албатта, бу сафар дўхтир тўлдирди; томир кўриш, юракни эшитиш, олдиндан тайёрлаб қўйилган саволлар ва кераксиз жавоблар, кейин эса модомики сиз бизга мурожаат қилибсизми, биз хизматингизга тайёрмиз қабилидаги сохта илтифот. Ҳаммаси худди суддагидек эди. Судланувчилар унинг қаршисида қандай кўринишда намоён бўлса, таниқли дўхтир уни шундай алпозда кутиб олди.

Дўхтир айтди: у-булар ва анов-мановлар кўрсатаяптики, сизнинг ичингизда фалон нарса бўлган; агар бу текширувлар давомида тасдиқланмаса, маълум бўладики, аҳволингиз мановнақа. Агар бунақа чиқиб қолса, унда... ва ҳоказо. Иван Ильич учун битта савол ҳаммасидан муҳим эди: унинг аҳволи хавфлими ёки ташвишга ўрин йўқми? Дўхтир бундай кўндаланг

қўйилган саволни айланиб ўтди. Дўхтирнинг нуқтаи назарича, бу савол жуда сийқа ва муҳокама қилишга арзимаydi; фақат буйракнинг ўрнидан жилгани, шиллиқ пардасининг яллиғланиши ҳамда кўричакда ўзгариш тахмин қилинмоқда. Бу ўринда Иван Ильичнинг ҳаёти ҳақида гап кетаётгани йўқ, гап қимирлаб қолган буйрак ва кўричак устида айланмоқда. Бу борадаги мунозарага чек қўйиб, дўхтир Иван Ильичнинг кўз олдида ақлини чақмоқдек ишлатганча, асосий муаммони кўричакдан, деб ҳукм қилди ва хулоса ясаб дедик, кейинчалик пешобнинг таҳлилидаги янги аломатларни маълум қилиши мумкин ва шунда иш қайтадан кўрилади. Ҳаммаси худди Иван Ильич судланувчилар билан қандай муносабатга киришса, ёрқин бир тарзда айнан шундай такрорланаётганди. Дўхтир ҳам кўзойнагининг устидан тантанавор оҳангда судланувчидан юқорига қараб, ёрқин бир тарзда ўзининг якуний сўзини маълум қилди. Дўхтирнинг якуний сўзидан Иван Ильич шундай хулосага келдики, аҳвол ёмон, дўхтирга, қолаверса, ҳаммага барибир, фақат унга ёмон. Бу хулоса Иван Ильичда ўзига нисбатан ҳамдардлик туйғусини кўзғаб, жуда ёмон таъсир қилди, шу билан бирга юрагида шундай муҳим масалада пинагини бузган бепарво дўхтирга ғазаб жўш урди.

Бироқ у ҳеч нима демади, ўрнидан турди, стол устига пул ташлаб, чуқур хўрсинди-да:

– Биз, беморлар, сизларга тез-тез ўринсиз саволлар бериб турсак керак, – деди. – Умуман, бу касаллик хавфлими, йўқми?

Дўхтир кўзойнагининг устидан бир кўзи билан қаттиқ тикилди, бу билан у: ҳой, судланувчи, агар савол беришни тўхтатмасангиз, мен сизни залдан ҳайдаб чиқариш юзасидан қарор чиқаришга мажбур бўламан, деяётгандек эди.

– Мен сизга муҳим ва керакли гапларнинг ҳаммасини айтдим, – деди дўхтир. – Қолганини кейинги таҳлиллар кўрсатади. – Дўхтир таъзим қилди.

Иван Ильич шошилмай кўчага чиқди, чанага ғамгин ўтирди ва уйига йўл олди. Йўл бўйи дўхтирнинг мавҳум ва тушунарсиз илмий тилда айтганларини хотирасида тиклаб, уларни оддий лафзга ўгиришга, маъзини чақиб, лоақал битта саволга жавоб топишга ҳаракат қилиб борди: менга ёмонми – жуда ёмонми ёки ҳали ҳеч нарса эмасми? Унга дўхтирнинг барча айтганлари аҳволининг жуда ёмонлигини тасдиқлаётгандек бўларди. Кўчадаги ҳамма нарса Иван Ильичга ёмон кўриниб кетди. Извошчилар ғамгин, уйлар ғамгин, йўловчилар, дўконлар ғамгин. Вужудидаги бир дақиқа ҳам тўхтамайдиган, симиллаган оғриқ дўхтирнинг тушунарсиз гапларидан кейин бошқача, жиддий тус олди. Иван Ильич энди янги, оғир бир сезги билан унга қулоқ тутта бошлади.

У уйига етиб келди ва хотинига гап қотди. Хотини қулоқ тутди, бироқ гапнинг ўртасида шляпа кийиб олган қизи кириб қолди: у ойиси билан отланиб турган экан. Қиз мажбуран ўтириб, бу зерикарли ҳикояни тинглашга тутинди, бироқ унинг гапларини охиригача эшитишга она-боланинг сабри чидамади.

– Яхши, мен жуда хурсандман, – деди хотини, – энди сен ўзингга қара, дориларни вақтида ичиб тур. Рецептни менга бер, ҳозир Герасимни дорихонага жўнатаман. – Прасковья Федоровна шундай дея кийимларини алмаштиргани чиқиб кетди.

У хотини хонада эканида нафасини ичига ютиб турди, чиқиб кетгач эса чуқур нафас олди.

– Нима ҳам дердим, – деди ўзича ғудраниб. – Ҳақиқатан ҳам ҳали ҳеч нарса эмасдир...

У дориларни ича бошлади, пешоб таҳлилидан сўнг ўзгариши тахмин қилинган бўлса-да, тавсия-

ларга амал қилиб борди. Шу ўринда таҳлилдами ёки ўзини парвариш қилишидами, қандайдир чатоқлик содир бўлди. Бунини дўхтир билмаслиги керак – нима бўлганда ҳам у дўхтир айтган ниманидир бажармаган. Ё у эсдан чиқарган, ё ёлғон гапирган ёки ундан ниманидир яширганлар.

Барибир Иван Ильич тавсияларга қатъий амал қилиб борди ва дастлабки вақтларда бу яхши таъсир қилди.

Дўхтир ҳузурига ташриф буюргандан кейин Иван Ильичнинг асосий машғулоти шифокор тавсиясида қайд этилган талаблардан келиб чиқиб, гигиенага қатъий амал қилиш, дориларни вақтида олиш, бутун вужуди бўйлаб тарқалаётган оғриқни назорат қилишдан иборат эди. У бутун диққат-этиборини одамга хос касалликлар-у одамга хос саломатликка қаратди. Унинг ҳузурида беморлар, вафот этганлар, соғайганлар тўғрисида, айниқса, уникига ўхшаган касалликдан гап очганларида ҳаяжонини яширишга интилиб эшитди, сўради ва дардига кўникишга интилди.

Оғриқ камаймади; аммо Иван Ильич ўртага шундай шартни қўйди: аҳволи яхшилиги ҳақида ўйлашга ўзини мажбур қилади. Ҳеч нарса ташвишга солмаган паллаларда у ўзини алдай оларди. Бироқ хотини билан даҳанаки жанг қилиб қолса, хизматда муваффақиятсизликка учраса, қартада омади юришмаса оғриқ кучлироқ сезиладиган бўлиб қолди; авваллари бундай кўнгилсиз ҳолатларни, албатта, иллатларни енгаман, ютуқларга эришаман, зафар қучаман, деган сўзлар билан овунтириб, сездирмай ўтказиб ҳам юборарди. Энди эса ҳар қандай нохушлик унинг қўл-оёғини бўшаштириб юборар ва ғамга чўмдирарди. Ўзича энди соғая бошланганда, дориларнинг таъсири билинаётган бир пайтда мана шу лаъ-

нати кўнгилхиралик етмай турувди, деб ғижинарди. Яна бахтсизлигидан, уни хафа қилувчи ва нафратлантирувчи одамлардан дарғазаб бўлар ва бу ғазаб уни адои тамом қиладигандек туюларди; аммо ғазабланмай туrolмасди. Афтидан, унинг ғазабини кўзғайдиган вазият ва одамлар соғлиғининг ёмонлашувига олиб келиши тайин эди, шунинг учун бундай ҳолатларга бепарво бўлиш лозим; бироқ Иван Ильич бутунлай тескари мулоҳаза юритарди: ўзига тинчлик керак, осойишталикка дахл қиладиган таъсирларни изга солиш лозим. Шундай дерди-ю, арзимаган нохушликдан ҳам фиғони чиқиб кетарди. Табобатга доир китобларни ўқиб, дўхтирлар билан маслаҳатлашавериб, аҳволи баттар ёмонлашди. Ёмонлашув шунчалик осойишта кечаётган эдики, у буни сезмасди ҳам: бугунги аҳволини кечаги кунидан фарқлолмасди. Дўхтирлар билан маслаҳатлашиб билдики, унинг аҳволи оғирлашиб кетаяпти, ҳатто бу жараён тезлашиб бормоқда. Шунга қарамай у дўхтирлар билан маслаҳатлашишдан тийилмади.

Бу ойда у бошқа бир таниқли зот қабулида бўлди: таниқли хоним олдин нима дейилган бўлса, шуни такрорлади, фақат саволларни бошқачароқ қўйди. Бу зотнинг маслаҳатлари Иван Ильичнинг шубҳалари ва қўрқувини фақат кучайтирди, холос. Танишининг таниши – жуда яхши дўхтир – касалликни бутунлай бошқача шарҳлади, соғайиб кетишига зўр бериб ишонтиришига қарамай, ўзининг саволлари ва тавсиялари билан Иван Ильични чалкаштириб юборди ва гумонларини кучайтирди. Гомеопатия усули билан даволовчи шифокор касалликка мутлақо тескари ташхис қўйди ва дорилар берди, Иван Ильич бошқалардан яшириб, бир ҳафта дориларни ичди. Бир ҳафтадан кейин ҳеч қандай энгиллашиш сезмай, олдинги шифо ва ҳозирги давога ишончини йўқотиб,

баттар тушкун ҳолга келди. Бир сафар таниш хоним иконаларнинг шифобахш хусусияти ҳақида сўз очиб қолди. Иван Ильич ўзини мажбур қилиб, диққат билан тинглади ва далилнинг тўғрилигига ўзини ишонтирди. Бу янгилик уни кўрқитиб юборди. “Наҳотки ақлим шунчалик заифлашиб қолган бўлса? – деди ўзига. – Бўлмағур гап! Ҳаммаси сафсата, буларга чалғимаслик, хушёрликни қўлдан бермаслик, бир дўхтирни танлаб, унинг айтганларини оғишмай адо этиш лозим. Шундай қиламан ҳам. Тамом-вассалом. Ҳеч нарсани ўйламайман ва ёзгача қаттиқ даволанаман. Шунда ҳаммаси аниқ бўлади. Энди иккиланишлар тугади!..” Буларни айтиш осон эди, бажариш эса анча мушкул. Биқинидаги оғриқ кучайиб борди, гўё бешбаттар бўлаётгандек эди, энди тўхтовсиз оғрирди, оғзининг таъми баттар айнаиди, унга оғзидан ёқимсиз, бадбўй ҳид чиқаётгандек туюлди, иштаҳаси ҳам, дармони ҳам йўқ. Энди ўзини алдаб бўлмасди: Иван Ильичнинг ҳаётида янги, муҳим, олдин ўз аҳамияти билан ҳеч кўрилмаган жиддий воқеа содир бўлаётганди. Буни фақат унинг ўзи биларди, атрофидагилар гап нимадалигини тушунишмасди ёки тушунишни хоҳлашмасди ва дунёда ҳаммаси олдингидек давом этаяпти, деб ўйлашарди. Булар ҳам Иван Ильични баттар қийнади. Уйдагилари – асосан, борди-келдини авж олдириб юборган она ва қиз – кўрдик, ҳеч нимани тушунишмади, унинг хафалиги ва инжиқлиги учун ўзини айбдор санаб, баттар хўрлигини келтиришди. Гарчи улар бу кайфиятларини яширин тутсалар-да, Иван Ильич ўзининг уларга халақит бераётганини кўриб турарди. Хотини унинг касаллигига бошқача ёндашмоқда эди, яъни эри нима деса ҳам, нима қилса ҳам, ўзини ундан йироқ тутди. Аҳвол тахминан мана бундай:

– Биласизми, – дерди аёл танишларига, – Иван Ильич рисоладаги одамлардай даволаниш тартибла-

рига амал қилмайди. Ҳозир ҳапдориларни ичади ва нима буюрилган бўлса ейди, вақтида ётади; эртасига эса, агар мен назорат қилмасам, дори ичишни эсдан чиқаради, осётр балиғини ейди (унга тақиқланган), яримкечагача қарта ўйнайди.

– Э, қачон эди? – дейди Иван Ильич алам билан. – Бир мартагина Пётр Ивановичникида ўтирганмиз.

– Кеча-чи, Шебек билан?

– Барибир мен оғриқдан ухлай олмайман...

– Нима бўлгандаям, бунақада сен соғаймайсан, фақат бизларни қийнаганинг қолади.

Зоҳиран, бошқаларнинг етказишича ва ўзи кўриб-билганидек, Прасковья Федоровнанинг эрининг касаллигига муносабати шу тарзда эди ва бунинг учун унинг ўзини айблар, дардини ортиқча даҳмаза деб биларди. Иван Ильич сездики, бу ҳолат хотинида ихтиёрсиз пайдо бўлди, бироқ бундан ўзига ҳам осон эмасди.

Судда Иван Ильич ўзига нисбатан ғалати муносабат қарор топаётганини сезди ёки сезаётганини ўйлади: гоҳ унга яқинда ўз ўрнини бўшатиб қўядиган одамдек қарашади; гоҳ атрофидагилар унинг кўрқинчли, даҳшатли, қулоқ эшитмаган восвослиги устидан бараварига кулишадилар ва ҳазил учун исталган жойга бошлаб борадиган ёки тортиб кетадиган баҳона топилгандек бўлади. Айниқса, ўзининг ўйноқилиги, сўзамоллиги ва жимжимадорлиги билан Шварц ўн йил олдинги масрур кунларни эслатиб, Иван Ильичнинг баттар аламини келтирар, жаҳдини чиқарарди.

Бир қўл ташлаш муддаосида дўстлар тўпланди, қур олиб ўтирдилар. Янги қартани олиб аралаштирдилар, чийладилар, қарғани, улар еттита эди, қарғага тахладилар. Шериги айтди: козирсиз, – ва иккита қарғани сақлаб турди. Кейин нима бўлади? Кулгили, мароқли хотима – қалпоқ. Бирдан Иван Ильич ўша

жон олувчи оғриқни, оғзидаги ўша таъмни сезди ва унга шу ҳолда қалпоқдан завқ олиб хурсанд бўлиш ажабтовур ёввойиликдек туюлиб кетди.

У қўлдоши Михаил Михайловичнинг шодон тарзда столга мушт туширганини ва қарта олишдан илтифот ила ўзини тийиб, уни Иван Ильич томонга суриб қўйганини, шу билан хурсанд қилиш мақсадида қўлини чўзмай турганини кузатди. “У нима деб хаёл қиляпти, мен шунчалик ожизманки, ҳатто қарта олишга ҳам мажолим етмайди дебми?”, – ўйлади Иван Ильич, козирни унутиб қўйди, козир қартани юриб юборди ва қалпоқни қўлдан бой берди – ўйинда ютқазди, энг ачинарлиси мағлуб бўлган Михаил Михайлович қақшаб қолди, унинг учун эса ҳаммаси бир чақа. Ҳамма нарсанинг қадрсизлигини хаёлга келтириш эса азоб эди.

Ҳамма унга қийин бўлаётганини кўриб турарди ва бундай таклиф қилишди: “Агар чарчаган бўлсангиз, ўйинни бас қиламиз. Дам олинг”. Дам олиш? У ҳеч қачон чарчамайди, тинмай қарта суриб, барчани чарчатади. Ҳамма сукут сақлаб, ғамга ботиб қолади. Иван Ильич бу қора булутни ўзи таратганини билади ва тарқатиб юбора олмайди. Улар кечки овқатни еб тарқалишади, Иван Ильич эса зилдек хаёллари гирдобида ёлғиз қолади. Унинг ҳаёти заҳарланган ва бошқаларнинг ҳаётини заҳарляпти, бу оғу камаймаяпти, аксинча, унинг бутун борлигини камраб олаяпти.

Ана шундай кайфият, боз устига қаттиқ жисмоний оғриқ билан тўшакка кириш лозим ва оғриқдан туннинг кўп қисми уйқусиз ўтади. Эрталаб эса яна ўриндан туриш, кийиниш, судга бориш, гапириш, ёзиш, агар бирон жойга борилмаса, уйга қайтиш керак – ҳар бир дақиқаси азоб бўлган йигирма тўрт соатлик кеча-кундузни шу тахлит ўтказаетганди. Ғорат

бўлиш арафасида якка-ёлғиз, ўзини тушунадиган, қадрига етадиган бирон кишисиз яшаётганди.

5

Шу йўсинда икки ой ўтди. Янги йил арафасида шаҳарга қайноғаси келиб уларникига қўниб ўтди. Иван Ильич судда эди. Прасковья Федоровна харид қилгани чиқиб кетганди. Иван Ильич кабинетига кирар экан, бу жойда жомадони билан ўрнашиб олган шодон ва соғлом қайноғасига дуч келди. Меҳмон Иван Ильичнинг қадам олиши билан ҳушёр тортиб, бошини кўтарди-да, унга бирзум анграйиб тикилиб қолди. Шу назар Иван Ильич учун бор манзарани намоён қилди. Қайноға нимадир демоқчи бўлиб оғзини очди-ю, тўхтаб қолди. Бу ҳаракат ҳаммасини тасдиқлади.

– Ажабо, ўзгариб кетибсиз?

– Ҳа, ўзгаришлар бор.

Шундан кейин Иван Ильич ўзининг кўриниши юзасидан қанча оғиз очмасин, қайноға миқ этмади. Прасковья Федоровна келиб қолди, қайноға опасининг олдига чиқди. Иван Ильич эшикни ёпиб, қулфлади-да, ўзини ойнага солди, олдин тўғридан, кейин қиялаб қаради. Ўзининг хотини билан тушган катта суратини олди, уни ойнадаги акси билан таққослади. Ўзгариш жуда катта эди. Кейин қўлини тирсагигача шимарди, қаради, енгини туширди, юмшоқ ўриндиққа ўзини ташлади ва кўз олдида тун зулмати қуюқлашди.

“Керак эмас, керак эмас”, – дерди у ўзича; сўнг ирғиб туриб, столга яқинлашди ва жилдни очиб, ишни ўқишга тутинди, бироқ ўқий олмади. Эшикни очди ва танобий хонага чиқиб кетди. Меҳмонхонанинг эшиги ёпиқ эди, овоз чиқармай яқинлашди-да, ичкарига қулоқ тутди.

– Йўқ, сен ошириб юбораяпсан, – дерди Прасковья Федоровна.

– Нимасини ошираман? Кўрмаяпсанми – у ўлаётган одам-ку, кўзига қара. Нур йўқ. Унга нима бўлган ўзи?

– Ҳеч ким билмайди. Николаев (бу бошқа дўхтир эди) нимадир деди, лекин мен билмадим. Лешетицкий (бу машҳур дўхтир эди) тескари гапни айтди...

Иван Ильич нари кетди, хонасига кирди, ётди ва ўйлай бошлади: “Буйрак, тинчимаган буйрак”. У жами дўхтирларнинг буйрак қандай силжиши, қандай безовта қилиши ҳақида айтган гапларини эслаб кетди. У ҳиссиёт кучи билан бу нобакор буйракни тутиб олиш, жойига қўйиш ва маҳкамлашга интилди; ҳайтовур, бу қўлидан келмасди. “Йўқ, яна Пётр Ивановичга бораман”. (Ўша танишининг дўхтир таниши бор эди.) Қўнғироқни чалиб, отни тайёрлашни буюрди ва жўнашга ҳозирланди.

– Йўл бўлсин, Жан? – хотини ўта дардчил ва ғайриодатий меҳрибон овоз билан сўради.

Бу кутилмаган ҳамдардлик уни қайғуга чўмдирди. У ғамгин нигоҳини хотинига қадади.

– Менга Пётр Иванович керак.

Шу билан дўхтир таниши бор танишиникига йўл олди. У билан дўхтирникига боришди. Дўхтир уни ўтирғизиб қўйиб, узоқ суҳбат қилди. Барча анатомик, физиологик тафсилотлар билан танишган дўхтирнинг фикрича, нима рўй берганини у тушуниб етган.

Кўричак билан жиндай бир нарса, арзимаган нарса содир бўлган. Бунини тўғрилаш қийин эмас. Бир узв фаолияти кучайтирилиб, бошқа узв фаолияти заифлаштирилади, шундай қилинганда сўриш юзага келади ва ҳаммаси изга тушиб кетади. У тушликка бироз кечикди. Тушлик қилди, яйраб суҳбатлашди, бироқ анчага-

ча ишлагани кабинетига ўтгиси келмади. Ниҳоят кабинетига кирди ва шу зумда ишга ғарқ бўлди. У ишни ўқиди, ишлади, аммо хаёлининг тубида чўкиб ётган, қотиб қолган бир ишни ортга суриб қўяётганлиги ҳақидаги фикр тинчлик бермаётганди. Юмушларини тугатгач, бу қотиб қолган иш кўричак муаммоси эканини эслади. Бироқ бунга эътибор бермади-да, чой ичгани меҳмонхонага йўл олди. Меҳмонлар бор экан, суҳбатлашдилар, фортепиано чалдилар, кўшиқ куйладилар; қизининг ардоқли куёви, суд терговчиси ҳам бор экан. Прасковья Федоровнанинг фикрича, Иван Ильич оқшомни бошқалардан кўра қувноқроқ ўтказди, аммо у бир дақиқа ҳам кўричак муаммоси юзасидан қотиб қолган ишни унутолгани йўқ. Соат ўн бирда хайрлашди-да, ўз бўлмасига кириб кетди. У касалланганидан буён кабинетининг ёнидаги кичкина хонада бир ўзи ухларди. Ичкарига кириб ечинди, Золянинг романини қўлига олди, аммо китобни ўқимади, ўйга чўмди. Унинг хаёлидан қадрдон кўричакнинг тузалиб қолиши ҳақидаги фикр ўтди. Сўрилса, чиқариб ташланса, меъёридаги фаолияти тикланса. “Ҳа, ҳаммаси шундай бўлади, – деди ўзича. – Фақат табиатга кўмаклашиб юбориш лозим”. Дори эсига тушиб қолди, ўрнидан турди, уни ичди, унинг қандай шифо ато этаётганини, оғриқни йўқотаётганини ҳис этиб, елкаси билан ётди. “Фақат дорини меъёрида ичиш ва нохуш таъсирлардан қочиш керак; мен энди ўзимни яхши, ҳатто жуда яхши ҳис қилаяпман”. У биқинини пайпаслаб кўрди, оғриқни сезмади. “Ҳа, сезмадим, тўғри, жуда яхши”. У шамни ўчирди ва ёнбоши билан ётди... Кўричак сўраяпти, тузалааяпти. Бирданига у ўшаниш, симиллаган, зирқираган оғриқни сезиб қолди. Оғзида ҳам ўша лаънати таниш маза. Юраги ўйнаб кетди, боши ғувиллади. “Э, Худо, э, Худо! – ғудранди у. – Яна, яна, ҳеч қачон тўхтамайди”. Бирданига дунё

остин-устун бўлиб кетди. “Кўричак. Буйрак, – деди ўзича. – Гап кўричакда ҳам, буйракда ҳам эмас, балки ҳаёт ва... ўлимда. Ҳа, ҳаёт бор, у ўтаяпти, ўтаяпти, мен уни тутиб қола олмаяпман. Ҳа. Ўзни алдаш нимага керак? Нима, ўзимдан бошқа ҳеч кимга маълум эмасми, мен ўламан, фақат масала ҳафталарда, кунларда, балки ҳозирдадир, бўлиши мумкин. Қачондир ёруғлик бор эди, энди зулмат. Қачондир мен шу ерда эдим, энди у ерга... Қаерга?”. У музлаб кетди, нафаси тўхтади. Фақат юрагининг уришини эшитиб турди.

“Мен бўлмайман, хўш, шу билан нима рўй беради? Ҳеч нарса бўлмайди. Агар мен йўқолиб қолсам, қаерга кетаман? Наҳотки ўлим? Йўқ, хоҳламайман”. Ўрнидан туриб кетди, шамни ёқмоқчи бўлди, қалтироқ қўллари билан пайпасланди ва шамдондаги шамни полга тушириб юборди, изига қайтиб, ўзини ёстиққа ташлади. “Нима учун? Барибир, – очик кўзлари билан қоронғиликка тикилиб гапирди ўзича. – Ўлим. Ҳа, ўлим. Улар ҳеч нимани билмайди, билишни хоҳламайди, шафқат ҳам қилмайди. Улар ўйин қилади. (Қулоғига эшик ортидан, узоқлардан тараляётган кулги овозлари ва қийқириклар чалинди). Уларга барибир, аммо улар ҳам ўлади. Аҳмоқлар. Мен олдинроқ, улар эса кейин. Улар мамнун бўлишяпти. Ҳайвонлар!” Ғазаб уни бўғиб қўйди. Унга жуда қийин, кўтариб бўлмайдиган даражада оғир бўлиб кетди. Бироқ доимо бундай даҳшатли кўркув гирдобиди ҳам қолиб бўлмасди. У ўрнидан турди.

“Нимадир жойида эмас; ўпкани босиб олиш керак, ҳаммасини бошидан ўйлаб кўриш керак”. Ва у ўйлай бошлади. “Ҳа, касалликнинг бошланиши. Биқинимни уриб олганимда ҳеч ўзгариш йўқ эди, кеча қандоқ бўлсам, бугун ҳам, эртага ҳам шундоқ эдим, сўнг биқиним симиллаб қолди; жиндай безовта қилди, кейин кўпроқ, кейин дўхтир, кайфиятим бузилди,

ранж-алам, яна дүхтир; мен эса жар ёқасига борган сари яқинроқ кела бошладим. Қувват оз. Яқинроқ, яқинроқ. Ва мен чўпдек қуриб қолдим, кўзимда нур йўқ. Бирданига ўлим васвасаси, мен эса ичак ҳақида ўйлайман. Ичакни суробга келтириш ҳақида ўйлайман, бу эса ўлим дегани. Наҳотки ўлим?" Яна кўрқув ғулув қилди, у ҳаллослаб, кажава бўлиб қолди, гугуртни излай бошлади, тирсаги билан қутига тиралиб қолди. Қути унга халақит берди ва оғритди, бундан ғзаби кўзғади, ўкинч билан уни итарган эди, қути унинг устига ағнаб тушди. У елкаси билан ерга қапишганча умидсиз бўғилиб ётар экан, ўлимни кутарди.

Бу пайтда меҳмонлар тарқалаётган эди. Прасковья Федоровна уларни кузатишга чиққан. Нимадир кулаб тушганини эшитиб, у хонага кирди.

– Сенга нима бўлди?

– Ҳеч нарса. Билмасдан туртиниб кетдим.

Аёл чиқиб кетди ва шам олиб келди. У кўзларини хотинига қаттиқ тикканча, бир чақирим югуриб келган одамдек оғир-оғир нафас олиб ётарди.

– Сенга нима бўлди, Жан?

– Ҳе...ч нар...са. Тур...тиниб кет...дим. – "Гапириб нима қилдим. У барибир тушунмайди", ўйлади Иван Ильич.

Ростдан ҳам у тушунмади. Эрини кўтариб қўйди, шамни ёқди ва шошганча чиқиб кетди: меҳмонларни кузатиб қўйиши керак эди.

У қайтиб кирганида эри чалқанча тушган қўйи шифтга термилиб ётарди.

– Нима бўлди, мазанг қочдими?

– Ҳа.

Аёл бошини ирғаб қўйди, ўтирди.

– Биласанми, Жан, ўйлайманки, Лешетицкийни уйга чақириб керак.

Таниқли шифокорни уйга чақириш пулни аямаслик дегани эди. Бемор аччиқ кулимсираб “Йўқ” деди. Аёл эрининг ёнига ўтириб пешонасидан ўпди.

Иван Ильич хотини ўпаётганида қалбининг бутун нафрати билан уни ёмон кўриб кетди, уни итариб юборишдан ўзини аранг тийди.

– Хайр. Худо ёрлақасин. Ухларсан.

– Ҳа.

6

Иван Ильич ўлаётганини сезиб турар ва доим асабий ҳолатда бўларди.

Ич-ичидан шуни англаса-да, ўлимга кўникиш у ёқда турсин, ҳатто нега бундай бўлаётганини тушунолмасди, ҳеч қачон тушуниб етмасди.

У Кизеветтер* мантиғида шундай силлогизмни ўқиганди: Кай – одам, одамлар ўлимга маҳкум, шундай экан, Кай ҳам ўлимга маҳкум. Лекин бу мантиқ Кайга нисбатан тўғри, зинҳор Иван Ильичга эмас. Кай – оддий бир одам десак, бу хулоса мутлақо адолатли, Иван Ильич эса шунчаки одам эмас, ҳар доим барча жонзотлардан жуда-жуда фарқ қилувчи алоҳида инсон эди; у болаликнинг, ўсмирликнинг, ёшликнинг жами шодликлари, изтироблари, ҳаяжонлари билан, ота-онаси билан, Митя ва Володя билан, ўйинчоқлари, извошчи, энага, кейин Катенька билан бирга бўлган Ваня эди. Ахир Кайга у жуда севган, чарм қопланган коптокчанинг ҳиди танишмиди? Ахир Кай онасининг қўлини шундай меҳр билан ўпган ва онасининг кўйлак бурмалари Кай учун майин шивирлаганмиди? У ҳуқуқшуносликда ҳолва талашиб тўполон қилганмиди? Кай унингдек севилганмиди? Кай мажлисларни унингдек олиб бора олармиди?

* Иоганн Кизеветтер (1766 – 1819) – олмон мантиқшуноси ва файласуфи.

Кай ўлимга маҳкум ва унга ўлиш қонуний, бироқ мен, Ваня, Иван Ильич, ўзимнинг барча ички туғёнларим, ўйларим билан ўлишим – бу бошқа масала. Ва менинг ўлим чангалига тушишим мумкин эмас. Бу жуда даҳшатли бўларди.

Унга шундай туюларди.

“Агар қисматимга Кай сингари ўлиш битилганда, буни олдиндан сезардим, ботиний овоз шуни айтарди, лекин менда бундай бўлмади-ку; мен ва дўстларим – ҳаммамиз бунинг Кай билан юз берганидек эмаслигини тушуниб турардик. Энди эса аҳвол бу! – дерди у ўзига-ўзи. – Бўлиши мумкин эмас. Мумкин эмас, бироқ... мумкин экан. Бу ёғи қандоқ бўлди? Буни қандай тушуниш керак?”

Чиндан ҳам у тушуна олмасди ва ёлғон, нотўғри, ёқимсиз бу фикрдан қутула олмасди, уни бошқа, тўғри, соғлом фикрлар билан ситиб чиқаришга интиларди. Лекин шу фикр фақат фикр эмас, ҳақиқатдек қайта пайдо бўлар ва қаршисида туриб оларди.

У нажот топиш илинжида бу фикрнинг ўрнига навбати билан бошқа ўйларни чорлай бошлади. Ўлим ҳақидаги хаёлларни қувган бурунги тафаккур тарзига қайтишга уринди. Бироқ – ғалати ҳолат – олдин нима ўлим туйғусини тўсган, ёпган, йўқотган бўлса, энди ҳеч бири ўшандай қила олмасди. Кейинги пайтларда Иван Ильич ўлим ваҳимасини яшириб турувчи илк фикрлаш тарзини тиклашга кўп уринди. Баъзан ўзига дерди: “Иш билан шуғулланаман, ахир унга ҳаётимни бағишладим-ку”. Ва у кўнглидаги барча шубҳаларни итқитиб, судга йўл олди; ўртоқлари билан суҳбатларда иштирок этди ва эски одати бўйича ёйилиб, одамлар тўдасига ўйчан нигоҳ ташлаб, озиб кетган қўллари билан дуб креслонинг суянчиғига таяниб, ўртоғига худди олдингидек энгашиб, қоғозни суриб қўйиб, қулоғига шивирлаб, кейин бирдан

кўзини жаланглатиб ва тик қараб таниш сўзларни айтди ва ишни бошлади. Кутилмаганда биқинида оғриқ турди ва мажлиснинг авж палласига сира эътибор қаратмай, ўзининг қон қақшатувчи ишини бошлади. Иван Ильич берилиб тинглар, оғриқ ҳақидаги фикрдан ўзини чалғитарди, бироқ дард симиллашда давом этар, қаршисида туриб олиб, унга термиларди гўё. Иван Ильич қотиб қолди, кўзидаги чўғ ўчди ва яна ўзидан сўрай бошлади: “Наҳотки фақат у ҳақ?” Ўртоқлари ва қўл остидаги ходимлар ҳайрат ва надомат билан кўриб турардиларки, шундай моҳир, тажрибали қози адашиб кетаяпти, хатоларга йўл қўймоқда. У силкиниб ҳушига келишга интилди, мажлисни нари-бери тугатди-да, энди йиғилишларни олдингидек олиб бора олмаслиги, яшириб келган дарди ўзини ҳам бошқалар назаридан, оламидан бекитиб қўяётганини ҳис этиб, тушкун кайфиятда уйига қайтди; қозилик фаолияти билан ундан қутулишнинг иложи йўқлиги аниқ эди. Ҳаммасидан ёмони шу эдики, дард уни бирор нима қилишга ундас, фақат диққатини тортиб, оғриқнинг кўзига тик қараганча айтиб бўлмас даражада азоб чекишга мажбур этарди.

Иван Ильич бундай ҳолатдан қутулиш учун ўзга таскин, ўзга ниқоб излади, бундай ниқоблар ҳам қисқа муддатга уни қутқаргандек бўлди, бироқ зум ўтмай оғриқ нур каби уларнинг ичидан сизиб ўтар, уни ҳеч нарса тўсиб қололмасди гўё.

Бир сафар, кейинги кунларнинг бирида, у меҳмонхонага, ўша ўзи тузаган, йиқилиб тушган, – бунини ўйлаш заҳарханда кулги кўзғарди, – ўзи уни тахлашда ҳаётини қурбон қилган, негаки касаллигининг бошланишига ўша йиқилиб тушишдаги лат ейиш сабаб бўлганди, – шу хонага кирди ва локланган столнинг бир чети нима биландир қирилганини кўрди. Бунинг сабабини излай бошлади ва четга суриб қўйилган

альбомнинг бронзадан ясалган безаги қийшайиб қолганини пайқади. У ўзига қадрдон, ўзи меҳр билан тузган альбомни олди, қизи ва ўртоқларининг исқиртлигидан алами тошди, – варақлари йиртилган, суратлар букланганди. Альбомни ҳафсала билан тартибга келтириб, безакни тўғрилаб қўйди.

Кейин альбомлар солинган жавонни бошқа бурчакка, гуллар ёнига ўрнатиш фикри хаёлига келди. У хизматкорни чақирди: қизими, хотиними ёрдамга келишди; улар рози бўлишмади, тортишдилар, у баҳслашди, жаҳли чиқди; барибир ҳаммаси яхши эди, негаки анов ҳақида эсламади, у кўринмади.

У уриниб турганда бирданига хотини ишни расво қилди: “Тўхта, одамлар силжитади. Яна ўзингга бир балони орттирасан”, шунда бирданига у ниқоб ортидан эласланиб кўриниб кетди, уни аниқ кўрди. Иван Ильич умид қилдики, у ўтиб кетади, бироқ беихтиёр биқини зирқиради, – у жойида ўтирибди, шу жойни безовта қилаяпти, энди унута олмайди, у гуллар ортидан юзсизларча Иван Ильичга боқиб турибди. Муддаоси нима?

“Рости, худди шу ерда, манави парда ортида ҳужумда жон таслим қилгандек мен ҳаётимни бой бердим. Наҳотки? Қандай даҳшатли ва аҳмоқона қисмат! Бундай бўлиши мумкин эмас! Мумкин эмас, бироқ бўлаяпти”.

Иван Ильич кабинетга кириб ўринга чўзилди ва у билан ёлғиз қолди. Кўзи кўзига тушиб турибди, у билан қиладиган иш йўқ. Фақат унга термилиш ва кўркувдан музлаш қолди.

7

Иван Ильичнинг дардга чалинганининг учинчи ойида шундай вазият юзага келдики, бунга пай-

қамаслик мумкин эмасди, негаки қадам-бақадам шунга борилаётганди, хотини, қизи, ўғли, хизматкорлар, танишлар, дўхтирлар, энг муҳими унинг ўзи – билдиларки, Иван Ильичга нисбатан бошқаларнинг бор қизиқиши шундан иборат эди: ниҳоят у яқинда жойини бўшатади, ўзининг борлиги билан юзага келган қисинишдан тирикларни халос этади ва ўзи ҳам жами қийноқлардан халос бўлади.

У камуйқу бўлиб қолди; унга афюн бердилар ва морфин пуркай бошладилар. Бу муолажалар унга кор қилмади. Бошида ярим уйқу ҳолатида ҳис этган маънисиз қўмсаш кайфиятидан бироз ўзига келгандек бўлди, бироқ кейинроқ бу ҳам олдингидек, ҳатто ундан ҳам баттар эзадиган кучлироқ оғриққа алмашди.

Унга дўхтирларнинг тавсияси билан алоҳида овқат тайёрладилар; бироқ бу таомлар унинг учун бемазадан бемаза, ёқимсиздан ёқимсиз туюларди.

Ичини бўшатиши учун ҳам махсус мослама ясаб беришди, ҳар сафар бу ҳам азоб эди. Азоб ифлосликдан, ёқимсизликдан, бадбўй ҳиддан ва бу юмушда бошқа бировнинг иштирокидан эди.

Бироқ шу хижолатли ишда Иван Ильичга юпанч ҳам топилди. Ахлатни олиб чиқиш учун ошхона хизматчиси Герасим келарди.

Герасим покиза, соғлом, шаҳар маишатида семириб қолган ёш йигит эди. Ҳар доим қувноқ, очик кўнгил. Бошида русча кийинган, тартибли бу боланинг ўзига ярашмаган юмуши Иван Ильични ажаблантирди.

Бир сафар у тувакдан турди-ю, иштонини кўтаришга мадори етмай, юмшоқ креслога қулаб тушди ва ўзининг яланғоч, этлари тиришиб қолган сонига тикилиб қолди.

Атрофга катта этигидан таралаётган ёқимли қорамой ҳидини анқитиб, қишнинг тоза ҳавосини

олиб, мовут пешбанд таққан ва энги чайир, ёш билакларида шимарилган янги чит қўйлак кийган Герасим энгил қадамлар билан кириб келди-да, одатдагидек, беморни хижолат қилмасликка уриниб, юзидан ҳаёт завқи ва латофати уфуриб турганча тувакка яқинлашди.

– Герасим, – аранг гапирди Иван Ильич.

Герасим қандайдир дағалликка йўл қўйгандек титраб кетди ва илдам ҳаракат билан ўзининг навқирон, ёқимтой, содда, тароватли, энди тук қоплай бошлаган рухсорини бемор томон ўгирди.

– Нима хоҳлайдилар?

– Сен учун, ўйлашимча, ноқулай. Мени маъзур тут. Менинг иложим йўқ.

– Хижолат бўлмасинлар. – Герасим кўзлари чақнаб оппоқ соғлом тишларини кўрсатди. – Бундан нега азият чекасиз? Сизнинг тобингиз йўқ-ку.

Ва у ўзининг чаққон, кучли қўллари билан одатдаги ишини бажарди-да, шипиллаб чиқиб кетди. Беш дақиқадан сўнг яна шундай шипиллаб қайтиб келди.

Иван Ильич ҳамон ўриндиқда ўтирарди.

– Герасим, – деди у йигит тозалаб ювилган тувакни жойлаштирар экан, – илтимос, менга ёрдамлаш, яқинроқ кел. – Герасим борди. – Мени кўтар. Бир ўзимга оғир, Дмитрийни жўнатиб юборгандим.

Герасим яқинлашди; бақувват қўлида, қандай энгил кириб келган бўлса, шундай энгил ва чаққон кўтарди, нариги қўли билан иштонини тўғрилаб, турғазиб қўймоқчи бўлди. Аммо Иван Ильич ўзини диванга ўтқазишни сўради. Герасим қийинчиликсиз, гўё эркалатгандек уни опичлаб, диван олдига олиб борди ва ўтқазиб қўйди.

– Раҳмат. Қандай яхши. Ҳаммасини... тез, чаққон бажарасан.

Герасим яна табассум қилди ва кетишга чоғланди. Иван Ильичга у билан бирга бўлиш ёқиб қолаётган эди, қўйиб юборишни хоҳламади.

– Илтимос, анов стулни мен томон сур. Йўқ, мана буни, оёғим тагига. Оёғим юқори бўлса менга ёқаяпти.

Герасим стулни келтириб тақиллатмай қулай ўрнаштирди ва Иван Ильичнинг оёғини кўтариб, устига қўйди; Герасим оёғини юқори кўтарган пайтда Иван Ильичга анча ёқимли туюлгандек бўлди.

– Менга оёғимнинг юқори туриши ёқаяпти, – деди Иван Ильич. – Анов ёстиқни ҳам шу ерга қўй.

Герасим шундай қилди. Яна оёқни кўтариб ёстиқни жойлаштирди. Яна Иван Ильичга Герасимнинг оёғини баланд тутиб туриши ёқди. Оёқни туширганда яна ёмон бўлди.

– Герасим, – деди у хизматкорга, – сен ҳозир бандмисан?

– Ҳеч қандай ишим йўқ, – жаноблар билан гаплашишнинг ҳавосини олган шаҳарликларга ўхшаб жавоб берди Герасим.

– Яна нимадир қилишинг керакми?

– Нима ҳам қилардим? Ҳаммасини бажардим, фақат эртанги кунга ўтин ёриш қолди.

– Оёғимни шундай юқори кўтариб тур, майлими?

– Бажонидил. – Герасим оёқни юқори кўтарди, шундай ҳолатда Иван Ильич оғриқни сезмаётгандек бўлди.

– Ўтин нима бўлади?

– У ёғидан безовта бўлманг. Ҳаммасига улгурамиз.

Иван Ильич Герасимга оёғини ушлаб ёнида ўтиришни буюрди ва хизматкор билан у ёқ-бу ёқдан сўзлаша бошлади. Қизик, Герасим оёқни ушлаб турганда оғриқ босилгандек туюлди.

Шундан кейин баъзан Герасимни чақирадиган, оёқни елкасида тутиб туришга қистайдиган бўлди,

у билан гаплашиш Иван Ильичга ёқарди. Герасим Иван Ильични аяганидан буларнинг ҳаммасини юракдан чиқариб, тез, чаққон ва жўнгина адо этарди. Бошқа одамларнинг саломатлиги, ҳаётсеварлиги, хушчақчақлиги Иван Ильичнинг ғаразини кўзғарди; фақат Герасимнинг ҳаётсеварлиги ва хушчақчақлиги Иван Ильичнинг ғашини келтирмас, аксинча, тинчлантирарди.

Иван Ильични азоблайдиган, негадир ҳамма томонидан тан олинган ёлғон, бу – у фақат касал, аммо ўлмайди, хотиржам даволанса бўлгани, шунда ҳаммаси изига тушиб кетади деган сафсата эди. У эса яхши билардики, нима қилмасинлар, баттар жон олувчи оғриқ ва охирида ўлимдан бошқа ҳеч нима рўй бермайди. Бу ёлғон уни ёмон қийнади, шундай қийнардик, бу машъум хулосани ўзлари ҳам биларди, у ҳам биларди, бироқ тан олишни хоҳлашмасди, боз устига унинг аянчли ҳолати юзасидан яна ёлғон гапириб, унинг ўзини ҳам бу алдовга кўнишга мажбур қилишарди. Паймонаси олдидан уни ўзи ҳақидаги сафсатага ишонтиришлар, меҳмондорчиликлар, пардалар, тушликдаги осётр... – ҳаммасининг қатига унинг ўлимини қўрқинчли тантанадек суқиб киритишга мўлжалланган ёлғон Иван Ильич учун шафқатсиз азоб эди. Ажабки, кўп марта унга ўз қилиқларини намоёйиш эта бошлаганларида уларга бақариб юборишдан аранг тийиларди: алдашни бас қилинглар, ўлишимни сиз ҳам биласиз, мен ҳам биламан, шундай экан, бас қилинглар, жилла қурса ёлғон гапирманглар. Бироқ ҳеч қачон у бундай гапиришга ботинолмасди. Иван Ильичнинг даҳшатли ва ваҳимали ўлими атрофдагиларга кутилмаган тасодифдек ёқимсиз, ўзи бир умр сазовор бўлган “ёқимтойлик”нинг ажри сифатида кўнгилсиз ёки бирқадар ножўя (худди бир одам меҳмонхонага кириб, ўзидан бадбўй ҳид таратгандек) туюларди; у

кўриб турардики, унга ҳеч кимнинг раҳми келмайди, негаки ҳеч ким ҳатто ҳозир ҳам унинг ҳолатини тушунишни хоҳламасди. Фақат Герасим унинг аҳволини тушунди ва юраги ачишди. Негаки Иван Ильичга Герасим билан бирга бўлиш таскин берарди, ёқарди. Герасимнинг баъзан миқ этмай тун бўйи унинг оёғини елкасига қўйганча узлуксиз ўтириши, ҳатто ухлашни ҳам хоҳламай, “Сиз ҳеч ҳам хижолат бўлманг, Иван Ильич, ҳали ухлаб оламан” деб туриши; баъзан кутилмаганда сенсираб, “Сен бетоб бўлсанг, нега хизмат қилмайлик?” деб қўшиб қўйишлари ёқарди. Фақат Герасимгина ёлғон гапирмасди, афтидан, у гап нимадалигини тушуниб етган, кўриниб турибдики, яширишнинг ҳожати йўқ, чўпдек озиб кетган, заиф хўжайинига унинг раҳми келади. Ҳатто бир сафар Иван Ильич уни жўнатиб юбораётганида очиқчасига:

– Бир кун ҳаммамиз ўламиз. Нима учун хизмат қилмаслик керак? – деди у гўё ўлим тўшагидаги одамга хизмат қилаётганидан асло азият чекмаётганини ва вақти келганда ўзига ҳам кимдир шундай хизмат қилишидан умидворлигини таъкидлагандек.

Ёлғон ва унинг асоратларидан ташқари Иван Ильични яна бир нарса қийнади: уни қадрлашмаётганди, у хоҳлагандек қадрлашмаётганди; муттасил оғриқлардан кейин, баъзи дақиқаларда узоқ ўйларди: уят бўлсаям кимдир уни худди касал боладек ардоқласа, у хоҳлардики, унга худди ёш болаларни эркалатгандек, овунтиргандек муносабатда бўлсалар, уни ҳам эркалатсалар, ўпсалар, бошида кўз ёш тўкиб ўтирсалар. У билардики, ўзи оиланинг эътиборли аъзоси, оқарган соқоли бунга изн бермайди; аммо барибир шундай бўлишини истарди. Герасим билан муносабатларида шунга яқин нимадир бор эди, шунинг учун ҳам Герасим билан муносабат унга таскин берарди. Иван Ильич йиғлашни, боши усти-

да бошқаларнинг ҳам йиғлашини, эркалатишларини хоҳларди-ю, аммо мана, суд аъзоси, даврадоши Шибек келди, унинг йиғлашга, эркалашга сиёқи бор эди, Иван Ильич эса жиддий туриб, салобатли, чуқур ўйга толган қиёфада ва ўрганиб қолганидек дабдаба билан кассацион қарорнинг аҳамияти ҳақида сўз очди ва ўз фикрининг тўғрилигини уқтиришга киришиб кетди. Унинг атрофидаги ва ўзидаги бундай мунофиқлик кейинги пайтда Иван Ильичнинг ҳаётини ҳаммадан кўра кўпроқ заҳарлади.

8

Субҳидам эди. Субҳидам бўлганлиги Герасим кетган ва Пётр-малай келиб, шамларни ўчирган, пардаларни очган ва хонани аста йиғиштиришни бошлаганидан билинди холос. Тонгми, тунми, якшанбами, жумами – ҳеч бири фарқ қилмай қолди, фақат бир дақиқа ҳам тинмай сирқиратадиган, азобли оғриқ; тобора адоғига етиб бораётган, лекин ҳали тугамаган тириклик ҳисси; яқинлашаётган қўрқинчли, шафқатсиз ўлим ва ёлғонлар гирдобигина таъқиб қиларди. Бунақада кунлар, ҳафталар, соатларнинг ҳисоби бўладими?

– Чой буюрадиларми?

“Малайга тартибни сақлаш муҳим, эрталаб жаноблар чой ичсалар бас”, – ўйлади у ва қисқа қилиб:

– Йўқ, – деди.

– Диванга ўтишга қийналмайсизми?

“У хонани тартибга келтириши лозим, мен эса унга халақит бераяпман, мен нопоклик, тартибсизлик келтираман”, – ўйлади Иван Ильич ва деди:

– Йўқ, мени тинч қўй.

Малай яна ғимирлай бошлади. Иван Ильич қўлини чўзгач, Пётр эшилиб яқин келди:

– Нима буюрадилар?

– Соат.

Пётр ёстиқ остида ётган соатни келтириб узатди.

– Тўққиз ярим. Улар туришмадими?

– Йўқ ҳали. Василий Иванович (бу ўғил эди) гимназияга кетдилар, Прасковья Федоровна эса агар сиз сўрасангиз, уйғотишимни тайинлагандилар. Буюрадиларми?

– Йўқ, керак эмас. – “Чойдан татиб кўрсам-чи?” – ўйлади у. – Ҳа, чой... келтир.

Пётр ташқарига йўналди. Иван Ильичга ёлғиз қолиш кўрқинчли туюлиб кетди. “Уни қандай тутиб қолиш мумкин? Ҳа, дори”.

– Пётр, менга дорини узат. – “Дори нимага ҳам кор қиларди?” У қошиқни олиб, дорини ичди. “Йўқ, фойдаси йўқ. Бари беҳуда, ёлғон, – оғзида таниш, чучмал, ёқимсиз таъмни туяр экан у шундай хулосага келди. – Йўқ, ишона олмайман. Оғриқ бир нафасга бўлса ҳам тинсайди.” У инграй бошлади. Пётр қайтиб кирди. – Йўқ, бор. Чой келтир.

Пётр кетди. Ёлғиз қолган Иван Ильич яна инграй бошлади, фақат азобли оғриқдан эмас, қайғудан, юрак сиқилишидан инграрди. “Бу адоғи йўқ куну тунлар, бари бир хил. Тезроқ келсайди. Нима тезроқ? Ўлим, зулмат. Йўқ-йўқ. Ҳаммаси ўлимдан яхши!”

Пётр патнисда чой олиб кирганда Иван Ильич унга бу ким, у нима, дегандек узоқ анграйиб қараб қолди. Пётр бу қарашдан хижолат тортди. У ўнғайсизланиб турар экан, Иван Ильич ҳушига келди.

– Ҳа, – деди у, – чой... яхши, кўй. Фақат ювинишимга ёрдамлашиб юбор ва тоза кўйлак келтир.

Иван Ильич ювинишга тутинди. У тўхтаб-тўхтаб кўли, юзини ювди, тишини тозалади ва сочини тарай бошлади-да, ойнага кўз ташлади. У кўрқиб кетди, айниқса, сочининг ялтираган пешонасига текис тарлашиб туриши кўрқинчли туюлди.

Кўйлагини алмаштираётганларида, агар баданига кўзи тушса, яна ҳам қўрқиб кетишини тушунди-да, ўзига қарамади. Мана, ҳаммаси ниҳоясига етди. У халатни кийиб, қалин жун рўмолга ўранди ва чой ичиш учун стол ёнига ўтирди. Шу аснода бирзум ўзини енгил ҳис этди, аммо чой ичишни бошлар экан, яна ўша таъм, яна ўша оғриқ қайтди. У ўзини зўрлаб, чойни охиригача ичди, сўнг оёғини узатиб, чўзилди. Ётди-да, Пётрга рухсат берди.

Яна ўша гап. Баъзан умид учқуни порлаб қолади, баъзан пушаймонлар уммони жунбишга келади, яна ўша оғриқ, яна ўша азоб, ўша қўмсаш ва ҳаммаси бир хил, ўзгармас. У ёлғизликдан азобланиб, кимнидир чақиргиси келади, аммо биладики, ёнида биров ўтирса аҳволи бундан ҳам баттар бўлади. “Балки яна морфин ичиш керакдир, бари эсдан чиқади-ку. Мен унга, дўхтирга айтаман, бошқа бирор нарса ўйлаб топсин. Бундай яшаш мумкин эмас, мумкин эмас”.

Бир-икки соат шундай ўтади. Мана, ташқаридан қўнғироқ товуши эшитилди. Зора, дўхтир бўлса. Ҳа, бу дўхтир, сизни бирор нима чўчитдими, ҳозир ҳаммасини тўғрилаймиз қабилидаги ифодани ниқоб қилиб олган бардам, хушчақчақ, семизгина, қувноқ шифокор. Дўхтир бу ифода мазкур ҳолатга ёпишмаслигини билади, аммо у худди зиёфатга бораётган одам эрталаб зарчопонини елкасига илиб олгандек, бу ниқобни босиб кийиб олган ва уни асло ечмайди.

Дўхтир завқ билан, шошилмай қўлини артади.

– Совқотиб кетдим. Қаттиқ совуқ. Исиниб олсам майлими? – дейди худди у исиниб олиши учун жиндай кутиб туриш лозим, шундан кейин бари изга тушиб кетадигандек оҳангда.

– Ҳўш, қалайсиз?

Дўхтир Иван Ильичга “Ишлар қалай?” дегиси келади, бироқ у сезадики, бундай деб бўлмайди ва “Тунни қандай ўтказдингиз?” дейди.

Иван Ильич дўхтирга “Наҳотки сен ҳеч ёлғон гапир-ишдан уялмасанг?” дегандек қарайди. Бироқ дўхтир саволни тушунишни хоҳламайди.

Ва Иван Ильич нолийди:

– Барибир жуда қаттиқ азоб. Оғриқ ўтиб кетмаяпти, йўқолмаяпти. Нимадир бўлганда эди!

– Ҳа, сиз касаллар доим шунақасизлар. Хўш, қарангки, исиниб ҳам олдим, ҳатто инжиққина Прасковья Федоровна шу ерда бўлганида ҳам, менинг ҳароратимга эътироз билдиролмасди. Хўш, салом бердик. – Дўхтир қўл олишади.

Ва бирданига олдинги нағмаларини йиғиштириб, жиддий қиёфада беморни кўздан кечиришга тутинади, томир уриши, ҳароратини ўлчайди, изидан дукиллатиш, тинглаб кўришлар бошланади.

Иван Ильич ҳеч шубҳасиз биладики, буларнинг бари хўжақўрсинга, алдов, бироқ дўхтир тиззалаб, энгашганча қулоғини гоҳ юқорига, гоҳ пастга тутиб, маънодор қиёфада унинг устида турли тана машқларини ижро этар экан, Иван Ильич худди бир пайтлар адвокатларнинг нима учун ёлғон гапирётганини билсада, мафтун бўлиб тинглагандек дўхтирнинг жонҳалак ҳаракатларига маҳлиё бўлиб қолади.

Дўхтир диванга чўккалаб, яна ниманидир дукиллатиб турганида Прасковья Федоровнанинг шоҳи кўйлаги шитирлади ва дўхтирнинг келганини билдирмагани учун Пётрга танбеҳ бергани эшитилди.

Аёл ичкарига кирди, эрини ўпди ва бирданига аллақачон уйқудан тургани, фақат англашилмовчилик туфайли дўхтирнинг келганини пайқамай қолганини исботлашга тушиб кетди.

Иван Ильич унга суқ билан қаради, бошдан-охир кўз югуртириб чиқар экан, унинг оппоқ, дўмбоқ, тоза қўлларига, бўйнига, овозидаги жарангга ва кўзида

ҳаёт уфуриб турган шуълага ҳасади келиб кетди. У қалбининг бутун қуввати билан хотинидан нафратланар, хотини тегинганида унга нисбатан кўнглида тўлиб-тошган нафратдан эзиларди.

Аёлнинг эрига ва унинг дардига муносабати одатдагидек эди. Худди дўхтир беморларга нисбатан маълум муносабат тарзини жорий қилган ва шундан воз кеча олмаганидек, аёл ҳам бир қолипдаги гапларни билиб олганди – эри айтилган тавсияларга амал қилмайди, ҳаммасига ўзи айбдор ва бу ҳам етмагандай тинмай таъна қилади. Прасковья Федоровна эрига шундан бошқача муомалани лойиқ кўрмасди.

– Кўрмайсизми, ҳеч кулоқ солмайди! Дориларни вақтида ичмайди. Боз устига доим оёғини тепага кўтариб ётади, бу, эҳтимол, унга зарардир.

Аёл унинг Герасимни оёғини тутиб туришга қандай мажбур қилишини эринмай ҳикоя қилади.

Дўхтир ёйилиб, беозор кулади: “Нима ҳам қилардик, афсуски бу беморлар шунақа аҳмоқона нарсаларни ўйлаб топишади, чидашдан бошқа илож йўқ; уларни тушунса бўлади”.

Кўрик тугагач, дўхтир соатга қаради ва шу пайт Прасковья Федоровна Иван Ильичга маълум қилдики, эри рози бўлсаям, бўлмасаям у таниқли дўхтирни таклиф қилган ва улар Михаил Данилович (одатдаги дўхтирни шундай аташарди) билан биргаликда беморни кўрадилар, маслаҳатлашадилар.

– Сен эътироз билдирма, илтимос. Бунини мен ўзим учун қилаяпман, – деди аёл ҳамма нарсани эри учун қилаётгани ва шу боис ҳам Иван Ильич унинг хоҳишига қарши бормаслигини истехзоли оҳангда таъкидлаб. Бемор сукут сақлади, пешонаси тиришди. Шу билан атрофини мунофиқлик бутунлай ўраб олганини, бундай муҳитда бирор нарсани тушунишда чалкашиб кетиш мумкинлигини ҳис этди.

Хотини унга нима раво кўраётган бўлса, бари-ни ўзи учун қилар ва Иван Ильичга ўзи учун қилаётганини ақлга сиғмайдиган ҳолдек таъкидлаб, гапининг тескарисини тушунишга ундарди.

Ҳақиқатан, соат ўн икки яримда таниқли дўхтир келди. Яна шу жойда ва бошқа хонада эшитишлар, буйрак ҳамда кўричак ҳақида батафсил суҳбатлар бошланиб кетди ва ҳаёт-мамот масаласи бир ёқда қолиб, савол-жавобларда буйрак ва кўричак масаласи атрофлича муҳокама қилинди, бу аъзолар билан арзимаган ўзгариш бўлиб ўтган, мана энди Михаил Данилович ва таниқли зот ишга киришадилар ва ҳаммаси жойига тушади.

Таниқли дўхтир жиддий, лекин умид уйғотадиган қиёфада хайрлашди. Иван Ильичнинг кўзида қўрқув учқуни ва илинж шуъласи порлаб, тузалишга қанчалик кафолат борлиги ҳақида берган илмоқли саволига у кафолат йўғу, имконият бор, деб жавоб қайтарди. Дўхтирни кузатаётган Иван Ильичнинг нигоҳи шунчалар ғамгин эдики, буни кўриб, таниқли дўхтирнинг хизмат ҳақини бериш учун кабинетдан чиқиб кетаётган Прасковья Федоровна йиғлаб юборди.

Умидбахш сўзлар айтган дўхтир бағишлаган кайфият узоқ чўзилмади. Яна ўша хона, ўша суратлар, пардалар, гулқоғозлар, шиша идишчалар ва ўзининг оғриётган, жафо чекаётган вужуди. Иван Ильич ихрай бошлади; унинг томирига дори юбордилар ва у сарҳушликда барини эсидан чиқарди.

У кўзини очганда қоронғи туша бошлаган эди; беморга таом олиб келишди. У шўрвани зўриқиб ичди; яна ўша ҳол, яна тун кириб келди.

Овқатдан кейин соат еттиларда унинг хонасига базмга борадигандек кийинган, дўппайган, таранг тортилган кўкраклар, юзида атир-упа изи билан Прасковья Федоровна кирди. У эрталаб театрга боришаёт-

ганини эслатганди. Сара Бернар* ташриф буюрган ва уларнинг ложага чипталари бор эдики, чипта олишни Иван Ильичнинг ўзи мажбурлаганди. Иван Ильич буни эсидан чиқарганди, хотинининг ҳашами унинг ғашини келтирди. Ғазаби қўзиганини яширди-ю, ўзи ложадан жой олиб, театрга боришни, бу болалар учун тарбиявий эстетик завқланиш бўлишини қаттиқ тайинлаганини эслади.

Прасковья Федоровна ўзидан кўнгли тўқ қиёфада, лекин айбдордек бироз қимтиниб ўтирди, гўё сўрашга мажбурдек, ҳеч янгилик бўлмаганини билса-да, эрининг соғлиғини суриштирди ва ўзига керак гапни айта бошлади: унинг боришга хоҳиши йўқроқ, бироқ ложа аллақачон олинган ва Элен, қиз ва Петришев (суд терговчиси, қизнинг қаллиғи) боради, уларни ёлғиз жўнатиш ноқулай. Аслида унга эрига қараб ўтириш ёқади. Фақат усиз дўхтирнинг тавсияларини бажарса бўлгани.

– Ҳа, Федор Петрович (куёв) кирмоқчи эди. Мумкинми? Лиза ҳам.

– Майли, киришсин.

Ясанган, ярим яланғоч, ёш вужудини кўз-кўз қилиб қизи кирди. Отасига эса вужуди фақат азоб беради. Солланиб қадам босадиган, соғлом, табиийки, севгидан маст, бахтига соя ташловчи касаллик, оғриқ ёки ўлимдан ғазабланадиган нозикниҳол.

Фрак кийиб олган, йўғон, бақувват бўйни маҳкам қисилган оқ ёқада, кўкраги кенг, кучли сонлари узун қора шимда лорсиллаган, бир қўли таранг тортилган қўлқопда, тавозе-ла Федор Петрович ҳам кирди.

Уларнинг изидан янги мундирча кийган, қўлқопда, кўзининг ости кўкарган, бунинг маъносини Иван Ильич тушунарди, бечорагина гимназиячи ҳам сездирмайгина бош суқди.

* *Сара Бернар (1844–1923)* – француз актрисаси.

Ўғлига Иван Ильичнинг ҳамиша раҳми келарди. Унинг олазарак, оғриқли нигоҳи доим ваҳимали эди. Иван Ильичнинг билишича, Герасимдан ташқари фақат Вася уни тушунар ва қадрига етарди.

Ҳамма ўтирди, яна беморнинг саломатлигини суриштирдилар. Сукунат чўкди. Лиза онасидан дурбинни сўради. Она ва қиз ўртасида уни ким қаерга қўйгани юзасидан можаро чиқди. Жуда ёқимсиз ҳолат.

Федор Петрович Иван Ильичдан Сара Бернарни кўрган-кўрмаганини сўради. Иван Ильич бошида ўзидан нимани сўраганларини тушунмади, кейин эса деди:

– Йўқ, сиз аллақачон кўрдингизми?

– Ҳа, “Адриенна Лекуврёр” да*.

Прасковья Федоровна актрисанинг бир фазилатини мақтади. Қизи эътироз билдирди. Унинг ўйинлари қанчалик нафосатли ва ҳаётий эканлиги ҳақидаги доим бир хилда такрорланадиган суҳбат бошланиб кетди.

Суҳбат асносида Федор Петрович Иван Ильичга назар солди-да, жим бўлиб қолди. Бошқалар ҳам қарадилар ва жимиб қолдилар. Иван Ильич ялтираган кўзлари билан қаршисига тикилар, шубҳасиз, улардан ғазабланарди. Бу ҳолатни изга солиш лозим эди, бироқ бунга тузатиб бўлмасди. Ўртага чўккан оғир сукунатни бузиш лозим эди. Ҳеч ким бунга журъат этолмасди, бирданига ёлғон фош бўлиб қоладигандек, бари ошкор бўладигандек ҳамма ваҳимага тушди. Биринчи бўлиб Лиза журъат қилди. У сукунатни бузди. Қиз ҳамманинг кўнглидаги гапни яширмоқчи бўлди-ю, аммо сездириб қўйди.

– Айтганча, кетар вақт ҳам бўлди, – деди у бир вақтлар отаси совға қилган соатига қараб ва улар-

* “Адриенна Лекуврёр” – француз актрисаси Адриенна Лекуврёр (1692–1730) фаолиятига бағишланган пьеса.

нинг иккисигагина маълум бўлган бир нарса ҳақида сездириброқ йигитга боқиб кулди-да, кўйлагини шитирлатганча ўрнидан турди.

Ҳамма ўрнидан кўзгалди ва хайрлашиб чиқиб кетишди.

Улар туриб кетгач, Иван Ильичга кайфияти яхшидек туюлди: мунофиқлик йўқолди, у ўшалар билан кетди, аммо оғриқ қолди. Яна ўша на оғир, на енгил оғриқ ва ўша қўрқув. Ҳаммаси бирдек ёқимсиз.

Яна дақиқа изидан дақиқа, соат кетидан соат ўта бошлади, ҳаммаси ўша-ўша, охири йўқ, бари муқаррар даҳшатли якун сари бораяпти.

– Ҳа, Герасимни юборинглар, – деб жавоб берди Иван Ильич Пётрнинг саволига.

9

Хотини тун ярмидан оққанда қайтди. У оёқ учида юриб кирди, бироқ бунини Иван Ильич эшитди: кўзини очди ва яна шошиб юмиб олди. Аёл Герасимни жўнатиб юбориб, эри билан ўзи ўтирмоқчи бўлди. Эр кўзини очди ва:

– Йўқ, кет. – деди.

– Жуда қийналаяпсанми?

– Нима фарқи бор.

– Афюн ичсанг-чи?

У рози бўлди ва ичди. Аёл кетди.

Соат учларгача ярим беҳуш ҳолатда азоб тортди. Уни аллақандай тор қора халтага мажбурлаб тиқишаётгандек туюлар, лекин сира тика олишмасди. Бу ёқимсиз ҳаракат уни зор қақшатиб рўй бераётганди. Бундан ўзи гоҳ қўрқар, гоҳ ичкарига кирмоқчи, оғриқни тўхтатишга ёрдамлашмоқчи бўларди. Бирдан ағдарилиб, қулаб тушгандек бўлди ва кўзини очди. Ҳар доимгидек оёқ учида тинч ва осуда мудраб

Герасим ўтирибди. У эса озиб кетган, пайпоқ кийдирилган оёғини унинг елкасига қўйиб ётибди; ўша қалпоқли шам, ўша тиним билмас оғриқ.

– Боравер, Герасим, – пичирлади у.

– Қўяверинг, ўтирибман-да.

– Йўқ, боравер.

У оёғини тушириб бир қўлига ёнбошлаб ётди ва ўзига раҳми келиб кетди. Герасим қўшни хонага чиқишини сабр билан кутди ва ортиқ чидай олмай, ёш боладек ҳўнграб йиғлаб юборди. У ўзининг чорасизлиги, бедаво ёлғизлиги, одамларнинг шафқатсизлиги, Худонинг раҳми келмаётгани, шафқат қилмаётгани учун йиғлади.

“Нечун мени бу қўйга солдинг? Нега мени бу жойга олиб келдинг? Нима учун, нима учун мени бунча қийнайсан?..”

У жавоб кутмай, жавоб йўқлиги, жавоб бўлиши мумкин эмаслиги учун йиғлашда давом этди. Оғриқ яна хуруж қилди, бироқ у қимирламади, ҳеч кимни чақирмади. Ўзича дерди: “Майли, яна уравер! Аммо нима учун? Мен сенга нима қилдим, нега?”

Кейин у жимиб қолди, йиғлашни ҳам, нафас олишни ҳам тўхтатди ва бутун диққат-эътиборини бир нуқтага жамлади: гўё шовқинли овозларга эмас, қалб овозига, ботинида қўзғалган фикрларга қулоқ тутмоқчи бўлди.

– Сенга нима керак? – дастлабки эшитган саволини сўзлар билан шундай ифодаласа бўларди. – Сенга нима керак? Сен нимани хоҳлайсан? – ўзича такрорларди у. – Нимани? – Қийналмасликни. Яшашни, – жавоб берди яна ўзи.

У бор вужуди билан диққатини қайта жамлади, ҳатто оғриқ сезилмай қолди.

– Яшашни? Қандай яшашни? – сўради ичкаридан қалб овози.

– Ҳа, яшашни, олдин қандай бўлса шундай: яхши, кўнгилли яшашни.

– Сен олдин яхши ва кўнгилли яшагансанми? – сўради овоз. У ҳаётининг энг гўзал лаҳзаларини эслашга тиришди. Аммо – ғалати манзара – кўнгилли ҳаётининг у гўзал лаҳзалари энди олдингидек оҳанраболи эмас эди. Болаликнинг илк таассуротларигина бундан мустасно. Ўша манзилда, болаликда ҳақиқатан агар қайта яшаш насиб этса, орзу қиладиган ёқимли нарсалар бор эди. Бироқ у кунларни кечирган одам энди йўқ: улар бошқа биров ҳақидаги хотиралардек бўлиб қолди.

Бугунги кунларга етаклаган ўтмиш воқеалари ҳақида ўйлаганда таассуротлари хиралашиб, унинг учун, Иван Ильич учун қувонч бўлиб туюлган туйғулар кўзида эриб, ажабтовур, аллақандай ярамас тусга кириб борди.

Болаликдан узоқлашиб, шу кунларига яқинлашган сари шодликлар арзимас ва шубҳали туюла бошлади. Бу ҳуқуқшуносликдаги таҳсилдан бошланди. Ҳар ҳолда у жойда чинакам ҳаёт бор эди: хурсандчилик, дўстлик, умид бор эди. Лекин юқори синфларга ўрлай бошлагач, бундай ёқимли лаҳзалар камайиб борди. Кейин губернатор ҳузуридаги дастлабки хизмат асносида ҳам ёқимли лаҳзалар бўлганди: бу хотинига бўлган муҳаббатининг хотиралари эди. Кейин ҳаммаси чалкашиб кетди, кўнгилли онлар камайиб, яхши дамлар борган сари озаяверди.

Кутилмаганда уйланиш... ва кўнгил қолишлар, хотинининг оғзидаги ҳид, ҳиссиётлар, ён беришлар! Бу жон олувчи хизмат, бу пул топиш йўлида куйиб-пишишлар, шу зайлда бир, икки, ўн, йигирма йиллар ўтди – бўлгани шу. Ҳаммаси жонсиз, ўлик. Ўзимни гўё ташвишлардан юқорида юргандек ҳис этиб, аслида ғам-ташвишнинг тагида умримни ўтказган эканман.

Шундай бўлган экан. Кўпчиликнинг наздида, мансаб-мартabaда баланд бўлганман, лекин ҳаёт қуйидан, пастдан ўтиб кетган экан. Мана, оқибати, ўлимга тайёрланавер!

Хўш, бу нима ўзи? Нега? Бўлиши мумкин эмас. Ҳаёт шундай маънисиз, ярамас бўлиши мумкин эмас. Агар у шу тарзда ярамас ва маънисиз бўлса, нима учун ўлиш, қийналиб ўлиш лозим? Нимадир нотўғри.

“Балки мен рисоладагидек яшамагандирман?” – Иван Ильичнинг миясига кутилмаганда шу фикр келди. “Нега, ахир ҳаммасини талаб қилинганича, кераги-ча бажардим-ку?” – у ўзича шундай деди ва шу зумда ҳаёт ва ўлим жумбоғининг ягона ечимини ҳам ўзидан узоқлаштирди.

“Энди нимани хоҳлайсан? Яшашними? Қандай яшашни? Яшаш, худди судда яшагандек, суд амалдори эълон қилади: “Суд келаяпти!..” Суд келаяпти, суд келаяпти, – такрорлади у ичида. – Мана у, суд. Ахир мен айбдор эмасман-ку! – ғазаб билан қичқирди у. – Нима учун?” У йиғлашдан тўхтади ва юзини девор томон ўгириб, фақат бир нарса ҳақида ўйлай бошлади: бунча қийноқларга сабаб нима?

Лекин қанча ўйламасин, саволига жавоб тополмади. Энди ҳаёлига тез-тез шу фикр келарди: нима рўй бераётган бўлса, ҳаммаси у нотўғри яшаганидан; аммо Иван Ильич дарҳол ҳаётининг мутлақо тўғрилигини эсга олиб, ёқимсиз ўйни нари ҳайдарди.

10

Яна икки ҳафта ўтди. Иван Ильич энди дивандан турмасди. У тўшакда ётишни хоҳламади ва диванга ўрнашиб олди. Деярли ҳамма вақт юзини деворга ўгириб ётганча нуқул битта ечими йўқ азобдан қийналар, битта жавоби йўқ савол устида бор вужуди

билан бош қотирарди. Бу нима? Наҳотки рост бўлса бу ўлим дегани? Ички овоз жавоб берарди: ҳа, рост. Бу қийноқларга сабаб нима? Ўша овоз жавоб берарди: шунчаки, сабаби йўқ. Шундан бошқа ҳеч нарса рўй бермасди.

Дардга йўлиқиб, илк марта дўхтирга учраганидан бери Иван Ильич тез-тез ўрин алмашиб турувчи икки қарама-қарши кайфият таъсирида яшарди: бир томондан, тушунарсиз ҳамда кўрқинчли ўлимнинг ваҳимаси ва кутилиши, бу ёқда ўз вужуди фаолиятини кузатишдан умидбахш қизиқиш. Кўз олдида баъзан ўз вазифасини бажармаётган биргина буйрак ва кўричак, баъзан эса ҳеч қачон қутулиб бўлмайдиган тушунарсиз ўлим шарпаси турарди.

Бу икки кайфият касалликнинг бошланишида бир-бири билан алмашиб турарди; дард узоқ давом этгач эса буйракнинг тузалиши ҳақидаги умид шубҳали ва хаёлий туюла бошлади ва кутилаётган ўлим таҳдиди кучайди.

Иван Ильич ўзича бундан уч ой олдинги ҳолатини эслашга ва уни ҳозирги вазият билан чоғиштиришга уриниб кўрди; барча умидлар чилпарчин бўлиши учун тоғнинг тагига энгандек ҳалокат сари бир текис кетган экан.

Кейинги пайтларда бу ёлғизликда, диван суянчиғига юзини босиб ётиб ўзи ҳис этган ёлғизликда, кўплаб танишлар, оилалар бор тумонат шаҳардаги ёлғизликда, на денгиз тубида, на ер юзида тенги йўқ мутлақ ёғизликда – кейинги пайтлардаги ана шундай танҳоликда Иван Ильич фақат ўтмиш хотираларини тиклаб яшай бошлади. Унинг кечмиши ҳақидаги манзаралар навбати билан намоён бўлаверди. Яқин лаҳзаларнинг таассуротлари тобора узоқлашиб борар ва охири болаликда тўхтарди. Иван Ильич ўзига олхўри мураббосидан ейишни таклиф қилганлари

хақида ўйласа, болаликдаги бурушган, хом француз олхўрисининг ўзига хос таъми, оғзи тўла сўлак билан уни данагигача кемираётганлари эсига тушиб кетар, шу хотиралар қаторида бошқалари ҳам уйғонарди: энага, ака, ўйинчоқлар... “Булар хақида ўйлаш шарт эмас, жуда оғриқли”, – дерди Иван Ильич ўзига ва бугунги кунларига қайтарди. Диван суянчиғидаги тугма ва сахтиён теридаги излар. “Тери қиммат, лекин сифатсиз; шундан ҳам жанжал чиққанди. Биз отамизнинг сумкасини йиртиб қўйганимизда бошқа тери эди, жанжал ҳам бошқача, кейин жазолашганди, онам эса бизларга бўғирсоқ берувди”. Яна хаёл болаликка кўчар ва яна Иван Ильичга ёқимсиз туюлиб, буларни нари ҳайдаб бошқа нарсалар хақида ўйлашга уринарди.

Яна ўша ҳол, бу хотираларни эслаш жараёнида бошқа хотиралар ҳам хаёлни эгалларди: касаллиги қандай зўрайди ва қандай оғирлашиб борди? Ўтмиш хақида ўйлар қанча узоққа кетса, ҳаёт таъми шунча кучаярди. Бурунги ҳаётда эзгулик кўп эди, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг қадри ҳам баланд эди. Кейин ҳамма ўйлари қоришиб кетарди. “Қийноқ қанча зўрайса, ҳаёт ҳам шунча ёмон ўтади”, – ўйларди у. Ортда, ҳаётнинг бошланишида фақат битта ёруғ нуқта, кейин эса ҳаммаси қоп-қора, ҳаммаси шувиллаб ўтади. “Ўлимгача бўлган оралиққа тескари мутаносибликда”, – ўйлади Иван Ильич. Тобора шитоб билан пастга қулаётган тош кўз олдига келди-ю, қалби ўртанди. Азоби ортиб бораётган ҳаёт интиҳого, даҳшатли қабоҳат сари елдек учиб борарди. “Мен учаяпман...” У титради, қимирлади, қаршилиқ қилмоқчи бўлди; бироқ қарши туриш мумкин эмаслигини англаб етди ва яна рўпарасида турган, қарамаса бўлмайдиган борлиққа тикилишлардан чарчаб, кўз қирини диваннинг суянчиғига қадади ва кута бошлади, ўша

кўрқинчли қулаш, силкиниш ва вайрон бўлишни кута бошлади. “Қарши туриш мумкин эмас, – деди ўзича. – Ҳеч бўлмаса, нима учун мумкин эмаслигини тушуниш керак. Бу ҳам мумкин эмас. Агар мен рисоладагидай яшамаганимни тан олсам, тушунса бўлади-ку. Лекин буни энди тан олишнинг сира иложи йўқ”, – деди ўзича ҳаётининг бутун қонунийлиги, тўғрилиги, маъқуллигини хотирлаб. “Бунга йўл кўйиб бўлмайди, – деди у биров кўриб, алданиб қоладигандек лабларини қимтиб илжайганча. – Изоҳ йўқ! Қийноқ, ўлим... Нима учун?”

11

Шу алпозда яна икки ҳафта ўтди. Бу вақт ичида Иван Ильич ва хотини кўпдан кутган воқеа содир бўлди: Петришев урф-одат бўйича ниятини билдирди. Бу кечки пайт рўй берди. Эртаси куни Прасковья Федоровна Федор Петровичнинг таклифини эрига қандай маълум қилишни обдан ўйлаганча унинг ҳузурига кирди, бироқ шу кеча Иван Ильичнинг аҳволи руҳияти жуда ёмонлашди. Прасковья Федоровна уни ўша диванда, фақат бошқа ҳолатда учратди. У чалқанча ётар, инқиллар ва қотиб қолган нигоҳини тўғрига қадаб турарди.

Аёл дорилардан гап бошлаганда бемор нигоҳини унга қаратди. У гапини тугатишга улгурмади: бу нигоҳда туганмас ғазаб акс этиб турарди.

– Исо ҳаққи, тинчгина жон таслим қилишимга изн бер, – деди у.

Аёл чиқиб кетмоқчи эди, шу зум қизи кирдида, ҳол-аҳвол сўрашга тутинди. Иван Ильич қизига ҳам хотинига боққан нигоҳ билан тикилди, соғлиғи ҳақидаги саволга қуруққина жавоб бериб, яқинда ҳаммаларининг ундан қутулишини билдирди. Икка-

ласи ҳам жимиб қолишди, бироз ўтирган бўлиб, сўнг зумда чиқиб кетишди.

– Бизнинг айбимиз нима? – деди Лиза онасига. – Худди биз уни касал қилгандек. Тўғри, унга раҳмим келади, лекин нега бизни қийнайди?

Одатдаги вақтда дўхтир келди. Иван Ильич қаҳрли нигоҳини ундан узмай, қисқа-қисқа “ҳа, йўқ” деб жавоб қайтарди ва охирида деди:

– Ҳеч қандай ёрдам беролмаслигингизни биласиз-ку, шундай экан мени тинч қўйинг.

– Оғриқни енгиллаштиришимиз мумкин.

– Буни ҳам эплолмайсиз; тинч қўйинг дедим-ку сизга.

Дўхтир меҳмонхонага чиқди ва Прасковья Федоровнага маълум қилдики, аҳвол жуда ёмон, фақат битта йўли бор – афюн, у қўзғалаётган мислсиз оғриқни босади.

Дўхтир унинг жисмоний оғриғи кучли, деб тўғри айтди; бироқ унинг жисмоний оғриғидан маънавий қийноғи кучлироқ эдики, ҳаммасидан ҳам кўпроқ шу азоб берарди.

Иван Ильичнинг маънавий азобланиши шундан иборат эдики, кеча мудраб ўтирган Герасимнинг беғубор, лўмбиллаган юзига тикилиб туриб, миясига бир фикр келди: ростдан ҳам бутун ҳаётим, онгли ҳаётим “ҳалигидай” ўтган бўлса-я?

Унинг миясига авваллари мутлақо имконсиздек туюлган шубҳа оралади: у яшаб ўтган ҳаёт ўзи рисоладагидай деб ўйлаган даражадан бошқача кечган кўринади. Миясига шундай савол келди: ўзидан юқори турган одамлар томонидан маъқул ҳисобланган мавжуд ҳолатларга қарши кураш борасидаги бироз кўзга ташланган ниятлари, дарҳол ҳаёлидан ҳайдаган ўша ниятларгина чин, бошқа ҳаммаси рўё бўлган эса-чи? Унинг хизмати, ҳаёт тарзи, оиласи, жамоаси ва ман-

фаатлари – бари сохта бўлиши мумкин эди. У ўзининг ўтмишини ҳимоя қилишга уринди-ю, бирданига ўзи муҳофаза қилаётган борлиқ қаршисида ожизлигини сизди. Ҳимоя қилинадиган ҳеч нарса йўқ эди.

“Агар шундай бўлса, – деди у ўзича, – мен ўзимга берилган барча нарсани вайрон қилдим ва улар энди қайта тикланмайди, деган тушунча билан дунёни тарк этаётган бўлсам, буёғи қандоқ кечади?” Иван Ильич чалқанча ётиб олди ва бутун ҳаётини янгидан тафтиш қила бошлади. У эрталаб малайни, кейин хотинини, сўнг қизини, охирида дўхтирни кўрганда, уларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи тунда аён бўлган машъум ҳақиқатни тасдиқлади. Уларнинг қиёфасида Иван Ильич ўзини, яшаш тарзини илғади ва буларнинг ҳаммаси ҳаёт ва ўлимни беркитиб турувчи даҳшатли, улкан ёлғон эканини аниқ кўрди. Бу туйғу кучайиб, унинг жисмоний қийноқларини ўн баравар оширди. У хириллаб, кийимларини йириб ирғита бошлади. Унга нафаси қисилиб бораётгандек, кийимлари бўғаётгандек туюлди.

Унга кўп миқдорда афюн бердилар, у гум-гурс ўчди; бироқ чошгоҳга бориб яна шу қайталанди. Иван Ильич ҳаммани атрофидан қувиб солди ва у жойдан бу жойга ирғий бошлади.

Хотини кириб ялинди:

– Жан, азизим, мен учун шунга рози бўл (мен учун?). Бу зарар қилмайди, фойдаси кўпроқ тегади. Нима қилибди, ҳеч нарса эмас. Соғлом одамлар ҳам тез-тез...

Иван Ильич кўзларини катта очди.

– Нима? Тавба-тазарру келтириш? Нима учун? Керак эмас. Ҳа, майли...

Аёл йиғлаб юборди.

– Ҳа, азиз дўстгинам. Мен ўзимизникини чақиртираман, у жуда беозор.

– Ажойиб, жуда соз, – ғудранди Иван Ильич.

Руҳоний келиб, унинг учун илоҳий каломлардан ўқигач, у юмшади, ўзининг шубҳаларидан қутулиб, енгил тортгандек бўлди ва бу тажангликдан сўнг унда оний умид уйғонди. У қайтадан кўричак ва уни даволаш ҳақида ўйлаб кетди ва кўзида ёш билан та-зарру қилди.

Ибодатдан кейин уни ётқизиб қўйганларида, бир дақиқа енгил тортди ва яна дилида яшашга умид уйғонди. У таклиф қилинган жарроҳлик ама-лиёти юзасидан фикр юритди. “Яшашни, яшашни хоҳлайман”, – ўзича гапирди. Ҳол сўрагани хотини кирди; одатдаги гапларни айтди ва охирида қўшимча қилди:

– Аҳволинг анча тузук-а, шундай эмасми?

У хотинига қиё боқмай “ҳа” деб қўя қолди.

Аёлнинг кийими, туриши, юз ифодаси, овози – бари унга бир нарсани айтарди: “Ҳаммаси ёлғон. Сен яшаган ва яшаётган ҳаёт ёлғон, мунофиқлик, ўзингдан ҳаёт ва ўлимни пана қилишдан иборат”. У шуни ўйлар экан, хотинига нафрати кўзиди ва наф-рат билан бирга жон олувчи жисмоний оғриқ ҳамда руҳиятида чорасизлик, яқинлашиб келаётган интиҳо ҳаёли гавдаланди. Янгидан нимадир рўй берди: бу-раб, чатнаб оғриш, нафас сиқиши...

У “ҳа” деганда юзи қўрқинчли буришиб кетди. “Ҳа” дея туриб, хотинининг афтига тик қаради-ю, ўз заифлигига ярашмаган чаққон ҳаракат билан юзту-бан ағнаб бақириб юборди:

– Кетинглар, кетинглар, мени тинч қўйинглар!

12

Шу дақиқадан бошлаб уч кун давом этган, ваҳимали, икки эшик ортидан ҳам ваҳимаси тешиб

юборадиган чинқириқ бошланди. Хотинига жавоб қайтарган ўша дақиқада у маҳв бўлганини тушунган эди, энди қайтиш йўқ, қазо яқин, ҳаммаси тугаган, ҳаммасининг ёлғонлиги ҳақидаги шубҳа эса шубҳалигича қолган.

– У! Уу! У! – қичқирарди Иван Ильич турли оҳангларда. Кейин яна қичқира бошларди: “Истамайман!” – ва шу тарзда “у” товушини тутиб қичқираверарди.

Унинг учун вақт ўлчови тугаган шу уч кунда жонини охиригача сўриб олган кўзга кўринмас қора халта ичида типирчилади. У худди жаллоднинг қўлидан юлқиниб чиқмоқчи бўлган ўлимга маҳкум этилган маҳбусдек чиранарди; ҳар дақиқада жон-жаҳди билан курашмасин, уни даҳшатга солган ўша машъум палла яқинлашаётганини сезиб турарди. У бутун азоб қора халтага тобора сўрилиб боришда эканини ҳис қилар, аммо бундан қутулиш чораси йўқ эди. Қутулишга ҳаёти яхши ўтгани ҳақидаги иқрори халақит берарди. Ўз ҳаётини оқлаши уни занжир каби чирмаб олганди ва олға юришга қўймасди.

Бирданига қандайдир куч унинг кўкрагига, биқинига урилгандек бўлди, нафаси баттар қисилди, у аллақандай ўра тубига қулаб тушди ва ўша ёқдан аллақандай шуъла кўринди. У билан темирйўл вагондаги бир ҳолат рўй бераётганди, олдинга кетаяпман, деб ўйлайсан-у, аслида орқага кетаётган бўласан ва бирданига асл йўналишни билиб қоласан.

– Ҳа, бари нотўғри бўлди, – деди ўзича, – ҳечқиси йўқ. Аслида “тўғри” қанақа бўларкан? – ўзидан сўради ва бирданига жимиб қолди.

Бу учинчи куннинг охирида, жони узилишидан бир соат олдинги ҳолат эди. Айнан шу паллада гимназиячи астагина отасининг ҳузурига писиб кирган ва унга яқин борганди. Жон берувчи тинмай бақирар ва қўлини силкирди. Қўл гимназиячининг бошига те-

гиб кетди. Гимназиячи қўлни ушлаб олди, лабларини унга босди ва йиғлаб юборди.

Айни шу пайтда Иван Ильич ўрага қулаб, шуълага кўзи тушган ва ҳаёти нотўғри кечганини, аммо уни ҳали ҳам тўғрилаш мумкинлигини ўйлаганди. У ўзидан: “Тўғри ҳаёт қанақа?” деб сўради ва букчайганча жимиб қолди. Шунда у қўлини кимдир ўпаётганини сизди. Кўзини очиб, ўғлига разм солди. Болага раҳми келди. Хотини унга яқинлашди. У аёлга тикилди. Аёл анграйиб, бурни ва бўйнига оққан кўз ёшларини артмай, аламзада назар билан унга қараб турарди. Унинг хотинига раҳми келди.

“Ҳа, мен уларни қийнаяпман, – ўйлади у. – Уларга оғир, бироқ мен ўлсам, уларга яхши бўлади”. У шу сўзларни айтмоқчи бўлди, аммо гапиришга кучи етмади. “Гапиришдан нима фойда, амалга ошириш керак”, – ўйлади у. Кейин нигоҳи билан хотинига ўғлини кўрсатди ва деди:

– Қара... афсус... сен ҳам... – У “кечир” демоқчи эди, “кеч” дея олди холос, хатони тўғрилашга мажоли етмади, кимга керак бўлса, ўзи тўғрилаб олади, дегандек қўл силтади.

Шупайт Иван Ильични қийнаб, ичидан чиқмаётган азоб икки томондан, ўн томондан, ҳамма томондан отилиб чиқа бошлади. Уларга шафқат қилиш лозим, шундай қилиш керакки, улар азоб чекишмасин. Бу қийноқлардан ўзини ва уларни халос этиш лозим. “Қандай яхши ва қанчалик оддий, – ўйлади у. – Оғриқчи? – сўради ўзидан. – У қаерга кетди, қаердасан, ҳой, оғриқ?”

У қулоқ тута бошлади.

“Ҳа, мана у. Нима бўпти, майли, оғрийверсин”.

“Ўлим-чи? У қаерда?”

У ўзининг қадрдон бўлиб қолган ўлим кўрқувини излади ва уни топа олмади. У қаерда? Қанақа ўлим?

Ҳеч қандай кўрқув йўқ эди, негаки ўлимнинг ўзи йўқ эди.

Ўлим ўрнида шуъла бор эди.

– Шунақа бўларкан-да! – кутилмаганда овоз чиқариб гапирди у. – Қандай яхши!

Унинг учун ҳаммаси бир дақиқада рўй берди ва бу дақиқанинг моҳияти ўзгармай қолди. Тепасида турганлар кўзи олдида эса унинг ўлим талвасаси яна икки соат давом этди. Иван Ильичнинг кўксида нимадир ғариллади; шарти кетиб, парти қолган гавдаси қалтиради. Кейин ғариллаш ва хирқираш камайиб борди.

– Тамом! – деди кимдир боши устида.

Бу сўзни у эшитди ва қалбида такрорлади: “Ўлим тамом бўлди, у энди йўқ”.

У ичига ҳаво ютди, ютганини нафасининг ярмида тўхтатди, узанди ва омонатини топширди. Бечора ...



Крейцер сонатаси

Бу эрта баҳорда бўлганди. Биз икки суткадирки, йўлда эдик. Вагонга шу яқин оралиқдаги йўловчилар кириб-чиқиб туришар, уч киши: хунуккина, ёши ўтган, башараси аянчли, эркакларнинг калта пальтосини кийиб олган кашанда аёл ва унинг таниши – пўрим либосдаги қирқ ёшлар чамаси сергап киши ҳамда ўзини айрича тутаетган, ҳаракатлари шиддатли, паст бўйли, ҳали ёши ўтмаган, бироқ жингалак сочлари эрта оқарган, фавкулодда ялтираган кўзлари қўним билмайдиган жаноб, у эғнида қоракўл ёқали эски пальто, чуқур қоракўл телпакда эди; жумладан, улар қатори мен ҳам поезд жилгандан бери жойимизда муқим эдик.

Овсарроқ туюлган киши тугмаларини ечганда, пальтоси остидаги белбурма камзули ва русча тикилган кўйлаги кўзга ташланди. Бу жанобнинг яна ўзига хос жиҳати шунда эдики, у гоҳида йўталганга ёки бошланган ва узилиб қолган кулгига ўхшаш ёқимсиз овоз чиқарарди. Ул жаноб йўл бўйи ўзини мулоқотдан ва бошқалар билан танишишдан тортиб келди. Ёнидагилар гап қотганда қисқа ва кескин жавоб қайтарар, тинмай ўқир, ойнадан тикилганча чекар ёки эски қопидан нонхалтасини чиқариб, чой ичар ёхуд тамадди қиларди. Менинг назаримда, у ёлғизлигидан қийналаётганди ва мен бир неча марта у билан мулоқотга киришиш учун ҳаракат қилиб кўрдим. Ҳар сафар кўзларимиз тўқнаш келганда эса, бу тез-тез рўй берарди, чунки биз бир-биримиз билан қиялаб қарама-қарши ўтириб қолгандик, бурилиб ўзини китобга урар ёки ойнага тикилиб қоларди.

Иккинчи кун оқшом каттагина станцияда тўхталганда бу асабий жаноб қайноқ сув учун чиқиб

кетди ва ўзига чой дамлаб келди. Пўрим кийинган бошқа жаноб, кейин билсам – адвокат экан, ўзининг қўшниси, кашанда, калта эркаклар пальтосидаги аёл билан станцияга чой ичиш учун кетишди.

Жаноб ва аёлнинг йўқлигида вагонга бир қанча янги йўловчилар, жумладан, соч-соқоли тарашланган, баланд бўйли чол, у сувсар пўстин, йирик соябонли мовут картуз*да эди, афтидан, савдогар бўлса керак, кириб келди. У аёл билан адвокат ўтирган жойнинг қаршисига чўкди-да, шу заҳоти ҳозирги станциядан вагонга кирган ёш, кўринишидан тижоратчига ўхшаб кетадиган одам билан суҳбатга киришиб кетди.

Мен қиялаб ўтирар ва поезд тўхтаб тургани, ҳеч ким кирмаётгани учун уларнинг суҳбати қулоғимга аниқ чалинарди. Савдогар аввал бир бекат наридаги мулкига кетаётганини эслаб ўтди, кейин, одатдагидек, дастлаб нарх-наво, савдо-сотик ҳақида гаплашдилар, доим бўладиганидек, Москвадаги тижоратга тўхталдилар, сўнгра Нижегород ярманкасига ўтдилар. Тижоратчи ярманкадаги қандайдир иккаласига ҳам таниш савдогар-бойнинг айш-ишрати ҳақида сўзлай бошлади, бироқ чол сўзини тугатишга қўймади ва Кунавинада бўлиб ўтган, ўзи ҳам қатнашган майхўрликлар ҳақида валақлаб кетди. У, афтидан, маишатларда қатнашганидан ғурурланарди ва нашъа билан ўша таниш бойваччага қўшилиб, маст ҳолда Кунавинада қилган хуфёна ишларининг энг қизиғини тижоратчининг қулоғига шипшиб айтди, бундан яйраган тижоратчи вагонни бошига кўтариб, хохолаб кулиб юборди, чолнинг ўзи ҳам икки сариқ тишини ялтиратиб кулгига қўшилди.

Ҳар қанақа қизиқ гапни ҳам эшитишни хоҳламай ва поезд жўнагунча платформада айланиб келиш

*Картуз – эркакларнинг козирёк (соябонли) бош кийими, шапка.

учун ўрнимдан турдим. Эшик олдида нима ҳақидадир
жўшиб гаплашиб келаётган адвокат ва аёлга дуч кел-
дим.

– Улгуролмайсиз, – деди менга киришимли адво-
кат, – ҳозир иккинчи қўнғироқ чалинади.

Айтганидек, вагон охирига бормасимдан иккин-
чи қўнғироқ янгради. Қайтиб жойимга келсам, купеда
ҳамма жам, аёл билан адвокат ўртасида бошланган
қизғин мулоқот давом этарди. Қари савдогар тўғрига
тикилганча, баъзан тишларини норози ғижирлатиб,
уларнинг қаршисида жим ўтирарди.

– Нега аёл бирданига эрига, – уларнинг ёнидан
ўтиб кетаётганимда адвокат кулиб гапираётганди, –
сира бирга яшашни хоҳламаётганини, шунақасига...

Кейин у ниманидир сўзлай бошлаганди, давоми-
ни эшитолмадим. Изимдан яна йўловчилар ўтиб ту-
ришди, кондуктор кузатиб юрарди, хизматкор чопиб
ўтди, хуллас, шовқин узоқ давом этди ва суҳбат эши-
тилмай қолганди. Атроф тинчигач, яна адвокатнинг
овози қулоққа чалина бошлади, суҳбат мароми хусу-
сий тафсилотлардан умумий масалаларга ўтибди.

Адвокат ажралиш ҳақидаги масала, бу муаммо
бизда ҳам тез-тез учраб турибди, Европада жамоат-
чилик фикрини банд қилиб қўйганини таъкидлади.
Фақат ўзининг овози эшитилаётганини сезиб қолган
адвокат гапига нуқта қўйди ва чолга мурожаат қилди:

– Қадимда бундай ҳоллар учрамаган, тўғрими? –
деди ёқимли жилмайиб.

Чол нимадир дейишга оғиз жуфтлаганди, бирдан
поезд жилиб қолди, чол эса картузини қўлига олиб,
пичирлаб дуо ўқишга ва чўқинишга киришиб кетди.
Адвокат кўзини четга олиб, сабр билан кута бошлади.
Ибодатини ва чўқинишини тугатиб, чол ўзининг тик
ва чуқур картузини кийди, бошига тўғрилаб қўйди ва
гапини давом эттирди.

– Бўлган, афандим, фақат олдин кам учрарди, – деди у. – Ҳозирги шароитда шундай бўлиши аниқ. Негаки, одамлар жуда билағон бўлиб кетишди.

Поезд тезлигини ошириб бориб, туташ жойларда қаттиқ шақирлаганидан гапни эшитиб бўлмасди, суҳбат эса қизигандан қизиётганди, мен яқинроқ сурилдим. Қўшним, кўзлари ялтираган тажанг жаноб, афтидан, қизиқиб қолган шекилли, жойидан қимирламай, қулоқ соларди.

– Э, кўп билишнинг нимаси ёмон? – ошкора жилмайиб эътироз билдирди аёл. – Наҳотки, эски удумларга кўра келин-куёв бир-бирини кўрмай турмуш қуриши яхши бўлса? – кўплаб аёллар сингари суҳбатдошининг сўзларига жавобан эмас, ўзининг хаёлида кечган ўйларини баён қиларди у. – Севадими, йўқми, ким тўғри келса, узатишади, кейин бир умр қийналиб юради; сизнингча, шу яхшими? – худди менга ва адвокатга нутқ ирод этгандек, аслида кўпроқ чолга қарата сўзлади хоним.

– Жуда билағон бўлиб кетишди, – такрорлади савдогар аёлга шубҳали қараб қўйиб ва унинг саволини жавобсиз қолдирганча.

– Маъқул бўлардики, сиз кўп нарсга билиш билан эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари ўртасида қандай боғлиқлик борлигини тушунтириб ўтсангиз, – деди нимтабассум билан адвокат.

Савдогар нимадир демоқчи бўлганди, аёл гапини оғзидан олди:

– Йўқ, у замонлар ўтиб кетди. – деди у. Аммо адвокат аёлни тўхтатди:

– Шошманг, уларга ўз фикримни билдиришга рухсат этгайсиз.

– Билағонликдан тентаклик келиб чиқади, – қатъий таъкидлади чол.

– Бир-бирларини севмайдиганларни қовуштириб қўйишади, кейин тотув яшамаётликларидан ҳайрон бўлиб юришади, – деди аёл шошиб адвокат билан каминага, ҳатто ўрнидан туриб, орқада тирсагига таянганча суҳбатни табассум билан қизиқиб кузатаётган тижоратчига ҳам нигоҳ ташлаб қўйди. – Бу усулда ҳўжайиннинг хоҳиши билан ҳайвонларни жуфтлаб қўйиш мумкин, одамларнинг эса ўз хоҳиши, кўнгли бор, – савдогарни бутунлай дамини ўчириш оҳангида кесиб-кесиб гапирди хотин.

– Беҳуда гапларни айтасиз, бекачим, – деди чол, – ҳайвон ақлсиз махлуқ, одамга эса тартиб-қонун берилган.

– Ҳўп, севмаган одам билан қандай яшаш мумкин? – эҳтимол ўзига жуда янги туюлган фикрини айтмоқчи бўлгандек шошилди аёл.

– Бурунлари бу нарсалар билан ҳисоблашмаганлар, – босиқ оҳангда гапирди чол, – энди шуларга зўр беришяпти. Қаранг, ҳозир аёллар бундай дейди: “Сени ташлаб кетаман”. Бунга эркаклар ҳам кўникиб боряпти. “Ма, дейди, кўйлак-иштонинг, мен Ваня билан кетаман. У сендан яхши, сочлари жингалак”. Мана, аҳвол, ўзингиз ўйлаб кўринг. Хотин кишида биринчи галда кўрқув бўлиши лозим-да.

Тижоратчи табассумини яшириб, адвокатга, аёлга, менга разм солди, у аёлнинг муносабатини кутар, шундан сўнг савдогарнинг фикрини ё масхара қилиш ёки маъқуллашга тайёр турарди.

– Қанақа кўрқув? – деди аёл.

– Қанақа бўларди: э-э-р -и-дан кўрқсин-да! Мана шунақа кўрқув.

– Э, нима деяпсиз, отагинам, у замонлар ўтиб кетди, – деди бироз зарда билан аёл.

– Йўқ, бекачим, бу замон билан ўтиб кетадиган нарса эмас. Аёл, Момо Ҳавво қандай пайдо бўлган, эр-

какнинг қовурғасидан яралган-ку, охиригача шундай бўлиб қолади, – деди чол қатъий ва ғолибона бошини қимирлатиб; тижоратчи сездики, ғалаба савдогар томонда, у шарақлаб кулиб юборди.

– Ҳа, сиз эркаклар шундай ўйлайсизлар, – деди бўй бермай, бизларга сер солиб аёл, – ўзларингга эркинлик яратволгансизлар, хотинларни эса зиндонда сақлашни хоҳлайсизлар. Ўзингизга ҳамма нарса жоиз деб биласизлар.

– Ижозани ҳеч ким бермайди; фақат эркакдан рўзғорга ҳеч бало юқмайди, хотин-хотин-да, таги тешик тоғора, – аврашда давом этди савдогар. Савдогарнинг ишонтирувчи гап оҳанги, табиий, тингловчиларни мафтун этди, ҳатто аёл ҳам ўзини буйсунгандай сизди, бироқ тан бермади.

– Ҳа, бироқ мен ўйлайманки, сиз ҳам қўшиласиз, аёл ҳам одам, унинг ҳам худди эркаклардек ҳистуйғулари бор. Хўш, агар у эрини севмаса, нима қилиши керак?

– Севмайди! – ғазабнок такрорлади савдогар қоши ва лабини қимирлатиб. – Бора-бора севиб қолади!

Бу кутилмаган далил, айниқса, тижоратчига ёқиб тушди ва у маъқуллагандай овоз чиқарди.

– Ҳа, йўқ, севмайди, – бўй бермади аёл, – башарти севги йўқ экан, бунга мажбурлаб ҳам бўлмайди.

– Хўш, агар аёл эрига хиёнат қилса, бунга қандай таъбир бор? – луқма ташлади адвокат.

– Бунга йўл қўйилмайди, – деди чол, – кўз-кулоқ бўлиш керак.

– Мабодо рўй бериб қолса, унда нима қилиш керак? Ахир бўлади-ку.

– Кимдадир рўй берар, фақат бизда эмас, – деди чол.

Ҳамма жим бўлди. Тижоратчи қимирлаб қўйди, турди ва бошқалардан ортда қолмаслик учун жилмайиб сўз бошлади:

– Хўп, мана, мен биладиган ёшлардан бир можаро чиқди. Чиндан бирор нарсга дейиш қийин. Йигитнинг тақдирига енгилоеъ аёл аралашиб қолган. Хунарини бошлаган. Олдин аста-аста, кейин кучайиб бораверган. Бошида омборчи билан. У ҳам яхшигина айлан-тирган. Уни тинчитган. Ҳар хил хунарлар кўрсатган. Пулини ўғирлашни бошлаган. Омборчи уни калтаклаган. Яна баттар бўлаверган. Чўқинтирилмаган билан, яхудий билан, хуллас, ошиқ-маъшуқликни авж олдирган. Эр нима қилиши керак? Аёлдан воз кечди-қўйди. Ёлғиз яшаяпти, аёл эса сандироқлаб юрибди.

– Эркак ахмоқ экан, – деди чол. – Бошидан қаттиқ ушлаши керак эди. Яхшилаб таъзирини бериб қўйганда, бинойидек яшаб юрарди. Аввало жловини қўлдан чиқарма. Далада байталга ишонма, уйда – хотинга.

Шу чоқ кондуктор келиб, навбатдаги станцияда тушадиганларни дараклаб қолди. Чол чиптасини берди.

– Ҳа-я, аёл жинсининг тизгинини бошидан қаттиқ тут, бўлмаса, бой берасан.

– Хўш, ўзингиз ҳозиргина айтдингиз-ку, оилали эркаклар Кунавина ярманкасида қандай яйрашаркан? – дедим ўзимни тутолмай.

– Бу алоҳида масала, – деди савдогар ва миқ этмай юкларини йиғиштирди.

Кўнғироқ чалинганда савдогар турди, ўриндик остидан қопини олди (ундан таралган қўланса ҳид купени босиб кетди) ва картузини бошига кўндириб, ташқарилади.

2

Чолнинг қораси ўчиши билан чуғур-чуғур бошланиб кетди.

– Отахон эскича фикрлайди, – деди тижоратчи.

– Нақ домострой*нинг ўзгинаси – деди хоним. – аёл ва никоҳ ҳақида қанчалик ёввойи тасаввур-а.

– Ҳа-я, никоҳга европача қарашдан жуда узоқмиз, – деди адвокат.

– Асосий гап шундаки, бундай одамлар, – сўз бошлади аёл, – севги-муҳаббатсиз никоҳ никоҳ эмаслигини, фақат севги никоҳни муқаддаслаштиришини, фақат севги билан муқаддаслашган никоҳ ҳақиқий никоҳ эканлигини тушунишмайди.

Тижоратчи буларни эшитиб туриб, мавриди келганда қўллаш мумкин бўлган қанчалар ақлли сўзларни эслаб қолишни чамалаб, кулиб қўйди.

Аёлнинг гапи ўртасида ортимдан худди бўлиниб қолган кулги ёки йиғидек товуш эшитилди, қайрилиб қараб, биз суҳбат давомида, табиий, унга қизиқиб кетганимиздан даврага сездирмай яқинлашган, кўзлари ялтираб турган оқ соч ёлғиз жанобни кўрдик. У курси суянчиғига қўлини қўйганча тик турар ва негандир, жуда ҳаяжонланарди: унинг юзи қизариб кетган, бўйин мушаклари пир-пир учарди.

– Қанақа қилиб бу севги... севги... севги... никоҳни муқаддаслаштиради? – деди у дудуқланиб.

Суҳбатдошининг ҳаяжонли ҳолатини кўриб, аёл унга назокат билан юмшоқ ва асосли жавоб беришга уринди.

– Чин севги... Эркак ва аёл ўртасида шундай севги бўлса, никоҳ жоиздир, – деди хоним афанди.

– Ҳа, чин севги деганда нима назарда тутиляпти? – деди ёқимсиз жилмайиб ва ҳадиксираб ялтироқ кўзли жаноб.

*Домострой – оилавий ҳаёт қондалари тўғрисида XVI аср рус мажмуаси. Унга мувофиқ, оила ичида унинг бошлиғи ҳоким бўлиб, аёл киши жуда камситилиши керак бўлган.

– Севги нималигини ҳамма билади, – деди аёл у билан суҳбатга хотима яшаш илинжида.

– Мен эса билмайман, – деди жаноб. – Аниқлаштириб олиш лозим: сиз нимани назарда тутаяпсиз?

– Қанақасига, дейсизми? Жуда оддий, – деди аёл, аммо ўйланиб қолди. – Севги? Севги йигит ёки қизнинг бир-бирини қолган барча одамлардан қатъий афзал кўришидир, – деди аёл.

– Афзал кўриш қанча муддатга? Бир ойгами? Икки кунгами, ярим соатгами? – дағдаға қилди оқ соч жаноб ва кулиб юборди.

– Асло. Афв этгайсиз, сиз, менимча, бошқа нарса ҳақида гапиряпсиз.

– Йўғ-а, мен айнан ўша нарса ҳақида гапиряпман.

– Улар айтаяптики, – суҳбатга қўшилди адвокат аёлни бармоғи билан бигиз қилиб кўрсатиб, – никоҳ, биринчидан, кўнгил қўйиш, севгидан юзага келмоғи шарт, агар хоҳласангиз, бундай ҳолат кўзга ташланса, никоҳ ўзини, айтаётганларидек, муқаддас бир нарса сифатида намоён қилади. Кейин, табиий мойилликка асосланмаган ҳар қандай севги, агар хоҳласангиз, ўзига ҳеч қандай маънавий мажбурият юкламайди. Мен тўғри тушунибманми? – деди у аёлга мурожаат қилиб.

Аёл бош ҳаракати билан ўз фикрларининг шарҳини маъқуллашини билдириб қўйди.

– Сўнгра... – нутқини давом эттирди адвокат, бироқ асабий жаноб энди кўзларида чақнаётган учкун билан, табиий, ўзини аранг қўлга олиб, адвокатга сўзини тугатиш имконини бермай, гап бошлади:

– Йўқ, мен ҳалиги, йигит ёки қизнинг бир-бирини қолган барча кишилардан афзал кўриши ҳақида сўраяпман: афзал кўриш қанча муддатга?

– Қанча муддатга? Узоқ, баъзан умр бўйи, – деди аёл елкасини қисиб.

– Булар ҳаммаси китобларда, ҳаётда эса ҳеч қачон бундай бўлмайди. – *Ҳозиргина пашшадек ҳам сезилмаётган зот филдек намоён бўла бошлаганди.* – Ҳаётда бир кишининг бошқа кишини яхши кўриши бир йилга, бунақаси ҳам жуда кам учрайди, кўпроқ бир ойга, балки бир ҳафтага, бир кунга, бир соатга бўлади, – деди у ўз фикрлари билан ҳаммани ҳайрон қолдираётганини сезиб ва бундан қаноатланиб.

– Эҳ, нималар деяпсиз? Асло. Йўқ, маъзур тутгайсиз, – учаламиз бир овоздан такрорладик. Ҳатто тижоратчи қандайдир норози товуш чиқариб юборди.

– Ҳа-я, мен биламан, – бизга бақирди оқ соч жаноб, – сизлар мавжуд, деб фараз қилинувчи нарс ҳақида гапиряпсизлар, мен эса бор нарс ҳақида гапиряпман. Ҳар қандай эркак сизлар севги деб атаётган туйғуни ҳар бир чиройли аёлга нисбатан ҳис этади.

– Эҳ, гапираётган нарсангиз даҳшат; одамлар орасида севги деб аталадиган шундай туйғу борки, у бир ойга ёки бир йилга эмас, бутун умрга берилади.

– Йўқ, асло йўқ. Агар эркак киши таниқли бир аёлни бир умр яхши кўради, деб ўйлаганимизда ҳам барча эҳтимолларга кўра, аёл бошқа билан дон олишади, ҳамиша шундай бўлиб келган, дунё шу тақлид яралган, – деди у ва қутидан папирос олиб, чекишга тутинди.

– Балки гап икки томоннинг бир-бирига муносабатидир, – деди адвокат.

– Йўғ-а, бўлиши мумкин эмас, – эътироз билдирди у, – бу худди нўхатнинг пўсти ичида икки палласи ёнма-ён тургандек бўла олмайди. Бундан ташқари, бунда биттагина эҳтимол мавжуд эмас, бу ерда гап, балки жонга тегиб кетишдадир. Бутун умр бир кишини севиш, бу – барибир, нима деса бўлади, шамнинг бир умр ёлғиз ёнишидек гап, – деди у ютоқиб папирос тортганча.

– Аммо-лекин сиз нукул шахвоний севгини назарда тутаяпсиз. Ақалли юксак орзулар ягоналиги, рухий муштаракликка асосланган севги борлигини тан олмайсизми? – сўради аёл.

– Рухий муштараклик! Орзулар ягоналиги! – такрорлади оқ соч жаноб бўғриқиб. – Агар бори шу бўлса, бирга ухлашнинг ҳожати йўқ экан-да (қўполлигим учун узр). Орзулар ягоналиги туфайли одамлар бир тўшақда ухлайди, – деди у ва асабий ҳиринглади.

– Бироқ маъзур тутасиз, – деди адвокат, – сизнинг гапингизга далил зид келмоқда. Кўриб турибмиз, эрхотинлик мавжуд, бутун одамзот ёки унинг босим қисми оилавий ҳаётда яшайди ва кўплар никоҳ асосидаги турмушда узоқ йиллар бекаму кўст умргузаронлик қилади.

Оқ соч жаноб яна кулди.

– Мен ҳиссий севгига шубҳам борлигини билдириб, бундан бошқа ҳам туйғу борлигига шама қилганимда, сиз никоҳ севги асосида юзага келади, деяпсиз, бу билан севгининг борлиги никоҳнинг мавжудлигида, демоқчи бўляпсиз. Аммо никоҳ ҳам бизнинг замонимизда бир алдов!

– Йўқ, кечириб қўясиз, – деди адвокат, – мен мавжуд бўлган нарса ҳақида гапирдим ва никоҳ деганлари амалда мавжуд, деяпман.

– Мавжуд. Лекин нимадан мавжуд? Никоҳ мавжудлигининг сабаби унинг Яратган олдида масъулиятини билдириб турувчи сирлилик, сир борлигини тасдиқлашга ишонувчи одамлар туфайлидир. Уларча, никоҳ яшаяпти, бизнингча – йўқ. Бизда одамлар никоҳда қовушишдан бошқа ҳикмат кўрмай турмуш қуради ва ё алдовга, ё зўравонликка дуч келади. Алдов бўлса, осон кечади. Эр ва хотин фақат одамларни алдайди, гўё улар бир никоҳда, аслида кўп хотинлилик, кўп эрлилик шароитида яшашади. Бу қабоҳат,

лекин бу ҳол давом этмоқда; эр ва хотин ташқи томондан бир умр шундай яшашни ихтиёр этадилар, иккинчи ойдан бошлаб эса бир-бирларидан нафратлана бошлайдилар, ажралишни хоҳлайдилар-у, барибир яшайверадилар, шунда даҳшатли дўзах юзага келадики, ундан қутулиш учун ичкиликка бериладилар, отишадилар, бир-бирларини ўлдирадилар, заҳарлайдилар, – деди шиддат билан сўзлаб, ҳеч кимнинг аралашишига йўл қўймай ва яна ва яна қизишиб у. Ҳамманинг дами ўчди. Ноқулай вазият юзага келди.

– Ҳа, шубҳасиз, эр-хотинлик ҳаётида қалтис вазиятлар бўлади, – деди адвокат нохуш суҳбатга чек қўйишни хоҳлагандек.

– Сиз, кўриб турганимдек, мени танидингиз чоғи? – аста, ҳеч нарса бўлмагандек оҳиста деди оқ соч жаноб.

– Йўқ, бирор мамнуният ҳис қилмадим.

– Мамнуниятга ҳали эрта. Мен – Позднишев, суҳбат асносида ишора қилганларингиз – учраши мумкин бўлган ўша қўрқинчли воқеани содир этган, тасодифан хотинини ўлдириб қўйган одамман, – деди у ҳаммамизга тез назар ташлаб.

Ҳеч ким айтишга бирор сўз тополмади, ҳамма сукут сақлади.

– Ҳа, майли, – деди овозини пасайтириб оқ соч жаноб. – Албатта, маъзур тутасизлар! Ҳа! Сизларни хижолатга қўймоқчимасман.

– Ҳечқиси йўқ. Афв этасиз... – “афв этасиз” нималигини ўзи ҳам билмай сўз қотди адвокат.

Позднишев уни эшитмай, тез ўгирилди-да, ўз ўрнига кетди. Жаноб аёл билан пичирлашди. Мен Позднишев билан бақамти ўтиргандим, нима дейишга ақлим етмай жим бўлдим. Мутолаа учун қоронғи, шунинг учун кўзимни юмдим-да, ухламоқчи бўлгандек

ғилжайиб ётдим. Шу тарзда кейинги бекатгача жим кетдик.

Станцияда жаноб аквокат аёл билан бошқа вагонга ўтиб кетишди, олдиндан кондуктор билан келишиб қўйишган экан. Тижоратчи курсини ўнгариб уйкуга кетди. Позднишев яна чекди, аввалги станцияда дамлаган чойини ичди.

Бир пайт кўзимни очиб, унга қараган эдим, бирданига қатъий оҳангда титраб менга мурожаат қилди:

– Сизга, балки менинг кимлигимни билгач, бирга ўтириш ноқулайдир. Унақада, мен кетдим.

– Э, йўқ. Маъзур тутасиз.

– Хўш, ноқулай эмасми? Фақат аччиқ. – У менга чой қуйиб узатди.

– Улар гапираверади... Ҳаммаси алдайди... – деди у.

– Нимани назарда тутяпсиз? – деб сўрадим мен.

– Ўшалар ҳақида-да: уларнинг севгиси, бунинг нима эканлиги ҳақида. Сизнинг уйқунгиз келмаяптими?

– Бутунлай йўқ.

– Хоҳласангиз, анов севги бобида мен билан нима воқеа содир бўлди, бу севги мени нимага гирифтор қилди – шуларни ҳикоя қилиб бераман.

– Бажонидил, агар сизга оғирлик қилмаса.

– Йўқ, менга жим ўтириш оғир. Чойдан ичинг. Ё жуда аччиқ эканми?

Чой чиндан аччиқ эди, ундан бир стакан ичдим. Шу пайт кондуктор келиб қолди. Ҳамроҳим назоратчини ўтқир нигоҳлари билан кузатиб қўйди ва у кетгач, ҳикоясини бошлади.

3

– Хўш, ҳикоямни бошлайман... Чиндан эшитишни хоҳлайсизми?

Мен сидқидилдан тинглагим келаётганини так-
рорладим. У нафас ростлади, қўли билан юзини артди
ва ҳикоясини бошлади:

– Айтишга қарор қилдингми, ҳаммасини бошидан
бошла: қандай ва нима учун уйландим, шунгача мен
ким эдим – айтишим керак.

Уйланишимгача ҳамма қатори, яъни бизнинг дав-
радошларимиз қандай бўлса, шундай яшадим. Мен за-
миндор ва университет кандидати, яна сардор эдим.
Уйлангунча ҳамма қатори, яъни эркин, даврадошлар-
им ўртасида қарор топган тартибга кўра, билганинг-
ча яша, ҳеч нарсадан қайтма, қабилида кун кўрдим
ва қандай яшаш керак бўлса, шундай яшаётганимга
ишонардим. Ўзим ҳақимда қўй оғзидан чўп олмаган,
бутунлай ахлоқли одамман, деб ўйлардим. Мен ҳамма
нарсага қизиқавермасдим, ғайритабиий қилиқларим
йўқ, булардан кўплаб тенгдошларим каби ҳаёт маз-
мунини изламасдим, бузуқликни ими-жимида, иси-
ни чиқармай, саломатлик учун амалга оширардим.
Мен бола туғиб олиб ёки боғланиб қолиш билан бо-
шимни қотирадиган аёллардан қочардим. Эҳтимол,
бола бўлган ҳоллар ёки боғланиб қолган пайтлар
бўлгандир, бироқ мен ҳаммасини бартараф этиб, ҳеч
наrsa бўлмагандек юардим. Бундай ҳолларни фақат
ахлоқлилиқ белгисигина деб билмай, улардан фахр-
ланардим.

У гапидан тўхтади, миясига янги фикр келгандек,
ўзгача овоз чиқарди.

– Бинобарин ўта қабиҳлик шунда экан, – чин-
қириб юборди у. – Бузуқлик жисмоний ҳолатдан
эмаскан, ҳар қандай жисмоний номаъқулчилик ҳам
бузуқлик бўлавермаскан; бузуқлик, ҳақиқий бу-
зуқчилик аёл билан жисмоний муомалага киришга-
нингдаги ахлоқий мажбуриятлардан айнан ўзингни
халос қилишингдир. Ана шундай халос қилиш ту-

файли ўзимни балога гирифтор айладим. Эсимда, бир сафар мени ёқтириб қолган аёл ўзини каминага топширганда рози қилишга улгуролмаганим учун қанчалар қийналгандим. Фақат унга пул жўнатиб, бу билан унга ахлоқан тобелигим йўқлигини исботлаганимдан кейин кўнглим тинчиган. Сиз гўё мени қувватлагандек бўлиб, бошингизни ирғаманг, – бирдан у менга бақриб қолди. – Мен бу даҳмазани биламан. Сиз ҳаммангиз, сиз ҳам, омади гап, агар нодир нусха бўлмасангиз, сиз ҳам мен сингари фикрдасиз. Аммо, барибир, мени маъзур тутинг, – давом этди у, – гап шундаки, бу даҳшат, даҳшат, даҳшат!

– Нима даҳшат? – сўрадим мен.

– Ўша алаҳсираш гирдоби, қачонки, аёлларга нисбатан бепарво яшаймиз ва шундай муносабатда бўламиз. Ҳа-я, бу ҳақда осуда гапиролмайман, ано-ви айтганидек, мазкур ҳолат мен билан рўй бергани учун эмас, мазкур ҳолат мен билан рўй берганидан буён кўзим очилди ва мен ҳамма нарсани бутунлай бошқа дунёда кўра бошладим. Ҳаммасининг оёғи осмондан, ҳаммасининг!..

У папиросини чекиб тугатди ва тиззасига таяниб, гапиришни бошлади.

Қоронғиликда унинг юзи кўринмас, фақат вагоннинг зириллаган шовқини ичидан унинг ишончли ва ёқимли овози эшитиларди.

4

– Ҳа-а, ҳозиргина азобланиб, (қанчалик азобландим), шунинг эвазига ҳаммасининг илдизи қаердалигини тушундим, ҳозиргина нима бўлиши кераклигини тушундим, шу билан бутун фожиани кўрдим.

Маъзур тутасиз, мени мажруҳ этган ҳолат қандай ва қачон бошланганини, қай тарзда рўй берганини

ўшанда кўрдим. Бу ҳали мен ўн олти ёш остонасида турган вақтим бошланган. Бу мен гимназияда, акам биринчи босқич талабаси эканлигида рўй берган. Мен ҳали аёл синоатини билмасдим, шунингдек, аллақачон даврамиздаги жами бахтсиз болалар сингари айбсиз ҳам эмасдим: иккинчи йилдаёқ болаларга қўшилиб, айнигандим; аёл дегани бошқача бир нарса, лекин унда тотли нимадир бор, аёл ҳар қанақасига аёл, аёлнинг яланғоч ҳолати мени қийнай бошлаганди. Ёлғизланиб қолишим ҳалолликдан эмасди. Мен 99 фоиз болалар қийналгандек эзилардим. Мен ваҳимага тушдим, азобландим, тавба қилдим ва бош эгдим. Мен тасаввурда айнигандим, аслида эса ҳали мен томонимдан охирги қадам қўйилмаганди. Ҳали инсон қавми вакилига қўл теккизмай, ёлғиз маҳв бўлдим. Бир кун акамнинг ўртоғи, улфат бола, беозор гўдак дегандай, аслида энг ашаддий манфур, бизни ичишга, карта ўйнашга ўргатган шумтака ичкиликбозликдан сўнг ўшаққа боришга кўндирди. Кетдик. Акам ҳали ҳам пок эди, шу кеча расво бўлди. Мен ҳам, ўн беш ёшли болакай, нима қилаётганимни ўзим ҳам охиригача тушунмай, булғанган хотинга қўшилиб, ўзимни ҳам бўлғадим. Таассуфки, бирон марта ўзимдан катта одамдан қилаётган ишим ифлослик эканини эшитмагандим. Энди эса ҳеч ким эшитмайди. Тўғри, бу Инжилда бор, аммо Инжил фақат имтиҳонда попнинг саволларига жавоб беришга асқатади, аммо кутилмаган таклиф чоғи ut* қабул қилишни тушунтириб беришдан жуда йироқ-да.

Ўзим фикрларини ҳурмат қиладиган катта ёшли одамларнинг биронтасидан бу иш аҳмоқлик эканини эшитмаганман. Аксинча, мен ҳурмат қиладиган одамлардан унинг яхшилигини эшитганман. Эшитдимки, менинг курашишим ва қийноқларим ўшандан кейин таскин оларкан, мен буни эшитдим ва ўқидим, катта-

лар қулоғимга қуйдики, бу иш саломатлик учун айна муддао; ўртоқларимдан эшитдимки, бу иш мақтовга лойиқ, баҳодирлик экан. Хуллас, бу ҳаракатда яхшиликдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Касаллик хавфи? Бу ҳам ҳисобга олинган. Ҳомий ташкилотлар бу ҳақда қайғуришади. Бундай ташкилотлар исловатхоналарнинг фаолиятини кузатиб боради ва гимназистларнинг бузуқчилигини таъминлаб, муҳофазалаб туради. Шифокорларга маош тайин этилган. Улар фаолиятни назорат қилиб туради. Таъкидлайдиларки, жинсий алоқа саломатлик учун кони фойда ва улар тўғри, тартибли алоқани ташкил қилиб берадилар. Мен шу масалада ўғлига ғамхўрлик кўрсатадиган оналарни биламан. Таассуфки, илм ҳам уларни исловатхоналарга бошлайди.

– Нега айнан илм? – дедим мен.

– Шифокорлар ким, сўранг? Илм фидойилари-да. Ким ўсмирларни бу саломатлик учун фойдали, деб йўлдан оздиради? Ўшалар-да. Кейин бошлари ғурра бўлгач, захмни даволашга киришадилар.

– Захмни нима учун даволаш керак эмас?

– Башарти, юздан бир фоиз захмни даволаш шароитида бузуқчиликка чек қўйилганда, захм аллақачон хотирга ҳам олинмасди. Шароитлар бузуқчиликка чек қўйишга эмас, уни рағбатлантиришга, бузуқчиликда хавфсизликни таъминлашга йўналтирилди. Ҳа, худди шундай. Гап шундаки, менга ўхшаб, агар ўндан тўққиз фоиздан кўп бўлмаса, фақат бизнинг қатламимиз эмас, ҳамма, ҳатто деҳқонлар билан шундай кўрқинчли ҳол рўй берадики, ўткинчи табиий ҳою-ҳавас деб, иш кўрган ойимтиллаларнинг тўрига тушиб қолишади. Йўқ, ҳеч қандай аёл мени йўлдан ургани йўқ, балки менинг атрофимдагилар – бири жуда қонуний ва саломатликка фойдаси бор, бошқаси – жуда табиий ва ёш ўсмир учун фақат узрли

ман. Хушбахт ёшлар, офицерлар, париждиклар-чи! Бу жанобларнинг бари, жумладан, мен ҳам, қалбимизда аёлларга нисбатан турли-туман юзлаб жирканч жиноятларни туйган ўттиз ёшли бузуқилар чала-чулпа ювиниб, атирга бурканиб, соч-соқоли тарашланган, тоза ич кийимлару фрак ёки мундирда (озодалик ташқи бозоргирлик!) меҳмонхона ёхуд балларда пайдо бўлардик – қандай ажойиб дамлар!

Сиз нимадир рўй беришини ва нима мавжудлигини бир ўйлаб кўринг. Қачондир жамиятда менинг синглим ёки қизимга шундай жаноб дуч келса, унга яқинлашим, жимгини четга чиқариб, қулоғига шундай деб шипшишим керак бўлади: “Овсаргинам, мен сен қандай яшашингни, тунни ким билан қандай ўтказишингни билиб турибман. Бу ер сенинг жойинг эмас. Бу ер бокира қизлар макони. Туёғингни шиқиллат!” Шундай бўлиши керак; аммо шундай олчоқ пайдо бўлади ва менинг синглим, қизимни қўлтиқлаганча рақс тушади, агар у бой ва юқоридан бўлса, бошимиз кўкка етади. Ригольбош*дан кейин қизимни тақдирлаб қолса зора. Изи қолса ҳам ҳечқиси йўқ – ҳаммаси жойида. Ҳозир яхши даволашади. Ўзим ҳам яхши биламан, бир қанча олий доираларда қизларини ота-оналари тантана билан захмга чалинганларга узатишди. Э, қандай мунофиқлик! Вақти келиб, бу мунофиқлик ва ёлғонлар жазосини олади!

У бир неча марта ёқимсиз овоз чиқарди ва чойга қўл узатди. Чой ўта аччиқ эди, аралаштиришга сув ҳам йўқ эди. Мен ичганим икки стакан чойдан ваҳимага тушдим. Суҳбатдошимга чойи таъсир қилди чамаси, ҳаяжонланиб-ҳаяжонланиб кета бошлади. Овози оҳангдор ва маъноли жарангларди. Тинимсиз қимирлар, қалпоғини гоҳ кияр, гоҳ ечар, биз ўтирган

*Ригольбош – мусиқанинг трубада чалинадиган ўйноқи қисми.

нимқоронғиликда башараси қўрқинчли тус олиб турарди.

– Хўш, ўттиз ёшгача бир дақиқа ҳам уйланиш, бинойидек оилавий ҳаёт қуриш, шу мақсадда муносиб қиз излаш ҳақида бош қотирмай яшадим, – ҳикоясида давом этди у. – Мен бузуқилик ўрасига бошимгача ботиб кетдим, шундай бўлса-да, ўз покизалиги билан хотинликка арзийдиган қиз қидирардим. Кўпларини айнан менга етарлича покиза эмаслиги туфайли мос келмайди, деб рад этдим; ниҳоят, ўзимга муносиб деб билган қизни топдим. Бу бир пайтлар жуда бой бўлган ва кейинчалик касодга учраган пензалик заминдорнинг икки қизидан бири эди.

Бир оқшом, ойдин тунда, қайикда сайр қилиб, уйга қайтдик, ёнида ўтирар эканман, қизнинг жерси* қисиб турган таранг қомати, чиройли кокилларига махлиё бўлдим ва бирдан мен излаган малак шу эканини ичимдан ҳис қилдим. Шундай туюлдики, ўша оқшом дилимда қандай ҳисларни кечираётган бўлсам, улар жуда юксак эди, у ҳаммасини тушунарди. Аслида эса жерси ва кокилларгина кўзга ташланиб турар ва бир марта учрашганимдан кейин унга янада яқинлашиш истаги кучайди.

Ҳайратланарли ҳолат: гўзалликка эзгуликнинг ҳамоҳанглиги кўплаб хомхаёлларга олиб боради. Гўзал аёл аҳмоқона гапларни гапиреди, сен тинглаб туриб, асло ахмоқликни кўрмайсан, аксинча, донишмандликни кўрасан. У расво ишларни қилади, вайсайдиди, сенга эса дилрабо кўринаверади. Агар у аҳмоқона, тентакона нарсаларни гапирмаса, бироқ гўзал бўлса, шу зумда уни ақлли ва ахлоқли мўъжизалигига ишонасан.

Мен уйга ҳаяжонланиб қайтдим ва қарор қилдимки, у ўта ахлоқли хилқат, шунинг учун менга

* Жерси – жун ва ипакли газмол тури.

турмуш ўртоғи бўлишга лойиқ ва эртасига қўлини сўрадим.

Буларнинг ҳаммаси чалкашиб кетди! Фақат бизнинг шароитимиздагина эмас, бутун халқларда, афсуски, уйланадиган мингта эркакдан никоҳгача ўн бора, ҳатто юз ёки минг марта, Дон Жуанга ўхшаб, аёлга дуч келмаган ақалли биттаси учрамайди. (Ҳозир, ростдан, эшитаяпман ва кўраяпман, бу юмуш майнавозчилик эмас, улуғ иш эканини англаб етган, ҳис этган ва билган бамаъни йигитлар бор. Раббим уларга ёр бўлсин! Менинг замонимда ўн мингдан бири ҳам бундай эмасди). Буни ҳамма билади, ваҳоланки, билмайман, деб тан олмайди. Жами романларда қаҳрамонларнинг кечинмалари, улар кезадиган яйловлар, бутазорлар икир-чикиригача акс этган; аммо уларнинг барно қизга буюк муҳаббати ҳақида гап кетганда у билан, ажиб қаҳрамон билан олдин нималар рўй бергани юзасидан ҳеч нима ёзилмайди: унинг хонадонларга танда қўйиши ҳақида, ошпаз хотинлар, оқсочларга, бегона аёлларга тирғалиши ҳақида биронта сўз йўқ. Агар шунақа ноқулай ҳолатлар тасвирланган романлар бўлса, уларни ҳеч кимга, айниқса, ҳақиқатни билиши лозим бўлган қизларга беришмайди. Аввал бошдан қизлар олдида шаҳар ва қишлоқларнинг тенг ярмини қамраб олган бузуқчилик ҳақида сўз очишмайди, гўё бундай ҳол бутунлай мавжуд эмас. Кейин худди инглизларга ўхшаб, ўзлари тўқиган ёлғонга ўзлари ишонадилар, ниҳоят, биз юксак ахлоқли одамлармиз ва шундай жамиятда яшаймиз, деган ақидага сидқидилдан сажда қилиб қоладилар. Бечора қизчалар бу гапларга чинакамига ишонадилар. Худди шундай, менинг бечора хотиним ҳам ишонган экан. Ёдимда, бўлажак эр сифатида, менинг ўтмишимдан бироз хабардор бўлсин, барибир бошқалардан эшитади-ку, деб ўйлаб, хусусан, охирги саргузаштларим

билан танишишини маъқуллаб, ўзим унга айтишим зарур бўлган гапларимни ҳисобга олиб, кундалигимни кўрсатдим. Танишиб чиқиб, ҳаммасини билгач ва тушунгач, унинг қандай даҳшатли қиёфага кирганини, пушаймон бўлганини ва ҳаяжонланганини эслайман. У мендан воз кечмоқчи бўлганини кўриб турардим. Ўшанда нима учун ташлаб кетмади-а!

Ҳамсуҳбатим ёқимсиз таниш товушини чиқарди, жим бўлди ва чойдан бир қултум ҳўплади.

6

– Йўқ, аксинча, шуниси яхши, шуниси яхши! – кичқирди у. – Жазоим шу! Фақат гап бунда эмас. Мен айтмоқчи бўлган гап шуки, фақат бечора қизлар алданиб қолади. Бу ҳолни оналари, айнан оналари, эрларига парвона бўладиган оналари жуда яхши биладилар. Ўзларини овунтириб, эрларининг ҳалоллигига ишонадилар, амалда эса бутунлай бошқа иш қиладилар. Улар ўзлари ва қизлари учун эркакларни қармоққа қанақа илинтиришни биладилар.

Афсуски, биз эркаклар асло билмаймиз, билмаслигимизнинг сабаби – билишни хоҳламаймиз, аёллар жуда яхши билади, энг илҳомбахш, нафис (биз уни шундай таърифлаймиз) туйғу асло ахлоқий қадриятларга боғлиқ эмас, аксинча, жисмоний яқинлик ва соч турмаги, ранг, кўйлак бичимидан туртки олади. Бировни қармоғига илинтиришга жаҳд қилган тажрибали танноздан ишни нимадан бошлашини сўранг: нишонга олган ўлжаси қаршисида бир дунё ёлғон, шафқатсизлик, ҳатто шаллақилик билан пайдо бўладими ёки унга бесўнақай тикилган ва ночор кўйлақда кўринадими, ҳар қандай шароитда ҳам биринчини танлайди. У бизнинг биродаримиз юксак туйғулар ҳақида лоф уришини, аслида, унга бадан

эмас, ҳатто гуноҳсиз юмуш деб тургач, таслим бўлмай қайга борасан?! Мен таслим бўлиш нималигини тушунмаганман, маълум ёшда худди чекиш, ичишни бошланимдек, шунчаки лаззат, бир чети ўзига хос эҳтиёж деб қараб, бузуқликка бўй берганман. Барибир дастлабки қадамларда қандайдир ўзига хослик, тортадиган нарса бор эди. Эслайман, ўша пайтда, хонадан чиқаётганимда ғамгин-ғамгин бўлиб кетдим, йиғлагим келди, ўзимнинг бўзлигим қурбон бўлгани учун, аёлларга беғубор муносабатим барбод бўлгани учун йиғлагим келиб кетди. Ҳа-я, аёлга табиий, содда муносабатларим қурбон бўлганди. Шундан бери аёлларга нисбатан самимий муносабатда бўлолмадим, бўлолмайман ҳам. Мен, айтганларидек, бузуқига айландим. Бузуқининг жисмоний ҳолати бангининг, ичувчининг, кашанданинг ҳолатига ўхшайди. Худди банги, ичувчи, кашанда қойим одам бўлолмаганидек, ўз нафсига бир неча хотинни қурбон қилган эркак ҳам қойим эмас, бир умр айниган, бузуқи. Банги ва ичувчини башарасидан, қилиқларидан таниш мумкин бўлганидек, бузуқини ҳам билиб олиш қийин эмас. Бузуқи ўз нафсини тийиши, курашиши мумкин; аммо аёл кишига оғаларча оддий, беғубор, тоза муносабатда бўлолмайди, бир умр, ҳеч қачон бўлолмайди. Ёш жувонга назар солиб, тикила бошладим, дарров унинг бузуқлигини билиш мумкин. Мен бузуқига айландим, шундай бўлиб қолдим ва бу мени хароб қилди.

5

– Ҳа, шунақа. Кейин олға, олға кетилаверди, ҳар хил иккиланишлар бўлди. Ё, парвардигор! Бу борадаги ярамасликларимни эсласам, даҳшатли манзара пайдо бўлади! Менинг маъсумлигим устидан ўртоқларим кулганларини айтмайсизми, уларни шундай эслай-

кераклигини, шунга эришиш учун ҳар қанақа ярамасликни кечиришини, аммо ярашмаган, дидсиз, аҳмоқона кийимни иқи суймаслигини билади. Танноз бу нарсаларни тажрибаси асосида онгли тушунади, ҳар қандай бегуноҳ қизалоқ эса онгсиз равишда, худди жониворлар каби билади.

Шунинг учун бу қабих жерсилар, бу пешбандлар орқага, яланғоч елкаларга, билакларга, ҳатто кўкракларга ярашади. Аёллар, хусусан, эркаклар мактабини ўтаган аёллар жуда яхши биладики, юксак нарсалар ҳақидаги гаплар – шунчаки гап, вужуд лозим бўлган эркак учун эса ундан бошқа жалб этадиган олам йўқ; ва худди шундай бўлиб келяпти ҳам. Агар бизнинг иккинчи табиатимизга айланган бу қилиқни ўша ярамас одатдан улоқтириб ташланса, юқори даражали одамлар ҳаётига борица разм солинса, бутун номаъқулчилиги билан бу дунё яхлит ишратхонага ўхшайди. Гапимга қўшилмайсизми? Рухсат беринг, мен исботлайман, – давом этди у оғзимдан гапимни олиб. – Сиз айтасизки, бизнинг жамиятимизда аёллар ишратхона маликаларидан ўзгача қизиқишлар билан яшайди, мен йўқ дейман ва буни исботлайман. Агар одамлар ҳаётий мақсадлари, ҳаётнинг ботиний мазмуни билан фарқланишса, бу фарқ бевосита ташқи кўринишда акс этиши лозим ва ташқи кўриниш ҳам турлича бўлиши шарт. Лекин энг бахтсиз бечорага ва энг бадавлат тўрага қаранг: бир хил либослар, бир хил фасон, бир хил атир, ўша яланғоч билаклар, елка, кўкраклар, дўмпайган думбалар, ўша дур-гавҳарларга, қимматбаҳо, ялтироқ тақинчоқларга ўчлик, ўша хушчақчақлик, рақс ва мусиқа, қўшиқ. Мақсад бутун воситалар билан мафтун қилса, ҳаммасида шундай – уларда ҳам, буларда ҳам. Ҳеч бир фарқ йўқ. Қатъий аниқлаштириб, фақат шуни айтиш лозимки, қисқа муддатли

фоҳишалар одатда шубҳали, доимий фоҳишалар эса ҳурматлидир.

7

– Ҳа, шундай қилиб, мени бу жерси, кокиллар, пешбандлар илинтирди. Мени илинтириш осон бўлди, негаки, мен худди бодринг шона отгандек ошиқ-мошиқ ёш-яланглар урчийдиган муҳитда тарбияланганман. Бизнинг безовта қиладиган ортиқча нутфамиз жисмонан яйраган чоқларда шундай намоён бўладики, шаҳватнинг муттасил қўзғалишига олиб келади. Ҳайрон бўлинг – ҳайрон бўлманг, шундай. Сўнги вақтларгача мен бунда ҳеч нарса кўра олмагандим. Мана, энди кўзим очилди. Буни ҳеч ким билмаслиги мени қийнайди, ҳолбуки, анави хотинга ўхшаб турли аҳмоқона гапларни сўзлаб юришади.

Ҳа, шу йил баҳорда бизнинг яқинимизда мужиклар темир йўл ётқизишда тер тўкишди. Унга деҳқонлардан олинган озгина одатдаги егуликлар – нон, квас, пиёз етарли; у тирик, хушчақчақ, соғлом, енгил дала ишларида куймаланади. У темир йўлга ишга киради, унинг емаги – бўтқа-ю бир қадоқ гўшт. Ҳолбуки, бу гўштни ҳалоллаш учун ўттиз пуд юкли аравани ўн олти соат давомида ғилдиратади. Унга шундай буюрилган. Кунига икки қадоқ гўшт, қуш эти ейдиган, бошқа қиздирадиган овқатлар, ичимликлар истеъмол қиладиган кишилар-чи, еганлари қаёққа сарфланади? Ҳисларнинг уйғонишига. Агар шу ёққа кетса, қутқарув жўмраги очиқ, ҳаммаси жойида; менга ўхшаб, жўмакни ёпиб қўйинг, худди мен вақтинча ёпиб қўйгандек, ўша заҳоти бизнинг сунъий ҳаётимиз призмаси орқали ўтиб, тоза сувга ташналик, баъзида ҳатто шаҳвоний севгига қўзғалиш бошланади. Мен ҳам бошқалар қатори ошиқ бўлдим. Ва ҳаммаси ош-

кора эди: ҳаяжон ҳам, эркалашлар ҳам, лирика ҳам. Моҳиятан менинг бу муҳаббатим бир томондан – она-хон ва тикувчининг иш фаолияти, бошқа тарафдан – тараллабедод ҳаётимнинг менга ҳозирлаган мукофоти учидан патири эди. Бир томондан қайиқда сузишни бас қил ёки қоматдор тикувчи бўлма ва ҳоказо, менинг шалвираган либос кийган хотиним бўл ва уйда ўтир; бошқа томондан росмана одамга ўхшаб, меҳнат қилиш учун қанча овқат лозим бўлса, тановул қилинадиган шарт-шароитларда ўша менинг қутқарувчи жўмрагим очиқ бўлганда – буни қарангки, кутилмаганда у шу пайтда тасодифан ёпилиб қолибди – мен севмай қолардим ва ортикча бош оғриқ бўлмасди, сингари зиддиятли ҳислар тўфонида яшай бошладим.

8

– Ҳўш, бу ерда шундай бўлди: менинг ҳолатимда кўйлак ҳам жойида, қайиқда сайр қилишга ҳам муваффақ бўлинди. Йигирма мартача тўғри келмади, бу ерда эса тўғри келди. Худди қопқонга ўхшаб. Мен кулмаяпман. Ҳозир никоҳлар худди қопқондек ташкил қилинаяпти. Ахир бунинг нимаси табиий? Қиз вояга етди, узатиш керак. Боз устига, қиз тасқара эмас, уйланишни хоҳлайдиган йигит бор. Қадимда шундай қилишган. Қизнинг бўйи етса, ота-онаси тўй қилган. Шундай қилишган, бутун инсоният шундай қилаяпти: хитойлар, ҳиндлар, мусулмонлар, ўзимизда ҳам шундай; истисно тариқасида одам зурриёдининг 0, 99 қисми шундай қилаяпти. Фақат биздан 0, 01 ёки озроқ қисми, айниганлар бу ҳол яхши эмаслигини билиб қолишди ва янги нарсга ўйлаб топишди. Бу янгилик нимада? Янгилик шуки, қизлар қатор ўтирадилар, эркаклар худди бозордагидек, юриб танлайди. Қизлар кутади ва ўйлайди, аммо: “Отагинам! Мени, йўқ, мени!

Уни эмас мени: менга қаранг қандай елкаларим бор” дейишга ҳадди сиғмайди. Биз эркаклар у ёқ-бу ёққа юрамиз, кўз ташлаймиз ва мамнун бўламиз”. Биламан, афсус, мен қўлга тўшмайман”. У ёқ-бу ёққа юришади, кўз ташлашади, мамнун бўлишади, ҳаммаси улар учун уюштирилган. Қарабсизки, ҳушёрликни қўлдан бой беради-ю, тап этиб тўзоққа тушади.

– Қандай бўлиши керак? – дедим мен. – Хотинлар, нима, эркакларнинг қўлини сўрасинми ?

– Билмадим, қандай; агар тенглик бўлса, тенглик бўлсин-да. Агар совчиликни хўрлаш деб топган бўлсалар, бу минг баравар баттар. Унда ҳуқуқ ва имкониятлар тенг, бунда эса аёл бозордаги қул ёки қопқонга тушган ўлжа. Ҳар қандай онага ёки қизнинг ўзига бор гапни – у эркак излаш билан бандлигини айтинг. Тавба, қандай уят! Аслида улар шундай қилади ва бундан бошқа чоралари йўқ. Даҳшатлиси – баъзан бутунлай хокисор, камбағал қизлар ҳам шу иш билан машғуллигини кўриш мумкин. Яна-тағин буни ошкора қилсалар ҳам майлига, ҳаммаси алдов. “Эҳ, турларнинг келиб чиқиши қандай қизиқ-а! Эҳ, Лиза тасвирий санъатга жуда қизиқади. Сиз кўргазмада бўласизми? Қандай ажойиб! Тройка, спектакль, симфониядаям бўласизми? Эҳ, қандай гўзал! Менинг Лизам мусиқани жонидан севади. Сиз бу туйғуларингизни нега баҳам кўрмайсиз? Қайикда-чи!..” Фикр эса битта: “Ол, мени ол, менинг Лизамни ол! Йўқ, мени! Ҳеч курса синаб кўр!..” О, қандай қабиҳлик! Ёлғон! – якунлади сўзини суҳбатдошим ва чойини охиригача ичиб, идишларни йиғиштиришга киришди.

9

– Биласизми, – тилга кирди ҳамроҳим қопига чой ва шакарни жойлай туриб, – улар дастидан дунё жабр

тортаётган хотинлар ҳукмронлиги аслида шундан келиб чиққан.

– Қанақасига хотинлар ҳукмронлиги? – дедим. – Рост, ҳуқуқда устунлик эркаклар томонида.

– Ҳа, ҳа, шу, шу, – сўзимни бўлди у. – Сизга айтмоқчи бўлган нарсам шуки, бир ғайритабиий ҳолат юзага келган: бир томондан, аёлнинг энг тубан даражадаги хўрликка тушиб қолгани бутунлай бор гап, лекин бошқа томондан қаралса, у ҳукмрон мавқеда. Бу яҳудийлар ўзларининг жабр-зулм учун пул ҳукмронлиги билан бадал тўлайдигандек гап. “Сиз фақат бизнинг савдогар бўлишимизни хоҳлайсизми? Яхши, биз савдогармиз, сизни қўлга киритамиз”, – дейди яҳудийлар. “Сиз бизни фақат ҳиссиёт бандалари бўлишимизни хоҳлайсизми, яхши, биз ҳиссиёт бандаларимиз ва сиз учун ишлаймиз”, – дейишади аёллар. Бунда масала аёлларнинг ҳуқуқсизлигида, овоз беролмаслиги ёки қозилик қилолмаслигида эмас – бунақа ишлар билан шуғулланиш ҳуқуқни ташкил қилмайди – гап шундаки, жинсий муносабатда хотинлар эркак билан тенг турсин, эркакдан фойдаланиш, ўз майлларига кўра унга қаршилиқ қилиш, ўз хоҳиши билан эркакни танлаш ва танланиш ҳуқуқига эга бўлсин. Сиз буларни номаъқулчилик деяпсиз. Яхши. Унақада эркак бундай ҳуқуқларга эга бўлмасин. Ҳозир аёллар эркаклар эгаллаб олган ҳуқуқлардан маҳрум. Шундай қилиб, бу ҳуқуқнинг ўрнини тўлдириш учун аёл эркакнинг ҳиссиётларига таъсир қилади, ҳиссиётлар орқали уни бўйсундиради, инчунун, эркак аёлни номигагина танлаган бўлади, ҳақиқатда эса ҳаммасини аёл белгилайди – танлайди. Демак, шундай воситага эга бўлган аёл уни суиистеъмол қилади ва одамлар устидан кўрқинчли ҳокимиятга эга бўлади.

– Ўзига хос ҳокимият қаерда қолади? – деб сўрадим.

– Ҳокимият қаерда? Ҳамма жойда, бутун теварақда. Ҳар қандай катта шаҳарларда дўконларни айланинг. Одам меҳнати сингган миллионлаб буюм бор, қараб боқинг-чи, шу дўконларнинг 0, 9 фоизиди эркаклар эҳтиёжи учун бир ашқол учрайдими? Турмушдаги барча ҳашамат аёлларга аталган ва уларга хизмат қилади. Фабрикаларни кўз олдингизга келтиринг. Маҳсулотларнинг салмоқли қисми аёллар учун: фойдасиз безаклар, фойтунлар, мебеллар, ўйинчоқлар. Фабрикалардаги каторга меҳнатида миллионлаб одамлар, қуллар авлоди фақат аёллар тантиқлиги учун эзилиб кетади. Аёллар худди қироличалар сингари одам наслининг 0, 9 қисмини қулликда ва оғир меҳнат остида ушлаб туради. Шу туфайли улар бошқа эркаклар билан тенг бўлган ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, ҳўрланган. Улар бизни ўз тўрларига илинтириб, ҳаракатлари билан туйғуларимиздан қасос оладилар. Ҳа, ҳаммаси шу туфайли. Аёллар ҳиссиётга асосланган шундай қуролни яратдиларки, эркаклар аёлларга эркин мурожаат қилолмай қолдилар. Эркак хотинга яқинлашса, унинг сеҳрига тушиб қолади ва йўлдан озади. Олдинлари байрам либосидаги ясашиб олган аёлни кўрганимда ўзимни унғайсиз сезардим, ҳозир эса ўта кўрқинчли, одам учун хавфли, ғайриқонуний нарсани кўргандек бўламан ва ҳайқириб полиция чақиргим, хавфли буюмни даф этишни талаб қилгим келиб қолади.

– Ҳа, сиз куласиз! – қичқирди у менга, – бу бутунлай ҳазил эмас. Ишончим комил, вақти келади, балки яқинда, одамлар жамиятда осойишталикка путур етказаётганлар – ўз танасини безаш эвазига (бизда аёлларга шундай қилишга йўл берилаяпти) ҳиссиётни жунбушга келтираётганлар борлигини тушуниб етади. Нима бўлганда ҳам барибир – сайилгоҳларда, йўлкаларда ҳар хил қопқонларни териб қўйиш – ёмон!

Нима учун қимор ўйинлари тақиқланган-у, бироқ исловатхоналарда аёлларга ҳиссиётни жунбушга келтирадиган либослар кийиш тақиқланмаган? Булар минг бора хавfli!

10

– Ана шунақа, шундай қилиб мени илинтиришди. Мен, айтишади-ку, ошиқ бўлдим. Мен уни ўзимга комилликнинг юқори нуқтаси дебгина танламадим, балки ўша пайтда ўзимнинг уйланишимни ҳам комилликнинг чўққиси, деб тасаввур қилдим. Балки қандайдир даражада ўзидан ҳам баттарини излаб дуч келмаган ва бундан фахрланмасликка сабаб топа олмаган ва ўзидан мамнун бўлмаган ярамас йўқдир. Мен ҳам пул учун уйланмагандим, кўплаб танишларим эса бойлик ёки мансаб учун уйланишганди, мен бой, у камбағал эди. Бу биттаси. Мағрурланишимнинг бошқа сабаби – ўзгалар уйлангунгача кўпхотинлик ҳолатидаги турмушини давом эттиришни мўлжалларди; мен эса тўйдан кейин ягона никоҳда бўламан, деган қатъий қарорда эдим ва бундан қувончимнинг чеки йўқ эди. Ҳа, тўнғиздан ҳам баттар эдим, билъакс, ўзимни фа-ришта деб ўйлардим.

Куёвлик даврим узоқ давом этмади. Бу даврни хижолатсиз эслай олмайман! Қандай қабоҳат! Севги руҳий ҳолат, ҳиссий эмас, дейишади. Ҳўш, агар севги руҳий бўлса, руҳий муносабат сўзлар, гурунглар, суҳбатлар орқали ифодаланиши керак-ку. Ҳеч бундай бўлмади.

Ёлғиз қолганимизда икки оғиз гап айтиш жуда азоб эди. Бу оғир ва беҳуда Сизиф меҳнатидек гап эди. Нима гапиришни ўйлаб оласан, сўзлайсан, яна жимлик, янгисини ўйлайсан. Гаплашадиган мавзу йўқ. Айтилиши лозим бўлган гаплар – бизни олдинда

кутаётган ҳаёт, режалар гапириб бўлинган, кейинчи? Агар биз жонивор бўлганимизда сўзлашиш жоиз эмасди; бизнинг ҳолатимизда эса гаплашиш шарт, негаки, қиладиган иш йўқ, суҳбатга изн берилган. Боз устига, лаънати қандолатлар, ширинликлар билан боғлиқ удумлар ва тўйга майда-чуйда тайёргарликлар: уй, ётоқхона, тўшаклар, кўйлақлар, халатлар, ич кийимлар ҳақидаги узунқулоқ гаплар. Тушунинг, агар домострой талабича уйланса, ўша отахон айтганидек, партўшак, сеп, кўрпа-ёстиқ – булар ҳаммаси сир тутиладиган тафсилотлар. Бизда эса никоҳдан ўтадиган ўнтадан биттаси сирлиликка нафақат ишонмайди, ҳатто ўзининг қиляётган ишига, шундай талаблар борки, уларни бажаришига ишонмайди, юз эркакдан аввал уйланмаган биттаси бўлмаса, элликтадан бири олдиндан қулай шароит бўлганда хотинига хиёнат қилишни мўлжалламаган бўлса, мана, мен кафил, кўпчилик черковга боришда таниқли аёлнинг диққатини ўзига тортишга интилмаса, осмон узилиб ерга тушади – ўйлаб кўринг, бу тафсилотлар қанчалик кўрқинчли аҳамият касб этади. Аниқ бўладики, ҳамма гап мана шунда. Худди тижоратга ўхшаш нарса юзага келади. Бузуқига маъсума қизни сотишади ва бу олди-сотдига чуқур дабдабозлик бахш этишади.

11

– Ҳамма уйланади, мен ҳам уйландим ва кўкларга кўтарилган асал ойи бошланди. Номи ҳам қандайдир ёқимсиз, – ғижиниб пўнғиллади у. – Мен бир пайтлар Парижнинг барча томоша жойларини кезганман ва соқолли хотин ҳамда сув ити сурати солинган пешлавҳаларни кўрганман. Булар декольтели* хо-

*Декольте – ёқаси сийна томонга чуқур ўйилган аёллар куйлаги.

тинлар куйлагигади эркакнинг юришидан ёки морж терисига тиқилган итнинг сув тўла ваннада сузишидан бошқа нарса бўлиб туюлмаган. Ҳаммаси жа қизиқ эмасди; ташқарилаганимда эса йўриқчи эътибор билан кузатиб, эшик тагидаги оломонга мени кўрсатиб: “Мана, жанобдан сўранг, кўришга арзийдими? Кириш, кириш, одам бошига бир франкдан!” деган. Менга виждонан, кўришга ярамайди, деб айтиш ўринли бўлган, йўриқчи, эҳтимол, шуни ҳисобга олгандир. Шундай, эҳтимол, кимдир асал ойининг жирканчилигини синаб кўрган ва бошқаларнинг кўнглини қолдирмаслик учун мақтагандир. Мен ҳам ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмадим, бироқ энди нима учун ҳақиқатни айтмасликларини кўрмайпман. Ҳатто бу ҳақда ҳақиқатни айтишни зарур деб ҳисоблайман. Ноқулай, уятли, қабиҳ, аянчли, зерикарли, чидаб бўлмайдиган даражада зерикарли! Бу шундайки, худди менга чекишни ўргатаётганларида, қусгим келиб, мишиқим оққанида ваҳмижон ютиб юбориб, ҳаммаси ёқимлидек қиёфага кирганим сингари ҳолатни эслатади. Чекишдан роҳатланиш, ҳалигидан, агар рўй берса, кейинроқ барибир бўлади, мазза қилиш: бунинг учун эр-хотинлар ўзларидаги бу нуқсонни тарбиялаб, ундан ҳузур қилишни билиши лозим.

– Қанақа нуқсон? – дедим. – Ахир сиз энг табиий инсоний хусусият ҳақида гапиряпсиз-ку.

– Табиий? – деди у. – Табииймиш? Йўқ, мен сизга тескарисини айтаяпман, мен шундай хулосага келдимки, бу табиий... эмас. Ҳа, бутунлай табиий... эмас. Болалардан сўранг, бузилишга улгурмаган қизлардан сўранг. Менинг синглим ўзидан икки баравар ёши катта ва бузуқ одамга турмушга чиқди. Эслайман, тўй кечаси синглим ранглари оқарган, кўзидан дувиллаб ёш оққанча бутун вужуди қалтираб, эри ундан нима хоҳлаганини билмаганини, нима хоҳлаётганини ҳатто

айтишни ҳам эпллолмаётганини кўриб, биз қанчалик ҳайратга тушгандик.

Сиз айтаяпсиз табиий деб. Табиий бўлади. Аввал бошда қувончли, енгил, ёқимли ва беҳижолат бўлади; бу ерда эса ёқимсиз, уятли ва оғриқли-ку. Йўқ, бу но-табиий! Ахлоқли қиз, ишонаманки, бундан нафратланади.

– Қанақасига, – дедим, – унақада инсон насли қандай давом этади?

– Нима бўлганда ҳам инсон насли қирилиб кетмасин! – худди ўзига таниш ва сурбетларча эътирозни кутгандек қаҳр-киноя билан деди у. – Бола туғишдан тийилиш ҳақидаги панд-насихатлардан кўра инглиз лордларига ҳар қандай йўл билан бўкиб ейиш ҳақида сўзла, бу мумкин. Бола туғишдан тийилиш ҳақидаги панд-насихатни шундай келтирки, бу ёқимли бўлсин; бироқ, тақсирим, ахлоқ нуқтаи назаридан бола туғишдан тийилиш ҳақида чурқ этиб кўр-чи, қандай ҳайқириқ бўларкин: гўё ўнлаб-юзлаб нусхалар тўнғиз бўлишдан тўхташни хоҳлаганидан одам наслига барҳам берилмаяпти, деб дунёни бошига кўтаради. Менга шу ёруғлик ёқмаяпти, ёпсам бўладими? – деди у фонарни кўрсатиб.

– Менга барибир, – дедим, шунда у ҳар доимгидек шошиб курсидан турди ва ипак пардани фонарга тортди.

– Нима бўлганда ҳам, – дедим, – агар ҳамма буни ўзи учун қонун деб билганда, балки одам насли тўхтаб қолармиди.

У дарҳол жавоб қайтармади.

– Сиз айтаяпсизки, инсон насли қандай давом этади? – деди у яна қаршимга ўтириб ва оёқларини кериб, уларга энгашиб таянганча. – Одам насли нимага давом этиши керак? – деб сўради у.

– Нега? Унақада биз ҳам бўлмас эдик.

– Бизнинг бор бўлишимиз нимага керак?

– Нега? Ҳеч бўлмаса яшаш учун-да.

– Яшаш нима учун керак? Агар мақсад бўлмаса, ҳаёт бизга наслини давом эттириш учун берилган бўлса, яшашнинг нима ҳожати бор? Агар шундай бўлса, Шопенгауэрлар ва Гартманлар, ҳамма буддавийлар бутунлай ҳақ. Хўш, агар ҳаётдан мақсад бўлса, мақсадга эришилгач, ҳаёт тугайди. Шундай бўлиб чиқади, – очикча ҳаяжон билан, ўз фикрини одатдагидек жуда қадрлаб деди у. – Шундай бўлиб чиқади. Эътибор беринг: агар инсониятнинг мақсади – фаровонлик, яхшилик, муҳаббат, қандай хоҳласангиз; агар инсониятнинг мақсади башоратлардагидек бўлса, жами одамлар ягона муҳаббат билан бирлашадилар, шунда найзадан ўроқ ясайдилар ва унда шу мақсадга эришишга нима халақит беради? Эҳтирослар халақит беради. Эҳтиросларнинг энг кучлиси, ёвуз ва шиддатлиси – жинсий, шахвоний севги, агар эҳтирослар, уларнинг охиргиси, энг кучлиси – шахвоний севги йўқотилса, башорат амалга ошади, одамлар жипс бирлашадилар, одамзод мақсадига эришади, шундан кейин унга яшаш маънисиз бўлиб қолади. Одамзод барҳаёт экан, унинг олдида олий мақсад туради, назарда тутиладиган, кўн ёки тўнғизга ўхшаб кўпроқ туғиш мақсади эмас ёки маймунлар ёки парижликларга ўхшаб жинсий эҳтирослардан қанчалик нозиклик билан фойдаланишга интилиш эмас, балки қаноат ва покизалик билан эришиладиган эзгулик мақсад. Одамлар ана шунга интилиб келдилар, интиляптилар. Қаранг, нималар келиб чиқади?

Демак, шахвоний севги – қутқарувчи жўмрак. Одамзоднинг ҳозирги авлоди мақсадига эришмади, мақсадига эришмаганининг сабаби – унда эҳтирос бор, унинг энг кучлиси – жинсий эҳтирос. Агар жинсий эҳтирос бор экан, янги авлод ҳам бор ва мақсадга

кейинги авлод эришар. Афсуски, кейинги авлод ҳам буни эплай олмайди ва мақсадга эришолмаскан, башорат амалга ошмайди, одамлар жипс бирлашмайди. Агар Худо одамларни ўша маълум мақсадга эришиш йўлида яратган, деб фараз қилсак, уларни жинсий эҳтиросларсиз банда ёки умрибоқий қилиб яратарди. Агар улар жинсий эҳтиросларсиз хом сут эмган банда, десак, нима бўлади? Улар умргузаронлик қилиб, мақсадга етмай, ўлиб кетадилар; мақсадга етиш учун эса Худо яна янги одамларни яратишига тўғри келади. Агар улар умрибоқий бўлсалар, дейлик (гарчи ўша одамларга қийин бўлса-да хатоларни тўғрилаб бориш ва комилликка яқинлашиш янги авлод учун эмас), улар кўп минг йиллардан сўнг мақсадга эришдилар, унда уларнинг нима кераги бор? Қани уларнинг зурриёди? Айнан шундай, қандай бўлса, шуниси яхши... Лекин балки сизга бу ифода шакли ёқмаётгандир, сиз эволюционист*мисиз? Унақада худди шунинг ўзи келиб чиқади. Мавжудотларнинг олий тури – одам, шунинг учун бошқа мавжудотлар билан курашда енгилмаслик учун тинимсиз насл қолдириш эмас, асалари галасидек маҳкам бирлашиш лозим; худди асалари сингари жинссизларни тарбиялаш керак, яъни жамиятимизда барча тартиблар йўналтирилганига қарамай, ҳирсининг жўшишига йўл қўймай, унинг тийилишга интилиш керак. – Суҳбатдошим тин олди. – Инсон насли тўхтайдими? Наҳотки, бирор киши дунёга разм солмайди, бунга шубҳа бўлиши мумкинми? Бу ўлим сингари муқаррар-ку. Черковнинг барча таълимоти дунёнинг тугаб бораётганини тасдиқлайди, барча илмий таълимотлар ҳам шуни такрорлайди. Шуниси муҳимки, ахлоқий таълимотга кўра ҳам аҳвол шундайми?

*Эволюционист – эволюцион ривожланиш ҳақидаги таълимот тарафдори.

Шундан кейин у узоқ сукут сақлади, яна чой ичди, папиросини чекиб тугатди ва қопидан янгисини чиқариб, кулдонга қўйди.

– Мен сизнинг фикрингизни тушунаман, – дедим, – худди шундай нарсани шекерлар* ҳам тасдиқлайди.

– Ҳа, ҳа, улар ҳақ, – деди у. – Жинсий эҳтирослар юзага чиққанда, биздагига ўхшаб рағбатлантирмай, унга қарши курашиш керак бўлган ғаламислик бор, даҳшатли ғаламислик. Инжилда ёзилишига қараганда, аёлга ҳирс билан қарашнинг ўзи уни фахшга тортиш ҳисобланади, бу фақат бегона хотинларга эмас, айнан – асосийси, – ўз хотинига ҳам тегишли.

12

– Бизнинг дунёмизда бунинг айнан тескарисси: агар одам буйдоқ ҳолда ўзини тийиб яшаса, бироқ ҳар қандай хотин кўрган эркак уйлангандан кейин нафс жиловини қўйиб юбориш керак деб ҳисоблайди. Аслида тўйдан кейинги сафарлар, ота-она майли билан ёшларнинг танҳо қолиши бу бузуқчиликка рухсат этишдан бошқа нарсаси эмас. Ахлоқий қонунлар эса уни бузганлардан қасос олади. Қанчалик ўзим учун асал ойини яратишга интилмаб, ҳеч нарсаси чиқмади. Ҳар сафар ёқимсиз, уятли ва зерикарли бўлаверди. Эр-хотинлигим бошланишиданоқ яна ҳам азобли оғриққа айланди. Бу жуда тез бошланди. Менимча, учинчи ёки тўртинчи кун хотинимни зериктириб қўйдим чоғи, деган ҳаёлда кучоқласам бўладими, деб сўрадим, буни, назаримда, хоҳлаб турганди, аммо у қўлимни силтаб ташлади ва йиғлай бошлади. Нима учун? У сабабини айтмасди, бироқ аҳволи ғамгин ва

*Шекерлар – 1747 йилда Манчестерда квакерлардан ажралиб чиққан ва Америкада тарқалган секта; никоҳни рад этади, мулкнинг умумийлигини тан олади.

оғир эди. Эҳтимол, унинг ҳориган асаблари бизнинг муносабатларимиз ярамаслигини шивирлаётган, у эса тилига чиқара олмаётгандир. Мен қистай бошладим, у нимадир, яъни онасини соғинаётганиними, айтгандай бўлди. Менга бу ёлғондек туюлди. Мен онасини эслатмай, овунтира бошладим. Худди шу чоқ у гапига ишонмай, онасини эслатмаганимдан хафа бўлиб кетди. Уни севмаслигимни кўриб турганини айтди. Мен унинг инжиқлигини юзига солдим, шунда бирдан юз қиёфаси ўзгариб, ғамгинлик ўрнини ғазаб эгаллади-да, энг заҳарли сўзлар билан мени худбинлик ва шафқатсизликда айблаб бошлади. Унга сер солиб қарадим. Башарасини бутунлай совуқ ифода қоплаб олган, менга нисбатан деярли душманлик ва нафрат ифодаланарди. Эсимда қолгани – бу ҳолни кўриб, даҳшатга тушиб кетдим. “Қандай қилиб? Нима учун? – деб ўйладим. – Севги – кўнгилларнинг бирлашиши, унинг ўрнига бунақа аҳвол! Йўқ, бўлиши мумкин эмас, йўқ, бу ўша эмас!” Мен уни юмшатишга уриниб кўрдим, аммо шундай совуқ, заҳаролуд душманлик пардасига дуч келдимки, ўгирилишимга ҳам улгурмай, қаҳр-ғазаб мени домига тортиб кетди ва биз бир-биримизга бир дунё ёқимсиз гап-сўзларни тўкиб ташладик.

Биринчи жанжалнинг асорати оғир бўлди. Мен буни жанжал деб атаяпман, аслида у жанжал эмас, аслида бизларнинг ўртамизда узаниб ётган жарликнинг юзага чиқиши эди. Шу кундан кейин муҳаббат ҳиссиётларни қониқтиришга сарфланадиган жисмоний ҳаракатга айланди ва биз ўзимизнинг ўзаро ҳамоҳанг муносабатларимизда ҳақиқатда бир-биримизга қарши муносабатга гирифтор бўлдик, яъни бир-биридан иложи борица кўпроқ сўриб, қониқиш олишга интилаётган бир-бирига бутунлай бегона икки худбинга айландик. Орамизда рўй берган ади-

бадини мен жанжал деб атадим; аслида бу шунчаки жанжал эмас эди, балки бизнинг ўзаро ўртамиздаги ҳақиқий муносабатларимизни қамраб олаётган ҳиссиётларимиз барбод бўлаётганининг иситмаси эди. Мен бизнинг одатдаги муносабатларимиз сирасида ўртамизда бундай совуқ ва душманлик муносабати қандай пайдо бўлганини, яна бундай ғаразли муносабат бошида бирдан ғойиб бўлиб, биздан юз ўгирган туйғу – севгининг қайга ғойиб бўлганини ҳам тушунмадим.

Мен биз жанжаллашдик, яна ярашдик, энди бу ҳол такрорланмайди, деб ўйладим. Аммо муносабатлар айнан асал ойининг биринчисиданоқ бир-биримиздан бешиш палласига қадам қўйди, яна биз бир-биримизга керакли одам бўлишдан тийилиб, жонимизга тегдик, яна жанжал рўй берди. Иккинчи жанжал мени биринчисидан ҳам баттар эзди. Биринчиси рўй бериши шарт эди, бундан қочиб қутулиб бўлмасди, деб ўйлардим. Иккинчиси эса шуниси билан мени лол қолдирдики, бу сафар жанжаллашмаслик умуман мумкин эмасди. Ҳеч қачон пул масаласида ҳасислик қилмаганман, ҳеч вақт пулни хотинимдан қизғанмаганман. Нима бўлди-ю, у ҳаммасини тескари қилиб юборди, менинг саховатимни нотўғри тушунди, гўёки ўз устунлигимни нимадир аҳмоқона, ярамас, унга ҳам, менга ҳам ёқмайдиган нарса билан тасдиқламоқчи бўлибман ва ўзимни кўрсатиш учун амалга оширган бу қилиғим унга пул воситасида ҳукмронлик қилишга уринишдек туюлиб кетганмиш. Мен ғазабландим, унинг қўполлигини юзига солдим, у эса менга гап қайтарди; шу билан бошланди. Унинг сўзларида ҳам, юз ифодасида ҳам олдин пайқаганим – ўша шафқатсиз, совуқ душманлик кайфиятини кўрдим. Баъзан акам, дўстларим, отам билан жанжаллашиб қолган пайтларим бўлган, бироқ уларнинг

бирида ҳам бундай ўзига хос, юракка тик қадалувчи заҳаролуд назарни кўрмаганман.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, яна бу ўзаро нафрат муҳаббат, аниқроғи, ҳиссиёт пардаси ортига яширинди ва бу икки можаро хато бўлди, уни тўғрилаш мумкин, деган хаёл билан ўзимга таскин бердим. Ваҳоланки, учинчи, тўртинчи можаро ҳам рўй бердики, шунда мен булар тасодифий ҳолатлар эмаслигини, шундай бўлиши лозим бўлган ҳолатлар юзага чиқаётганини тушуниб етдим ва истиқболимда қандай кунлар турганлигини тасаввур қилиб, кўрқиб кетдим. Шу билан бирга мени шундай бир ҳис қийнар эдики, ахмоқларча бундай машмашалар фақат менинг рўзғоримда содир бўляпти, бошқа эр-хотинларда бунақаси учрамайди, деб ўйлардим. Ўшанда мен бу ҳаммага хос қисмат эканини, бошқалар ҳам мен каби бундай кўргиликни фақат ўзига хос деб ўйлашини, бошқалар учунгина эмас, ўзи учун ҳам шармандали ҳол ҳисобланувчи бундай бахтсизлигини бегоналардан яширишини, алалхусус, бу мунофиқлигини тан олмаслигини билмасдим.

Дастлабки кунлардан бошланган, муттасил давом этаётган ҳолат кучайиб, баттарлашиб борди. Қалбимнинг тубидан биринчи ҳафтадаёқ сезган эдимки, мен чув тушдим, менинг кутганим бўлмади, уйланиш фақатгина бахтсизлик эмас, балки бошқалар каби мен ҳам тан олишни хоҳламаган (агар охири бўлмаса, ҳозир ҳам тан олмайман) ва нафақат бошқалардан, балки ўзимдан ҳам яширадиган жуда оғир кўргилик экан. Ҳозир ўшанда ўзимнинг ҳақиқий ҳолатимни қандай кўра олмаганимдан ҳайрон қоляпман. Бунини аллақачон, жанжал тугагандан кейин унинг нимадан бошланганини эслаб бўлмаганиданоқ кўрса бўларди. Ақл-идрок бир-бирига нисбатан доимий ғайирликнинг сабабларини етарлича сохталаштириб улгурмаганди. Боз

устига, ярашиш учун таклиф қилинган баҳоналар ҳам ҳайратланарли тарзда арзимаган эди. Баъзида айбини тан олиш, тушунтириш, ҳатто кўз ёшлари... эҳ, энди эслаш ҳам шармандали – бир-бирига заҳар-заққум сўзлардан кейин жим термулиш, табассум, бўса, қучоқ... Уф, лаънати! Наҳотки буларнинг бутун расволигини ўшанда кўра олмаганман...

13

Вагонга икки йўловчи кирди ва четдаги ўриндиқ атрофида уймалашди. Суҳбатдошим улар жойлашиб олгунча сукут сақлади, тинчигач, одатдагидек, фикр тизгинини йўқотмай, давом этди.

– Афтидан, асосан, худо ургани, – давом этди у, – назарияда севги қандайдир илоҳий, юксак таърифланади, аммо амалиётда эса гапириш ва эслаш жирканч, шармандали ҳисобланувчи разил, палид нарса сифатида учрайди. Табиат беҳудага буни жирканчли ва шармандали ҳолда яратмагандир. Агар жирканч ва шармандали бўлса, буни шундай тушуниш керак. Бу ерда, аксинча, одамлар разил ва жирканч нарсага гўзал ва юксак тус берадилар. Муҳаббатимнинг илк белгилари қандай бўлганди? Мен негадир уялмай, ҳатто бундай имконият пайдо бўлганидан фахрланиб, ҳайвоний қувватимни сарфлашга берилиб кетганимда заррача ҳам унинг маънавий-руҳий ҳаёти, балки жисмоний ҳаётига бу ҳаракатимнинг таъсирини ўйламасдим. Ҳайрон қоламан, бизнинг бир-биримизга нисбатан ғазабимиз қаёқдан пайдо бўлди, аслида эса ҳаммаси ошкора эди: бу ғазабланиш инсоннинг табиатига хос ўзини эзғилаган ҳайвонга қарши нафратидан бошқа нарса эмасди.

Бизнинг бир-биримизга бўлган нафратимиздан ҳайрон қолардим. Аслида бу бошқача бўлиши

ҳам мумкин эмасди. Бу нафрат васвасага солинган ва жиноятга жалб этилган жиноий тўданинг ўзаро нафратидан бошқа нарсаси эмас. Ахир у, бечора, биринчи ойдаёқ ҳомила орттирган бўлса-да, бизнинг ҳайвоний ҳаётимиз авжидан пастга тушмаган бўлса, бу жиноят эмасми? Сиз ўйлайсизки, мен ҳикоямдан четга чиқиб кетдимми? Тирноқча! Мен хотинимни қандай ўлдирганимни ҳикоя қиляпман. Судда менидан нега, қандай ўлдирганимни сўрашади. Ахмоқлар! Ўйлашадики, мен уни ўшанда, бешинчи октябрь куни пичоқ билан ўлдирганман. Мен уни ўша куни ўлдирмаганман, анча олдин ўлдирганман. Айнан улар, ҳаммаси қандай ўлдираётгани каби...

– Ҳўш, гап нимада? – деб сўрадим.

– Шуниси ажабланарли, ҳеч ким аниқ ва кўриниб турган нарсани билишни, билиши ва бу ҳақда сукут сақлаб келадиган дўхтирлар тарғиб қилиши лозим бўлган нарсани билишни хоҳламайди. Бу иш жуда қўрқинчли. Аёл ва эркак ҳайвон мисоли яратилган, айнан шаҳвоний севгидан кейин ҳомиладорлик бошланади, сўнгра эмизиш, аёлга ва унинг чақалоғига бундай ҳолатда шаҳвоний севги зарарли. Аёл ва эркак тенг мавжудод. Бундан нима келиб чиқади? Менимча, ҳаммаси аниқ. Бу ҳолатда ҳайвонлар амал қиладиган ҳолат, яъни тийилиш. Нима лозимлигини тушуниб олиш учун катта донишмандлик шарт эмас. Э, йўқ. Фан шу даражага эришибдики, қондан қандайдир ҳар хил ахмоқчиликларни келтириб чиқарадиган лейкоцит*ларни топибди, бироқ тагига етмабди. Ҳар қандай шароитда ҳам унинг нима дейишини эшитмаган маъқул.

Бундай шароитда аёлга икки йўл бор: бири – ўзини майиб-мажруҳ қилиб эркакнинг доимо ҳузур қилишига йўл қўйиб, ҳар қандай усул билан аёл, яъни

*Лейкоцит – оқ қон таначалари.

она бўлиб қолиш; ёхуд бошқа усул, ҳатто усул ҳам эмас, балки кўплаб оилалар амал қиладиган табиатнинг қонунларини тўғридан-тўғри, оддий, қўпол бузиш. Айнан, аёл ўз табиатига қасддан зид бориб, бирор-та ҳайвон қилмайдиган юмушни зиммасига олиш – бир вақтнинг ўзида ҳомиладор бўлиш, бола эмизиш ва маъшуқа бўлиш. Бунга кучи етиши қийин. Бизнинг турмушимизда тажанглик, асабийлик шундан, халқда эса шаллақилар пайдо бўлади. Эътибор берганмисиз, тоза қизларда шаллақилик йўқ, аксинча, кампирларда, айнан чоли билан яшайдиган кампирларда бор. Бизда шундай. Европада ҳам аниқ шундай. Жамики асаб шифохоналари табиат қонунларини бузадиган аёллар билан тирбанд. Шаллақи(қуёнчиқ)лар ва Шарко мижозлари – майиблар, дунё эса ярим мажруҳ аёлларга тўлиб кетган. Энди зурриёт қолдирган ёки гўдагини эмизаётган аёл қандай оламшумул юмушни бажараётгани ҳақида ўйлаш лозим бўлади. Бола улғаяди, наслимизни давом эттиради, ўрнимизга келади. Ана шундай илоҳий тартиб бузилаяпти – нима учун? – ўйлашнинг ўзи даҳшат. Аёллар озодлиги, ҳуқуқлари ҳақида гап сотадилар. Бу шундай манзарага ўхшайди: худди одамхўрларни асир одамлар билан боқадилар, шу қаторда улар ўз емишларининг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳақида бош қотирадилар.

Бу гаплар менга янгилик эди ва мени ҳайрон қолдирди.

– Бу қандай гап? Агар шундай бўлса, – гап қотдим мен, – бундан келиб чиқадики, хотинни йилда бирикки севса кифоя, аммо эркак...

– Эркакка эса зарур, – гапни илиб кетди у. – Яна-тағин илм эгалари ҳаммани ишонтирганлар. Мен ўша жодугарларга эркакка керак бўладиган аёл ўрнида бўлишни тавсия қилардим, қани, шундан кейин нима дейишаркин? Агар одамнинг ўзига шароб, та-

маки, афюн зарурлигини ишонтиринг-чи, ҳаммаси заруратга айланади. Бундан келиб чиқадики, Худо нима кераклигини билмаган ва жодугарлардан маслаҳат олмасдан, хато иш қилган. Маъзур тутасиз, гап қовушмаяпти. Эркаклар ўз шахвоний нафсларини қондириш шарт ва зарурлигини ўйлаб топдилар, бироқ бу эҳтиёжни қондиришга халақит берадиган бола туғиш ва бола боқиш масаласи аралашиб қолди. Нима қилиш керак? Жодугарларга мурожаат этилса, улар ҳал қилиб беради. Улар таъбир топишади. Эҳ, бу жодугарларнинг қачон миси чиқаркин-а? Вақт бўлди! Иш шу даражага бориб қолдики, ақлдан оздирадиган гаплар бўляпти, ҳаммаси шулардан. Бошқа қандай бўлиши мумкин? Ҳайвонлар гўё зурриёт уларнинг наслини давом эттиришини билади ва бу масалада маълум қонундан тийилади. Фақат одам буни билмайди ва билишни хоҳламайди. Ва ҳар қандай йўл билан кўпроқ лаззат олишдан бошқа ташвиши йўқ. Булар кимлар? Табиат подшолари, одамлар-да. Эътибор берганмисиз, ҳайвонлар фақат зурриёт қолдириш учун кўшиладилар, ярамас табиат подшолари эса – доимо, фақат лаззат учун. Яна шундай тус беришадими, бу маймун машғулоти – яралиш инжуси, севги эмиш. Ана шу севги, аслида ифлосликдан бошқа нарса эмас, жарангдор номи билан инсониятнинг ярим наслини қириб – бошқа нима? – ташлашади. Инсониятнинг эзгу ва бунёдкорлик ишларида ёрдамчи бўлиши керак бўлган жами аёллардан у ўзининг маишати туфайли ёрдамчилар эмас, рақиблар яратади. Қаранг, инсониятнинг олға ҳаракатига нима тўсқинлик қиляпти? Аёллар-да. Нима учун улар бу ҳолга тушган? Фақат ўша туфайли. Ҳа-да, ҳа-да, – такрорлади у бир неча марта ва одатдагидек бироз тинчланиш мақсадида папиросини олиб, чекиш учун ғимирлай бошлади.

– Ана шундай ярамас тўнғиздек яшадим мен, – аввалги оҳангда давом этди у. – Ҳаммасидан ёмони шу эдики, мен шунақа манфур тарзда яшаб туриб, ўзимни оқлар, бошқа аёлларни қийнамаётганимдан таскин олар, ҳалол оилавий муҳитда яшаяпман, деб овунар, ўзимни покдомон одам деб ҳисоблар, шулардан келиб чиқиб, ўзимни фаришта санар, агар бизнинг ўртамизда жанжаллар рўй бераётган бўлса, сабабини унга ағдарар, айбни унинг феъл-атвориға тўнкардим.

Айбдор эса, инсоф билан айтганда, у эмасди. У ҳамма, кўпчилик қавм қандай бўлса, шундай эди. У бизнинг жамиятимизда аёлларнинг мавқеи қандай бўлса, шундан келиб чиқиб, ўзига тўқ оилалар қизларини айнан қандай тарбияласа ва шундан ўзгачароқ тарбиялай олмаса, шундай даражада тарбияланганди. Аёлларга хос қандайдир янги маърифат ҳақида гаплар хаёлга келади. Буларнинг ҳаммаси чўпчак: хотинларнинг маърифати орзу қилинган ўзга жамиятга эмас, балки аёлларга нисбатан ҳозир амалда бўлган ҳақиқий умумжамият қарашларига мос.

Яна, аёлларнинг ўқимишлилик даражаси доимо уларга эркакларнинг муносабатига боғлиқ бўлади. Сир эмас, биз ҳаммамиз биламиз, эркаклар аёлга қандай қарайди: “Wein, Weiber und Gesand”* ва шоирлар ҳам шеърларида шуни васф этадилар. Жами шеъриятни, ранг-тасвирни, ҳайкалтарошликни олиб кўринг, ишқий ўланлардан тортиб яланғоч Венера ва Фрин*ларгача аёл лаззат қуроли сифатида талқин қилинганини кўрасиз; унга муносабат Трубда, Грачевкада*, сарой базмларида шундай. Шайтоннинг

*“Wein, Weiber und Gesand” – шароб, аёл ва кўшиқ – немисча.

* Венера ва Фрин – эротика тимсоллари.

* Труб, Грачевка – исловатхоналар жойлашган кўчалар.

айёрлигига эътибор беринг: лаззат, ҳузур қилишни шундай тушуниш керакки, қачонки, аёл ширин луқма бўлгандагина ҳузур қилинади. Йўқ, дастлаб рицарлар аёлларни худо даражасида кўришларига ишонтирдилар (худо ўрнида, барибир, уларга ҳузурланиш манбаи сифатида қарадилар). Энди эса аёлларни ҳурмат қилишларига ишонтирмоқдалар. Бири унга жой бўшатади, рўмолларини кўтариб кўяди; бошқалари унинг барча раҳбарлик ўринларни эгаллашига хайрихоҳ, бошқарувда иштирок этишда ҳуқуқи борлигини ва бошқаларини тан олади. Ҳаммалари шундай йўл тутишади, бироқ унга муносабат ўша-ўша. У лаззат қуроли. Унинг бадани лаззатланиш воситаси. Буни ўзи ҳам билади. Фақат қулларча қабул қилади. Қуллик – бир кишининг мажбурий меҳнатидан кўпчиликнинг баҳра олишидан бошқа нарса эмас. Қуллик йўқ бўлиши учун одамлар тобеларнинг меҳнатидан фойдаланишни истамаслари, буни гуноҳ ёки уят, деб ҳисоблашлари лозим. Устига-устак, қулликнинг ташқи кўринишини бекор қилишга уринадилар, савдогарларга энди қуллардан фойдаланмасликни жорий этадилар, шу билан ўзларини қуллик йўқолганига ишонтирадилар, бироқ қуллик давом этаётганини кўрмайдилар, кўришни хоҳламайдилар ҳам, негаки, одамлар ҳам, худди шунингдек, бошқаларнинг меҳнатидан фойдаланишни яхши ва адолатли деб билдилар. Бу юмушнинг яхшилигига шунинг учун ҳам ишонадиларки, ҳар доим бу вазифани ўринлата оладиган айёр ва кучли одамлар топилади. Аёллар эмансипацияси масаласида ҳам худди шундай ҳолат. Аёллар қуллиги шунинг учун керакки, одамлар улардан лаззат қуроли сифатида жуда яхши фойдаланишни хоҳлайдилар ва шундай ҳисоблайдилар. Майли, аёлларни озод қиладилар, уларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берадилар, аммо унга яна лаззат қуроли си-

фатида қарашда давом этадилар, уни болалигиданоқ худди шу руҳда тарбиялайдилар, жамоатчилик фикрини шакллантирадилар. Шундай қилиб у яна хўрланган, йўлдан озган чўри, эркак эса доимгидек йўлдан озган қулдор.

Аёлни курслардан, маҳкамалардан озод қилишади, бироқ унга барибир лаззат манбаи сифатида қарашади. Бизда, амалда бўлганидек, ўзига қарор топган мезонлар билан қарашни ўргатишади ва тубан махлуқ бўлиб қолаверади. Ёки улар туғиб кўйишдан кўрқитилган ярамас дўхтирлар таъсирида фақат ҳайвондангина эмас, ҳамма нарсадан ҳам куйи турувчи соф фоҳишаларга ёки кўп ҳолатларда учраётганидек, маънавий юксалишдан маҳрум бўлган руҳий касал, тутқаноқ, бахтсиз тасқарага айланади.

Гимназия ва бошқа курслар бунини ўзгартиролмайди. Бунини фақат эркакларнинг аёлларга қараши ёки аёлларнинг ўзига қараши ўзгартира олади. Бу ҳол қачонки қиз ўзининг бокиралигини, бокиралик ҳолатини юксак ҳисобласа, ҳозир қарор топганидек эмас, балки одамнинг бойлигини уят ва шармандалик деб билса, ўшанда ўзгаради. Бундай ҳол – ҳар қандай қизнинг юксак орзуси ҳар кунини тўшагини алмаштирадиган бузуқ эркаклар эмас, маърифат бўлмас экан, ўзгармай қолаверади.

Бирининг математикани кўпроқ билиши, бошқасининг арфани яхши чалиши – буларнинг биронтаси вазиятни ўзгартира олмайди. Аёл қачон бахтли ва ўзи хоҳлаган нарсага эриша олади, қачонки, у ўзига эркакни мафтун қила олса. Шундай экан, аёлнинг асосий вазифаси – эркакни мафтун қилишни ўрганишдир. Шундай бўлган, шундай бўлиб қолади. Бу ҳол бизнинг дунёмизда қизлик ҳаётида ҳам, турмушга чиққанидан кейин ҳам шундай давом этади. Қизлик даврида бу танлаганига эришиш учун асқатса,

турмушга чиққач эса эркакнинг бурнидан ип ўтказиб олишга керак бўлади.

Бу ҳолни тўхтатиб ёки қисиб қўядиган ҳолат, бу – болалар. Қолаверса, она ўзини соғлом ҳисоблаб, ўзи эмиза бошласа, тағин муаммолар туғилади. Яна-тағин дўхтирларга иш тушади.

Хотиним ҳам кетма-кет беш фарзандни ўзи эми-зишга аҳд қилди ва буни эплади ҳам, фақат биринчи бола туғилганда бошқачароқ кечди. Дўхтирлар аёлимни уятсизларча ечинтириб ва ҳамма жойини пайпаслаб, ажабки, мен уларнинг бу хизматига миннатдорчилик билдиришим ва етарлича пул тўлашим ҳам керак эди, бу жонажон дўхтирлар топишдики, аёлим болани эмизиши, ҳолбуки, бу унинг таннозла-нишига чек қўядиган ягона восита эди, мумкин эмас деб топишди. Болани энага эмизди, яъни биз аёлнинг қашшоқлиги, муҳтожлиги ва жоҳиллигидан фойда-ландик, энаганинг меҳрини чақалоғидан ўзимизнинг гўдагимизга оғдирдик, эвазига энаганинг ўзига хос заррин жиякли бош қийимини гўдагимизнинг боши-га қўндирдик. Аммо гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, аёлимнинг ҳомиладорликдан ва изидан болани эми-зишдан қутулиши билан унинг вужудида мудраб ёт-ган сатанглик ўзгача куч билан бош кўтарди. Менда эса шу ҳолат билан бақамти худди шундай куч билан эр-хотинлик ҳаётимнинг бошдан-охиригача эзаётган, айнан мендек, хотини билан ахлоқий меъёрларсиз яшаб келган эркакларда учрайдиган рашк уйғонди ва унинг азоби қийнай бошлади.

15

– Мен эр-хотинлик ҳаётимнинг бир лаҳзасини-да рашк азобини ҳис қилмасдан ўтказганим йўқ. Шундай вақтлар бўлдики, мен бу ҳолатдан жуда қаттиқ изти-

роб чекдим. Шундай ҳолатлардан бири дўхтирлар биринчи боладан кейин эмизишни тақиқлаб қўйганда бўлганди. Бу даврда рашк қилишимнинг асосий сабабларидан, биринчидан, шунинг учунки, аёлим оналарга хос безовталикини бошдан кечиран эдики, бу одатдаги ҳаёт тарзининг сабабсиз бузилишига олиб келарди; иккинчидан, унинг оналикнинг маънавий мажбуриятини осонгина орқага ташлаганини кўриб, мен ҳақли равишда, гарчи беихтиёр бўлса-да, шундай хулосага келдимки, у эр-хотинлик муносабатларидан ҳам шундай осон воз кеча олади, боз устига, у бутунлай соғлом эди ва қадрли дўхтирларнинг тақиқлашига қарамай, қолган болаларини ўзи эмизди, ҳатто тўйдириб эмизди.

– Ҳойнаҳой, сиз дўхтирларни яхши кўрмайсиз, – дедим мен ҳар сафар уларни эслаганда овозида акс этиб турган дарғазаб оҳангга урғу бериб.

– Бу ерда гап яхши-ёмон кўришда эмас. Улар минглаб, ўн минглаб одамлар каби менинг ҳаётимни барбод қилдиларки, бу кўргуликнинг оқибати билан сабабини бир-бирига улай олмаяпман. Мен тушунаман, улар ҳам адвокатлар, бошқалар каби пул топишни хоҳлайдилар, мен уларга қийналмай даромадимнинг тенг ярмини берардим, агар ҳамма улар нима қилаётганини тушуниб етса, улар сизнинг оилавий ҳаётингизга аралашмаслиги, бутунлай яқин келмаслиги учун уларга топганимнинг ярмини бағишлашга тайёр эдим. Мен қандайдир маълумотлар тўплаш билан шуғулланмаганман, уларнинг ёвузликларидан дарак берувчи ўнлаб ҳодисаларни биламан, гоҳида онанинг туғолмаслигини важ қилиб, курсоғидаги ҳомилани ўлдирганларини, она кейинчалик қийналмай фарзанд кўра олганини, гоҳида турли операциялар боис аёлларнинг бевақт дунёни тарк этишига олиб келганларини эшитганман.

Бундай қотилликлар худди инквизация* давридаги қотилликлар каби жиноят ҳисобланмайди, сабаби булар инсоният фаровонлиги йўлида қилиняпти, деб улуғланади. Улар томонидан амалга оширилган қотилликларни санаб адо қилиб бўлмайди. Аммо бу жиноятларнинг ҳаммаси материализмнинг айнан аёллар орқали дунёга таратаётган ахлоқий бузуқчилиги олдида ҳеч нарса эмас. Қўйинг-чи, агар уларнинг кўрсатмаси бўйича иш қилинса, ҳамма жойдаги ва ҳаммадаги мараз туфайли одамлар бирлашиш сари эмас, ажралишга боришлари лозим: ҳамма, уларнинг таълимоти бўйича, алоҳида ўтириши ва оғзига пуркагичдан карбол кислотаси*ни қабул қилмаслиги керак (маълум бўладикки, очиб кўрсалар, кислота ҳеч вақога ярамайди). Лекин бу ҳам ҳеч нарса эмас. Асосийси – заҳар одамларни, айниқса, аёлларни бузишга мўлжалланган.

Шундан кейин “Сен ахмоқона яшаяпсан, яхшироқ яша”, деб айтиб бўлмайди, на ўзингга, на бошқаларга айтиб бўлмайди. Агар ахмоқона яшаётган бўлсанг, сабаби руҳий озуканинг ёмонлигидан ва бошқалар. Шундай пайтда нажот излаб уларнинг олдида чошиб борасиз ва улар эса сизга аптекадан олишга ўттиз беш тийинлик дори ёзиб беришади ва сиз ичасиз. Сиз баттар бўласиз, шунда яна дори, яна дўхтир. Ажойиб ўйин!

Гап бу ҳақда ҳам эмас. Ҳозиргина айтганимдек, аёлим болаларни ўзи кўнгилдагидек эмизди ва болалар билан овора бўлгани, ўзи боққани мени рашк азобидан қутқазди. Агар шу бўлмаганда, ҳаммаси олдинроқ

***Инквизация** – католик черковининг асоратига қариши кишиларни тақиб ва суд қилиш учун XIII-XIX асрларда таъсис этилган суд-полиция ташкилоти.

***Карбол кислотаси** – дезинфекция учун ишлатиладиган ўткир ҳидли суюқлик.

рўй берарди. Болалар мени ва уни қутқазди. Саккиз йил давомида у беш фарзандга оналик қилди. Ва ҳаммасини ўзи эмизди.

– Улар, сизнинг болаларингиз ҳозир қаерда? – деб сўрадим мен.

– Болалар? – чўчиб қайта сўради у.

– Мени маъзур тутасиз, балки эслаш сизга ноқулайдир?

– Йўқ, ҳечқиси йўқ. Болаларимни қайинсинглим ва хотинимнинг акаси олиб кетишган. Уларни менга беришмади. Мен уларга боримни бердим, улар эса болаларимни менга беришмади. Мен гўё ақлдан озганман. Ҳозир ўшаларнинг ҳузуридан келаяпман. Мен уларни кўрдим, холос, уларни менга беришмайди. Уларни шундай тарбиялар эдимки, ота-оналарига асло ўхшамаган бўлишарди. Айнан ўхшамаган бўлишарди. Ҳа, нима қиласан! Тушунарли, уларни менга беришмайди, негаки, ишонишмайди. Билмадим, уларни тарбиялашга куч топа олармидим. Менимча – йўқ. Мен – вайронаман, мажруҳман. Менда фақат бир нарсa бор. Мен ўзим биламан. Ҳа, бу аниқ, мен нимани билишимни эса одамлар яқин орада билолмайди.

Ҳа, болалар ҳаёт ва атрофларидаги каби ёввойи бўлиб вояга етадилар. Мен уларни кўрдим, уч марта кўрдим. Мен улар учун ҳеч нарсa қилиб беролмайман. Ҳеч нарсa. Энди жанубга, маконимга кетяпман. У ёқда менинг уйим ва боғчам бор.

Ҳа, мен биладиган нарсани одамлар ҳали-вери билишмайди. Қуёшда, юлдузларда темир, бошқа металллар кўпми – буни яқинда билиш мумкин; бироқ бизнинг разиллигимизни фош қилиш қийин, ўта даражада қийин.

Сиз мени тинглаяпсиз, ҳеч қуриса шунинг учун ҳам сиздан миннатдорман.

– Мана, сиз менга болаларимни эслатиб қўйдингиз. Ҳозиргача болалар ҳақида қандай уйдирмалар мавжуд. Болалар – Раббимнинг инояти, болалар – шодлик. Бир пайтлар шундай бўлгандир, бироқ ҳозир бундай эмас. Буларнинг ҳаммаси бориб турган ёлғон. Болалар – азоб, бундан бошқа нарса эмас. Кўплаб оналар бевосита шундай ҳис қиладилар ва гоҳида беихтиёр шундай гапириб юборадилар. Бизнинг атрофимиздаги ўзига тўқ оилалардаги оналардан сўранг, улар сизга болалари касалланиши, нобуд бўлишидан қўрқишларини айтишади, улар фарзандли бўлишни хоҳлашмайди, боқишни хоҳлашмайди, туғиб қўйган бўлсалар, меҳр қўймаслик, азоб чекмасликка интиладилар. Уларга ҳузур бағишлайдиган гўдакнинг мунислиги, қўлчалари, оёқчалари, момик вужуди – ҳаммаси касаллик ёки гўдакдан ажралиб қолишдангина эмас, касаллик ёки ўлим эҳтимолидан келиб чиқадиган ваҳимадан ҳам кучсиз. Қулай ва ноқулай жиҳатларини тарозига қўйиб, шундай хулосага келинадики, ноқулай томонлар кўп, шунинг учун фарзандли бўлиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу фикрни улар болаларга бўлган чуқур муҳаббатларидан пайдо бўлган матлуб ҳамда мактовга лойиқ туйғу сифатида тортинмай ва чўчимай маълум қиладилар. Улар бу хулосалари билан меҳр-муҳаббатини тўғридан-тўғри рад этаётганларини, фақат ўз худбинликларини тасдиқлаётганларини сезмайдилар. Улар учун гўдакнинг ёқимтойлигидан ҳузурланиш ундан пайдо бўладиган қўрқувдан кўра азобли, шунинг учун уларга сеvimли бўлиб қоладиган гўдак, умуман, гўдак керак эмас. Улар ўзларини сеvimли қадриятга қурбон қилмайдилар, балки ўзларига сеvimли бўлишга лойиқ қадриятни қурбон қиладилар.

Аниқки, бу севги эмас, худбинлик. Аммо тўқ оилалардаги оналарни улар бизнинг шоҳона ҳаётимиздаги ўша дўхтирлар туфайли болаларининг соғлигидан ошиғич азоб чекаётганларини ўйлаганингда – бунда ўша худбинлик – қўлини кўтармайди, ёзғириб бўлмайди. Ҳатто ҳозир дастлабки пайтларда аёлимнинг ҳаёти, қачонки болалар уч-тўрт нафар бўлганда, улар билан бутунлай ўралашиб қолган пайтларини эсласам, даҳшатли манзара юзага келади. Ҳаётимиз ўзимизга татимаган эди. Бу қандайдир бартараф этиб бўлмайдиган хавф, ундан қутулишга интилиш, яна бир хавф ва яна таранг кайфият ва яна қутулиш – худди ҳалокатга юз тутган кемадагига ўхшаш вазият. Баъзан булар болалар билан бошдан-охир ўралашиб, ийиғи чиқиб кетган хотиним томонидан мени бутунлай мағлуб қилиб олиш учун ўйлаб топилган ҳийлалардек туюларди. Бу барча масалаларни унинг фойдасига ҳал қилинишига олиб келган илгак эди. Гоҳида бундай вазиятларда у нима қилган ёки гапирган бўлса, жўрттага қилган ва айтгандек туюларди. Бу унинг учун ҳам, мен учун ҳам азоб эди. Бундан унинг ўзи ҳам қийналмаслиги мумкин эмас эди. Болаларга сорсиниши, махлуқлардек эмизиши, эркалаши, ҳимоя қилиши – худди кўплаб хотинларда бўлганидек эди, аммо ҳайвонлар феълида бўлмаганидек тасаввур ва идрок ҳам йўқ эди. Товуқ жўжалари билан нима рўй беришидан қўрқмайди, уларни нобуд қилиши мумкин бўлган касалликларни, одамлар томонидан ўйлаб топилган, касаллик ва ўлимдан сақлаб қолувчи дорилар борлигини билмайди. Шунинг учун товуққа болалари азоб эмас. У жўжалари учун ўзига ёқимли ва қувончли амалларни адо этади; болалари унинг учун қувонч. Қачонки, жўжаси оғриб қолса, унинг қиладиган ишлари жуда аниқ: қаноти остига олиб иситади, оғзига ош тутати. Шу амалларни бажарар экан, шундай

қилиш зарурат эканини билади. Жўжанинг нафаси узилса, у ўзидан нега ўлди, кейин қаерга кетди, деб сўрамайди, бир ҳурпайиб кўяди, кейин тўхтади ва олдингидек яшайверади. Афсуски, бизнинг бахтсиз аёлларимиз, жумладан, менинг хотиним учун бундай эмас. Касалликлар, уларни қандай даволашни айтмай кўя қолай, қандай тарбиялаш, ўстириш юзасидан у ҳар томондан бутунлай турли-туман ва ўзгариб турувчи туганмас қоидаларни ўқиди ва эшитди. Мана бундай овқатлантириш керак, йўқ, мана бундай; йўқ, ундоқмас, бундоқ, э, мана мундоқ; кийинтириш, сув ичириш, чўмилтириш, уйқуга ётқизиш, сайрга олиб чиқиш – буларнинг ҳаммасига биз, айниқса у, ҳар ҳафта янги қоидаларни жорий этардик. Худди кечагина бола туғаётгандек. Барибир ўшандоқ боқсак ҳам, чўмилтирсак ҳам, гўдак касалланар, бунга эса у айбдор, юмушларни айтилганидек бажармаган.

Бола соғлом бўлса, байрам. Барибир ўша азоб. Агар оғриб қолса, ҳаммаси тамом. Худди дўзахнинг ўзи. Тавсия қилинадик, касалликни даволаса бўлади, шундай фан ҳам бор, шундай одамлар ҳам – дўхтирлар, улар билади. Ҳаммаси эмас, энг яхшилари билади. Мана, гўдак касал, ўша энг яхшисига учраш лозим, у даволайди, шунда бола соғайиб кетади; мабодо шунақасига дуч келмасанг ёки шундай дўхтир яшайдиган жойда турмасанг, бола нобуд бўлади. Бу бир аёлнинггина мутлақ эътиқоди эмас, балки унинг атрофидагилар шундай ишончда: Екатерина Семёновнанинг икки фарзанди нобуд бўлди, негаки Иван Захарични вақтида чақирмаганлар, ахир Иван Захарич Марья Ивановнанинг катта қизини сақлаб қолган эди; мана Петровлар дўхтирнинг маслаҳати билан меҳмонхоналарга тарқаб кетдилар ва омон қолдилар, тарқалмаганларида болалари нобуд бўларди. Анавининг чақалоғи касалманд эди, дўхтирнинг айтганини

қилиб жойларини ўзгартирдилар, жанубга кетдилар – боласини сақлаб қолишди. Агар она қўшоқланган молдек боғланиб қолган болалаларининг ҳаёти, у ҳаммасини олдиндан билганидек доимо тўғри чиқадиغان Иван Захаричга бир умр боғлиқлигини сезгач, бундан қийналмай ва ҳаяжонланмай бўладими? Иван Захарич нима дейишини ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам билмайди, негаки, у ҳеч нарсани билмаслигини ва тариқча ёрдам беролмаслигини жуда яхши билади, у эса ниманидир билишига ишончни йўқотмаслик учун нишонни таваккалига пойлайди. Агар хотиним ҳайвон бўлганда, бунчалик қийналмасди; агар у чинакам инсон бўлганда, унинг Яратганга эътиқоди бўларди, шунда у эътиқодли хотинлар сингари: “Ўзи бериб, Ўзи олди, Худодан қочиб қутулолмайсан” тарзида ўйлаган ва сўйлаган бўларди. У барча инсон қавми каби унинг болалари учун ҳам тириклик ва ўлим одамлар ихтиёридан ташқарида, ҳаммаси фақат Раббимнинг иродаси билан бўлишини ўйлаганда, болаларининг касаллиги ва ўлимининг олдини олишгагина қурби етишини, бироқ бу қўлидан келмаганини тушуниб, бунчалик қийналмаган бўларди. Унинг эса дийдиёси бундоқ эди: унга (мен туфайли) ушоқдеккина, беҳисоб дарду балоларга мойил, энг нимжон рамақижонлар ато этилган. Ана шу рамақижонларга қўшоқланган молдек боғланиб қолган. Бундан ташқари, бу тирик жонлар унга топширилган, шу билан бирга уни қандай воситалар билан сақлаб қолиш сирлари бизга мавҳум, бироқ нима юмуш ёки маслаҳат лозим экан, ҳар доим ҳам топилавермайдиган катта пул эвазига бутунлай бегона одамлардан билиб олса бўлади.

Бутун умр болалар хотиним учун ҳам, шу сабабли мен учун ҳам қувонч бўлмади, азоб бўлди. Қандай қилиб қийналмаслик мумкин? У ҳам доим қийноқда эди. Шундай бўлардики, қандайдир рашк саҳналарида

ёки хашаки жанжаллар асносида тинчланардик, шу лаҳзаларда тирикчилик, мутолаа, хаёл суриш ҳақида ўйлардик; бир нарсага энди овунганингда бирдан Васянинг қайт қилаётгани ёки Машанинг бурни қонагани ёки Андрюшада қичима пайдо бўлганининг хабари келарди, шундай бўлгач, албатта, ҳаёт тўхтайди. Қайга бошингни урасан, қайси дўхтирнинг ортидан чопасан, қаерга бекинасан? Ҳуқна қилиш, ваража, дори ичириш ва дўхтирлар... бошланади. Буларнинг бири охирига етмай, кейингиси бошланиб туради. Росмана, қатъий оилавий ҳаёт бўлмаган. Бўлгани, мен сизга айтдим, хаёлга келадиган ёки чиндан рўй берадиган хавфдан халос бўлиш. Ҳолбуки, бундай ҳолат ҳозир кўплаб оилаларга хос. Менинг оиламда жуда кескин бўлган.

Хотиним болажон ва соддадил аёл эди.

Шундай қилиб, болаларнинг пайдо бўлиши бизнинг ҳаётимизни безамади, балки заҳарлади. Бундан ташқари, болалар жанжалларимизга янги баҳона эди. Болалар туғилиши, вояга етиб бориши билан айнан болаларнинг ўзи жанжалларнинг сабабчиси ва айбдорига айлана бошладилар. Улар фақат жанжалларнинг воситаси эмас, қуролига ҳам айландилар; гўё биз бири-биримиз билан болалар воситасида олишар эдик. Ҳар биримизнинг ўз суюкли боламиз – жангда ишлатадиган қуролимиз бор эди. Мен кўпроқ тўнғичимиз Васяни танлардим, у эса Лизани. Бундан ташқари, болалар улғайиб, характери аниқ бўла бошлагач, бизнинг тарафимизда туриб уришганлар яқинлашиб кетдилар, ўзаро иттифоқ тузиб олдилар. Бечора болажонлар ўзлари ҳақида ўйлашга вақт қолдирмаётган бизнинг ўзаро доимий урушларимиздан бешиб қолдилар. Қизалоқлар менинг тарафимда эди, ўзига ўхшаб кетадиган катта ўғил, хотинимнинг арзандаси менга нафрат билан қарарди.

– Ҳа-я, шундай яшадик. Муносабатлар баттарлашиб, баттарлашиб бораверди. Ниҳоят, шунга бориб етдики, ихтилоф душманликка эмас, душманлик ихтилофга олиб келди: у ҳали оғзини очмасдан, олдиндан фикрини рад этадиган бўлдим, у ҳам шундай эди.

Турмушимизнинг тўртинчи йили ўз-ўзидан икки томон ҳам бир-биримизни тушуниш, бир-биримиз билан келишиш мумкин эмаслигини англаб етдик. Биз энди гапни охиригача олиб боришдан, мураса излашдан тўхтадик. Энг оддий нарсалар, айнан болалар ҳақида ҳар биримиз ўз фикримизда ўзгармай қолдик. Энди ўйлаб қарасам, мен қаттиқ ушлаб олган ва ён беришни хоҳламаган масалалар унча муҳим эмас экан; аммо у ҳам қарши фикрда бўларди, ён бериш, унингча, таслим бўлиш эди. Бунга чидай олмасдим. У ҳам. У, назаримда, ҳар доим ўзини менинг олдимда ҳақ деб ҳисобларди, мен эса ўзимни қарийб авлиё деб билардим. Иккимиз ёлғиз қолганда суҳбатимиз сукунатга маҳкум этилганди ёки – ишонаман, ҳайвонларгина ўзаро шу тақлид муомала қилиши мумкин – бир-икки сўздан ортмасди: “Соат неччи? Ухлаш вақти бўлибди. Бугун тушликда нима? Қаерга борилади? Газетага нима ёзишибди? Дўхтир чақириш керак. Машанинг томоғи оғрибди”. Бирор нохушлик ёки жанжал чиқмаслиги учун вазият соч толасига осилиб тургандек эди. Кофе, дастурхон, арава, винт* ўйини – ҳаммасидан ҳеч кимга керак бўлмаган ва ҳеч ким хоҳламаган тарзда асабларни қақшатадиган тўқнашув ва бешафқат қарғишлар келиб чиқарди. Менда, ҳар қандай шароитда, унга нисбатан даҳшатли нафрат кўзгаларди! Унинг чой қуйиши, оёғининг

*Винт – қарта ўйинининг бир тури.

қимирлатиши ёки қошиқнинг оғзига олиб бориши, овқатни ҳуриллатиб ичишига баъзан кўзим тушиб қолса, буларни энг манфур қилиқлар сингари қабул қилиб, нафратим қўзғаларди. Ғазабланган пайтларим бир вақтлар севги деб аталмиш даврда рўй берган ҳолатлар тескари равишда, тўғри ва тенг миқдорда намоён бўлаётганини у пайтда сезмас эдим. Севги даври – адоват даври; севгининг қизғин даври – адоватнинг узун даври, севгининг нисбатан сусайган даври – адоватнинг қисқа даври. Ўшанда биз севги ва адоват (кек) ҳайвоний туйғу эканини, фақат ниҳояси ҳар хиллигини тушуниб етмаганмиз. Агар ўзимизнинг ҳолатимизни тушуниб етганимизда яшаш даҳшатли бўларди; аммо биз тушунмаганмиз ва чамалай олмаганмиз. Нажот ва ҳалокат шунда, одам боласи нотўғри яшаркан, ўзининг қашшоқлигини кўрмаслик учун уни, муҳитни ғуборлаштиради. Биз ҳам шундай қилдик. Аёлим ҳўжаликнинг майда-чуйда ташвишлари билан овора бўлиб, ўзининг юмушлари, болаларни йўлга солиш, кийинтириш, ўқиши, саломатлиги билан овуниб, босимни юмшатишга ҳаракат қиларди. Менинг ўз жиннилим бор эди – хизмат, ов, қарта. Иккимиз ҳам доимо банд бўлардик. Иккимиз ҳам биз ўзимизча қанча банд бўлсак, бир-биримизга нафратимиз шунча ошиб боришини ҳам билардик. “Сенга юзингни буриштириш ёқади, – ўйлардим у ҳақда, – тун бўйи актрисалик қилиб, менга азоб бердинг, менинг эса мажлисим бор”. “Сенга яхши, – шундай деб нафақат ўйларди, гапирарди ҳам у, – мен эса гўдак билан овора бўлиб тун бўйи ухламадим”.

Биз ана шундай, қаерда турганимизни доимий туман ичида кўролмай яшадик. Ана шулар рўй бермаганда, қариб қолгунимча шу ҳолда яшардим, яна ўйлайманки, жон бераётиб, бошқаларга ўхшаб аҳмоқона эмас, жуда яхши кун кўрганимни тан олган

бўлардим; ўзим қулаб тушган ва типирчилаб ётган бахтсизлигим кўламини ва қабих ёлғонларни тушунмаган бўлардим.

Биз бир занжирга боғланган ва бир умр бир-бирининг ҳаётини заҳарлашга маҳкум этилган ҳамда қилаётган ишини кўрмасликка интиладиган маҳбусларга ўхшардик. Ҳали мен ўшанда 99 фоиз эрхотинлар мен ҳозир яшаётган ва бундан бошқача бўлиши мумкин бўлмаган дўзахда яшашини билмасдим. Мен ҳали бунақасини бошқалар ҳақида ҳам, ўзим ҳақимда ҳам билмас эдим.

Ҳайрон қоласиз, ҳаётнинг қандай мос келиб қолгани ҳам тўғри ва ҳатто нотўғри! Айнан ота-оналар турмуш чидаб бўлмас даражага келиб қолгач, болалар тарбияси учун шаҳар шароитини яратиб беришади. Ва шаҳарга кўчиб ўтиш заруратга айланади.

Ҳамсуҳбатим жим бўлди ва икки марта ўзига хос ёқимсиз овозини янгради, бу гал у бўғилиб қолган йиғига ўхшади. Биз станцияга яқинлашдик.

– Соат неча? – деб сўради у.

Соатимга назар ташладим, икки бўлибди.

– Чарчамадингизми? – деб сўради у.

– Йўқ, сиз-чи?

– Бўғилиб кетаяпман. Маъзур тутасиз, ўтиб кетай, сув ичмоқчиман.

У тебранганча вагон бўйлаб кетди. Мен унинг айтганларини мулоҳаза қилиб, ёлғиз қолдим, чуқур хаёлга чўмиб кетганимдан унинг бошқа эшикдан қайтиб кирганини сезмай қолибман.

18

– Ҳа, мен қизишиб кетдим, – деб гап бошлади у. – Кўп ўйладим, кўп нарсага бошқача назар билан қарадим, охири ҳаммасини айтишга қарор қилдим.

Шундай қилиб, шаҳарда яшай бошладик. Шаҳарда бахтсиз одамлар учун яшаш қулай. Одам шаҳарда юз йил яшаши мумкин, бироқ унинг аллақачон ўлиб, чириб кетганини ҳеч ким билмайди. Бунақа нарсалар билан ҳисоб-китоб қилиб ўтиришга вақт йўқ, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Иш, жамоат топшириқлари, саломатлик, санъат, болалар соғлиги, уларнинг тарбияси. Баъзан уни ёки бошқаларни қабул қилиш, кимни-кигадир бориш керак; ниманидир кўриш ёки эшитиш лозим. Шуниси эътиборлики, ҳар қандай шароитда ҳам шаҳарда бир, баъзан икки, уч муҳим нарсаси борки, буларни канда қилиб бўлмайди. Баъзан ўзини ёки уни, бунини, баъзан ўқитувчини, репетиторни, гувернантка*ни даволатиш лозим, ҳаёт эса қуруқдан қуруқ ўтиб кетаверади. Ҳа, биз шаҳарда шу тақдирда яшадик ва ёстиқдошликнинг азобларини камроқ ҳис қилдик. Бундан ташқари, дастлабки пайтларда қизиқарли машғулоти ҳам кўп эди: янги шаҳарда ўрнашиш, янги хонадон, яна шаҳардан қишлоққа, қишлоқдан шаҳарга бориб келишлар.

Бир қишни ўтказдик, кейинги қишда ҳеч ким сезмаган, ташқи томондан аҳамиятсиздек туюлган, бироқ жиддий асорат қолдирган бир воқеа содир бўлди. Аёлим касалманд эди ва пасткашлар туғишга изн бермай, усул ўргатишибди. Бу менга жуда ёмон таъсир қилди. Мен бунга қарши чиқдим, у эса ўзига хос енгилтакларча ўжарлик билан билганидан қолмади ва мен бўйсундим; махлуқона ҳаётнинг сўнгги илинжи – бола туғиш – инкор этилди ва ҳаёт яна ҳам қабиҳлашди.

Эркакка, қаролга, гарчи боқишга қийналса ҳам, бола керак, ҳа, унга керак, негаки, унинг эр-хотинлик муносабати бунини оқлайди. Бизга, аллақачон боласи бор одамларга, яна бола керак эмас, улар – ортиқча

*Гувернантка – уй мураббияси.

ташвиш, харажат, мерос талашувчилар, улар оғир юк бўлиб қолгандилар. Энди биз учун махлуқона ҳаётни безайдиган ҳеч нарса қолмаганди. Ёки сунъий равишда болалардан қутуламиз ёки эҳтиётсизлик оқибатида юзага келган бахтсизлик сифатида қараймиз. Оқлов йўқ. Биз шунчалик маънавий тубанлашдикки, ўзимизни оқлашга эҳтиёж ҳам йўқ. Ҳозирги маърифатли дунё виждони заррача қийналмай ана шу бузуқчиликка ружу қўймоқда.

Қийналадиган нарсанинг ўзи йўқ, негаки, агар шундай аташ мумкин бўлса, жамоатчилик фикри ва жиноят қонунчилигидан уялишдан ташқари бизнинг турмушимизда ҳеч қандай виждон йўқ. Бунда эса у ҳам, бу ҳам бузилмайди: жамият олдида уялиш ҳеч нарса: ҳаммасини ўзлари – Мария Павловна ва Иван Захарич бажаради. Қашшоқларни боқиш ёки жамоат ҳаётидаги ўз имкониятидан воз кечиш нима бўлибди? Жиноят қонунларидан уялиш ёки ундан қўрқиш ҳам ҳеч нарса эмас. Анави адабсиз қизалоқлар ва аскарчалар болаларни ҳовузларга, қудуқларга иргитишади; уларни, аниқки, турмага тикиш керак, бизда эса ҳаммасини вақтида ва тоза бажаришади.

Шу ҳолда биз яна икки йил яшадик. Ярамасларнинг усули, кутилганидек, ишини қила бошлади; аёлим худди ёзнинг сўнгги малоҳати сингари тўлишди ва ҳусни очилди. У ўзгаришларни сезди ва ўзига эътиборли бўлди. Унда кўрган кўзни куйдирувчи пинҳоний бир гўзаллик зоҳир бўлди. У таровати билан бола кўтармаган, эмизмаган ва кўнгилларга ғулу солувчи ўттиз ёшли аёл талъатиға эга бўлди. Унинг кўриниши безовталиқ уйғотарди. Эркаклар қаторидан ўтса, ҳаммаси маҳлиё бўлиб, тикилиб қоларди. У байловда бўлган ва яхшилаб боқилган, бирдан жиловидан бўшалган байталга ўхшарди. Аммо унда бизнинг 99 фоиз аёлларимизда бўлгани каби ҳеч қандай юган

бўлмаган экан. Мен буни сездим ва бу мен учун кўрқинчли эди.

19

У бирдан ўрнидан турди ва деразага яқин жойда ўтирди.

– Мени маъзур тутасиз, – ғўлдиради суҳбатдошим ва кўзини деразага қадаганча уч дақиқача жим турди. Кейин оғир нафас олди ва яна менинг қаршимга чўкди. Юзи бутунлай бошқа қиёфага кирган, кўзлари жовдирар, лабларида маҳзун бир табассум қотиб қолганди. – Мен бироз толиқдим, аммо ҳикояни давом эттираман. Ҳали вақт кўп, тонг оқармади ҳам. Ҳа-я, – бошлади у яна папиросини тутатиб. – Аёлим туғишни бас қилгач, тўлишиб борди, касаллик – болалар ҳақидаги узлуксиз хавотир ҳам ўтиб кетди; шунчаки ўтиб кетмади, у худди мастликдан ўзига келгандек бўлди, ўтаётган кунларини ёдига туширди ва кўрдик, атрофида илоҳий олам, у эсидан чиқариб юборган, яшашни билмаган, бутунлай тушунмаган илоҳий олам бутун шодликлари билан намоён бўлиб турибди. “Фурсатни қўлдан берма! Умр ўткинчи, қайтиб келмайди!” Менга у бирданига шундай ўйлагандек ёки ҳис қилгандек туюлди, ҳа, у бошқача ўйлаши ва ҳис қилиши мумкин эмасди: уни дунёда фақат битта қадрли туйғу бор, у ҳам бўлса, севги, деган руҳда тарбиялашган эди. У эрга тегди, ўша севгидан нимадир олди, лекин олгани унга ваъда қилинган, у кутган нарсадан бутунлай йироқ, аксинча, ҳафсалани пир қиладиган, зор қақшатадиган, бунинг устига – болалар, кутилмаган азоб эди! Бу азоб уни бутунлай ҳолдан тойдирди. Фақат илтифотли дўхтирларнинг марҳамати билан фарзандсиз ҳам яшаш мумкинлигини тушунди. У бундан мамнун бўлди, шуни ҳис қилди ва яна бир нар-

са учун – ўзи яхши билган севги учун ҳаётга қайтди. Аммо севги эрининг қийноқлари, беҳуда рашки ва ёвузликлари исканжасида бошқачароқ тус олди. У барибир бошқачароқ, тозароқ, оҳорлироқ севгини тасаввур қиларди, мен у ҳақда шундай ўйлардим. Ва ниҳоят, у атрофига худди қидирган нарсасини топадигандек аланглай бошлади. Мен уни шу алпозда кўрдим ва бу мени безовта қилмаслиги мумкин эмасди. Воқеалар ялпи ва изма-из шундай рўй бера бошладик, у худди ҳар доим бўлганидек, бошқалар орқали мен билан сўзлашар, яъни бегоналар билан гаплашгандек бўлиб, аммо сўзини менга қаратиб, дадил, бир соат олдин бутунлай тескари нарсани гапириб турганига қарамай, ярим жиддий, ярим ҳазил билан она меҳри алдов, болалар ҳаётининг бағишлашга арзимаиди, ёшлигини давраининг суриб қол, сингари эътирофларини баён этарди. У болаларга ҳафсаласиз бўлиб қолди, олдингидек бутун борлиги билан эмас, номига муомала қиладиган бўлди, бунинг ўрнига гарчи буларни хуфёна тутса ҳам, ўзининг ташқи кўриниши, ўз кўнгилхушлиги, ҳатто ўзини тарбиялаш билан кўпроқ шуғуллана бошлади. У яна бутунлай ташлаб қўйган, ҳатто эсидан чиқиб кетган фортепиано билан машғул бўла бошлади. Ва ана шундан ҳаммаси бошланди.

Ҳамроҳим яна ҳорғин боқувчи кўзлари билан деразага ўгирилди, аммо шу лаҳзада, менимча, ўзида куч топиб, давом этди:

– Ҳа-я, ўша одам пайдо бўлди. – У каловланиб қолди ва бурнидан икки марта ўзининг хос шовқинини чиқарди.

Мен унга бу зотнинг исмини аташ, уни эслаш, у ҳақида гапириш азоб эканини кўриб турардим. Аммо у шундай куч топдики, ўзига халақит бераётган нохушликни бартараф этди ва қатъий давом этди:

– Назаримда, менинг баҳоим билан у пачава одам эди. У ҳаётимда қандай аҳамият касб этганидан эмас, ҳақиқатан шундай нусха эди. Худди шундай, унинг қанчалик кўзга илинмаслигига хотинимнинг бутунлай менсимагани ҳам далил. У эмас, бошқаларга ҳам шундай эди. – У яна жим қолди. – Ҳм-м, у мусиқачи, скрипкачи эди; маълумотли, моҳир мусиқачи эмас, чала маҳоратли, чала одам эди.

Унинг отаси – заминдор, отамнинг қўшниси бўлган. У – отаси – ажрашган, уч нафар боласи ҳам ўрнини топган; фақат бири, кенжатойини Париждаги чўқинтирган онасига берган. У ёқда болани консерваторияга топширишган, иқтидори бўлган-да, кейин скрипкачи бўлиб етишган, концертларда қатнашган. У шундай одам эдики... – Ҳар ҳолда у ҳақида бемаза гап айтишни хоҳлади-ю, тийилди ва тез гапирди. – Хуллас, у ёқда қандай яшаганини билмайман, билганим шуки, ўша йил у Россияда пайдо бўлди ва менга дуч келди.

Бодомсимон шилпиқ кўзлар, кулиб турадиган қизил лаблар, қўнғиз мўйловча, сочлар сўнгги русумда таралган, юзлар, аёллар айтмоқчи – истарали, таранг, қомати заиф бўлса-да, бесўнақай эмас, айниқса, думбалари худди аёлларникидек, айтишларича, готтентот*ларникидек дўмпайган эди. Бу ҳам мусиқабоп эмиш. Қуйиб қўйилган, аммо жиндай эътирозда ҳам тўхтатиш мумкин бўлган ташқи жимжимадорлигини сақлаган бетакаллуфлик ҳамда Париж услубидаги тугмачали ботинкалар, ёрқин рангли галстуг, чет элликларга сингиб кетган ўзига хос сирлилик ва янгилик ҳар доим аёлларга таъсир қилади. Сохта қилиқлар, ясама хушнудлик. Қилиқлар, биласизми, ҳамма нарса ҳақида киноя ва масхара билан гапиради, гўёки уларни сиз ҳам биласиз ва янгилари билан тўлдиришингиз мумкин.

*Готтентот – Жанубий Африкада яшовчи қабила.

Нафсиламрини айтганда, у ўзининг муסיқаси билан ҳаммасига сабабчи бўлди. Судда иш шундай талқин қилиндики, ҳаммаси рашк туфайли рўй берган. Жиндай нарса рўй бермаганда, яъни ўша бўлмаганда, ҳеч нарса бўлмасди, афсуски, шундай бўлиб қолди. Судда шундай ҳал қилишди: мен алданган эр ва ўзимнинг таҳқирланган номусимни (уларча, бу шундай аталаркан) ҳимоя қиламан, деб хотинимни ўлдирганман. Шу билан мени оқлашди. Мен судда ишнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилдим, аммо улар буни хотинимнинг шаънини оқлашга интилиш, деб тушундилар.

Аёлимнинг муסיқачига муносабати, у қандай ҳолда бўлмасин, мен учун ҳеч қандай маънога эга эмас, хотиним учун ҳам худди шундай. Маънога эга бўлган нарса, сизга айтдим, менинг тўнғизлигим. Ҳаммаси шундан рўй берди, бизнинг ўртамизда шундай фалокат гирдоби бор эдики, сизга айтдим, бу ўзаро муносабатда жиндай туртки билан инқироз бошланишига олиб келадиган бир-бирига нисбатан даҳшатли нафратнинг шиддати эди. Орамиздаги жанжаллар кейинги пайтларда ҳайвоний эҳтиросларнинг бўйсунмас қудрати тазйиқи остида шафқатсиз тус ола бошлаганди.

Агар у бўлмаганда, бошқаси пайдо бўларди. Агар рашк қутқуси бўлмаганда, бошқаси бўларди. Маслаҳат берган бўлардимки, мен каби яшаган жами эрлар ё бузилиб кетиши, ё ажралиши ёки ўзини ўлдириши ёхуд мен сингари хотинини ўлдириши шарт. Ким шундай йўл тутмаган бўлса, бу камдан-кам учрайдиган нодир ҳодиса. Мен ҳаммасига ўзим амалга оширганимдек нуқта қўйишдан олдин бир неча марта ўзимни ўлдириш даражасигача борганман, аёлим ҳам оғуланганди.

– Ҳа, ўша нарсa рўй беришидан олдинроқ аҳвол шундай эди.

Биз муросага келиб яшaётгaндек ва уни бузишга ҳеч қaндай сабаб йўқдек эди; иттифоқо, бир итнинг кўргазмада медаль олгани ҳақида гап бўлди, буни мен бошладим. Аёлим эса шундай деди: “Медаль эмас, фахрий ёрлиқ”. Тортишув юзага келди. Нарсаларни у ёқдан-бу ёққа иргитиш, маломат қилиш бошланди: “Ҳа, буаллақачон маълум, ҳамма вақт шундай: сен нима десанг...” – “Йўқ, мен айтмадим”. – “Демокчисанки, мен ёлғон гапирдим!”... Сезиб турасанки, мана-мана ўша даҳшатли жанжал бошланаяпти, оқибатида ё ўзингни ўлдиришни хоҳлайсан, ё хотинингни. Биласан, ҳозир бошланади ва оловдан кўрққaндек кўрқасан, шунинг учун ўзингни ушлашга интиласан, бироқ ғазаб бутун борлиғингни қамраб олган. У ҳам шундай, балки бундан ҳам баттар вазиятда, атайлаб сўзларингга нотўғри маъно юклаб, уларни бузиб талқин қилади; унинг ҳар бир сўзига заҳар сингдирилган; қайси жойимга тегса оғришини билиб, ўша ерни баттар чўқилайди. Борган сари баттарлашaверди. Мен “Жим бўл!” деб ёки шунга ўхшашроқ бақираман. У хонадан отилиб чиқади-да, болалар бўлмасига ўзини уради. Мен муросага келиш ва исботлаш учун тутмоқчи бўлиб, қўлидан ушлайман. У билаги оғриганини баҳона қилади ва қичқиради: “Болалар, оталаринг мени ураяпти!” Мен: “Ёлғон гапирма!” деб бақираман. – “Бу биринчи марта эмас-ку” ёки шунга ўхшаш чинқиради. Болалар уни кучоқлаб олишади. У болаларни тинчлантиради. Мен айтаман: “Муғомбирлик қилма!” Аёлим айтади: “Сенингча, ҳаммаси муғомбирлик; сен одамни ўлдириб қўясан ва муғомбирлик қилаяпти, деб тураверасан. Энди мен сени тушундим. Сен шуни хоҳлайсан!” –

“Э, қанийди ҳаром ўлсанг!” – деб бақираман мен. Эсимда, бу даҳшатли сўзлар мени қандай қўрқувга солди. Мен шундай қўрқинчли, қўпол сўзларни айта оламан, деб ўйламагандим, уларнинг оғзимдан чиқиб кетганига ҳайрон қолдим. Мен бу даҳшатли сўзларни қичқириб айтаман, хона бўйлаб югураман, ўтираман ва чекаман. Эшитиб турибман, у олдинги эшикдан даҳлизга кирди ва кетишга чоғланяпти. Қаергалигини сўрайман. У жавоб бермайди. “Хўп, жин урсин уни” – дейман ўзимга, хонага қайтаман, яна ётаман ва чекаман. Ундан қандай ўч олиш, қандай қутулиш, аҳволни ҳеч нарса бўлмагандек ўнглаш, вазиятни изига солиш юзасидан минглаб турли режалар калламга келади. Буларнинг ҳаммасини ўйлайман, чекавераман, чекавераман, чекавераман. Ундан қочиб кетишни, яширинишни, Америкага кетиб қолишни хаёл қиламан. Шунгача бориб етаманки, ундан қутулишим қандай ажойиб бўларди, бошқа биттасини, ундан чиройли, ундан бошқачароқ янгисини топардим, деб орзу қилардим. У ўлса ёки ажрашсам (қандай ажрашаман?) шунда қутуламан. Кўриб турибман, мен хато нарсаларни ўйлаяпман, уни кўрмаслик учун нима зарур, ўйламаслик учун нима қилиш лозим, билмайман, шунинг учун чекаман.

Уйда эса ҳаёт давом этаверарди. Гувернантка келади ва: “Хоним қаерда? Қачон келади?” деб сўрайди. Хизматчи чой таклиф қилади. Ошхонага ўтаман; болалар, айниқса, каттаси Лиза ҳаммасини тушунади, савол назари ва норозилик билан менга қарайди. Сукут сақлаб, чой ичамиз. Барибир аёлим йўқ. Оқшом ўтади, у йўқ ва кўнгилда икки туйғу бир-бири билан алмашади: ўзининг йўқлиги билан, у барибир келади, мени ҳамда болаларни қийнаётгани учун ғазаб ва унинг келмай қолиши, ўзини бир бало қилишидан қўрқув. Мен уни излаган бўлардим. Аммо қаердан

излаш керак? Опасиникиданми? Аммо бориб ундан сўраш ахмоқлик. Борсин-э, худога солдим; қийнашни хоҳлаётган экан, ўзи баттар қийналсин. Ўзи ҳам шуни хоҳлаётгандир. Келаси сафар бундан ҳам баттар бўлади. Нима бўлибди, агар у опасиникида бўлмаса, ўзини бир бало қилган ёки қиладими?.. Тунги соат ўн бир, ўн икки, бир. Ётоқхонага кирмайман, бир ўзим у ерда ётишим ва кутишим ахмоқлик ва шу ерда таппа ташлаб ётаман. Нима биландир машғул бўлишни хоҳлайман, хат ёзиш, ўқиш; ҳеч нарса қилолмайман. Кабинетда бир ўзим ўтириб қийналаман, жаҳлланаман ва қулоқ соламан. Соат уч, тўрт – барибир у йўқ. Тонгга яқин ухлаб қоламан. Уйғонаман, у йўқ.

Уйда барчаси олдингидек давом этади, аммо ҳамма аросатда ва буларнинг барига мен сабабчидек, сўроқ назари ва ғижиниш билан қарашади. Менда ҳам шундай кураш – аёлим мени қийнаётганидан орттирган азобим ва ундан хавотирланишим ўртасида кураш кетарди.

Ўн бирга яқин опаси ундан элчи бўлиб келади ва одатдагича бошлайди: “У оғир аҳволда. Бу қанақаси!” – “Қўйсангиз-чи, ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку”. Мен унинг чидаб бўлмас даражада инжиқлигини айтаман ва ўзимнинг ҳеч нарса қилмаганимни билдираман.

– Барибир буни шу ҳолда қолдириб бўлмайди, – дейди опаси.

– Ҳаммаси унга боғлиқ, менга эмас, – дейман. – Мен биринчи қадамни қўймайман. Тўғри келмадими, ажрашиш бўлса, ажрашавераман-да.

Қайинсинглим бир иш чиқаролмай кетади. Гарчи биринчи қадам қўймаслигимни унга дадил айтган бўлсам-да, кетгач, болаларни аянчли, қўрққан ҳолда кўриб, биринчи қадамни қўйишга тайёр бўламан. Шундай қилишдан хурсанд эдим, бироқ уни қандай амалга оширишни билмасдим. Яна юраман, чекаман,

нонушта маҳали шароб ва ароқ ичаман ва беихтиёр хоҳлаётганимга эришаман: ўз аҳволимнинг ахлоқона ва қабихлигидан нафратланаман.

Учга яқин хотиним келади. Менга дуч келганда ҳеч нарса демайди. Ярашибди, деб ўйлайман ва унинг гина-кудуратларидан тўйиб кетганимни айта бошлайман. У ҳам худди шундай жиддий ва жуда азобланган қиёфада тушунтириш беришга эмас, болаларни олиб кетишга келганини, бирга яшай олмаслигимизни маълум қилади. Мен айбдор эмаслигимни, унинг ўзи мени ўзидан безитганини айта бошлайман. У менга жиддий, тантанавор қарайди ва кейин:

– Ортиқча гапирма, кейин афсусласан, – дейди.

Мен майнавозчиликка чидай олмаслигимни айтаман. Шунда нимадир деб чинқиради, мен тушунмайман ва у ўз бўлмасига чиқиб кетади. Изидан калит шиқирлайди: у яшириниб олади. Эшикни итараман, жавоб йўқ ва алам билан ортимга қайтаман. Ярим соатдан кейин Лиза кўзида ёш билан чопиб келади.

– Нима? Бирор нарса қилдингларми?

– Ойим тинчиб қолди.

– Борамиз. Бор кучим билан эшикни итараман. Зулфин яхши ёпилмаган ва иккала табақа ҳам очилиб кетади. Каравотга яқинлашаман. У юбкада ва пошнаси баланд туфлида беўхшов ҳолда хушсиз ётарди. Стол устида афюндан бўшаган кичкина шиша идиш. Ҳушига келтирамиз. Тагин кўз ёшлари ва ниҳоят, ярашиш. Ярашиш ҳам эмас: ҳар кимнинг кўнглида ўша нафрат, фақат яна ҳозирги бир-бирига етказган азоб учун устама қўшилган тарзда муносабатларнинг баттарлашиши. Аммо буларнинг барисини нима қилиб бўлса-да тугатиш керак эди, афсуски, ҳаёт олдингидек давом этарди. Жанжаллар, баъзан ҳафтада бир, баъзан ойда бир, баъзан кунда тўхтовсиз баттар авж оларди. Ҳаммаси ўша-ўша, бир хил. Бир сафар чет эл

паспортини ҳам олдим – жанжал муттасил икки кун давом этганди, – яна ярим ялинишлар, ярим муро-са – хуллас, кетмадим, қолдим.

21

– Муносабатларимиз ана шундай кўринишда бўлган паллада ўша одам пайдо бўлди. Ўша одам Москвага келди – унинг фамилияси Трухачевский – ва менга дуч келди. Бу эрталаб бўлганди. Мен уни қабул қилдим. Бир пайтлар сенсираб гаплашганмиз. У сенсирашга мойил “сиз” билан “сен” ўртасини танлади, бироқ мен бирдан “сиз”га урғу бердим ва у ҳам бунга кўна қолди. У биринчи кўришимданоқ менга умуман ёқмади. Лекин ажабланарлиси – ғалати, машъум бир куч мени ундан қочмасликка, ажралмасликка, аксинча, яқинлашишга ундарди. У билан совуққон муомалада бўлиш, хотиним билан таништирмай, хайрлашишдан осони йўқ эди. Аммо атайлаб қилгандек, унинг ижролари ҳақида гаплашдим, дедимки, менга айтишларича, у скрипкадан воз кечибди. У айтдики, аксинча, ҳозир олдингидан ҳам кўп чалади. У мени ҳам илгари чалишимни эслаб кетди. Мен бошқа чалмаслигимни, аммо хотиним яхши чалишини айтиб ўтдим.

Ҳайратланарли ҳолат! Унга муносабатим биринчи кунда, дастлабки соатда кейинчалик қандай бўлса, шундай бўлди. Менинғ у билан муносабатимда қандайдир кескинлик бор эди: у ёки ўзим айтган ҳар бир сўз, ибораларни эслаб қолардим ва муҳим аҳамият берардим.

Уни хотинимга таништирдим. Шу дамда мусиқа ҳақида гап кетиб қолди ва у хотинимга бирга чалиш таклифини билдирди. Хотиним кейинги пайтларда ҳар доим бўладиганидек, ўзига оро берган ва мафтункор, кишини бепарво қолдирмайдиган даражада

гузал эди. У, менимча, биринчи нигоҳданоқ хотинимга маъқул тушди. Бундан ташқари, аёлим скрипка чалишдан завқланишини, бу машғулоти унга ёқишини, шунинг учун театрдан скрипкачи ёллаганларини эслаб яйраб кетди ва юзида мамнунлик нишонаси барқ урди. Аммо менга кўзи тушгач, шу лаҳзада ҳолатимни тушунди ва кўринишини ўзгартирди ҳамда ўзаро бир-бирини алдаш ўйини бошланди. Мен ёқимли табассум қилиб, гўё мамнунлигимни билдириб қўйдим. У хотинимга жами бузуқилар чиройли аёлларга қандоқ тикилса, шундай назар ташлаб, ўзини фақат суҳбатнинг мавзуси қизиқтиришини – аслида айнан шу нарса уни тариқча ҳам қизиқтираётгани йўқ эди – таъкидлаб ўтди. Аёлим бепарво бўлишга интилди, бироқ унга таниш менинг сохта табассумли рашкчи назарим ва мусиқачининг ҳирсли нигоҳи, шубҳасиз, уни кўзғатди. Кўриб турардимки, биринчи учрашувданоқ аёлимнинг кўзларида шуъла ўйнади ва, эҳтимол, менинг рашкимнинг оқибати ўлароқ, у ва эркак ўртасида бир хил ифода кўзғайдиган, кўз қарашлари ва табассумларни уйғунлаштириб турадиган электр токи пайдо бўлди-ёв. Аёлим қизарганди, у ҳам, аёлим кулганди у ҳам кулди. Мусиқа ҳақида, Париж ҳақида, ҳар хил кераксиз нарсалар ҳақида гаплашдилар. Скрипкачи кетиш учун кўзғалди ва кулиб, титраётган сонига шляпасини қапиштирганча, гоҳ хотинимга, гоҳ менга қараб, биздан имдод кутгандек турарди. Бу дақиқаларни аниқ эслайманки, айтиш шудамда уни қайта таклиф қилмаслигим мумкин эди ва шунда ҳеч нарса содир бўлмасди. Лекин мен унга ва аёлимга қарадим. “Сен асло мени рашк қилди, деб ўйлама” – дедим хаёлан хотинимга, – “Мендан кўркди, деб ўйлама” – дедим хаёлан эркакка ва ундан кечқурун қандай бўлмасин, хотиним билан жўрликда чалиш учун скрипкасини олиб келишини сўрадим. Аёлим

хайрон бўлиб менга тикилди, қизариб кетди, худди қўрқиб кетгандек, ўзини етарли даражада яхши ча-
лолмаслигини таъкидлаб, рад эта бошлади. Унинг
бу рад этиши мени баттар ўчакиштирди ва янада
қаттиқроқ илтимос қила бошладим. Унинг елкасига
тушган, қора, икки томонга таралган сочларини аж-
ратиб турган оппоқ бўйнига боқарканман, ғалати ҳис
туйганимни эслайман, у ликиллаган, кушларникига
ўхшаш ҳаракати билан биздан четланди. Мен тан
олмасдан иложим йўқ, бу одамнинг ташрифи менга
азоб бўлди. “Ҳаммаси ўзимга боғлиқ, – деб ўйладим, –
шундай қилиш керакки, уни бошқа кўрмай”. Аммо
бундай йўл тутишим ундан қўрқишимни тан олиш
бўларди. Йўқ, мен ундан қўрқмайман! Бу ўта даража-
да ҳақоратомуз бўлади, сўзладим ўзимга. Худди шу
пайт, даҳлизда хотиним мени эшитишини билиб, мен
туриб олдимки, бугун оқшом скрипкаси билан бизни-
кига ташриф буюради. У менга ваъда берди ва кетди.

Оқшом скрипкаси билан келди ва иккаласи куй
чалди. Аммо машғулот узоқ давом этмади, уларга ке-
ракли нота* йўқ экан, борларини эса хотиним тайёр-
гарликсиз чала олмаскан. Мен мусиқани жуда севар-
дим ва уларнинг ижросига хаҳрихоҳлик билдириб,
унга пюпитр* ўрнатиб бердим, варақларни ағдариб
турдим. Қанақадир қўшиқсиз куйни, Моцартнинг
бир сонатасини чалишди. У маҳорат билан чалди,
унда оҳанг деганлари юқори даражада эди. Бундан
ташқари, унинг феъл-атвориға тўғри келмайдиган
нозик, латиф диди бор эди.

Сирасини айтганда, унинг маҳорати хотиним-
никидан кучли эди, хотинимга ёрдам бериб тур-
ди, боз устига, унинг ижросини ўз вақтида мақтаб
ҳам қўйди. У ўзини жуда яхши тутди. Хотинимнинг

**Нота* – нота белгилари билан ёзилган мусиқа асари назарда тутилмоқда.

**Пюпитр* – нота қўядиган қия курси.

фақат мусиқага шоён қизиқиши кўзга ташланар, бошқа ҳеч нарса зоҳир бўлмаган, ҳаммаси содда ва табиий кўринарди. Мен ҳам гўё бутун вужудим билан мусиқага маҳлиё бўлгандек эдим, аслида эса рашк азоби оқшом бўйи ич-этимни еди.

У хотиним билан нигоҳлари тўқнашиб қолган биринчи дақиқаданоқ, кўриб турардимки, уларнинг ботинида ўрнашиб олган махлук: “Майлими?” – деб сўради ва “Бўлмасам-чи”, жавобини олди. Кўриб турардимки, у менинг хотиним тимсолида, москвалик аёл тимсолида бундай жозибани кутмаганди ва учратганидан жуда мамнун эди. Негаки, аёлимнинг ризолигини сезиб турар, бунга заррача шубҳаси йўқ эди. Ҳамма дарди бало – унинг суқмақозик эри (мен) ҳалақит бермаса бўлди. Агар мен ҳалол бўлмаганимда, буни тушунмасдим, аммо мен кўплар қатори ҳали уйланмаган вақтимда аёллар ҳақида ғайрича ўйлардим, шу боис скрипканинг кўнглини қоғозда ёзилгандек ўқий олдим. Шунинг учун ҳам баттар эзилдимки, у келишган қадди-қомати ва жозибаси, биргаликда ижро этгандаги яқинликни таъминлаган иқтидори, мусиқа, асосан, скрипка навлари остида пайдо бўлган оҳанрабо табиати билан хотинимни мафтун қилгани шубҳасиз, бироқ менга нисбатан фақат баъзан бўлиниб турадиган одатдаги ҳиссиётларидан, аччиқланишдан ташқари бошқа муносабатда бўлмаган аёл нотаниш эркакка заррача иккиланмай ўзини топшириб қўйдики, у энди ғолиб бўлиши, айлантириб олиши, арқонини истаган усулда эшиши, мижғилаши, хуллас, нима хоҳласа, шуни қилиши мумкин эди. Бунақасини кўришим – чидашим мумкин эмас эди ва мен шунинг учун даҳшатли тарзда қийналдим. Бироқ шунга қарамай ёки шунинг тазйиқидан бир куч иродамга қарши чиқиб, мени яна ҳам унга нисбатан фақат назокатлигина

эмас, меҳрибон бўлишга ҳам мажбур қиларди. Хотиним учунми ёки унга ундан кўрқмаслигимни кўрсатиш учунми ёки ўз-ўзимни алдаш учун – ўзим учунми – билмайман, биринчи муомаламдаёқ шундай гўл бўлишни ихтиёр этдим. Ҳозир уни ўлдириш кайфиятим борлигини сездирмаслик учун унга лутф қилишни хоҳладим. У билан қиммат вино ичиб, кечкилик қилдим, ижросидан завқландим ва алоҳида мулойим табассум билан сўзлаб, кейинги якшанба тушликка келиб, хотиним билан жўрликда мусиқа чалишини илтимос қилдим. Унинг ижросидан баҳраманд бўлиш учун мусиқа ихлосманди бўлган танишларимни ҳам таклиф қилишимни билдирдим.

Позднишев кучли ҳаяжон билан ҳолатини ўзгартирди ва ўзининг ёқимсиз хос овозини чиқарди.

– Бу одамнинг пайдо бўлиши мен учун кўргулик бўлди, – одатдагидек яна осойишта бўлишга интилиб гапини бошлади. – Уч ёки тўрт кундан кейин кўргазмадан қайтиб, даҳлизга чиқдим-да, бирдан тошдай оғир бир нарса юрагимга ботаётганини сездим, бу ҳолатни тушунишга ожиз эдим. Таассуфки, даҳлизга ўта туриб, негадир, уни эслатувчи бир шарпа кўзимга эласлагандек бўлди. Фақат кабинетимда ўзимга келдим, нима бўлаётганини тушунишга интилдим ва даҳлизга қайтиб, ўзимни текшириб кўрмоқчи бўлдим. Ҳа, ҳақиқатан, адашмагандим: у ерда ўшанинг шинели осиялиқ турарди. Биласизми, сўнгги русумдаги шинель. (Нима нарса унга тегишли бўлса, гарчи ўзимга мажбурият олмаган эсам-да, ғайритабиий хушёрлик билан эслаб қолганман). Сўрайман, худди кутилганидек, у шу ерда. Меҳмонхона орқали эмас, катта хонадан залга ўтаман. Лиза, қизим, китоб ўқиб ўтирибди, энага қичкина билан қандайдир қопқоқни столда айлантираяпти. Залнинг эшиги маҳкамланган, ичкаридан сидирға arpeggio

янграйди, унинг ва хотинимнинг овози эшитилади. Эшитяпман-у, сўзларини ажратолмаяпман. Атайлаб фортепиано товушини ўзларининг овозларини, балки ўпишишларини эшиттирмаслик учун кўтариб қўйганга ўхшайди. Ё тавба! Ичимда бир нарса портлади! Қачон тийнатимда бекиниб олган махлуқ ҳақида ўйласам, даҳшат қоплаб оларди. Юрагим қисилди, тўхтаб қолди, кейин эса болғадек ура бошлади. Ҳар доим ҳар қандай нохушликда бўлганидек, биринчи қийнагани – ўзимга ҳайфим келиб кетди. “Болалар кўз олдида-я, энаганинг кўз олдида-я” – ўйладим. Шундай бўлиши керак эди, негаки... Мен қўрқинчли қиёфада эдим, яна Лиза отасига ҳайратланиб боқиб турарди. “Нима қилишим керак? – сўрадим ўзимдан. – Кирайми? Кира олмайман, нима қилишимни Худо билади”. Аммо кетолмадим ҳам. Энага аҳволимни тушунгандек, менга тикилиб турарди. “Ҳа, кирмаслик мумкин эмас”, – дедим ўзимга ва эшикни қаттиқ тортдим. У фортепиано ортида турар, ўша *agreggio* ни юқорига узатилган-букилган оқ бармоқлари билан чаларди. Аёлим рояль бурчагида очик нотага энгашганча турарди. Хотиним мени биринчи кўрди ёки эшитди, ўгирилди. Қўрқдими ё муғамбирлик қилиб қўрқдими ёки умуман қўрқмадими, қимир этмади, титрамади, фақат қизарди.

– Сенинг келганингдан жуда хурсандман; биз якшанбада чалмасликка қарор қилдик, – деди аёлим ёлғиз қолганимизда ҳам асло олдин гапирмайдиган мулойим оҳангда. “Биз” деганда ўзи ва у ҳақда гапиргани ғашимни келтирди. Мен ғинг демай саломлашдим.

Эркак қўлимни қисди ва шу зумда табассум билан (бу менга устимдан кулаётгандек туюлди) изоҳ бера бошладики, у якшанбадаги базмга тайёргарлик учун ноталарни олиб келган ва улар орасида нимани ижро этиш бўйича англашилмовчилик пайдо бўлган: скрип-

ка жўрлиги билан айнан классик ва мураккаб асарлар, масалан, Бетховеннинг сонатасиними ёки майда-чуйдаларними? Аҳвол шундай табиий ва одатдагича эдики, бирор ўринда эътироз билдириб бўлмасди, боз устига уларнинг мени лақиллатиш юзасидан бирор режа тузишлари мумкинлигига ишонмас эдим.

Рашкчилар (бизнинг ижтимоий ҳаётимизда ҳамма рашкчи) учун битта энг қийнайдиган ҳолат, бу – эркак ва аёлнинг яқинлигига йўл очиб берадиган маълум ғайридиний шароитлар. Агар баллардаги рақсларда, дўхтирларнинг мижози билан суҳбатида, тасвирий санъат, энг муҳими – мусиқа билан яқинлашувда кимдир кўнгли қоралик қилса, ундан ирганиш керак. Одамлар икки киши бўлиб энг юксак санъат – мусиқа билан шуғулланадилар; бунинг учун ўта яқинлик лозим ва яқинлик муҳокама қиладиган даражада айбли эмас, фақат аҳмоқ, рашкчи эргина бунда бирор ғайирлик кўриши мумкин. Шу билан бирга, ҳамма яхши биладики, ана шу машғулотлар, айниқса, мусиқа туфайли бизнинг жамиятимизда кўплаб бузуқчиликлар рўй беради. Мен, чамаси, ўзимни ғулғулага солган ҳис тазйиқида қўрқиб юрдим: узоқ вақт ҳеч нарса дея олмадим. Мен ичи тўла, бироқ тўнкарилган ва сув оқиб чиқмайдиган бутилка эдим. Мен у билан жанжаллашишни, қувиб чиқаришни истардим, лекин яна унга меҳрибон, ғамхўр бўлишим лозимлигини сезардим. Мен шундай йўл тутдим. Ҳаммасини маъқуллайдиган қиёфага кирдим, гарчи унинг ташрифи мени ортиқ даражада қийнаса ҳам катта хурсандчилик билан пешвоз чиқиб, унинг иқтидори ва дидини қадрлашимни, аёлимга ҳам шуни уқтирганимни айтдим. Ноқулайлик туғилганда ҳам – бир сафар қўрқинчли ҳолатда хонага кирдим ва гапирмадим – чиқиб кетдим, бу билан гўё чалишни бугун эмас, эртага бажаришини билдирган

эдим, у ёқимсиз таассуротни йўқотишга қанча лозим бўлса шунча ташриф буюриб турди. Тўла ишонч ҳосил қилдимки, энди уларнинг нима билан шуғулланиши нимани ижро этишида эмас, агар шундай бўлса, бу машғулотнинг аҳамияти йўқ.

Ўшанда алоҳида назокат билан уни пешайвон четигача кузатиб бордим (бутун бошли оиланинг тинчлигини бузиб, бахтини ўғирлашга киришиб кетган шундай одамни қандай кузатмайсан киши!). Мен унинг оппоқ, юмшоқ қўлчасини айрича меҳр билан қисиб қўйдим.

22

– Кун бўйи хотиним билан гаплашмадим, гаплаша олмадим. Унинг ўзини менга яқин олиши шунақанги нафратимни кўзитардики, бундан ўзим ҳам кўрқиб кетардим. Тушлик вақтида у болалар ҳузурида мендан қачон кетишимни сўради. Келаси ҳафта уездда съездга боришим керак эди. Мен қачонлигини айтдим. Хотиним менга йўлга ул-бул нарса олиш-олмаслигимни сўради. Ҳеч нарса деб жавоб бермадим ва столда чурқ этмай ўтиравердим, ўшандай мум тишлаганча кабинетга кириб кетдим. Кейинги пайтларда у хонамга, айниқса, бундай пайтларда сира кирмай қўйганди. Кабинетда чўзиламан-у, жиғибийрон бўламан. Бирданига таниш қадам товушлари қулоғимга чалинади. Калламга Урия* (Инжилдаги афсонага кўра, Урия йўқлигида унинг хотинини шоҳ Давид эгаллаб олади)нинг хотинига ўхшаб, ўзининг йўл қўйган гуноҳини яширишни хоҳлаяпти ва кейин шундай бемаҳалда бошимга келаяпти, деган кўрқинчли, бемаза хаёл келади. “Наҳотки, у менинг ҳузуримга келаяпти?” – ўйладим мен яқинлашаётган қадам товушларига қулоқ тутганча. Агар шундай бўлса, демак,

мен ҳақман. Ва қалбимда унга нисбатан айтиб бўлмас даражада нафрат уйғонади. Қадамлар яқинлашиб келаверади, келаверади. Наҳотки, ёнимдан ўтиб, залга кириб кетади? Йўқ, эшик шиқирлади ва пойгакда хотинимнинг қадди расо, гўзал қомати кўринди, кўзларида ҳадиксираш ва тавалло бор эдики, уларни қанча яширмоқчи бўлса ҳам мен кўриб ва сабабини тушуниб турардим. Мен нафасимни ичга ютганимдан сал бўлмаса бўғилиб қолаёздим, кўзимни ундан узганча тамакидонни олдим-да, чекишга тутиндим.

– Бу қанақаси, мен ҳузурунгга гаплашгани келсам-у, сен эса ўзингни папиросга урасан, – у диванда, менга яқин жойда, мен томон эгилиб ўтирди.

Мен тегиб кетмаслик учун тисарилдим.

– Кўриб турибман, сен якшанба куни у билан соз чалишни хоҳлаганимдан норозисан, – деди.

– Мен асло норози эмасман, – дедим мен.

– Мен кўрмаяпманми?

– Хўп, кўриб турган бўлсанг, табриклайман. Мен эса ўзингни жуда олифталарча тутатётганингдан бошқа нарсани кўрмаяпман.

– Агар сен извошчига ўхшаб сўкинишни хоҳласанг, мен кетдим.

– Кетавер, фақат билиб қўй, агар сенга оила шаъни қадрли эмас экан, мен ҳам сени бир чақага олмайман (шайтон урсин сени), менга оилам шаъни қадрли.

– Нима, нима?

– Қорангни ўчир, худо ҳаққи.

У нима бўлаётганини билмасликка олдим ёки ҳақиқатан ҳам тушунмадими, бирданига тутақиб, жаҳли чиқиб кетди. Ўрнидан туриб, ҳеч қаяққа кетмай, хонанинг ўртасида тўхтаб қолди.

– Сен ҳақиқатан ҳам ғирт жиззаки бўлиб қолибсан, – гап бошлади у. – Сенга бу йўргакда теккан касал, сен билан фаришта ҳам чиқиша олмайди, – ҳар доимги-

дек, мени баттар узиб олиш учун опаси билан бўлган гапларга ўтди (бу шундай бўлган эдики, мен ўзимни тута олмай, опасининг қўполлигини тўғри юзига солгандим; аёл бу ҳолат мени қийнаётганини билганидан, ўлганнинг устига тепганнинг ишини қилмоқда эди). – Шундан кейин сендан ажабланмай қўйган эдим ўзи, – деди у.

“Ҳа, ҳақорат, хўрлаш, лаънатлаш ва айбдор қилиб қўйиш”, – дедим ўзимга-ўзим ва бирдан вужудимни унга нисбатан даҳшатли ғазаб ҳисси чулғаб олди, бунақаси илгари ҳеч қачон бўлмаганди.

Ва биринчи марта менда бу ғазабни жисмонан намоиш этиш истаги туғилди. Сапчиб ўрнимдан турдим-да, унга томон йўналдим; эсимда, худди шу дақиқада, ирғиб турганимда, ўз ғазабимни аниқ ҳис этдим ва бундай ғазабга эрк бериш яхши ёки ёмонлигини ўзимдан сўрадим, шу лаҳзада жавоб бўлдики, шундай қилиш ўринли, бу уни қўрқитади ва худди шу ғазабни жиловлаш фикри туғилмасдан уни ўзимда баттар авж олдириб, уни кўпроқ қийнаш хаёлидан мамнун бўлиб кетдим.

– Қорангни ўчир ёки мен сени ўлдираман! – унга яқинлашиб ва қўлидан ушлаб қичқирдим мен. Бу гапни атайлаб, онгли равишда овозимдаги ғазаб оҳангини кучайтириб айтдим. Шундай бўлиши лозим эди, мен қўрқинчли ҳолатда эдим, негаки унинг ўзи чўчиб қолди, ҳатто кетишга куч ҳам топа олмади ва аранг деди:

– Вася, сенга нима... сенга нима бўлди?

– Кет! – яна баландроқ қичқирдим мен. – Сени кўрдим дегунча ғазабим аланга олади, мени қутирган ҳолга келтирасан. Энди ўзим учун жавоб бермайман.

Ҳолатимга эрк бериб, баттар қутирдим ва менинг шу ҳолатимнинг энг юқори нуқтасини намоиш этадиган нимадир содир этишни хоҳлаб қолдим. Мен

уни шафқатсизларча ўлдиришни истадим, аммо билдимки, бу мумкин эмас, шундай бўлса ҳам ғазабимни батамом тўкишни хоҳлардим, шартта стол устидан пресс-папье*ни олдим-да, яна бир марта: “Кет!” дея қичқирганча шунақанги куч билан улоқтирдимки, нарса аёлнинг ёнгинасидан ғириллаб ўтиб кетди. Мен ёнлатиб яхши мўлжалга олгандим. Шундан сўнг у хонасига йўл олди, лекин остонада тўхтади. Айни пайтда у кўрсин, деб (унинг кўриши учун атайлаб усул қилдим), стол устидаги нарсаларни, шамдонни, сиёҳдонни – ҳаммасини:

– Кет! Қорангни ўчир! Мен ўзим учун жавоб бермайман! – деб бақирганча бирин-кетин ғириллатавердим.

Хотиним чиқиб кетиши билан мен ҳам тинчидим-қолдим.

Бир соатдан кейин энага келиб, хотинимда жазава бошланганини билдирди. Мен бордим; у йиғлар, кулар, бутун аъзойи бадани қалт-қалт қилиб, ҳеч нарса гапира олмасди. У йўл қилмаётган эди, ҳақиқатан касал эди.

Тонгга яқин хотиним тинчиди, биз, нима дейди, ҳалиги туйғу бор-ку, севги деган, шунинг таъсири остида ярашиб олдик.

Эрталаб, ярашганимиздан кейин, мен уни Трухачевскийдан қизғанганимни тан олдим, хотиним пинагини ҳам бузмади ва овозини борича хандон ташлаб кулди. Ҳатто шундай одамга хуштор бўлиб қолиш мумкинлигидан ажабланганини яшириб ўтирмади.

– Ахир покдомон аёл учун шундай одамдан муסיқадан бошқа қандай ёқимли нарса бўлиши мумкин? Агар сен хоҳласанг, мен уни бутунлай кўрмасликка тайёрман. Ҳатто якшанбада ҳаммани таклиф қилиб қўйган бўлсанг ҳам... Унга мени бетоб деб ёзиб юбор, тамом-вассалом. Фақат бир тескари томони бор, ким-

дир, айниқса, унинг ўзи уни хавфли, деб ўйлаши мумкин. Аммо мен шундай ўйлашга изн берадиган даражада ахмоқ эмасман.

У ёлғон гапирмаётган эди, нима деяётган бўлса, ўшанга ишонарди; у бу сўзлари билан ўзида унга нисбатан нафрат уйғотишга, ўзини ундан ҳимоя қилишга умид қиларди, бироқ буни эплотмасди. Ҳаммаси, айниқса, анави лаънати мусиқа, унга қарши қўйилган, унга қарши ишлаётган эди. Шу билан ҳаммаси тугади, якшанба куни меҳмонлар тўпланишди ва улар яна куй-қўшиқлар айтиб, роса гашт қилдилар.

23

– Ўйланманки, гапириш ҳам ортиқча, менинг жуда иззатталаб бўлганимни айтиб ўтирмаса ҳам бўлади: агар бизнинг хашаки ҳаётимизда иззатталаб бўлмасанг, яшашинг қийин. Ҳа, мен якшанба куни тушлик зиёфат ва мусиқали оқшомни ташкил этишда ҳафсала билан ҳаракат қилдим. Овқат учун нарсаларни ўзим харид қилдим, меҳмонларни чорладим.

Соат олтида меҳмонлар тўпланиб бўлди, у олмос тугмали ёқимсиз рангдаги фракда кириб келди. У ўзини эркин тутди, ҳаммасига сиз нима қилаётган ёки гапирётган бўлсангиз, айни унинг кутгани эканлигидек маъқулловчи ва тушунган оҳангда майин табассум билан жавоб қайтарарди. Унда қандай нуқсон кўзга ташланса, уларни мен айрича қониқиш билан қабул қилишга ва шу орқали ўзимни тинчлантиришга ҳаракат қилардим, яъни у менинг хотиним қаршисида шундай паст даражада турибдики, аёлим мени, ўзи айтганидек, унга алмаштирмайди. Энди ўзимдаги рашк туйғусига эрк бермадим. Биринчидан, мен бу азобдан етарлича қийналдим ва ўзимга ҳордиқ беришим керак эди; иккинчидан, хотинимнинг садоқатига

ишонишни хоҳладим ва унга ишондим. Бироқ шунга қарамасдан, рашк қилмасам ҳам, тушлик пайтида ҳам, ҳали мусиқали қисм бошланмаган дастлабки бўлимда ҳам мен унга-да, хотинимга-да ўзаро муносабатда салиқимий бўла олмас эдим. Барибир беихтиёр уларнинг ҳаракатлари ва кўз қарашларини кузатар эдим.

Тушлик тушликка ўхшамай, зерикарли, ёқимсиз ўтди. Мусиқа анча олдин бошланиб кетди. Эҳ, бу кечанинг бутун тафсилотлари шундоққина эсимда; ёдимда, у скрипкани қутида олиб келди, қутини очди, унга аёл тикиб берган ғилофнинг боғини ечди, скрипкани олди ва созлай бошлади. Ҳозиргидек эсимда, хотиним кўрқув, бу балки ўз малакаси даражасидан кўрқувни босиб, ўзини бепарво кўрсатишга интилиб, ўтирарди ва шунақа бепарволик билан рояль қаршисидан жой олди ва одатдагидек бошлашди. Фортепьянода *la**, скрипкада пиччикато, ноталарнинг ўрнатилиши. Улар бир-бирларига қандай кўз қирларини ташлашганини эслайман, ўтирганларга ҳам қараб қўйишди ва кейин бир-бирларига нимадир дейишди-да мақомни бошлаб юборишди. У биринчи аккордни олди. Унинг чехраси жиддий, қатъий, чиройли тусга кирди ва ўз овозини тинглаб, бармоқлари билан торларни оҳиста титратди, унга рояль жавоб берди. Шундай қилиб, бошланди...

У тўхтаб олди ва бир неча марта кетма-кет ўз овозини созлади. Гапирмоқчи бўлди, лекин бурни пишиллаб кетди, яна тўхташди.

– Улар Бетховеннинг Крейцер сонатасини ижро этишди. Биринчи престосини биласизми? Биласизми?! – қичқирди Позднишев. – О! Бу соната даҳшатли асар. Айнан шу қисми. Умуман, мусиқа даҳшатли жоду. Нима учун бундай? Мен тушунмайман. Мусиқанинг ўзи нима? У нимага қодир? Нима учун у ўша қиладиган ишини қилади? Дейдиларки, мусиқа тим-

соллар орқали қалбни юксакка кўтаради, – сафсата, ёлғон! У таъсир қилади, даҳшатли таъсир қилади, мен ўзим ҳақимда гапираяпман, аммо тимсоллар орқали қалбни юксакка кўтариб эмас. У қалбни юксакка кўтарадиган тимсоллар орқали ҳам эмас, пастга туширадиган тимсоллар орқали ҳам эмас, қалбни титратадиган, исёнга келтирадиган тимсоллар билан таъсир қилади. Сизга нима десам бўлади? Муסיқа менинг ўзимни, ҳақиқий ҳолатимни унутишга мажбур қилади, у менга ўзимнинг эмас, ўзга бир ҳолатни тухфа қилади: мен муסיқа таъсири остида тушунмаганимни тушуниб етаман, қила олмаганимни қила оламан. Мен буни шунинг учун изоҳлаяпман, муסיқа худди эснаш ёки кулгидек таъсир қилади: менинг уйқум келмаяпти, бироқ эснаётган одамни кўриб, эснайман, кулишга сабаб йўқ, лекин кулаётган одамни эшитиб, куламан.

У бирданига, бевосита ўзида мужассам бўлган уни ёзган одамнинг руҳий ҳолатини менга кўчиради. Мен ўша билан қалбан туташаман ва бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтаман, лекин нимага бундай қиламан, ўзим ҳам тушунмайман. Мана қаранг, Крейцер сонатасини ким ёзган, – Бетховен, у ҳойнаҳой нима учун шундай ҳолатга тушганини ўзи билади, – бу ҳолат уни жиддий ҳаракатлар қилишга олиб келган ва шу боисдан бу ҳолат унинг учун мазмунга эга, мен учун эса ҳеч нарса эмас. Шунинг учун муסיқа фақат қитиклайди, аммо тугатмайди. Бироқ марш ҳарбийча ижро этилади, солдатлар марш садолари остида ўтадилар ва муסיқа ҳам етказди; рақсбоп муסיқа чаладилар, мен рақсга тушаман, муסיқа етказган ҳисобланади; ўлан куйлайдилар, мен жўр бўламан, бунга ҳам муסיқа етказган, лекин фақат қитиклаш бўлса, бу кўзғалишни нима қилиш керак, – билмайман. Ана шунақа, мусиқалар ҳам баъзан шундай кўрқинчли, шундай даҳшатли

таъсир қилади. Хитойда мусиқа давлат даражасидаги юмуш. Бу айнан шундай бўлиши лозим. Ахир ҳар қандай одам, ким хоҳласа, бир-бирини ва кейинчалик ҳаммани гипноз қилишига ва сўнгра улар билан билган ишини бажаришига йўл қўйиб бўлмайди. Асосийси яна ўша гипноз қилувчи одамга биринчи бўлиб ахлоқсиз одам дуч келиб қолмаслигида.

Аммо ана шундай қўрқинчли восита ким тўғри келса ўшанинг қўлига тушиб қолган. Масалан, ўша Крейцер сонатаси, биринчи престо. Меҳмонхонада чуқур ўйма ёқали куйлак – декольт кийган аёллар даврасида шу престони ижро этиб бўладими? Ижро этиш, кейин қарсақлар, ундан сўнг музқаймоқ тановул қилиш ва ҳар хил янги ғийбатлардан сўзлаш. Бу нарсани фақат машҳур, муҳим, аҳамиятли давраларда ижро этиш жоиз, шунда бу мусиқага мос таниқли, арзийдиган вазиятни таъминлаш мумкин бўлади. Бу асар нимага аталган бўлса, шундай ижро этиш ва қабул қилиш керак. Бироқ талабга жавоб бермайдиган жойда, энергия, туйғу қўзғатишга таъсир қилмайдиган вақтда ижро этилган мусиқа вайронкор таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Менга, ҳар қандай шароитда, бу даҳшатли таъсир этди; менда бутунлай янги (ўзимга шундай туюлди) туйғулар, ҳозиргача сезилмаган янги имкониятлар очилди. Қандай қилиб дейсизми – ҳеч олдингига ўхшамаган, олдин яшаганим, ўйлаганимдан ўзгача, худди дил амри билан айтилгандек ҳолат юзага келди. Менда пайдо бўлган янгиликни ўзим ҳам тушунтириб беролмасдим, бироқ бундай янгича ҳолатимдан қувончимнинг чеки йўқ эди. Ҳаммаси ўша чехралар, ўшанча миқдорда, хотиним ва у, ҳаммаси бошқа дунёдек тасаввур уйғотарди.

Ана шу престодан кейин улар чиройли якунлашди, албатта, бемаза варьяциялар билан янги

бўлмаган *andante* ва бутунлай заиф финал. Кейин меҳмонларнинг илтимосига кўра гоҳ Эрнст*нинг “Элегия” сини, гоҳ ҳар хил майда-чуйдаларни чалдилар. Буларнинг ҳаммаси яхши эди, аммо булардан ҳеч бири менга ёқмади ва биринчи таассуротимга солиштирганда 0, 01 фоиз эди. Менимча, бутун оқшом кўнгилли, хурсандчилик билан ўтди. Хотинимни ҳам ҳеч қачон шу оқшомдагидек шод кўрмагандим. Бу чакноқ кўзлар, ижро чоғидаги ҳаракатларнинг бу қатъийлиги, мазмундорлиги, товусдай ёйилиб хиромон қилиш, ижрони тугатганларидаги бу майин, назокатли ва меҳрибон табассумлар... Мен буларнинг ҳаммасини кўриб турдим ва буларнинг ҳаммасига мен нимани ҳис қилган бўлсам, аёлим ҳам шуни сезган ҳамда унга ва менга насиб этган, худди янги, ҳали синалмаган бир туйғуни эслагандек бўлганидан бошқа маъно бермадим. Оқшом кўнгилли поёнига етди ва ҳамма хурсанд тарқалди.

Икки кундан кейин съездга кетишимни билиб, Трухачевский, хайрлаша туриб, у кейинги келишида бу завқли оқшомнинг такрорланишига умид билдирди. Бундан шундай хулоса қилишим мумкин эдики, у бизникига мен йўқлигимда ташриф буюриши имкони йўқ, деб ҳисоблади ва бу мен учун ёқимли эди. Шундай бўлиб чиқдики, агар мен унинг жўнаб кетишигача қайтмасам, биз бошқа кўришмаймиз.

Мен биринчи марта юракдан қониқиш билан унинг қўлини қисиб хайрлашдим ва кўнгилхушлик учун миннатдорлик билдирдим. У ҳам хотиним билан бутунлай хайрлашди. Уларнинг хайрлашуви менга энг табиий ва самимий туюлди. Ҳаммаси яхши эди. Биз хотиним билан иккимиз оқшомдан мамнун эдик.

*Эрнст – Эрнест Генрих Вилгельм (1814-65) немис композитори ва скрипачиси.

– Икки кундан кейин жуда яхши, осуда кайфият-да хотиним билан хайрлашиб, уездга жунаб кетдим. Уездда ишга кумилиб кетасан, ўзига хос ҳаёт, ўзига хос дунё. Икки кунда ўн соатдан хизмат жойида бўлдим. Кейинги кун хизмат жойига хотинимдан хат келтиришди. Шу ерда бирдан ўқидим. У болалар ҳақида, тоға ҳақида, энагамиз ҳақида, сотиб олинган нарсалар ҳақида ёзибди, айтганча, худди одатдаги нарсалардек, Трухачевский келганлигини, ваъда қилган ноталарини келтирганини ва бирга чалишга ваъда берганини, бироқ у рад этганини маълум қилибди. Мен унинг ноталар келтиришга ваъда қилганини эслай олмадим: менга у ўшанда бутунлай хайрлашгандек туюлган эди ва унинг бу ҳаракатидан юрагимнинг бир чеккасини ғашлик чулғади. Аммо иш шу даражада эдики, бунақаси хаёлга ҳам келмасди ва оқшом хонага қайтгач, хатни қайта ўқидим. Бундан ташқари, Трухачевский мен бўлмаганимда яна бир бор келибди, хатнинг оҳанги асабни таранг қилгулик даражада эди. Рашк қутурган махлукдай инидан туриб шундай ҳайқирдики, ўзимни беихтиёр бир четга олдим, бироқ фурсат ғаниматида уни аста ҳайдаб жойига киритдим. “Қандай разил туйғу бу рашк деганлари! – дедим ўзимга-ўзим. – Унинг ёзганлари табиий, бошқа нима бўлиши мумкин?”

Ўринга ётдим ва эртага қилинадиган ишлар юзасидан ўйлаб кетдим. Мен доим шунақаман, сафарларда бўлганимда янги жойларда узоқ вақт уйқум келмайди, аммо бу ерда жуда тез ухлаб қолдим. Аммо бирданига шундай бўладик, биласизми, ток ургандек силкиниб тушаман ва уйғониб кетаман. Шу тарзда ухладим ва уйқум ичида у ҳақда, унга аталган шахвоний севгим ҳақида, Трухачевский билан

хотиним ўртасидаги муносабат бутунлай тугагани ҳақида ўйлаб кетдим. Қўрқув ва изтиробдан юрагим бир тутам бўлиб қолганди. Аммо ақлимни йиғиб олишга тиришдим. “Бунақаа машмаша нимадан, – дедим ўзимга-ўзим, – ҳеч бир асос йўқ, ҳеч нарса йўқ ва бўлмаган ҳам. Мен бундай даҳшатли нарсаларни тўқиб, ўзимни ва хотинимни қийнашим нечун? Бир садақахўр, ташландиқлиги аниқ скрипкачи қаёқда-ю, тагли-тугли, оилали аёл, яъни менинг хотиним қаёқда! Бу қанақа нодонлик!” – овоз берарди бир томондан. “Нега шундай бўлмаслиги керак? ” – гижгижларди бошқа томондан. Қандай бўлмаслиги мумкин ўша тушунарли ва оддий нарса, мен шунинг учун унга уйланган бўлсам, шунинг учун у билан яшаган бўлсам, менга ва унга ҳам, бошқаларга керак бўладиган бир нарса, мусиқачига ҳам керак бўладиган бир нарса содир бўлмайдами? У уйланмаган, соғлом (котлетга қандай ёпишганини, қизил лаблари билан ютоқиб вино сипқорганларини эслайман) бўлса, тўқ, силлиқ ва фақат қоидасиз эмас, балки табиий, тасаввур қиладиган лаззатига аталган луқмаси қоидали бўлса, имкониятдан фойдаланади. Улар ўртасида алоқа воситаси мусиқа, шаҳвоний туйғунинг энг нозиги. Уни нима тўхтатиб туриши мумкин? Ҳеч нарса. Аксинча, уни таклиф қилади. Аёлим? Ҳа, аёл бўлса, нима бўпти? У миясидан товонигача сир. Мен уни билмайман. Фақат махлуқ сифатида биламан. Махлуқ эса ҳеч қачон ўзини тутиб тура олмайди.

Фақат энди уларнинг ўша оқшомдаги Крейцер сонатасини чалиб бўлгач, кимникилигини хотирлай олмайман, қандайдир шармандали ҳиссиётлар кўзғайдиган ёқимсиз пьесани ижро этгандаги чеҳраларини эсладим. “Қандай жўнаб кетсам бўлади? – дедим ўзимга-ўзим уларнинг чеҳраларини кўз олдимга келтириб. – Шу кеча улар ўртасида ҳамма нар-

са рўй бермадимикан? Бу кеча улар ўртасида фақат чегаралар олиб ташланган эмас, балки иккаласи ҳам, айниқса, аёл улар ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзлардан бироз хижолат тортишмаганмидилар?” Эслайман, мен фортепиано ёнига борганимда қизарган юзларидаги терни арта туриб, майин, назокатли ва меҳр билан кулиб турганини кўргандим. Улар ўша пайтдаёқ нигоҳлари тўқнашиб кетишидан кўрқиб, кўзларини олиб қочгандилар, фақат кечлик пайтида у аёлга сув қуйиб бераётганда бир оз жилмайишганди. Шунда даҳшат ичида ўзим тутиб олган ним табассумли кўз қарашни эсладим. “Ҳа, ҳаммаси тугади”, – деди менга бир овоз ва шу тобда бошқа овоз ўзга нарсани такрорлади. “Бу сенга ниманидир ато этади, бундай бўлиши мумкин эмас”, – дерди иккинчи овоз. Қоронғида ётишдан қутим учди ва гугурт чақдим, сариқ сувқоғоз ёпиштирилган бу кичкина хона менга кўрқинчли туюлиб кетди. Мен папирос чекдим, доим бўладигандек, қарама-қарши туйғулар доирасида ўралашиб қолсанг, папирос жонингга ора киради, – мен ўзимни чалғитиш ва зиддиятлардан қутилиш учун бир папирос изидан бошқасини тутатдим.

Тун бўйи ухлай олмадим, соат бешда бундай босим остида қола билмаслигимни сезиб, ҳозир жўнашга қарор қилдим, турдим, менга беркитилган хизматкорни уйғотдим ва отларни келтиришини айтим. Мажлисга хат йўллаб, мени шошилиш равишда Москвага чақириб қолишганини маълум қилдим; шунинг учун ўрнимга бошқа аъзо тайинлашларини сўрадим. Соат саккизда тарантасга ўтириб, жўнаб кетдим.

Кондуктор кирди ва шамимиз ёниб тугаганини сезиб, ўчирди, бироқ янгисини қўймади. Ташқари

ёриша бошлаганди. Кондуктор вагонда бўлган пайтида Позднишев муттасил оғир нафас олганча чурқ этмай ўтирарди. Фақат кондуктор чиқиб кетгандан кейингина ўз ҳикоясини давом эттирди, нимқоронғи вагонда олға елиб бораётган уйчамиз ойналарининг сидирға ғижирлаши ва тижоратчининг бир маромда хуриллаши эшитиларди, холос. Тонгнинг ғираширасида у менга бутунлай кўринмасди. Фақат унинг яна ҳам ҳаяжонланган, яна ҳам изтиробли овози кулоққа чалинардди.

– Йўлда ўттиз беш верст отда, саккиз соат чўян изда юриш лозим эди. Отда кетиш ёқимли эди. Қуёш чарақлаган муздек куз ҳавоси. Биласизми, бу пайтларда тиканлар ёғ босган йўлларни қоплаб олади. Йўл теп-текис, атроф беғубор ва ҳавонинг софлиги руҳни тетиклантирарди. Тарантасда кетиш жоннинг ҳузури эди. Тонг отиши билан йўлга чиқар эканман, енгил тортдим. Отларга, далаларга, чор атрофга назар солиб, қаерга кетаётганимни ҳам унутиб қўйибман. Гоҳида менга шунчаки кетаётгандек, ҳеч ким безовта қилмагандек, ҳеч нарса рўй бермагандек туюларди. Бундай паришонлигим мени жуда қувонтирарди. Қаерга кетаётганим эсимга тушиб қолса, ўзимга-ўзим шундай дер эдим: “Борганда маълум бўлади, ўйлаб ўтирма”. Йўлнинг тенг ярмида кутилмаган ҳамда мени тўхташга ва кўпроқ ўзимни чалғитишга мажбур қилган воқеа содир бўлди: тарантас бузилиб қолди, уни созлаш лозим эди. Аравани суробга келтириш учун шунча вақт талаб қилинардик, оқибатда, мен чамалаганимдек, Москвага соат бешда эмас, ўн иккида уйга кириб борардим – почта поездига улгура олмай, пассажир поездида кетишимга тўғри келарди. Аравада сайр, таъмирлаш, ҳақини тўлаш, қўноқхонада чойхўрлик, боғбон билан суҳбат – буларнинг бари мени янада кўпроқ чалғитди. Қоронғи

тушганда ҳаммаси тайёр бўлди ва биз йўлга тушдик, тунда йўл босиш кундузгидан ҳам ҳузурбахш эди. Янги чиққан ой, этни жунжиктирадиган енгил совуқ, кафтдек текис йўл, отлар, хушчақчақ аравакаш, мен роҳат қилиб кетар, олдинда нима кутаётганини деярили ўйламас, балки атайлаб яйраб кетардимки, гўё мен энди қувончли кунларим билан бутунлай хайрлашишимга тўғри келади. Бироқ менинг ташқи осойишта ҳолатим, ички туғёнларимни жиловлашим отлар билан сайрдан сўнг тугади.

Вагонга киришим билан бутунлай бошқа ҳолат бошланди. Бу вагондаги саккиз соатлик сафарим мен учун шунчалик даҳшатли бўлдики, уни бир умр унута олмайман. Нимаданлигини билмадим, вагонга киришим билан ўзимни жонли йўловчи сифатида тасаввур қилдимми ёки темир йўллар одамга бошқача таъсир қилар эканми, ўзимни қўлга ололмай, ғалати бўлиб кета бошладим ва кўз олдимда рашкимни алангалатувчи бир-биридан разил, бириридан шафқатсиз (бу ердаги ҳамма нарсаси аёлимнинг менга хиёнат қилганини акс эттирар эди) манзаралар пайдо бўла бошлади. Мен қаҳр-ғазабдан, ичи қоралиқдан, қандайдир менинг шаънимни таҳқирлаб завқланишдан ёниб кетдим, бу манзараларни хаёлан тасаввур қилиб, улардан ажрала олмай қолдим; аслида, уларга қарамаслигим, уларни хотирамдан ўчириб ташлашим, таъсирланмаслигим керак эди. Қайтангга, бу манзараларни аниқ-тиниқ тасаввур қиляпман, уларнинг ҳақиқатан рўй беришига ишончим бор. Мен тасаввур қилган бу манзараларнинг ёрқинлиги хаёлимдан кечаётган мудҳиш воқеаларнинг ҳақиқатан рўй беришига кафолатдек туюларди. Қандайдир шайтон менинг хоҳишларимга бутунлай зид равишда энг даҳшатли фикрларни ўйлаб топди ва менга шипший бошлади. Анча олдин бўлиб ўтган Трухачевскийнинг

акаси билан суҳбатим эсимга тушди, ўшанда унинг Трухачевскийга ва менинг хотинимга муносабати ҳақида гап бўлган ва мен буни кучли ҳаяжон билан юрагимга қабул қилган эдим.

Бу анча олдин бўлган эса-да, барибир эсладим. Трухачевскийнинг акаси, айнан эслайман, исловат-хоналарга бориб турасанми, деган саволга жавобан айтган эдики, тартибли одам ҳар қачон тоза аёлларни топиш мумкин бўлган шароитда касаллик юктириб олинадиган бундай ифлос, мурдор жойларга бормайди. Мана, унинг укаси, менинг хотинимни топган. “Ҳақиқатан, у энди ёш гўдак эмас, бозор кўрган эчкидан кўрк, деганлар, – аёлим ҳақида ўйладим, – нима қилиш керак, ўрни келганда омадни қўлдан бермаслик лозим”. “Ҳа, у хушомад қилади ва уни ўйнашига айлантириб олади, – дедим ўз-ўзимга, – яна у бутунлай хавфсиз”. – “Йўқ, бу мумкин эмас! Мен нимани ўйлаяпман! – даҳшатга тушиб дедим ўзимга. – Ҳеч қачон, ҳеч қачон бундай бўлмайди. Ҳатто бундай бўлишини хаёлга келтириш учун сабаб ҳам йўқ. Ахир унинг ўзи айтмаганмиди, уни ановиндан рашк қилишим ҳам унинг учун ҳақорат деб? Эй, у ёлғон гапиради, ҳамма ёлғон гапиради!” – бақирдим мен ва яна бошланди... Бизнинг вагонимизда фақат икки пассажир бор эди – кампир чоли билан, иккаласи ҳам индамаслар экан, яқин станциялардан бирида тушиб кетишди ва мен ёлғиз қолдим. Мен қафасдаги ҳайвондек эдим: гоҳ силтаниб, дераза олдига келардим, гоҳ тебраниб, худди қувиб етмоқчи бўлгандек, вагон бўйлаб юардим; вагон ҳам ўзининг курсилари, ойналари билан биргаликда силкинарди...

Позднишев ўрнидан турди ва бир неча қадам қўйиб, яна ўтирди.

– Эҳ, мен кўрқаман, мен темир йўл вагонларидан кўрқаман, менда даҳшат ўрнашиб олган. Ҳа, даҳшатли! –

давом этди у. – Мен ўзимга айтдим: “Бошқа нарса ҳақида ўйлайман. Олайлик, мен чой ичган мусофир-хона хўжайини тўғрисида”. Мана, узун соқолли боғбон ва унинг набираси – менинг Васям билан тенгдош гўдак кўз олдимга келади. Менинг Васям. У онасини мусиқачи қандай ўпаётганини кўради. Унинг озурда қалби нима қилар экан? Онасига нима! У севади... Яна ўша нарса бош кўтаради. Йўқ, йўқ... Ҳа, касалхоналардаги текширишлар ҳақида ўйлайман. Ҳа, кеча бемор дўхтирга шикоят қилди. Дўхтир худди Трухачевскийга ўхшаш хушмўйлов. У қандай юзсиз... Улар иккаласи ҳам мени алдашди, у кетаман деб. Яна бошланди. Нима ҳақида ўйламай, ҳаммаси ўшаларга келиб тақаларди. Мен ёмон қийналдим. Ҳамма қийноқлар беҳабарликдан, шубҳадан, иккиланишдан ва уни севиш керакми, нафратланишми – шуни билмасликдан эди. Қўрқув шунчалик кучли эдики, эслайман, менда ғоят олижаноб фикр туғилди, бу ўзимга ҳам жуда ёқди, шундоқ йўлга чиқасан, вагон остидаги рельслар устига ётасан ва ўзингни ўлдирасан. Шунда ҳар қандай шароитда ҳам ортиқ иккиланмайсан, шубҳаланмайсан. Аксинча, бунга бир нарса халақит берди, айни шу пайтда бевосита ўзимда хотинимга қарши уйғотган нафратнинг кучидан ўзимга раҳмим келиб кетди. Хотинимга нисбатан ғалати туйғу – нафрат ва ўзимнинг хўрлашларим ва мусиқачининг ғалабаси, лекин унга нисбатан шафақатсиз нафрат. “Ўзимни ўлдиришим ва уни соғ қолдиришим мумкин эмас; шундай қилиш керакки, у ҳам қай даражададир қийналсин, менинг ҳам қийналганларимни тушунсин”, – дедим ўзимга.

Мен барча станцияларга тушиб, ўзимни чалғитиб келдим. Бир станцияда ароқ ичаётганларини кўриб қолдим ва ўзим ҳам шу зумда ичдим. Мен билан бир яхудий тик турарди, у ҳам ичди. У тинмай вайсарди, мен вагонимда ёлғиз қолиб кетмаслик учун у би-

лан ифлос, тутун бўрқсиб кетган, шаллақи хотинлар чаққан писта пўчоқлари сочилиб ётган учинчи даражали вагонга йўл олдим. Бу ерда у билан ёнма-ён ўтирдим, у нималарнидир тинимсиз гапирар, латифалар айтарди. Мен уни тинглардим, бироқ у нималар ҳақида гапираётганини тушунмасдим, негаки, ўзим ҳақимда ўйлашда давом этардим. У буни сезиб қолди ва ўзига эътибор талаб қила бошлади; шундан кейин ўрнимдан турдим-да, яна ўз жойимга йўл олдим. “Яхшилаб ўйлаб олиш керак, – дедим ўзимча, – ҳаёлимга келаётган нарсалар ростми, менинг қийналишимга асос борми?” Мен бемалол ўйлаб олиш учун яна ўтириб олдим, бироқ шу зумда тинч фикр қилиш баробарида яна ўша бошланди: муҳокама ўрнига манзаралар ва тасаввур. “Неча марталаб шундай қийналдим, – дедим ўзимча (мен олдинги рашк тутқаноқларини ёдимга олдим), – кейин ҳаммаси яхшилик билан тугаганди. Бу сафар ҳам балки шундай бўлиб чиқар, уни тинчгина ухлаётган ҳолда кўрарман; у уйғонади, мени кўриб хурсанд бўлади ва сўзларидан, қарашларидан сезаманки, ҳеч нарса рўй бермаган, буларнинг ҳаммаси ёлғон. Эҳ, қанийди шундай бўлиб чиқса!” – “Э, йўқ, олдинлари шундай бўлган, энди бундай бўлмайди”, сўзлади менга қандайдир овоз ва яна бошланди. Ҳа, қатл қаерда рўй берган! Мен ёш йигитни аёлларнинг тузоғидан қутқазиш учун уни жинсий маразхонага олиб бормадим, балки аёлимни қийнаган шайтонларни кўриши учун ўз қалбимга йўлладим! Унинг жисми устидан, ўзимнинг шубҳасиз ва тўла ҳуқуқли эгалигимни, худди ўз вужудим сингари, тан олишим билан баробарида мен бу жисмни эгаллашдан маҳрумлигимни, у меники эмаслигини ва аёлим ундан қандай хоҳласа, шундай истифода этишини, аммо мен хоҳлагандек истифода этмаслигини ҳис этиш жуда даҳшатли эди. Ва мен на хотинимга, на унга ҳеч нарса қила олмайман.

У, хушчақчақлик оғушидаги Ванька-товонхоначига ўхшаб, ширин лаблардан бўса олингани ва бошқалар ҳақида қўшиқ куйлайди. Ғолиблик уники. Аммо хотинимга нимадир дахл қилишим эҳтимоли бор. Агар у йўл қўймаган бўлса, лекин хоҳлайди, мен эса нима хоҳлашини биламан, ундан ҳам баттар: яхшиси, амалга оширгани маъқул, негаки, мен билай ва мавҳум бўлиб қолмасин. Мен нима хоҳлаётганимни айта олмас эдим. Мен аёлим нима хоҳлаётган бўлса, ўшани хоҳламаслигини истардим. Бу эса ғирт жиннилик эди!

26

– Охиргидан олдинги станцияда, кондуктор кириб, чипталарни йиғиб олгач, мен юкларимни йиғиштириб, йўлакка чиқдим, фикрим ҳамон мени ҳаяжонлантираётган, ҳали қабул қилинмаган қарор билан банд эди. Менга совуқ таъсир қилди ва жағим қақшаб, тишларим такирлай бошлади. Мен тўдага қўшилиб, беихтиёр вокзалдан чиқдим, киракаш ёлладим ва йўлга тушдим. Тўрт ғилдиракли енгил араванинг гоҳ олдидан, гоҳ ортидан липиллаб ўтаётган сийрак йўловчилар, боғбонлар, фонуслар ёруғида кўзга ташланаётган шарпаларга кўз ташлаб, ҳеч нарсани ўйламай кетиб борардим. Ярим верст босиб ўтилгач, оёғим совуққотгани сезилди, вагондан иссиқ жун пайпоқни олиб, халтамга тикқаним хаёлимга келиб қолди. Халта қаёқда? Бу ергами? У ерга. Корзина қани? Бирдан багажни бутунлай эсдан чиқариб қолдирганимни тушундим, аммо тилхатни кўрсатиб, топиш мумкинлигини англаб, орқага қайтмасликка қарор қилдим ва йўлда давом этдим.

Ҳозир ўшандаги аҳволимни қанчалик эслашга уринмай, ҳеч қачон ўша ҳолатимни ёдимга келтира олмайман: мен нимани ўйладим? Нима хоҳладим? Ҳеч

нимани билмайман. Фақат шуни эслайманки, менда ҳаётим учун жуда муҳим ва қўрқинчли бир нарсага тайёрланиш фикри бўлган. Шундан мен ўйлаган муҳим нарса содир бўлдики ёки буни олдиндан ҳис қилганмидим, – билмайман. Балки ўша рўй бергандан сўнг бўлиб ўтган жами воқеалар менинг хотирамда қайғули манзара касб этган.

Мен уйга кираверишдаги зинапояга яқинлашдим. Соат бир эди. Бир неча извошчи ёруғлик тушиб турган хоналар (ёруғ хоналар бизнинг уйимизда, меҳмонхона танобийсида эди) да ўтирганларни кутиб, зинапоя яқинида туришарди. Нима учун шунча кеч пайтда бизнинг деразаларимиздан ёруғлик тушиб турганига эътибор ҳам қилмай, нимадир даҳшатли нарса рўй беришини кутган алпозда айвонга чиқдим ва қўнғироқ тугмачасини босдим. Кўнгли очик, тиришқоқ ва жуда нодон малай Егор тоға эшикни очди. Биринчи кўзга ташланган нарса – кийимилғичнинг олд тарафида бошқаларники билан ёнма-ён унинг шинели осилиб турарди. Бундан лол қолишим керак эди, лекин лол қолмадим, чунки шундай бўлишини кутган эдим. “Худди шундай”, – дедим ўзимга. Егордан кимлар борлигини сўраганимда у ҳам Трухачевскийни айтди, яна бошқалар борми, деб сўрадим. У: “Бошқа ҳеч ким йўқ”, – деб жавоб берди.

Эслайман, у менга шундай оҳангда жавоб қайтардики, гўё мени хурсанд қилмоқчи ва бошқа одам бўлиши мумкинлигидан шубҳамни тарқатмоқчи бўлди. “Бошқа ҳеч ким. Шундай, шундай”, – ўзимга гапиргандек бўлдим.

– Болалар-чи?

– Худога шукур, ҳаммаси соғ-саломат. Аллақачон ухлашапти.

Менинг нафас чиқаришим ва қалтираётган жағимни тўхтатишим қийин бўлди. “Ҳа, шундай бўлганки,

мен ўйлаганимдек эмас, бошқача бўлган: яъни олдин ўйлаганимдек, бахтсизлик эмас, балки ҳаммаси яхши, олдингидек. Энди ҳаммаси олдингидек эмас, аксинча, мана бўлгани, нимани ўзимга тасаввур қилгандим ва ўйлагандим – энди ҳозир ўйлаганимдек, ҳаммаси ҳақиқатда рўй бериб турибди. Мана, бўлгани шу...”.

Йиғлаб юборишимга оз қолди, бироқ айна лаҳзада шайтон шипшиди: “Йиғлама, ўзингни бос, улар эса тинчгина тарқалишади, миш-миш, жиноят белгиси қолмайди, сен эса умр бўйи шубҳаланасан ва қийналасан”. Шу дамда ўзимни бошқариш туйғуси йўқолди ва бошқа бир туйғу – сиз ишонмай-сиз – шодлик туйғуси пайдо бўлди, негаки, менинг қийналишларим тугайди, ҳозир мен хотинимни жазолашим, ундан қутилишим мумкин, ўзимнинг ғазабимга эрк беришим мумкин. Ва ғазабимга эрк бердим – мен ҳайвонга, ёвуз, айёр махлуққа айландим.

– Керак эмас, керак эмас, – дедим меҳмонхонага йўл олган Егорга, – мана, сен нима қиласан: эҳтимол, извозчи билан бориб келарсан; мана, квитанция, нарсаларни келтир. Жўна.

У коридор бўйлаб ўз пальтосини олгани кетди. У анавиларни чўчитиб юборишидан чўчиб, хужрасигача кузатиб бордим ва кийинишини кутиб турдим. Меҳмонхонадан, қўшни хоналардан гурунг ҳамда пичоқ ва идиш-товоқлар шовқини эшитилиб турарди. Улар еб-ичиш билан шунчалик машғул эдиларки, қўнғироқ овозини эшитишмаганди. “Фақат энди чиқиб қолишмасин-да”, – ўйладим мен. Егор астраханча қоракўл пальтосини кийди ва чиқиб кетди. Уни эшикдан кузатиб юбордим ва ортидан эшикни ёпдим, ўзим ёлғиз қолиб, ҳозир нимадир қилишим лозимлигини сезганимда юрагимни ваҳима чулғаб олди. Нима қилиш керак – ҳали буни билмасдим. Фақат бир нарсани билардимки, энди ҳаммаси тугади, унинг беайб-

лиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас; ҳозир уни жазолайман, у билан алоқаларимни бутунлай узаман.

Бундан олдин ҳали ҳам менда иккиланиш бор эди, ўзимга айтдим: “Балки буларнинг бари ёлғон, балки мен хато қилаётгандирман”, – энди бунақаси йўқ эди. Ҳаммаси қайтмас даражада ҳал қилинган эди. Мендан хуфёна, фақат у билан, тунда! Бу энди ҳаммасини бутунлай эсдан чиқариш эди. Ёки бундан ҳам баттар: атайлаб қилинган дадиллик, сурбетлик – айбсизлик белгиси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган сурбетлик билан жиноятга қўл уриш эди. Ҳаммаси аниқ. Шубҳа йўқ. Фақат бир нарсадан чўчирдим, улар қочиб кетмаса, ўзларини оқлайдиган янги найранглар ўйлаб топмаса ва мени жиноят аломатлари ва жазоланиш эҳтимолидан маҳрум қилишмаса бўлгани. Тезроқ уларнинг айби устидан чиқиб қолиш учун мен оёқ учида улар ўтирган танобийга меҳмонхона орқали эмас, коридор ва болалар хонаси орқали йўл олдим.

Биринчи болалар хонасида ўғиллар ухларди. Иккинчи болалар хонасида энага қимирлаб қолди, уйғонмоқчи, чамаси, аҳволимни билиб қолса, у нима деб ўйлашини тасаввур қилдим-да, бу фикримдан вужудимни шундай ҳис қамраб олдики, кўзимга ёш олишдан ўзимни тўхтата олмадим ва болаларни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида коридорга югуриб чиқдим, кабинетимга учиб кириб, диванимга ўзимни отдим ва йиғлаб юбордим.

“Мен – тоза одамман, мен – ота-онамнинг фарзандиман, мен – бир умр оилавий бахтни орзу қилиб келган мардумман, мен – аёлига хиёнат қилмаган эрман... Мана, оқибат! Беш фарзанди бор, у эса қизил лабларига учиб, мусиқачини бағрига босиб ётибди! Йўқ, у одам эмас! У қанжиқ, жирканч қанжиқ! У умр бўйи фирибгарлик қилиб келган, севги билан

машғул бўлган хонанинг ёнида болалари ётибди. Унинг қилиғига яраша иш тутишга тўғри келади! Торинмасдан бўғзидан олиш керак! Мен нима-ни биламан? Балки мендан деб юрган болаларини аллақачонлар малайдан орттириб олгандир. Мабодо эртага келганимда, у ўзининг ўша соч турмаклари, ўша думбалари ва ўша лоқайд жилвакор юришлари билан (унинг таъвия қиёфасини айнан кўргандек бўлдим) кутиб олган бўларди ва ботинимдаги рашк махлуки умр бўйи юрагимдан жой олиб, мени қийнагани-қийнаган эди. Энага нима деб ўйлайди, Егор-чи? Бечора Лизагинам! У, ҳойнаҳой, ниманидир тушуниб етгандир. Бу юзсизлик! Бу мунофиқлик! Ва бу ҳайвоний туйғу, мен шундай деб биламан”, – дедим ўзимга.

Ўрнимдан турмоқчи бўлдим, бўлмади. Юрагим шундай урар эдики, оёқда тура олмадим. Ҳа, мен зарбалардан ўлиб кетаман. Хотиним мени ўлдиради. Унга шу керак. Дарвоқе, мен уни ўлдирсам-чи? Ҳе, йўқ, бу унга жуда ўнғай бўларди, мен бундай фароғатни унга ҳадя этмайман. Ҳа, мен ўтирибман, улар эса анов ёқда овқатланишаяпти, кулишаяпти ва ... Ҳа, гарчи аёл дастлабки тароватда бўлмаса ҳам, эркак ундан жирканмаётгандир: ҳар ҳолда у тасқара эмас, асосийси, нима бўлганда ҳам, унинг қимматбаҳо саломатлиги учун хавфсиз-ку. “Нега ўшанда уни бўғиб қўя қолмаган эканман”, дедим ўзимга, бир ҳафта олдин кабинетимда туртиб юборганимни, кейин мен нарсаларни отиб синдирганимни эслаб. Менда ўша пайтдаги ҳолатим жонли тарзда намоён бўлди; фақат эсимга тушиб қолмади, ўша уриш, бузишга бўлган эҳтиёжни қайта ҳис қилдим. Эслайман, қандай ҳаракат қилишни хоҳлаганим баробарида ҳар хил, фақат ҳаракат учун асқатадиган фикрлар калламга ёпирилиб келди. Мен ҳайвон ёки

одам хавф пайтида жисмоний кўзғалиш таъсири остида бўладиган даражага етдим, бу пайтда одам аниқ ва шошмасдан, фақат ҳаммасини битта аниқ мақсадга йўналтирган тарзда ҳаракат қилади.

27

– Биринчи қилган ишим – этигимни ечдим ва пайпоқда қолгач, менинг милтиғим ва дами шамолдек ўткир, бирор марта ҳам ишлатилмаган дамашқ ханжарим осиглиқ турадиган диван тарафдаги гиламга яқинлашдим. Ханжарни қиндан суғурдим. Қин, эслайман, диван орқасига тушиб кетди, яна эслайман, ўзимга шундай дедим: “Кейин топиб жойига қўяман, бўлмаса йўқолади”. Кейин ҳозиргача елкамдан тушмаган пальтомни ечдим ва фақат пайпоқда енгил қадам ташлаб, ўша ёққа кетдим.

Жим писиб бордим-да, шахт билан эшикни очдим. Уларнинг юз ифодасини эслайман. Шунинг учун ҳам эсимда қолганки, бу ифода менга азобли роҳат бағишлади. Бу ифода кўрқувнинг белгиси эди. Менга айнан шу керак эди. Мен ҳеч қачон уларнинг иккаласи ҳам менга кўзлари тушгандаги дастлабки дақиқада чехраларида ёйилган умидсиз кўрқувни унута олмайман. Эркак, менимча, стол ортида ўтирган, лекин мени кўриб ёки шарпамни эшитиб, оёққа турган ва елкаси билан шкафга ўгирилганча тўхтаб қолган. Унинг юзида фақат, шубҳасиз, ягона кўрқув ифодаси бор эди. Аёлнинг чехрасида ҳам худди шундай кўрқув ифодаси билан бирга бошқа нарса ҳам бор эди. Агар фақат кўрқув бўлганда ўша воқеа рўй бермаслиги ҳам мумкин эди; аммо юзида, ҳар ҳолда, менга биринчи лаҳзаларданоқ шундай туюлди, унинг севги муносабатлари тафти ва у билан биргаликдаги бахтини бузганларидан хафа бўлиш, норозилик кайфияти мана-

ман деб турарди. Унга ҳозирги бахтли дамларига халақит бермасликдан ўзга ҳеч нарса керак эмас эди, гўё. Бу ва бошқа ифодалар уларнинг чеҳрасида бир лаҳза зоҳир бўлди. Унинг юзидаги қўрқув ифодаси бирданига сўроқ ҳисси билан алмашди: алдаш мумкинми, йўқми? Агар мумкин бўлса, бошлаш лозим. Мумкин бўлмаса, демак, бошқа нимадир бошланади. Лекин нима? У сўроқ аломати билан аёлга қаради. Шу назардан сўнг аёлнинг юзидаги ўкинч ва хафалик, менга шундай туюлдики, эркакка ғамхўрлик ҳисси билан алмашди.

Бир лаҳза ханжарни орқамда яширганча паҳлидарда туриб қолдим. Ана шу дақиқада эркак тиржайиб, масхараомуз бепарволик билан деди:

– Биз мусиқа оламига ғарқ бўлибмиз...

– Мен буни кутмагандим, – унинг овозига тақлид қилиб, ўша оҳангда давом этди аёл.

Бу ҳам, бошқаси ҳам мени ҳовурирдан тушириб, мурасага келтира олмади: бундан бир ҳафта олдин ўзимда ҳис этган қутуриш борлиғимни чулғаб олди. Яна мен ўша бузиш, куч ишлатиш истагини ҳис қилдим ва уни қутуриш пўртанасига топширдим.

Иккаласи ҳам мурасага келтира олмади... Бошқа гап бошлашди, у қўрққан эмиш, нима демоқчи бўлишса, бўлиб ташлайвердим. Мен аёлга ташландим, унинг кўкрагининг ёнига уришимда эркак халақит бермаслиги учун ханжарни яшириб олган эдим. Мен буни аввалданоқ мўлжаллаб қўйган эдим. Аёлга ташланишим билан, мен буни ундан кутмаган эдим, эркак қўлимни қайириб, бақира бошлади:

– Ақлингизни йиғинг, сизга нима бўлди! Одамлар!

Қўлимни айириб олдим ва аста унга ҳамла қилдим. Унинг кўзлари менинг кўзимга дуч келди, у бирдан, лабларигача сурпдек оқариб, чақчайган кўзлари ажабтовур ялтираб кетди ва кутилмаганда

фортепиано остига ўзини уриб, ундан эшикка отилди. Мен унинг ортидан қувишга тутиндим, бироқ чап тарафим оғирлашиб қолди. Бу хотиним эди. Мен силкиндим. Хотиним яна ҳам қаттиқроқ ёпишди ва қўйиб юбормади. Кутилмаган бундай аралашув, оғирлик ва хотинимнинг мени тутиб қолгани баттар жазавамни кўзғатди. Бутунлай қутирганимни ва даҳшатли қиёфага киришим лозимлигини сезиб, хурсанд бўлиб кетдим. Бутун кучим билан чап қўлимни силкитдим ва тирсагим билан тўғри юзига зарба бердим. У чинқириб юборди ва қўлимни бўшатди. Унинг изидан қувишга тушдим-у, хотинимнинг ўйнаши изидан пайпоқда қувиб юришим кулгили бўлишини тушуниб, масхара бўлишни эмас, қўрқинчли бўлишни хоҳладим. Даҳшатли тарзда қутириб кетган бўлсамда, худди ҳозиргидек, ҳар доим бошқаларда қандай таассурот уйғотишимни яхши эслайман, баъзан ана шу таассурот мени бошқаради ҳам. Хотинимга ўгирилдим. У тахта каравотга ағдарилиб тушган эди ва тарсагимдан лат еган кўзини қўли билан ушлаганча менга тикилиб турарди. Унинг башарасида менга, душманига нисбатан худди қопқонга тушган сичқонда бўлганидек қўрқув ва нафрат бор эди. Мен, ҳар ҳолда, ўзимга қаратилган нафрат ва қўрқувдан бошқа нарсани кўрмадим. Бу айнан бошқаларда севги уйғотиши шарт бўлган қўрқув ва нафрат эди. Яна, агар у дамани ичига ютиб, жим турганда, қилган ишимдан сақланишим ва ўша ишни қилмаслигим ҳам мумкин эди. Бироқ у бидирлашни қўймасди ва қўлимдаги ханжарни тортиб олмоқчи бўлди.

– Ақлингни йиғ! Сенга нима бўлди? Ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса, ҳеч нарса... Қасам ичаман!

Мен бундан кўра ҳам тинчланишим мумкин эди, аммо унинг охириги сўзини тескарисига тушундим, яъни ҳаммаси рўй берган ва мен жавоб беришга

чоғландим. Жавоб ўзимни тайёрлаган *crescendo**дан келиб чиқадиган кайфият даражасида бўлиши ва худди шундай завқлантириши лозим эди. Тентакликнинг ҳам ўз қонунлари бор.

– Алдама, манжалақи! – ўкирдим ва чап қўлим билан унинг қўлидан ушладим, лекин у қўлини тортиб олди. Шунда ҳам барибир ханжарни қўйиб юбормай, уни чап қўлим билан томоғига тираб, чалқанча ағдарганча бўға бошладим. Лаънати томоқнинг қаттиқлигини... У иккала қўли билан менинг қўлларимга ёпишди, айнан шундай ҳолатни кутиб тургандек, бор кучим билан чап томони қовурғасининг пастидан ханжар билан зарба бердим.

Одамлар кутириш касаллигида нима қилиб қўйганини бемор эслай олмайди, деб гапирадилар, бу ёлғон, ўйдирма. Мен ҳаммасини эсимда тутдим ва бир дақиқа ҳам эслашдан тўхтаганим йўқ. Ўзимнинг тентакликимнинг нафасини ўзимда қанча сезсам, менда тафаккур чўғи шунча яллиғланарди ва мен унинг шуъласида нима қилаётганимни аниқ кўриб турардим. Нима қилаётганимни ҳар бир дақиқада билиб турардим. Айтмасам бўлмайди, нима қилишимни олдиндан билардим, аммо ўша дақиқада нима қилган бўлсам, ҳатто ундан ҳам олдинроқ, билдимки, худди мен пушаймон бўладигандек, худди ўзимга айтишим, тўхтатишим мумкиндек туюлар эди. Қовурғанинг пастидан зарба урсам, тиғ баданга кириб кетишини билардим. Ёишт қолипдан кўчганди. Шу ишни бажараётганимда, билдимки, бундай оқибати оғир асоратларга олиб борадиган даҳшатли ишга олдин қўл урмаганман. Бироқ бу фикр чақмоқдек тез ўтиб кетди ва фикрнинг ортидан ҳаракат юзага чиқди. Ҳаракат кутилмаган аниқлик билан амалга ошди. Мен тиғнинг сийнабанднинг чокига ногаҳон туртин-

**Crescendo* – кучайтириш, итальян.

ганини ва бошқа майда-чуйдаларни, кейин унинг юмшоқ, силлиқ кириб кетганини сезиб турардим ва яхши эсимда қолганди. У қўллари билан ханжарга ёпишди, бармоқларини кесиб олди, бироқ тутиб қола олмади. Кейин, турмада, менда ахлоқий ўнгланиш юз бера бошлаганда, шу дақиқалар ҳақида ўйладим, эсладим ва имкон даражасида муҳокама қилдим. Бир дақиқада эслайман, ҳаракатнинг олдини олиш мумкин бўлган фақат бир дақиқада мен аёлни, ҳимоясиз аёлни ўлдираяпман, ўзимнинг хотинимни ўлдирдим, деган қўрқинчли фикрни эслайман. Бу фикрнинг даҳшатлилигини эслайман ва хулоса қиламанки, ханжарни ботириб, яна шу лаҳзада айбимни тўғрилаш ва тўхтатиш учун суғуриб олдим. Мен бир лаҳза нима бўлишини кутиб, вазиятни изга солиб бўлармикан, деб қотиб турдим. Аёлим оёққа тик турди ва чинқирди:

– Энага! У мени ўлдирди!

Шовқинни эшитган энага эшик олдида пайдо бўлди. Мен ҳам нима бўлгани оқибатини ҳали ҳам кутган, ишонмаганча тик қотган эдим. Шу пайтда унинг корсети* остидан қон сизиб чиқди. Шунда англадим – энди аҳволни ўнглаб бўлмайди ва шу дақиқада қарор қилдимки, бунинг энди ҳожати йўқ, нима хоҳласам, шуни бажариш лозим. Мен у қулагунча кутиб турдим ва энага “Биродарлар!” дея қичқирганча у томон югурди, шундан сўнг ханжарни четга ирғитдим-да, хонадан чиқдим.

“Ҳаяжонланиш керак эмас, нима қилишимни яхшилаб билиб олиш лозим”, дедим ўзимга, унга ҳам, энагага ҳам қарамай. Энага бақириб, қизни чақирди. Мен қизни айтиб юбориб, коридордан юриб кетдим ва ўз хонамга кирдим. “Энди нима қилиш керак?” – деб ўзимдан сўрадим ва шу лаҳзада эсимга тушди. Хонага кириб, тўғри девор олдида бордим, ундан револьвер-

*Корсет – белни ингичка қилиш учун ичдан кийиладиган кенг белбоғ.

ни олдим, уни кўздан кечирдим – у ўқлоғлиқ эди – стол устига қўйдим. Кейин диваннинг орқасидан қинни олиб, диванга ўтирдим.

Шу ҳолда диванда узоқ ўтирдим. Ҳеч нарсани ўйламас, ҳеч нарсани эсламас эдим. Эшитиб турардим, у ёқда ниманидир келтиришди. Кимдир келгани, яна кимнингдир киргани ҳам эшитилиб турарди. Кейин Егорнинг оёқ товуши қулоққа чалинди ва менинг унутилган юкларимни олиб келгани маълум бўлди. Уларни худди кимгадир керак бўладигандек, кабинетга киритиб қўйди.

– Эшитдингми, нима бўлибди? – дедим мен. – Қоровулга айт, полицияга хабар беришсин.

У ҳеч нарса демай тез чиқиб кетди. Ўрнимдан турдим, эшикни ёпдим, кулдон ва гугурт келтириб, чека бошладим. Чекиб тугатмасимданоқ мени уйқу босди, босинқирашга ўхшаш туш гирдобига тортди. Мен нақд икки соат ухлабман. Туш кўрибман, биз у билан тинчгина юрибмиз, жанжаллашамиз, аммо тез ярашиб оламиз, нимадир жиндай халақит беради, лекин биз дўстлармиз. Эшик тақиллаб уйғониб кетдим. “Бу полиция, – кўзимни оча туриб ўйладим. – Шубҳасиз, ўлдириб қўйибман, чоғи. Балки бу унинг ўзидир, ҳеч нарса бўлмаган чиқар”. Эшик яна тақиллади. Мен саволни ўйлаб, жавоб қайтармадим: бу бўлдими, бўлмадими? Ҳа, бўлди. Мен сийнабанднинг қаршилигини ва тиғнинг ботиб боришини эсладим, елкамда совуқ ҳаво ўрмалаб кетди. “Ҳа, бўлди. Ҳа, энди ўзингни... керак”, – дедим ўзимга. Шундай дейишга дедим-у, биламан, ўзимни ўлдирмайман. Даст ўрнимдан турдим ва яна револьверни қўлимга олдим. Бироқ қўрқинчли юмуш: эслайман, ҳалиги кун темир йўлда бўлгани каби, кўп марта ўзимни ўлдиришга яқин келганман, бу менга осон туюлган, осон туюлга-

ни шундаки, бу билан аёлимни енгмоқчи бўлганман. Ҳозир эса ўзимни ўлдириш эмас, у ҳақда ўйлашим ҳам мумкин эмас. “Нима учун шундай ўлишим лозим?” – деб ўзимдан сўрадим, жавоб топилмади. Эшик яна тақиллади. “Ҳа, олдин ким тақиллатаётганини билиш керак. Ҳали улгураман”. Револьверни қўйдим ва газета билан устини бекитдим. Эшикка яқинлашдим, лўкидонни сурдим. Бу хотинимнинг опаси, меҳрибон, нодон бева аёл эди.

– Вася! Нима бу! – деди у ва доимо тайёр кўз ёшлари дув тўкилди.

– Нима керак сенга? – дағаллик билан сўрадим мен. Кўриб турибман, унга қўполлик қилиш, умуман, қўпол бўлишнинг ҳожати йўқ, бироқ мен бошқача йўл топа олмадим.

– Вася, у ўлади! Иван Фёдорович айтди. – Иван Фёдорович хотинимнинг дўхтири, маслаҳатчиси.

– У ҳали шу ердами? – сўрадим мен ва яна аёлимга нисбатан бутун қаҳрим бошимга урди. – Бу қандай бўлиши мумкин?

– Вася, унинг олдига бор. Оҳ, бу қандай даҳшат, – деди у.

“Унинг олдига бориш?” – савол бердим ўзимга. Шу зумда жавоб бердимки, бориш керак, эҳтимол, ҳамма вақт шундай қилишади, агар эр хотинини ўлдирса, мен ўлдирганимдек, қатъий равишда қошига бориши шарт. “Агар шундай қилишса, демак, бориш керак, – дедим ўзимга. – Агар қилишим лозим бўлса, ҳар қачон улгураман”, – ўйладим ўзимни отиш ҳақидаги мўлжалимни эслаб ва унинг ҳузурига йўл олдим. “Энди бемаъни гаплар, юз буриштиришлар бўлади, лекин уларга парво қилмайман”, – дедим ўзимга.

– Тўхта, – дедим опага, – пойабзалсиз кириш ахлоқлик, ҳеч қурмаса туфли бер, кийиб олай.

– Ҳайрон қоларли ҳолат! Яна хонадан чиқиб, ўрганган йўлаклардан ўтиб борарканман, яна менда умид учқунлари пайдо бўлдики, балки ҳеч нарса бўлмагандир? Аммо дориларнинг қўланса ҳиди – йодоформ, карболка – мени ҳушимга келтирди. Йўқ, бўладигани бўлганди. Коридор бўйлаб болалар хонаси ёнидан ўтиб борар эканман, Лизагинамни кўриб қолдим. У менга кўрқинчли нигоҳлари билан тикилиб турарди. Менга шу жойда жами бешала фарзандлар ҳам тургандек ва ҳаммаси менга қараётгандек туюлди. Эшикка яқинлашдим, эшикни оқсоч очди ва чиқиб кетди. Кўзимга ташланган биринчи нарса хотинимнинг оқ-сарғиш кўйлаги бўлди, у стулга ташлаб қўйилган, қоп-қора қонга бўялганди. Бизнинг икки кишилиқ тўшагимизда, ҳатто менинг тўшагимда – унга етиб олиш осон бўлган – у тиззасини кўтариб ётарди. Боши битта ёстиққа қия илиниб турар, кофталарининг тугмалари ечилиб кетганди. Жароҳатга нимадир босилган. Хонани йодоформнинг оғир ҳиди тутиб кетган. Ҳаммадан ҳам ҳайрон қоладигани шишинқираган ва доғлардан кўкариб кетган юзи, бурнининг бир чети ва кўз ости бўлди. Бу мени ушлаб қолмоқчи бўлганда тирсагим билан берган зарбам асорати эди. Гўзалликдан асар ҳам қолмаган, қандайдир тасқарайи тараққосга айланган эди.

– Олдига бор, олдига бор унинг, – деди сингил.

“Ҳа, аниқ, у тавба қилишимни хоҳлаяпти”, – ўйладим мен. “Туноҳидан ўтиш? Ҳа, у ўлаяпти, уни кечирса бўлади”, – ўйладим ва бағрикенг бўлишни хоҳлаб кетдим. Мен яқин бордим. Аёлим қийналиб, шикастланмаган бир кўзини очди, зўриқиб, тутилиб минғирлади:

– Мақсадингга етдинг, ўлдирдинг... – Башараси жисмоний қийноқ исканжасида ва ҳатто ўлими яқинлигида ҳам ўша эски, менга таниш ҳайвоний совуқ нафрат билан қараб турарди. – Болаларни... мен барибир сенга ... бермайман. У (синглим) олади.

Мен учун энг муҳим бўлган нарсалар – ўзининг гуноҳи, хиёнат ҳақида гапиришни гўё у арзимайдигандек ҳисоблади.

– Ҳа, қилган ишинг билан керилиб юр, – деди у эшикка қараб ва хўрсиниб қўйди. Эшик олдида сингил болалар билан турарди. – Ҳа, мана нима қилиб қўйдинг.

Мен болаларга қарадим, хотинимнинг кўкариб кетган юзига кўз ташлаб, биринчи марта ўзимни, ўз ҳуқуқимни, ўз ғуруримни унутдим, биринчи марта унда инсонни кўрдим. Ва шу дамда уни рашк қилганларим, бошқа майда-чуйдалар кераксиздек, ҳақоратланганларим арзимасдек туюлиб кетди, қўлига юзимни босиб: “Кечир!” – дегим келди, бироқ кучим етмади.

У кўзини юмганча тинчиб қолди. Ҳойнаҳой, ҳолсизликдан гапира олмаётганди. Кейин бузилиб кетган юзи титради ва тиришди. Мени секин, беҳол нари итарди.

– Нима учун бундай қилдинг? Нима учун?

– Мени кечир, – дедим мен.

– Кечир? Бунинг ҳаммаси ёлғон!.. Фақат ўлмасам эди!.. – бақириб юборди у ва жойидан кўтарилди, ярқираган жонсарақ чақноқ кўзлари менга қадалди. – Ҳа, сен ниятингга етдинг!.. Ёмон кўраман сени!.. Войдод! – қичқирди алаҳсираб, нимадандир қўрқиб. – Майли, ўлдир, ўлдир, мен қўрқмайман... Фақат ҳаммани, ҳаммани ва уни ҳам. Кетди, кетди.

Алаҳсираш анча давом этди. У ҳеч кимни танимай қолди. Шу куни тушга яқин хотиним вафот этди.

Бундан олдин, соат саккизда мени олдин маҳкамага, кейин турмага олиб кетишди. У ерда суд бўлишини ўн бир ой кутиб, ўзимнинг ўтмишимни обдон тафтиш қилиб чиқдим ва уни (рақибимни) тушундим. Уни учинчи кундан тушуна бошладим. Учинчи кун мени ўша ерга олиб боришди...

У нимадир айтмоқчи бўлди, бироқ ўпкаси тўлиб келганидан гапиролмади. Куч тўплаб олгач, давом этди:

– Мен хотинимни тобутда кўрганимдан кейин рақибимни тушуна бошладим... – У бир энтикди-да, шошиб давом этди: – Фақат унинг жонсиз чеҳрасини кўрганимдан сўнг нима қилиб қўйганимни англадим. Мен тушундим, мен уни ўлдирдим, у жонли, ҳаракатдаги, ҳароратли эди, мен туфайли жонсиз, шамдек қотган, совуқ бир нарсага айланиб қолди ва буни ҳеч қачон, ҳеч қаерда ва ҳеч нарса билан тўғрилаб бўлмасди. Ким бу ҳолатни бошидан кечирмаган бўлса, у бу ҳолатни тушунмайди... Водариг!.. – қичқирди бир неча марта ва жим бўлди.

Биз сукут сақлаганча узоқ ўтирдик. У энтикиб, жимликни бузди.

– Майли, маъзур тутинг...

У мендан юзини ўгирди ва қалин жун рўмол ташланган ўриндиққа чўзилди. Ўзим тушиб қолишим лозим бўлган станцияда, – бу эрталаб соат саккиз эди, – хайрлашиш учун унинг олдига бордим. Ухлаганми ёки муғомбирлик қилиб ётибдими, ҳар ҳолда қимир этмади. Унинг қўлига тегиндим. У кўзини очди, ухламагани кўриниб турарди.

– Хайр,– дедим қўлимни узатиб.

У қўлини чўзди ва енгил табассум қилди, бироқ шундай ғариб кўриниб кетдики, йиғлаб юборай дедим.

– Ҳа, маъзур тутасиз, – бутун ҳикояни якунлайдиган ўша сўзни такрорлади у.

“КРЕЙЦЕР СОНАТАСИ”га “СЎНГ СЎЗ”дан

Мен ўзимга нотаниш бўлган одамлардан “Крейцер сонатаси” сарлавҳаси билан ёзилган ҳикоя орқали нималар демоқчи бўлганимни оддий, халқона тилда тушунтириб беришимни сўраган кўплаб хатлар олдим ва олаяпман. Шуларга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўраман, яъни оддий сўзлар билан, бу қанчалик мумкин бўлади, мазкур ҳикоя орқали айтмоқчи бўлган фикрнинг моҳияти, шунингдек, менинг ўйлашимча, ундан қандай хулосалар чиқариш мумкинлиги юзасидан муносабатимни баён этмоқчиман.

Шуни айтмоқчи эдимки, биринчидан, бизнинг жамиятимизда жами табақалар ва сохта фан томонидан қувватланган ғайри илмий бир қараш юзага келдики, гўё жинсий муносабат саломатлик учун зарур, ўйланиш эса ҳар доим мумкин бўлавермайди, шунинг учун эркакка пул тўлашдан бошқа ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган жинсий муносабат бутунлай табиий, унда иштирок этувчилар рағбатлантирилиши лозим эмиш. Бу қараш шу даражада оммалашиб ва қатъий тус олдики, ота-оналар дўхтирларнинг тавсияси билан ўз фарзандлари учун бузуқчилик ташкил қиляптилар; ягона мазмуни ўз фуқароларининг маънавий тараққиёти бўлган ҳукумат эса бузуқчиликни рағбатлантирмоқда, яъни эркакларнинг нозик эҳтиёжларини қондириш орқали уларни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан қурбон қилишни касб қилиб олган аёлларнинг бутун қатламини идора қилиб туради, буйдоқ кишилар эса бутунлай пинагини бузмай, бузуқчилик билан машғул бўлаверадилар.

Мана, мен айтмоқчи бўлган гап – бу яхши эмас, негаки, бир одамнинг саломатлиги йўлида бошқа одамнинг жисми ва баданини қурбон қилиш мумкин эмас, ахир бир одамнинг соғлиғи учун бошқа одамнинг қони ичилмайди-ку.

Менимча, бундан шундай табиий хулоса чиқариш зарурки, бу алдов ва ёлғонга берилмаслик керак. Берилмаслик учун эса, биринчидан, ҳар қандай ахлоқсиз таълимотларга, улар қандайдир бетайин илмлар билан исботланган бўлса-да, ишонмаслик; иккинчидан, одамлар ўзларини унинг оқибати – болалардан озод қиладиган ёки бутун оғирликни аёлнинг зиммасига юклайдиган ёки болалар туғилиши эҳтимолидан хабар берадиган бундай жинсий муносабатга киришиш ахлоқий меъёрларнинг энг оддий талабига кўра жиноят эканини, бундай йўл тутишни хоҳламаган бўйдоқ кишиларнинг шу йўлга кириши разиллик эканини, умуман, бу ҳаракат разиллик эканини тушуниб етиш лозим.

Агар улар тийилишни хоҳласалар, бунинг учун табиий турмуш тарзига амал қилиш шарт: ичмаслик, бўкиб овқат емаслик, гўшт истеъмол қилмаслик, меҳнатдан қочмаслик (гимнастика эмас, толдирадиган, эрмакка ўхшамаган меҳнат), фикрига бошқа аёл билан яқинлашиш истагини йўлатмаслик(...).

Исбот шуки, тийилиш саломатликка эркин турмуш тарзидан кўра камроқ хавfli ва зарарли, бунга атрофга қараб ҳам ишониш мумкин.

Бу биринчидан.

Иккинчиси шуки, бизнинг жамиятимизда жинсий муносабатларнинг саломатликка фойдаси ва ҳузурбахшлиги ҳақидаги қарашларнинг изидан уни шоирона, ҳаёт тарзини илҳомлантирадиган восита сифатида, эр-хотин хиёнатини жамиятнинг барча

қатламларида (крестьянлар айнан солдатлар хизмати туфайли) энг оддий ҳодиса сифатида қараш пайдо бўлди.

Мен эътироф этаманки, бу ҳам яхши эмас. Хулосам шу: бундай қилмаслик керак. Бундай қилмаслик учун шахвоний севгига муносабатни ўзгартириш лозим, шундай қилиш керакки, эркак ва аёл оиласида уйланишгача ва уйланишдан кейин бир-бирларига ҳозир тикиладиганларидек шоирона ва илҳомлантирувчи ҳолатда ҳирс билан қарамасинлар, балки бузуқилик инсонни камситадиган ҳайвоний туйғу, никоҳ пайти тилга олинган садоқатни емирадиган куч деб билсинлар, ҳозир романларда, шеърларда, кўшиқларда, операларда куйланадигандек роҳатижон эмас, худди қарзни тўламаганда қатл қилганларидек жазоланадиган ҳаракат эканлигини билсинлар.

Бу иккинчидан.

Учинчиси шуки, жамиятимизда яна ўша жинсий муносабатга ёлғон маъно берилгани, фарзанд кўришнинг қадри йўқолгани туфайли эр-хотинлик муносабатларини оқлаш мақсадида, никоҳда ҳам, никоҳдан ташқари ҳам ишқий алоқаларнинг ёқимлилигини сақлаб қолиш учун тиббиёт фани дастёрларининг тавсияси билан туғишдан сақлайдиган воситаларни қўллаш тарқала бошлади ёки олдин ҳам, ҳозир ҳам бўлмаган одат – фарзанд кўрилганда ва эмизиш даврида жинсий муносабатни давом эттириш ҳоллари учрайди.

Мен таъкидлайманки, бу ҳам яхши эмас. Фарзанд кўришдан сақлайдиган воситаларни қўллаш, биринчидан, бу одамларнинг шахвоний севгисини оқлайдиган болалар ҳақида ғамхўрлик қилиши ва ташвишларидан озод этади, иккинчидан эса бу ҳолат инсон виждонига қарши ҳаракат – қотилликка

ўхшаб кетади. Ҳомиладорлик ва эмизиш вақтида сақланмаслик эса аёлнинг жисмоний, асосийси – руҳий қувватларини барбод қилади.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, буларни такрор-ламаслик керак. Бунинг учун эса никоҳсиз шароитда инсоннинг маънавиятини улуғлайдиган тийилиш никоҳда ҳам жуда зарурлигини тушуниш зарур.

Бу учинчидан.

Тўртинчиси шуки, бизнинг жамиятимизда олдиндан белгиланган миқдорда дунёга келадиган болалар ё лаззатланишга тўсиқ бўладилар ёки бахтсиз тасодиф ҳисобланади ёки ўзига хос хузур саналади, улар ақли ва севимли мавжудот сифатида инсон ҳаётининг муҳим бойликлари руҳида эмас, фақат ота-оналарига роҳат бағишлаш учун тарбияланадилар. Шундан келиб чиқиб, одамлар болаларини ҳайвон зурриёдлари сингари улғайтирадилар, ота-оналарнинг бош вазифаси фарзандларини ҳақиқий инсоний фаолиятга тайёрлаш эмас, балки қандай қилиб кўпроқ овқат едириш, бўйини ўстириш, уларни оппоқ, тоза, тўқ, чиройли ҳолда кўришни хоҳлайдилар. Яхшигина сийланган болаларда, худди тобида боқилган ҳайвонлардек, ўсмирлик ёшиданоқ нотабиий равишда даҳшатли қийноқларга рад этиб бўлмайдиган мойиллик пайдо бўлади. Ясан-тусанлар, ўқиш, мусиқа, рақс, хушхўр овқатлар, ҳаётнинг жами воситалари, қутилардаги суратлардан роман, повесть, поэмаларга-ча бу мойилликни баттар кучайтиради ва эҳтирослар давомидан икки жинс вакиллари даҳшатли жинсий ногиронлик ва касалликлар орттириб оладиларки, бу бутун умр бўйи давом этиши ҳам мумкин.

Мен таъкидлайманки, бу ҳам яхши эмас. Бундан чиқариладиган хулоса шуки, одамлар болаларини ҳайвонларга ўхшаб парваришлашни бас қилишлари

лозим, инсон фарзандларини вояга етказиш учун эса мақсадни бошқачароқ – чиройли, келишган қомат тарбиялаш эмас, ўзгача қўйиш керак.

Бу тўртинчидан.

Бешинчиси шуки, бизнинг жамиятимиз асосида барибир шахвоний муҳаббатга эга икки ёшнинг севгисида жами санъат ва шеърийят иштирок этиб хизмат қиладиган, ёшлар ўз ҳаётининг энг яхши дамларини бағишлайдиган юксак шоирона мақсад қарор топган: эркаклар ошиқ-маъшуқлик ёки никоҳ қўринишида турли ишқий воситаларни зўр бериб қидиради, тентираб излайди, йиғлаб бўлса ҳам эгалик қилади, аёллар ва қизлар эса эркакларни алоқага ёки никоҳга авраб келтиради ёхуд тузоққа туширади.

Шу туфайли одамлар фақат ҳеч нарса ишлаб чиқарилмайдиган эмас, балки ўз кучларини зарарли ишларга сарфлайдилар. Ана шундан ҳаётимизда тентакларча ҳашамдорлик пайдо бўлади, шундан эркакларда сафсатавозлик, аёлларда беҳаёлик юзага келади, урфпараст енгилтак хотинлар томонидан тананинг маълум қисмида сезгирлик пайдо қиладиган бешарм нарсалар жўрттага таклиф қилинганда пинагини бузмайди.

Яна таъкидлайманки, бу яхши эмас.

Шунинг учун ҳам яхши эмаски, севги қуроли воситасида никоҳ орқали ёки никоҳдан ташқари мулоқотга эришишнинг, унга қанчалик шоирона таъриф берилмасин, ноқис одам учун асосий мақсади ширин ва тўкин луқмага эга бўлишдир. Бундан чиқадиган хулоса шуки, уни шахвоний ишқни жўштирадиган туйғу деб ўйлашни бас қилиш керак, аммо ноқис одамнинг мақсади инсониятга, ватанга, фанга, санъатга (Худони айтмай қўя қолайлик) хизмат қилишми – қандай бўлганда ҳам биз уни ноқис одам ҳисоблаймиз, никоҳ

ёки ундан ташқари юксак мақсадга севги қуроли во-
ситасида эриша олмайди, аксинча, севилиш ва севги
қуроли билан бирикиш (тескарисини наср ва назмда
исботлашга қанча ҳаракат қилишмасин), ноқис одам-
нинг мақсадга эришишини енгиллаштирмайди, билъ-
акс, уни оғирлаштиришини тушуниб етиш зарур.

Бу бешинчидан.

Мен ҳикояда айтмоқчи бўлган ва айтган моҳият
шулардан иборат эди. Менимча, шундай вазиятни
юзага келтирган ёвузликни қандай тўғрилаш мум-
кинлиги ҳақидаги фикрларни муҳокама қилиш мум-
кин, аммо улар билан келишмасликнинг иложи йўқ.

Менимча, бу вазиятлар билан келишмаслик
мумкин эмас, биринчидан, бу вазият уятсизликдан
қочиб, кўпроқ ва кўпроқ бамаъниликка интилаётган
инсониятнинг тараққиёти, жамиятнинг маънавий
қиёфаси, ҳар доим уятсизликдан нафратланувчи, ба-
маъниликни қувватловчи бизнинг виждонимиз амри
билан ҳамоҳанг; иккинчидан, бу ҳолатлар биз қироат
қиладиган ёки ҳеч бўлмаганда онгсиз равишда ах-
лоқимизнинг асосий тушунчалари сифатида қабул
қиладиган Инжил таълимотидан келиб чиқадиган ху-
лосаларнинг маъзидир...



Сергій ома

1

Петербургда қирқинчи йилларда кишини лол қолдирадиган бир воқеа рўй берганди: князь, ҳамма император Николай I ҳузурида флигель-адъютантликка ва юқори мансабга эришишини башорат қилган, зирхпўш аскарлар – яъни кирасир полкининг сараланган аванғор – лейб-эскадрони қўмондони, келишган барно йигит император хонимнинг марҳаматига сазовор бўлган ҳуснда тенгсиз паричеҳра қиз билан никоҳ тўйига бир ой қолганда истеъфога чиқди, келин билан муносабатларини узди, чоғроқ мулкани синглисига қолдирди ва роҳиб бўлиш ниятида монастырга йўл олди. Воқеа унинг ички сабабларини билмаганлар учун кутилмаган ва мавҳум бўлиб қолди; бовужуд князь Степан Касатскийнинг бундай қарорга келиши барчани лол қолдирди, ўзи учун эса бошқача йўл тутиб бўлмайдиган охирги чора эди.

Степан Касатскийнинг отаси, истеъфодаги гвардия полковниги оламдан ўтганда ўғли ўн икки яшар ўсмир эди. Ўшанда онаси, ўғлини бағридан қўйиб юбориши қанчалик қийин бўлмасин, ўзи вафот этган тақдирда фарзандини уйда ушлаб турмай, корпусга топшириш ҳақидаги марҳум эрининг васиятига қарши бора олмади ва уни корпусга юборди. Бева она ўғли қайда бўлса, шунда яшаш ва ойим кунларида мусофирчиликни сездирмай, оила даврасида бўлишини таъминлаш учун қизи Варвара билан Петербургга кўчиб келди.

Боланинг афт-андомидан зўр қобилиятлилиги ва етарлича мағрурлиги шундоқ кўриниб турарди. Оқибатда, фанларни ўзлаштириш, хусусан, ўзи айрича қизиқадиган математика, ҳарб машғулотлари ҳамда отда чопиш бўйича биринчи деб тан олинди. Қомати

дур-дароз бўлишига қарамай, келишган ва чаққон эди. Бундан ташқари, феъл-атворида агар жиззакилиги бўлмаганда, намунали кадет даражасига эришиши ҳам мумкин эди. У ичмасди, қинғир йўлларга юрмасди ва ҳаддан ташқари ҳақиқатгўй эди. Бироқ унинг тўкис бўлишига бир нарсa халақит берарди: ботинида сақланувчи ғазаб алангаси юзага чиққанда ўзини бошқара олмай қолар, буткул ёвузлашиб кетарди. Бир марта унинг маъданлардан тайёрлаган тўплами устидан кула бошлаган кадетни деразадан ирғитиб юборишига оз қолган. Бошқа сафар бир кишини сал бўлмаса ўлдириб қўяёзган: котлет тўла лаганни иқтисодчига қараб ирғитган; сўзидан тонган, ҳамманинг юз-кўзича ёлғон гапирган зобитга ташланган ва айтишларича, унга мушт туширган. Агар корпус директори ҳаммасини бости-бости қилмаганда, иқтисодчини ҳайдаб чиқармаганда, у даражаси пасайтирилиб, оддий аскарлар сафига қўшиб қўйилган бўларди.

У ўн саккиз ёшида киборлар гвардия полкига зобит қилиб юборилди. Император Николай Павлович уни корпусдалик пайтидан биларди, алоҳида эътибор берганди, шунинг учун кейин унга полкда флигель-адъютантликни башорат қилишганди. Касатский иззатталаблик учунгина эмас, асосийси, корпусдалик пайтиданоқ Николай Павловични қалбдан, айнан қалбдан яхши кўрганлиги учун ҳам шундай бўлишини жон-дилдан хоҳларди. Николай Павловичнинг корпусга ҳар бир ташрифи давомида – у тез-тез қадам ранжида қилиб турарди – баланд бўйли, ўмовдор, чиройли мўйловлю қирғий бурунли, текис кузалган чакка соқоли ўзига ярашган ҳарбий либосдаги зот шахдам қадамларда чиқиб келиб, кадетлар билан йўғон овозда саломлашар экан, худди кейинчалик муҳаббат илоҳасига дуч келганда бўлганидек, Касатский севимли кишисига ошиқлик шавқини ҳис этар

эди. Очиғи, Николай Павловичга нисбатан муҳаббат ҳаяжони севгилисига ишқидан-да кучлироқ эди ва ўзининг чексиз садоқатини намоиш этишни, ўзидаги ниманидир шоҳга қурбон қилишни хоҳларди. Николай Павлович ҳам ундаги бу оташин садоқатни билар, уни атайлаб алангалатар эди. У баъзан болаларча соддалик, баъзан дўстона, баъзан кибру ҳаво билан муомалада бўлиб, кадетлар билан чақчақлашар, уларни атрофига тўпларди. Касатскийнинг зобитлар билан охирги ғалвасидан кейин Николай Павлович унга ҳеч нарса демаган, Касатский яқин борганида эса ўзини намоишкорона олиб қочган, хўмрайиб, бармоғи билан дўқ қилган ва кета туриб:

– Билиб қўйгин, ҳаммаси менга маълум, бироқ баъзи нарсаларни билишни хоҳламайман. Аммо улар мана бу ерда, – деган.

У шу гапни айта туриб, юрагини кўрсатган.

Ўқишни тугатган кадетлар унинг ҳузурида бўлганларида у булар ҳақида эслатишни эп кўрмаган, фақат ҳар доимгидек менга тўғри мурожаат этаверинглар, менга ва Ватанга виждонан хизмат қилсаларинг бўлди, мен сизларнинг эски дўстингиз бўлиб қолавераман, деб айтган. Ҳамма ҳар доимдагидек тўлқинланиб кетган, Касатский эса бўлиб ўтган гап-сўзларни эслаб, кўзига ёш олган ва севимли зотга сидқидилдан хизмат қиламан, деб ўз-ўзига сўз берган.

Касатский полкка кўтарилгач, онаси қизи билан аввал Москвага, ундан кейин қишлоққа кўчиб ўтди. Касатский ярим мулкини сингилисига берди. Қолган ярми эса ҳозир хизмат қилаётган дабдабали полкда кун кўриши учун унинг ўзига етарли эди.

Зоҳиран Касатский одатдаги олға интилувчи чинакам гвардиячига ўхшаб кўринса-да, бироқ унинг ботинида мураккаб ва шиддатли туйғулар ниш урарди. Бу туйғулар унга болаликдан ҳамроҳ эди, улар хилма-

хил бўлса-да, бироқ моҳияти бир хил эди, яъни умр йўлидаги барча ишларни шу қадар пишиқ-пухта адо этиб, гўзал ютуқларга эришсинки, одамлар ҳайратдан ёқа ушлаб қолсин. У бир соҳа ёки фанни танларди-да, шунинг устида тер тўка бошларди, то уни мақтаб, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишмагунча бир зум тиним билмасди. Бир муваффақиятга эришгач, у бошқасининг пайдан тушарди. Шундай қилиб, фанларни ўзлаштиришда корпусда биринчи ўринга кўтарилди, бирданига французчада сўзлаши яхши эмаслигини сезиб қолгач, бу тилни она тили даражасида эгалламагунича тинчимади ва бунга ҳам эришди; шундай қилиб, кейин шатранж билан шуғуллана бошлади ва корпусдалиқ вақтидаёқ аъло даражада дона сурадиган бўлди.

Ҳаётида шоҳга ва Ватанга хизмат қилиш бурчидан ташқари унинг олдида яна бошқа бир мақсадлар кўндаланг турарди, бу мақсадлар қай даражада кичик бўлмасин, то уларни рўёбга чиқармагунча ўшалар билан яшарди. Бирига эришгач, тезда унинг ҳаёлида бошқаси пайдо бўлар ва олдингисининг ўрнини эгаллар эди. Бу саъй-ҳаракатлар – олдида қўйилган мақсадга эришишдаги саъй-ҳаракатлар унинг ҳаётини тўлдирар эди. Шундайки, зобитлик даражасига етгач, хизмат малакасини оширишга жон-жаҳди билан киришди ва тез орада, гарчи ўзини тута олмайдиган жиззакилиги хизматда панд бериб, ютуқларига соя ташлаб турса-да, намунали зобит деган номга сазовор бўлди. Кейин, давра суҳбатларида дунёвий билимларининг чалалигини сезиб қолгач, китоблар оламига шунғиди ва бунда ҳам кўзлаган мақсадига эришди. Сўнг у киборлар даврасида порлаш фикрига тушиб қолди, бирданига маҳорат билан рақс тушишни ўрганди ҳамда тезда шунга эришдики, уни олий даражали киборларнинг баллари ва айрим тантана-

ларига таклиф қиладиган бўлишди. Касатский бу билан ҳам қаноатланиб қололмасди. У мутлақ биринчи ўринда туришни хоҳларди, бунга эришишнинг эса унга насиб этиши қийин эмасди.

Ўша пайтларда олий табақа, менинг ўйлашимча, ҳар доим ва ҳамма ерда одамларнинг тўрт тоифасидан иборат эди: 1) бойлар ва сарой аъёнлари; 2) унча бой эмас, бироқ саройда туғилган ва ўсган одамлар; 3) сарой аъёнларига тақлид қилувчи бой одамлар; 4) унча бой эмас ва сарой аъёнларидан бўлмаган, бироқ биринчи ва иккинчи тоифаларга тақлид қилувчи одамлар. Касатский биринчи тоифага мансуб эмасди. Касатскийни кейинги икки тоифага жон-жон деб қўшишарди. У оқсуяклар даврасидан жой олар экан, ўз олдига ҳатто кибор аёллар билан алоқа ўрнатиш мақсадини қўйди ва кутилмаганда тезда бунга эришди ҳам. Бироқ ҳаял ўтмай кўриб улгурдики, у айланаётган давралар қуйи даража давралар экан, юқори давралар эса, яъни бойлар ва сарой аъёнлари давраси, гарчи уни таклиф қилиб туришса-да, уларга у бегона экан; улар йўлига назокат-ла муомала қилсалар-да, лекин барча муносабатлар шуни кўрсатардики, уларнинг ўз давралари бор, у эса уларники эмас. Касатский ўзининг уларники бўлишини хоҳларди. Бунинг учун эса ё флигель-адъютант бўлиш керак – у ҳозирча бу даражани кутаяпти, ё шу даврадан уйланиш лозим. У бир тўхтамга келди: уйланади, вассалом.

У гўзал, яна сарой аъёнларидан шундай бир қизни танладик, нафақат у интилган давранинг кишилари, балки ундан юқорида турувчи барча табақа вакиллари ҳам шу қизга интиларди. Бу графиня Короткова эди. Касатский фақат амал илинжида унга хушомад қилмаётган эди, Короткова ҳаддан ташқари жозибадор эди ва у тезда қизни севиб қолди. Бошда қиз унга совуқ муомалада бўлди, кейин бирдан бари ўзгарди ва

қиз унга илтифот кўрсата бошлади. Ойиси эса йигитни сидқидилдан хонадонларига таклиф ҳам қилди.

Касатский қизнинг қўлини сўради ва бу таклиф ижобат бўлди. У бундай бахтнинг осон қўлга кирганидан, онанинг ва қизининг ўзгача ва қизгин муносабатидан ҳайрон эса-да, бутун вужуди билан, ҳеч нарсани кўрмайдиган ва эшитмайдиган даражада ошиқ бўлиб қолдики, натижада, севгилиси бир йил олдин Николай Павловичнинг маъшуқаси бўлганини ва буни бутун шаҳар билишини ҳам сезмади.

2

Белгиланган тўй кунидан икки ҳафта олдин Касатский қаллиғининг Царское Селодаги боғчасига ташриф буюрди. Майнинг илим-илиқ куни эди. Куёв ва қаллиқ боғни айланишди ва соядор жўкалар хиёбонидаги кичкина курсида қўним топишди. Мэри оқ ҳарир куйлакда, у ўзгача латофатли кўринарди. Ўзини иффат ва севги оғушида сармастдек тутарди. Бошини қуйи солиб ўтирар, баъзан қаршисидаги ўзига эҳтиёткорлик ва назокат билан муомалада бўлаётган, бирор ҳаракати ё сўзи билан келиннинг фаришталардек софлигига ногаҳон дохил қилишдан ҳадиксираётган хушсурат паҳлавонга кўз қирини ташлаб қўярди. Касатский ҳозир учрамайдиган, қирқинчи йиллар кишиларига мансуб эди, улар қизларнинг жинсий ишратдан нопок бўлишлари мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар, аёлдан илоҳий, самовий покликни талаб этганлар ва бу самовий покликни ҳар бир қизнинг ўз давраси ҳам эътироф этган ва унга ҳам шундай муносабат кўрсатишган бўларди. Бундай муносабатда эркаклар ўзларини қўйиб юборган ахлоқсизлик ҳолатларида кўплаб ишончсизлик ва хатар юзага келарди, бироқ ҳар бир қизда ўзига

шунчаки эрмак изловчини кўрган ҳозирги йигитларнинг қарашидан фарқли ўлароқ, бундай қараш, ўйлашимча, аёлларга нисбатан ижобий эди. Қизлар ҳам ўзларидан илоҳа яратувчи бундай муносабатларга жавобан иложи борича илоҳалардек бўлишга интилардилар. Касатский аёлларга шунақа назар билан ёндашар ва ўзининг қаллиғига ҳам шундай нигоҳ билан қараётганди. Бу дамда у бениҳоя ошиқ эди ва маъшуқасига тирноқча ҳам ғайирликни ҳис қилмай, етиб бўлмас юлдузга қўл чўзгандек бутун вужуди билан унга талпинарди.

У барваста қоматини намойиш этиб ўрнидан кўзғолди ва иккала қўли билан қиличига таянганча қизнинг қаршисида ғоз турди.

– Мен айна дамда инсонга насиб этиши мумкин бўлган бахтни ҳис қилаяпман. Буни сиз, ҳа, сиз... – деди у журъатсизгина жилмайиб, – ҳадя этдингиз.

У бу пайтда “сен”лаб гапиришга одатланмаган эди, бироқ қизга ахлоқан пастдан туриб қараганда, “сен”сираб мурожаат қилиш мазкур фариштага нисбатан кўрқинчли туюларди.

– Мен ўзимни...– кутилмаганда йигит дадиллашди, – сен туфайли англадим, англадимки, мен ўзимни билганимдан афзалроқ эканман.

– Мен буни аллақачон биламан. Айнан шулар учун сизни севдим.

Шу атрофда булбул чаҳ-чаҳлаб сайрай бошлади, туйкус эсган шабада ҳарир япроқни титратиб ўтди.

У қизнинг қўлини олди ва уни ўпди, кўзларига ёш қалқди. Қиз тушундики, севишини тан олиб айтган сўзи учун йигит миннатдорчилик билдирмоқда. Йигит нарироқ кетди, жим бўлди, кейин қайтиб келди ва ўтирди.

– Биласизми, биласанми, ҳа, ҳаммаси барибир. Мен сенга беғараз яқинлашдим, мен юқори давралар би-

лан муносабат ўрнатмоқчийдим, кейинчалик... Сени билгач, бу ҳол сен билан тенглаштирганда ҳеч нарса бўлиб қолди. Бунинг учун мендан хафа бўлмайсанми?

Қиз жавоб бермади, фақат унинг қўлини ушлади.

Йигит тушундики, бу билан "Йўқ, хафа бўлмайман" демоқчи.

– Ҳа, мана, сен айтдинг... – йигит сўзини йўқотиб қўйди, бу ўзига анча ноқулай туюлди, – сен мени севишингни айтдинг, лекин мени маъзур тут, мен ишонаман, бироқ бундан ташқари нимадир сени безовта қилаяпти ва халақит бераяпти. У нима?

"Ҳа, ҳозир ёки ҳеч қачон, – ўйлади қиз. – Барибир у билади. Энди эса у кета олмайди. Оҳ, агар у кетиб қолса-чи, бу даҳшат бўлади!"

Қиз севгига тўла нигоҳлари билан ошиқнинг кўркам, бақувват қоматига назар ташлади. Айни дамда уни Николайдан қаттиқроқ севиб кетди, агар императорлиги бўлмаганда уни бунга алмаштирмасди.

– Биласизми, мен ёлғон гапира олмайман. Мен ҳаммасини айтишим лозим. Сиз, у нима деб сўраяпсиз. Бу шуки, мен бировни севар эдим.

У ялинчоқ ҳаракат билан йигитнинг қўлига қўлини қўйди.

Йигит жим эди.

– Кимни севганимни билишни истайсизми? Ҳа, уни, шоҳни.

– Ҳаммамиз уни севамиз, мен тасаввур қиламанки, сизлар институтда...

– Йўқ, кейин. Бу шунчаки ҳавас эди, сўнгра ўтиб кетди. Мен шуни айтиб қўйишим керак эди.

– Хўш, нима қилибди шундай бўлса?

– Йўқ, бу шунчаки эмас.

Қиз қўллари билан юзини ёпди.

– Нима, сиз унга таслим бўлганмисиз?

Қиздан сас-садо чиқмади.

– Маъшуқасимисиз?

Қиз ҳамон жим.

Йигит ирғиб ўрнидан турди, мурдадек оқариб кетган, ёноқлари пир-пир учар, қизнинг қаршисида тош қотган эди. Шу зум Николай Павлович уни Невскийда учратиб қолганида, эркалатиб табриклагани ёдига тушди.

– Эй худойим, нима қилиб қўйдим, Стива!

– Тегманг, тегманг менга. Оҳ, қандай азоб!

Йигит қайрилди-да, уйига томон кетди. Уйда она-сига дуч келди.

– Нима бўлди, князь? Мен... – она ўғлининг башарисини кўриб, мум тишлаб қолди.

– Сиз билгансиз буни ва мендан яширмоқчи бўлгансиз. Агар аёл бўлмаганингизда, – босиқ қичқириб деди у онасининг боши ўзра тўқмоқдек муштини кутариб, сўнг шарт бурилди-да, югуриб чиқиб кетди.

Агар унинг қаллиғини бошқа мардум бир киши йўлдан урганида, уни ўлдирган бўларди, бу эса кимсан – олампаноҳ.

Эртаси кун касаллигини баҳона қилиб, таътилга чиқди, бутунлай истеъфо берди ва ҳеч кимни кўрмаслик учун қишлоққа кетди

Ёзни ўз ишлари билан машғул бўлиб қишлоқда ўтказди. Ёз тугагач, Петербургга қайтмади, балки монастирга борди ва роҳибликни қабул қилди.

Онаси унинг бу қатъий қароридан қайтаришга уриниб, хатлар ёзди. У жавоб бердики, Худонинг иродаси ҳамма нарсадан юқоридир ва у шуни ҳис қилапти. Фақат акаси сингари мағрур ва иззатталаб синглисигина уни тўғри тушинди.

Сингилнинг тушингани шуки, ўзларининг юқорилигини кўрсатиб қўймоқчи бўлганларга акаси ўзининг улардан қанчалик баланд эканини кўрсатиш учун роҳибликни танлаган. Ҳақиқатан ҳам шун-

дай бўлган эди. Роҳибликни қабул қилиб, вақтида бошқалар учун жуда муҳим бўлган нарсалардан нафратланишини исботлади, эндиликда шундай юқори даражага кўтарилдики, у ердан туриб, бир пайтлар ҳавас қилган одамларига бемалол қараши мумкин бўлди. Синглиси Варенка ўйлаганидек, акаси фақат битта туйғунинг асири бўлиб қолмаганди. Унда яна бошқа бир асрор, ҳақиқий диний туйғу бор эдики, буни Варенка била олмасди, бу диний туйғу фахр ҳисси ва биринчилик хоҳиши билан чатишиб кетиб, унинг онгу шуурига ҳукмронлик қиларди. Унинг фаришта деб тасаввур қилган Мэри (келин) га нисбатан ғазаб ва таҳқир туйғуси шунчалик кучли эдики, уни умидсизлик гирдобига ғарқ этди, умидсизлик қаерга олиб борарди? – нажот учун Худонинг ҳузурига, бузилмаган вужудида ҳамон бокиралигини йўқотмай сақлаб келаётган маъсум болалилигига олиб келди.

3

Касатский биринчи қор муносабати билан ибодат куни монастирға қадам қўйди.

Монастир бошлиғи (игумен) дворян, олим, ёзувчи, сайлаб қўйилган раҳбар ва устозга сўзсиз бўйсунадиган, Валахиядан чиққан роҳиблар авлодидан бўлган қария (кекса роҳиб) эди. Игумен таниқли қария Амвросийнинг шогирди эди, Амвросий Макарийнинг шогирди эди, Макарий қария Леониднинг шогирди эди, Леонид Паисий Величковскийнинг шогирди эди. Касатский ана шу игуменга ўзининг қария устозига бўйсунгандек бўйсунар эди.

Касатский монастирда бажарадиган барча юмушларида бўлгани каби ўзининг бошқалардан тафаккур ҳисси юксаклигини сездди. Ҳам ботиний, ҳам зоҳирий баркамолликка эришганлик севинчи унга монастир-

да ҳам ёр бўлди. Полкда нафақат бекамикўст зобит бўлганди, балки талаб этилганидан кўпроқ нарсага эришиб, мукаммаллик кўламини кенгайтирганди, монахликда ҳам шундай бўлишга интилди: ҳамма вақт меҳнатчан, тамизли, муросасоз, ювош, фақат ишда эмас, тафаккурда ҳам тоза ва бўйсунувчан. Айниқса, ундаги сўнгги фазилат, аниқроғи, мукаммаллик унинг ҳаётини енгиллаштирди. Монастирнинг пойтахт ёки кўп кишилиқ шаҳар ҳаётига ўхшаб кетадиган талаблари инжиқлиги билан васвасага солиб, унга ёқмай қолган вақтларда буларнинг ҳаммасини мўмин-қобиллик билан енгди: “муҳокама қилиш менинг вазифамга кирмайди, балки итоат этишни жойига қўйишдир, жаноза пайтида тобут ёнида туриш, ибодат қилувчилар қаторида қироат қилиш ёки мусофирхонада ҳисоб-китоб олиб бориш бўладими, фарқи йўқ”. Устозида у ёки бу нарсадан ҳар қандай даражада шубҳаланиш пайдо бўлишини шу мўминлиги билан бартараф этиб борди. Мутеълик бўлмаганида черков хизматининг узлуксизлиги ва бир хиллиги, мухлисларнинг ҳовлиқмалиги, биродарларнинг ахлоқона қилиқлари остида эзилиб кетган бўларди; энди эса буларнинг ҳаммаси қувончли туюлмоқда, ҳатто ҳаётида мамнунлик ва куч-қувват касб этмоқда эди. “Бир кунда бир оятни бир неча марта эшитиш нима учун кераклигини билмайман-у, бироқ шу нарса кераклигини биламан. Кераклигини билгач эса ундан қониқиш ҳис этаман”. Қария унга ҳаётни тутиб туриш учун моддий озуқа қанчалик лозим бўлса, руҳий ҳаётни ушлаб туриш учун руҳий озуқа – черков ибодати шунчалик лозимлигини уқтирганди. У бунга ишонди, ҳақиқатан, черков амалиёти, баъзан эрта-лаб туришга қийналса ҳам, унга ёқимли фароғат ва қувонч бахш этарди. Қария тавсия этган амаллар сабр ҳаловати ва қатъийлиги билан шодлик бағишларди.

Ҳаётга қизиқиш ўз иродасини яна ва яна намойиш этиш, яна ва яна сабр-бардош билангина эмас, балки дастлабки вақтларда жуда жўн, осонгина эгаллаш мумкиндек туюлган жами насронийча эзгуликлар, қадриятлар туфайли ҳам экан. У бутун борлиғини монастирга топширди ва бундан ранжимади, унда заррача ялқовлик йўқ эди. Ибтидоий нарсаларга тоқат қилиш унга қийин бўлмади, аксинча, қувонч ҳада этди. Ҳатто шаҳватдек туғённи енгиш хасислик ёки бузуқчиликдан қутулиш каби осон кечди. Қария уни бу балодан алоҳида отоҳлантирганди, бироқ Касатский ундан тез халос бўлганига шодланди.

Уни фақат қайлиғи ҳақидаги хотиралар қийнар эди. Фақат хотиралар эмас, рўй бериб қолиши мумкин бўлган жонли тасаввур – беҳос дуч келиб қолиш уни хавотирга соларди. Беихтиёр уни шоҳнинг ҳамма танийдиган жазманларидан бири, кейинчалик бошқа эрга теккан ва қойилмақом хотин бўлиб, оиланинг онахонига айланган аёл тарзида тасаввур қилди. Эри яхши мансабда, ҳокимият, ҳурматга мушарраф, яна қуллуқ қилиб турадиган хотин бор.

Хуш дақиқаларда Касатскийни бу фикрлар хижолатга солмасди. Шодон дамларда буларни эсласа, ўша васвасалардан қутулгани учун шукур қиларди. Гоҳо шундай ҳам бўлардики, яъни яшаган кунлари қаршисида кўндаланг келса, шу дамларни бошдан кечирганига ишонгиси келмас, бироқ ишонгиси келмаган нарсаларни кўриб турарди, хотиралар ва – сўз юритиш ҳам даҳшат – пушаймонлик унинг бутун борлиғини қамраб оларди.

Бундай ҳолатдан қутулишнинг йўли итоат этмоқ бўларди – иш ва кун бўйи ибодат билан машғуллик. У, одатдагидек, ибодат амалларини бажарар, тавба-тазарру қилар, ҳатто керагидан ортиқча чўқинарди, бироқ бу амалларда фақат вужуди иштирок этар, қалб

эса четда эди. Шуни сезиб қолса, қаттиқ қийналарди. Бу бир кун давом этар, баъзан икки кун ва сўнг ўзи ўтиб кетарди. Лекин ўша бир ё икки кун даҳшат бўлади. Касатский сездики, у на ўзининг, на Худонинг амрида, балки бошқа бир кучнинг ихтиёрида. Шу кунларда нима айтилган бўлса, ҳаммасини бажарди, вақтлар учрадики, қария маҳкам қотишни, ҳеч тадбир қўлламай, фақат кутиш лозимлигини маслаҳат бериб турди. Умуман, шу давр мобайнида ўзининг хоҳиши билан яшамеди, балки қариянинг иродасига бўйсунди, билъакс, шу мутеъликда алоҳида хотиржамлик бор эди.

Шу тариқа Касатский биринчи қадам қўйган монастирида етти йил яшади. Учинчи йилнинг охирида поп мартабасидаги роҳиб ҳузурида Сергей номи билан соч кузаш бўлди. Соч кузаш Сергей учун муҳим ботиний воқеага айланди. У олдин таранганда ёқимли ҳаловат ва руҳий кўтарилишни ҳис этарди; энди ибодат қилувчиларга бош бўлиб, амалларни бажарар экан, бу унга улуғворлик, раҳимдиллик ва дилраболик ҳиссини бахш этди. Аммо, на чора, биринчи марта кечирган бундай кўтаринки кайфияти амаллар такрорланавергач, яна ва яна ўтмаслашиб борди ва сездики, бу ҳам ўткинчи экан. Ҳақиқатан, ҳиссиётлар заифлашиб борди, бироқ кўникма сақланиб қолди.

Умуман, Сергейнинг монастирдаги еттинчи йилги ҳаёти зерикарли кечди. Нимани ўрганиш лозим бўлса, нимага эришиш шарт бўлса, у эришиб улгурган ва қиладиган бошқа иши қолмаганга ўхшарди.

Лекин барибир вазиятга тобеъланиш, боғланиш ҳолати кучайди. Шу йилларда онасининг вафоти ва Мэрининг турмушга чиққанлиги ҳақидаги хабарларни эшитди. Иккала янгиликни ҳам у лоқайд қабул қилди. Унинг ҳамма эътибори, жами қизиқишлари ўзининг ички оламига бўйсундирилганди.

Роҳиблигининг тўртинчи йилида архиерей алоҳида илтифот кўрсатди, қария айтдики, агар уни юқори вазифага тайинламоқчи бўлсалар, рад этмасин. Шунда роҳибларга хос шуҳратпарастлик бош кўтарди – бу нарса уларда даҳшатли тарзда мавжуд эди.

Уни пойтахтга яқин жойдаги монастирга тайинладилар. У рад этмоқчи бўлди, аммо қария таклифни қабул қилишни сўради. У таклифни қабул қилди, қария билан хайрлашди ва янги монастирга ўтди.

Пойтахтдаги монастирга ўтиши Сергийнинг ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу жойда турли ташвишлар кўп эди ва Сергий бор кучини шу фаолиятга йўналтирди.

Олдинги монастирда аёлларнинг йўлдан оздирадиган қилиқлари Сергийни кам қийнаганди, бу жойда эса бундай навозишлар даҳшатли кучга айланди ва шунгача етиб бордики, бу ҳол билан ҳазиллашиб бўлмасди.

Ўзининг номақбул қилиқлари билан танилган бир бой хотин бўларди, шу Сергийга хушомад қила бошлади. Аёл у билан гаплашди ва хонадонига ташриф буюришини сўради. Сергий буни қатъий рад этди-ю, бироқ хоҳишларининг рўёга чиқаётганидан, бош кўтараётганидан ваҳимага тушди. У шунчалик кўрқдики, уятни ҳам енгиб, ўз заифлигини тан олди, бу ҳақда қарияга хат ёзиб, жойини қисқартиришини ва ўзининг ёш муридини инсофга чақиришини ҳамда тоат-ибодат ва сомеъликдан бошқа юмуш билан шуғулланмаслигини кузатиб боришини сўради.

Бундан ташқари, энг катта ташвиш шундан иборат бўлдики, ушбу монастирнинг игумени руҳоний, димоғдорлик касб этган оқсуяк, олғир одам бўлиб, бутунлай Сергийга хайрихоҳ эмасди. Сергий ўзи билан қанча курашмасин, бу совуқ муносабатни енга олма-

ди. У муроса қилди, бироқ қалбининг тўрида норози-лик бор эди. Ва ўша аҳмоқона туйғу жунбушга келди.

Бу янги монастирга келганининг иккинчи йили-да рўй берди. Воқеа шундай содир бўлди. Биринчи қор ибодати тунбўйи катта черковда бўлиб ўтди. Четдан келган халқ ҳам кўп эди. Маросимни игуменнинг ўзи бошқарди. Сергей ота одатдаги жойида турар ва сажда қиларди, ўзи хизматда бўлмаган ва хусусан катта черковдаги ибодатлар пайтидаги курашчан ҳолатда эди. Кураш шундан иборат эдики, ташриф буюрганлар, мансабдорлар, айниқса, хонимлар унинг жаҳлини чиқаришганди. У ҳеч кимга назар солишни, уларнинг ярамас қилиқларини: одамларни туртиб, аскар қандай тартиб ўрнатаёпти, аёллар роҳибларни, инчунун, яхши таниш бўлиб қолган хушрўй роҳибни – уни бир-бирларига қандай кўрсатишяёпти, билишни хоҳламасди. У ўзини бўғаетган хаёлларидан қочиб, иконастасдаги шамларнинг шуъласидан, иконалар ва хизматчилардан бошқа нарсаларни кўрмасликка; куйлаётганлар овозини-ю, ибодат сўзларидан бошқа нарсани эшитмасликка; аллақачон қалбининг эҳтиёжига айланган ибодат оятларини қайта-қайта эшитавериш ва ботинида такрорлайвериш пайдо бўлган ўз-ўзини унутиш туйғусидан бошқа ҳисси кечирмасликка интиларди.

У шу ҳолда турди, рукуга борди, қаерга лозим бўлса, ўша жойга чўқинди, фикр ва ҳиссиётларни тошдек қотирадиган тарзда мулоҳаза юритиб, ботинида курашди. Шу чоқ либосбардор Никодим ота, – у ҳам Сергей отага тақдирнинг катта синови бўлди, Никодим беихтиёр игуменга содиқ ва тарафдорлигини сездириб қўйганди, – яқинлашди-да, икки карра чуқур таъзим этиб, уни меҳробда игумен чақираётганини маълум қилди. Сергей ота ридосининг этагидан тортиб тўғрилади, кепчигини кийди ва издиҳом орасидан одимлаб кетди.

– Лиза, ўнгга қара, бу ўша, – аёлнинг французча гапиргани эшитилди.

– Қани, қани? У унчалик хушрўй эмас-ку, – жавоб бўлди французчалаб.

У билдики, бу сўзлар ўзи ҳақида айтилаяпти. У эшитди ва бир дақиқа шуурида залолат ғулу қилди, сўнг дарҳол истиғфор келтирди: “Бизни залолатдан Ўзинг халос эт, Тангрим!”, – бошини эгиб ва нигоҳини ердан олмай, минбар ёнидан юриб ўтди, бу пайтда иконостасга яқинлашиб қолган гўянда маддоҳларни айланиб ўтиб, шимолий эшикка кирди. Меҳробга қадам қўйгач, тартиб бўйича, икона қаршисида икки бор букилиб руку қилди, кейин бошини кўтарди ва игумен тарафга қаради, турганлар қаторида ялтираб порлаган қоматга ўгирилиб қараб ўтирмай, кўз қирини ташлади, холос.

Игумен ибодат кийимида деворга қапишиб, калта, думбоқ қўлларини семиз гавдасига осилган тўнидан чиқариб ва қорни устига чалкаштирганча, тўнининг уқасини силаб, оғзи қулоғида, вензил ва акселбантлари осилиб турган генерал либосидаги кибор ҳарбий билан гаплашиб турарди, уни Сергей одатдаги ҳарбийча назар билан тез кўздан ўтказди. Генерал улар полкининг собиқ қўмондони эди. Шубҳасиз, у айна пайтда яхшигина мавқега эга эди, чамаси, Сергей ота буни тезда пайқади, тақир бошли игумен ҳам буни биларди чоғи, мамнунлигидан қипқизил бўғриққан юзи ялтирарди. Бу Сергей отанинг иззат-нафсига тегиб, жаҳдини чиқарди, бу кайфияти Сергей отага зарур бўлмаса-да, генерал уни эслаб қолганида, унинг кўнглини таскин топтириш учун ўзининг собиқ ходимини унга кўрсатиш мақсадида чақирганини игумендан эшитиб, баттар фиғони чиқди ва буни яшириб ўтирмади.

– Сизни фаришта тимсолида кўрганимдан жуда мамнунман, – деди генерал қўлини узатар экан, – умид қиламанки, сиз қадрдон хизматдошингизни унутмаганиз.

Игуменнинг генералнинг лутфини тасдиқлаётгандек туюлувчи оқ толалар қуршовидаги қизил ва кулиб турган рухсори, генералнинг димоғдор табас-сум балқиб турган чехраси, оғзидан анқиб турган вино ва чакка соқолидан уфураётган сигара ҳиди – буларнинг ҳаммаси Сергей отанинг зардасини қайнатиб юборди. У игуменга яна бир таъзим қилиб, деди:

– Сизнинг хоҳишингиз мени чорлашга изн бердими? – У бутун юз-андоми ва туриш-турмуши билан бир сўроқни такрорлаб қотиб турарди: нега?

Игумен деди:

– Шунчаки, генерал билан юз кўришиш.

– Эътиборингиз учун, мен ўзимни ташвишлардан озод этиш илинжида дунёдан юз ўгирганман, – деди у лаблари титраб, ранги оқарганча. – Нега мени улар билан рўбару қиласиз? Худонинг даргоҳида ибодат маҳалида тағин.

Бу зардали гаплар, шубҳасиз, бошлиққа ёқмади.

– Бор, бор, – деди ғижиниб ва қовоқ солиб игумен.

Эртасига Сергей ота ўзининг дағаллиги учун игумен ва биродарлардан узр сўради, шу билан бирга, бир тунни ибодат билан ўтказгач, қарор қилдики, бу монастырни тарк этиши ва бу ҳақда қарияга хат ёзиб, яна ўзининг монастырига қайтаришини илтимос қилиши керак. У бир ўзи ташвишларга қарши курашишда қариянинг ёрдамисиз ожизлик қилаётганини, бу юмуш қўлидан келмаётганини очиқ ёзди. Мағрурлигидан орттирган ташвишидан пушаймонлигини билдирди. Кейинги почта билан жавоб келди ва унда қария ҳаммасига сабаб кибр эканини айтганди. Қария ундаги ғазабнинг ўт олиши руҳоний

қадриятларга Худони таниш учун эмас, балки ўзининг мағрурлиги учун бўйсунганини ва бундай ибодатнинг ҳеч қандай нафи бўлмаслигини баён этганди, “афсуски, мен шундайман – ҳеч нарсага зарурат сезмайман”. Шу туфайли у игуменнинг ҳаракатларига чидай олмаган. “Мен ҳаммадан Раббини излайман, менга эса ҳайвонни дуч қилади”. “Агар сен шуҳрат учун Раббингга сажда қилган бўлсанг, такаббур экансан. Сенда ҳамон дунёвий ғурур ўлмаган. Сен ҳақингда ўйладим, бўтам Сергей, сени дуо қилдим ва Яратган менга сен ҳақингда, мана, қандай хабар берди: “бурунгидек яша ва иқтидо айла”.

Айни пайтда маълум бўлдики, овлоқ жойдаги кичкина монастыр – скитда зоҳид Илларион омонатини топширибди. У ўша жойда ўн саккиз йил яшади. Тамбин игумени мендан ўша жойда яшашни хоҳлайдиган биродарлардан борми, деб сўради. Шу пайтда сенинг хатинг келиб қолди. Сен Тамбин монастыридаги Пансий ота ҳузурига бор, мен ҳам унга хат ёзаман, сен Илларион ҳужрасини эгаллашни сўра. Билмадим, Илларион ўрнини боса оласанми, йўқми, бироқ сенга ғурурингни жиловлаш учун ёлғизлик лозим. Сени Худо қўлласин”.

Сергей қариянинг фикрларига қўшилди, хатни игуменга кўрсатди ва унинг розилиги билан ўз ҳужрасини ва монастыргга тегишли бошқа ашёларини топшириб, Тамбин биёбонига йўл олди.

Тамбин биёбонида савдогарлардан чиққан бинойидек хўжайин – нозир Сергейни жўнгина ва осойишта кутиб олди ва Илларионнинг ҳужрасига жойлаштирди, бошида маҳрам бериб, кейин эса ўзининг хоҳишига кўра уни ёлғиз қолдирди. Хужра тоғдан қавланган ғорда эди. Унда Илларион яшаган ва шу жойда дафн этилганди. Ғорнинг орқа бўлмасида Илларион кўмилган, юзада эса сомон тиқилган матрас

тўшалган хонтахта, курси, иконалар тахланган жавон ва китоблар бор эди. Жавон ташқи эшикка тақалиб турарди; токчага ҳар куни бир марта роҳиб монастырдан келтирган овқатни қўйиб кетарди.

Шундай қилиб, Сергей ота зоҳидга айланди.

4

Сергий тарки дунё қилганининг олтинчи йили масленица кунларидан бирида қўшни шаҳарда ўзига тўқ бой оилалардан эркак ва аёллар жам бўлиб, қуймоқ ва вино зиёфатидан сўнг тройкаларда сайрга чиқишди. Тўда икки оқловчи, бир бой заминдор, зобит ва тўрт аёлдан иборат эди. Аёлларнинг бири зобитнинг хотини, бошқаси – заминдорники, учинчиси заминдорнинг синглиси қиз бола, тўртинчиси эса эридан ажралган, сулув, бой ва шаҳарни ўзининг антиқа қилиқлари билан лол қолдириб юрувчи сатанг эди.

Ҳаво ёқимли, йўл худди тахтадек текис. Шаҳардан ўн чақиримлар чиқишгач, тўхтадилар ва қайси томонга юриш ҳақида маслаҳатни бошладилар: орқагами ёки олдингами?

– Бу йўл қаерга олиб боради? – сўради сулув бева аёл Маковкина.

– Тамбинога, бу ердан ўн икки чақирим, – деди унга илакишиб қолган оқловчи.

– Ҳўш, ундан кейин-чи?

– Ундан кейин монастыр орқали Л. га.

– Сергей ота яшаётган жойгами?

– Ҳа.

– Касатскийми? Ўша биёбон барноси-да?

– Ҳа.

– Хонимлар! Жаноблар! Касатскийни кўрамиз. Тамбинода дам оламиз, овқатланамиз.

– Лекин биз уйда тунаш учун қайтишга улгурмай-миз.

– Ҳечқиси йўқ. Касатскийнинг меҳмони бўламиз.

– Айтганча, у ерда монастиргга қарашли жуда яхши меҳмонхона бор. Мен Махинани ҳимоя қилгани келганимда бўлганман.

– Йўқ, мен Касатскийникида тунаб қоламан.

– Бу осмон узилиб тушганда ҳам мумкин эмас.

– Мумкин эмас? Гаров бойлашаман.

– Бўлади. Агар сиз тунаб қолсангиз, мен нима хоҳласангиз, бажараман.

– Шароитга қараб, – деди французчалаб.

– Сиз ҳамми?

– Ҳа-да. Кетдик.

Аравакашларга шаробларни кўтартирдилар. Ўзлари бўғирсоқ, шароб, қандолат қутиларини олдилар. Аёллар оқ мўйнали пўстинларига ўранишди. Аравакашлар ким биринчи юриши устида бир оз тортишиб турдилар, ёш бири елкаси оша чапани йигитларча қараб, узун қамчин дастасини силкитди-да, қийқириб юборди, – ва кўнғироқчалар жиринглаб, кўчқораклар фижирлаганча тўда йўлга тушди.

Шатакчи отлар қуюшқон иплари билан сағринлари оша боғланган, қалтираб, чайқалиб турган араваларни роҳатбахш бир тарзда текис ва равон тортиб кетдилар. Эрта баҳорги текис, лой излар киприк қоққунча ортда қоларди. Аравакаш тизгинни шўхчан силкитар, оқловчи ва зобит юзма-юз ўтирволиб, қўшнилари Маковкина билан нималарнидир вайсашар, лекин аёлнинг ўзи пўстинига маҳкам ўранганча қимирламай ўтирар ва ўйларди: “Ҳаммаси бир гўр буларнинг, ҳаммаси ярамас: вино ва тамаки ҳиди уриб қолган қизил, йилтиллаган башаралар, ўша сўзлар, ўша хаёллар, бари ўзларининг ярамаслиги атрофида

айланиб юришади. Уларнинг барчаси мамнун ва шундай бўлиши кераклигига ва ўлгунча шундай яшашларига ишончлари комил. Мен бундай бўла олмайман. Менга бунақа ҳаётнинг қизиғи йўқ. Мен шундай нарсани хоҳлайманки, буларнинг ҳаммаси остин-устин, тескари бўлиб кетсин. Ҳа, ҳеч бўлмаганда Саратовдагидек, борган эканмиз-у, қотган эканмиз-да. Эҳ, бизникилар нималар қилишмаганди? Ўзларини қандай тутишганди? Ҳа, эҳтимол, уятлидир. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора эди. Ҳа, мен ҳам ўзимни ёмон тутгандим. Мен, ҳар эҳтимолга қарши, яхшиман. Буни улар ҳам билишади-ку. Ҳа, анов роҳиб-чи? Наҳотки, у буни ҳалиям тушунмаса? Бўлмаган гап. Бу нарсаларни улар жуда тушунишади. Худди кузда ҳалиги кадет билан... У қандай аҳмоқ бўлганди."

- Иван Николаевич! – деди у.
- Буюрсинлар?
- Унинг ёши нечада?
- Кимнинг?
- Касатскийнинг.
- Қирқдан ошиб қолди-ёв.
- Нима бўлади, у ҳаммани қабул қиладими?
- Ҳаммани, бироқ ҳамма вақт эмас.
- Оёғимни ёпиб қўйинг. Бундай эмас, қанақа уқувсизсиз! Ҳа, яна, яна, ана шундай. Менинг оёқларимни босиш мумкин эмас.

Шундай ҳангомалар билан улар ҳужра жойлашган ўрмонга етдилар.

Маковкина пастга тушди ва уларнинг кетишини хоҳлади. Қолганлар уни кўндирмоқчи бўлишди, лекин Маковкинанинг жаҳли чиқиб, оёқ тираб олди. Шундан сўнг аравалар қайтди, у эса оқ пўстинини ёпинганича сўқмоқ бўйлаб юриб кетди. Оқловчи ерга тушиб, уни кузатганича қолди.

Сергий отанинг узлатда яшаётганига олти йил бўлди. Унинг ёши қирқ тўққизда эди. Ҳаёти машаққатли кечарди. Бу машаққат ибодат ва дуохонликдан эмасди, буларни машаққат ҳам деб бўлмасди, бу машаққат у ҳеч қачон кутмаган ички курашда эди. Курашнинг манбаси иккита эди: шубҳа ва шахвоний ҳирс. Баъзан икки ёв бирдан бош кўтарарди. Унингча, бу бир вақтлар ягона душман бўлган турли-турли икки ёв эди. Қачонки шубҳани ўлдирса, ҳирсни ҳам енгарди. У, улар икки хил шайтон ва уларга қарши турлича курашилади, деб ўйларди.

“Худойим! Худойим! – мушоҳада қиларди у. – Нима учун мени эътиқоддан қисасан? Ҳа, ҳирс, у билан авлиё Антоний ва бошқалар курашди. Эътиқод-чи? Уларда бу бор эди, менда дақиқалар, соатлар, кунлар ўтаяпти ҳамки, ҳамон ундан дарак йўқ. Агар у залолатли бўлса, нега жумла олам, жумла назокат унгадир ва ундан нега қутулмоқ лозим? Нега бу васвасани яратдинг? Васваса? Менинг дунё қувончларидан воз кечганим, нимагадир ҳозирланаётганим, балки у жойда ҳеч нарса йўқдир, шу васваса эмасми? – ўзича гапиришиб туриб, бирдан ваҳимага тушди, ўзини лаънатлади. – Ярамас. Лаънати. Авлиё бўлишни хоҳлайсан-а”, – ўзини қарғай бошлади. Ва ибодатга берилди. У ибодатни бошлар экан, монастирда қандай бўлгани шундоқ кўз олдига келди-қўйди: чепчикда, ридода, улуғвор кўринишда. Бошини ирғаб қўйди. “Йўқ. Бундай эмас. Бу алдов. Лекин ўзимни эмас, Худони эмас, бошқаларни алдаяпман. Мен иззатли одам эмасман, майда, кулгили шахсман”. У ридоси барларини икки томонга очиб, иштони почасидан чиқиб турган ўзининг акашак оёқларига қаради. Ва кулиб юборди.

Кейин барларини кўйиб юбориб, ибодат қилишга, чўқинишга ва дуо ўқишга тутинди. “Наҳот шу тўшак менга тобут бўлади?” – қироат қилди у. Шайтон унга бир нарсани шипшигандек бўлди: “Якка тўшак, бу – тобут. Ёлғон”. У таниш беванинг елкасига ўхшаш нарсани кўргандек бўлди. Бир сесканиб тушди-да, ўқишда давом этди. Қоидани ўқиб бўлиб, Инжилни кўлига олди, тез-тез замзама қилинадиган ва ёддан биладиган жойини очди: “Ишонаман, Раббим, мени имонсизликдан қутқар”. У фикрига қутку солган барча шубҳаларни ортга олиб ташлади. Худди қимирлаб турган тарози палласини тўғрилагандек, ўз эътиқодини тебратаётган пояни маҳкамлади-да, унга яна тегинмаслик, қимирлатиб юбормаслик учун аста узоқлашди. Шубҳалар тарқалди ва у тинчланди. Ўзининг болаликдаги дуоларини такрорлади: “Яратган, ўзинг қўлла, қўлла мени” ва бундан нафақат енгиллашди, балки дили фараҳ ва карамга тўлди. Чўқинди ва бошининг тагига ёзги узун чопонини кўйиб, энсиз тахтадаги пўстакка узанди. Касатский тезда уйкуга кетди. Қуш уйкуси ичида тушига кўнғироқчалар кириб, уларнинг овозини эшитгандек бўлибди. Бироқ булар ҳушидами, тушидами бўлаётганини билмасди. Бирдан эшик тақиллаб, у чўчиб уйғониб кетди. У ўзига ишонмай, бошини кўтарди. Эшик яна тақиллади. Ҳа, энг яқиндаги эшик тақиллар ва аёл овози эшитилмоқда эди.

“Худойим! Наҳотки эртақларда ўқиганимдек, шайтон аёл қиёфасида намоён бўлса... Ҳа, бу аёлинг овози. Ёқимли, латиф ва майин овоз! – У кўксига туфлади. – Йўқ, менга шунақа туюлаяпти, шекилли”, – изтироб билан деди-да, қаршидаги шамдон турган бурчакка томон кетди. У одатдагидек хотиржам одим ташлади. Тиз чўкди, сочлари юзини қоплади ва аллақачон тақир бўлиб қолган

пешанасини нам, совуқ товага босди. Ердан шабада ғир-ғир қиларди.

Бузрук Пимен ота айтган шайтон васвасасидан кутилишга ёрдам берувчи оятни ўқиди. У ўзининг озғин, енгил гавдасини сертомир оёқлари устига тиклади ва яна ўқишни давом эттирмоқчи бўлди, аммо ўқимади, овозни эшитиш учун беихтиёр унга кулоқ тутди. Унда қизиқиш пайдо бўлган, эшитишни хоҳларди. Ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит эди. Томдан бурчакка қўйилган идишга чаккалар томарди. Ҳовлидаги қор туман тагига қолиб кетган. Бирдан дераза олди қитирлади ва баралла овоз янгради – ўша майин, ишвали овоз, бундай овоз фақат кўзга яқин аёлларда бўлиши мумкин. Нотаниш аёл ялинарди:

– Исо ҳақи, ичкарига киритинг...

Жами қон юракка қўйилиб, тўхтаб қолгандек бўлди. Унинг нафаси чиқмасди. "Яратганнинг ўзи ас-расин ва балони даф қилсин..."

– Мен шайтон эмасман... – чамаси кулиб сўз қотди ташқаридаги аёл. – Мен шайтон эмасман, фақат гуноҳга ботган аёлман, йўлдан оздим – алдамаяпман, тўғриси айтаяпман (у куларди), совуқда қотиб қолдим, бошпана беринг...

Касатский юзини ойнага қўйди. Лампадан таралган нур бутун ойнани ёритиб турарди. У кафтлари билан юзининг икки тарафидан қисди ва зеҳн солди. Туман, ғубор, дарахт, мана, ўнг тараф. Аёл. Ҳа, аёл, эгнига жунлари узун пўстин, бошига телпак кийган, нозикдан нозик, самимий, чехраси ҳадикли, ўша жойда, унинг юзидан икки қаричча нарида, унга мўлтайиб қараб турибди. Уларнинг кўзлари тўқнашди ва бир-бирини танишди. Улар бир-бирларини кўрганга ўхшамас эдилар: улар ҳеч қачон бир-бирларини кўрмаганлар, бироқ тўқнашган нигоҳларидан улар (айниқса эркак) сездиларки, улар бир-бирларини

танийдилар, бир-бирларини тушунадилар. Бу нигоҳлардан кейин оддий, самимий, майин, назокатли бу аёлни шайтон деб гумон қилиш мумкин эмасди.

– Кимсиз? Сизга нима керак? – сўради Касатский.

– Очсангиз-чи, – карашма билан деди аёл. – Музлаб қолдим. Сизга айтаяпман, йўлни йўқотиб қўйдим.

– Тушунсангиз-чи, мен роҳибман, художўй одамман.

– Нима бўлибди, очинг. Ибодатингизни тугатгунингизча мен дераза тагида туриб музлайми? Сизга шу керакми?

– Сизни тушуниб бўлмайди...

– Сизни еб қўймайман. Худо ҳақи, эшикни очинг. Жаҳлимни чиқармасангиз-чи!

Аёл қалтираб борарди. У бу сўзларни деярли йиғлагудек бўлиб айтди.

Роҳиб деразадан нари кетди, тоғолча чамбари билан ўралган Исо сиймосига юзланди. “Яратган, менга ёрдам бер, Яратган, менга ёрдам бер”, – чўқиниб ва сажда қилиб, ўзича гапириниб, эшикка яқинлашди, очиб, даҳлизга чиқди. Даҳлизда пайпаслаб лўкидонни топди ва уни суришга уринди. Нариги томондан қадам товушлари эшитилди. Аёл дераза олдидан эшик томонга ўтди. Бирдан “Вой!” деб қичқирди у. Билдики, аёл остона яқинидаги қўлмакка дуч келган. Сергейнинг қўллари қалтирар, лўкидонни ҳадеганда суролмаётган эди.

– Қанақа одамсиз? Рухсат этинг. Мен бутунлай шалаббоман. Музлаб қолдим. Сиз тоат-ибодатингиз билан оворасиз, мен эса музлаб бўлдим.

У эшикни ўзига тортиб, лўкидонни сурди ҳамда таваккалига эшикни ташқарига итарди ва беихтиёр аёлни туртиб юборди.

– Ие, кечирасиз! – деди у ногоҳ, аллақачон унутилган, хонимларга одатдаги мурожаат қилиш оҳангига ўтиб.

Аёл “кечирасиз” сўзини эшитиб, ёйилиб кулди ва ўйлади: “Ҳа, у ҳали унчалик қўрқинчли эмас”.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Сиз мени маъзур тутинг, – деди аёл қиялаб ўтар экан. – Мен ҳеч қачон ўйламагандим. Бироқ эсда қоладиган ажойиб тасодиф.

– Марҳабо, – деди мезбон унга йўл берар экан. Бутунлай эсидан чиққан ўткир атирнинг настарин ҳиди уни довдиратди. Аёл даҳлиздан меҳмонхонага ўтди. У лўкидонни жойига сурмай, ташқи эшикни ёпди-да, меҳмонхонага кирди.

“Ҳазрати Исо Масих, Тангрининг ўғли, мени гуноҳдан сақла, Яратган, мени гуноҳдан сақла”, – фақат ичида эмас, балки ташқарида ҳам лаблари қимирлаб тўхтамасдан ибодат қиларди.

– Марҳабо, – деди у.

Аёл хонанинг ўртасида турар, кийимидан полга сув тушар ва буни жим кузатарди. Унинг кўзлари куларди.

– Мени маъзур тутинг, сизни безовта қилиб қўйдим. Кўраяпсиз-ку, қандай ҳолатдаман. Шундай бўлдики, биз шаҳардан сайрга чиқдик, бир ўзим Воробьёвкадан шаҳаргача етиб бора оламан, деб гаров ўйнадим, аммо йўлни йўқотиб қўйдим. Яхшиямки сизнинг ҳужрангизга етиб олдим, бўлмаса....– ёлғон гапиришни бошлади аёл. Бироқ эркакнинг чехрасига кўзи тушиб, ундан уялиб кетди ва шундан кейин бу тарзда давом эттира олмаслигини билиб, жим бўлди. Уни бу ҳолда кўраман, деб ўйламаганди. Ўйлаганидай хушрўй эмасди-ю, бироқ кўзига ёқимли кўриниб кетди. Оқ оралай бошлаган сочлари ва соқоли, тўғри, ингичка бурни, тик қараб турувчи чақноқ кўзлари аёлни мафтун этди.

Эркак меҳмоннинг ёлғонлаганини кўриб-билиб турарди.

– Ҳа, шундай, – деди у аёл томонга қараб ва нигоҳини ерга тикиб. – Мен бу ёққа ўтаман, сиз эса бема-лол дам олаверинг.

Шундай деб лампочкани ўчирди, шамни ёқди ва унга таъзим қилиб, тўсин ортидаги кулбага чиқди, аёл эса у ёқда роҳиб ниманидир қўзғатиб, ўрнидан сураётганини эшитди. “Эҳтимол, мендан ўзини тўсиб олмоқчидир”, ўйлади кулиб ва оқ ротондасини ташлаб, телпагини ва унинг тагидаги сочларини ўраб турган тўқима рўмолини ечди. Унга ҳеч қандай нам тегмаганди, фақат ичкарига кириш учун шуни ўйлаб чиқарганди. Бироқ эшик олдида ҳақиқатан чуқурчага тушиб кетганди, чап оёғи тўпиғигача нам, ботинкаси ва қўнжли калишига сув тўлган эди. У гиламча билан ёпилган Сергейнинг каравотида ўлтирар, оёқ кийимларини еча бошлаганди. Хужрача унга маъқул тушди. Торгина, эни уч, бўйи тўрт аршинли хона, ҳамма ёғи ёғ тушса ялагудек тоза эди. Хужрада фақат у ўтирган каравот бор эди, ундан юқорида китоблар тўла жавон. Бурчакда минбарча. Эшик ёнидаги қозикларга пўстин ва узун чопон илиғлик. Минбарча тепасидаги тоғолча чамбарда Исо тимсоли ва шамчироқ. Мой, тер ва тупроқнинг ўткир ҳиди анқирди. Буларнинг ҳаммаси унга ёқди. Ҳатто ҳид ҳам.

Нам оёқлари, айниқса, биттаси уни безовта қилар ва шошиб, оғзининг таноби қочганча пойабзалини еча бошлади, унинг қувончи фақат мақсадга эришганидангина эмасди, балки истаганини кўрганидан, шундай жозибадор, ажойиб, ғалати, мафтункор эр-какни васвасага солиб қўйганидан эди. “Ҳа, жавоб бермади, бу қандай кўргулик”, ўзига гапиринди аёл.

– Сергей ота! Сергей ота! Сизни шундай аташ лозимми?

– Сизга нима керак? – савол билан жавоб берди сокин овоз.

– Илтимос, узлатдаги оромингизни бузганим учун мени маъзур тутинг. Бироқ, тўғриси, бундан бошқа йўл тута олмасдим. Оғриб қолишим мумкин эди. Ҳозир эса билмайман. Бутунлай шалаббо бўлганман, оёқларим музга ўхшайди.

– Мени маъзур тутинг, – жавоб берди сокин овоз, – мен ҳеч қандай ёрдам бера олмайман.

– Мен бунинг учун сизни безовта қилмадим. Тонггача чидасам бўлди.

Эркак жавоб қайтармади. Аёл унинг нималарнидир шивирлаётганини эшитди, – ҳар қалай, ибодат қилаётган бўлса керак.

– Сиз бу томонга кириб қолмайсизми? – сўради ишва билан, – Кийимларимни қуритиш учун ечинишим керак-да.

Роҳиб жавоб бермади, бир маромда дуолар ўқишни давом эттирди.

“Ҳа, бу одам...” – ўйлади у сирпанчиқ оёқ кийимини ечишга уриниб. У шунча тортса ҳам ботиғи тушмагур қани ечилса, бу кулгили эди, албатта. У сал эшитарли қилиб ҳиринглади, буни эркак эшитишини ва бу қилиғи унга ўзи кутгандек таъсир қилишини хоҳларди, сўнг ундан баландроқ кулганди, бу қувноқ, табиий ва самимий кулги эркакка энди у орзу қилгандек таъсир этди.

“Ҳа, бундай одамни севса арзийди. Кўзларини айтмайсизми?! Ибодат вақтида ҳар қанча қимтинмасин, содда ва олийжаноб чеҳрасидан нур ёғилиб туради. – ўйлади у. – Биз, аёлларни алдаб бўлмайди. У юзини ойнага олиб келганда мени кўрди-ю, ҳаммасини тушинди, ҳаммасини билди. Ҳиссиётлари кўзларида шуъла бериб, акс этди. У мени севган, соғинган. Ҳа, соғинган.” Охири ботиғини оёғидан чиқариб олди-да, сўнг пайпоғига тутинди. Бу ласдан тикилган узун пайпоқларни ечиш учун

юбкасини кўтариши шарт эди. Бундан уяти қўзғади ва овозини чиқариб айтди:

– Кирманг.

Лекин дераза ортидан ҳеч қанақа жавоб бўлмади. Бир маромдаги қироат ва аллақандай ҳаракат овозлари келиб турарди. “Шубҳасиз, сажда қилаяпти, – ўйлади аёл. – Барибир у эплай олмайди, – ҳукм чиқарди. – Аниқ, мен ҳақимда ўйлаяпти. Худди мен у ҳақида ўйлаганимдек. Оёқларим ҳақида эса ўшатиши туйғу билан хаёл сураяпти”. Аёл ҳўл пайпоқларини ечиб, яланг оёқлари билан тўшакни ғижимлаганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сўнг ўтирди-да, тиззаларини кучоқлаб, ўйга чўмди, бу узоқ чўзилмади. “Ҳа, бу биебон, бу осудалик. Ҳеч ким ҳеч қачон билмаган бўларди...”

У ўрнидан турди, пайпоғини печка яқинига олиб борди-да, мўрига осиб қўйди. Мўри қандайдир ўзига хос эди, уни айлантирди ва кейин яланг оёқ билан енгил қадам ташлаб, каравотга қайтди ва яна оёқларини йиғиб, ўтириб олди. Девор ортида бутунлай жимлик чўкди. Аёл бўйнига осилган жажжи соатга қаради. Икки бўлибди. “Бизникилар учга яқин келиши керак”. Бир соатдан камроқ вақт қолибди.

“Нима бу, бир ўзим бу жойда ўтиравераманми? Бу қанақа ноз бўлди? Ўргилдим нозидан. Ҳозир уни чақираман”.

– Сергей ота! Сергей ота! Сергей Дмитрич. Князь Касатский!

Эшик ортида жимлик.

– Билиб қўйинг, бу шафқатсизлик. Агар менга керак бўлмаганингизда мен сизни чақирмас эдим Мен бетобман. Билмайман, менга нима бўлаяпти. – Изтиробли овозда нолиди аёл. Сўнг войвойлаганча ўзини каравотга ташлади. Даҳшатли ҳолат, аёл ростдан ҳам ўзини шундай сеза бошлаганди – ҳолдан тояпти, ба-

дани зирқияяпти, ҳамма жойи оғрияпти, қаеридадир қалтироқ турган, безгак бор.

– Эшитаяпсизми, менга ёрдам беринг. Менга нима бўлаяпти, билмайман. Вой! Вой! – У тугмаларини ечиб, сийнасини очди, яланғоч билакларини ҳар томонга ташлаб, яна войвойлай кетди.

Бу вақт давомида эркак ўз қазноғида туриб, ибодат қиларди. Барча кечки оятларни хатм қилиб, энди кўзларини бурнининг учига қадаганча қимирламай ўтирар ва кўнглига келган дуоларни такрорлаб, замзама қиларди: “Ҳазрати Исо Масих, Худонинг ўғли, мени сақла”.

Ўзи зикрда бўлса ҳам ҳаммаси қулоғига кириб турарди. Аёлнинг эгнидаги шоҳи либосининг сирпаниши, куйлагини ечиб, яланг оёқлари билан ерга тушгани, қўли билан оёқларини артгани – барчасини эшитиб турарди. У ўзининг заифлигини ҳис этар, исталган дақиқада шарманда бўлишини билиб, ибодатдан тўхтамасди. У эртак қаҳрамони кўз югуртирмай, ҳаммасини ҳис қилиши ва тусмоллаб юриши лозим бўлган ҳолатга ўхшаш туйғуни кечирмоқда эди. Шундай қилиб, Сергей хавф, маҳв бўлиш хавфи шу ерда, шу атрофда эканлигини эшитди, туйди, фақат ундан қутулиш учун аёлга бир дақиқа ҳам назар солмаслик шарт.

Бирданига унга бир қараш истаги пайдо бўлди. Шу дақиқада аёл сўз қотди:

– Менга қаранг, бу қандай инсофсизлик?! Ахир мен ўлиб қолишим мумкин.

“Хўп, мен бораман, худди ўша ривоятдаги ота бир қўлини фоҳишага қўйиб, иккинчисини манқалга куйдиргани каби. Бироқ манқал йўқ”. У бурилди. Жинчиоқ. У бармоғини аланга устига қўйди ва қовоғини солиб олди, анча вақтгача ҳеч нарсани сезмаётгандек туюлди унга. Ҳали бир тўхтамга келмаганди, қанчалар оғриқли бўлишини билиб улгурмади

ҳамки, бирдан афти буришди ва қўлини силкиб, тортиб олди. “Йўқ, мен бундай қила олмайман”.

– Худо ҳақи! Вой, олдимга келинг! Мен ўламан, дод!

“Ростдан ҳам мен ўламанми? Йўқ, бу мумкин эмас”.

– Ҳозир бораман олдингизга, – ғудраниб деди у ва эшигини очди, аёлга қарамасдан ёнидан даҳлизга ўтди, у ерда ўтин ёрар эди, у ўтин ёриладиган ғўла ва деворга суяб қўйилган болтани пайпаслаб топди.

– Ҳозир, – деди у ва болтани ўнг қўлига олиб, чап қўлининг кўрсаткич бармоғини ғўла устига қўйди, сўнг болтани қулочкашлаб, бармоғининг иккинчи бўғинидан пастга қаттиқ зарб туширди. Бармоқ шундай йўғонликдаги ўтиндан ҳам осон қирқилди, аввал дўп этиб ғўланинг четига, бир айланиб ерга тушди.

У оғриқни сезишдан олдин дўп этган овозни эшитди. Бироқ рўй берган воқеадан, оғриқ йўқлигидан ҳайрати тугамай, у зирқироқли ўтқир оғриқни ва оқаётган иссиқ қонни сезишга улгурди. У қирқилган бармоғини чопонининг этагига яширди ва оёқлари орасига қисиб, орқа эшикдан кирди, аёлнинг қаршисига келиб тўхтади-да, кўзини ерга қадаганча аста сўради:

– Сизга нима бўлди?

Аёл чап қовоғи пир-пир учиб, рангида ранг қолмаган башарани кўриб, хижолат тортди. Шарт ўрнидан туриб, пўстинини олди-да, елкасига солиб, унга ўранди.

– Ҳа, оғриққа чидолмадим... шамоллаб қолганман... мен... Сергей ота... мен...

У аёлнинг осуда оромбахш ёлқин порлаб турган кўзига қаради ва деди:

– Жоним синглим, нима учун ўзингнинг мунаввар қалбингни булғашга жазм этдинг? Васвасалар дохил бўлиши лозимдир, бироқ фожиа шундаки, васвасалар

ким орқали дохил бўлади... Истиғфор келтир, Яратган бизни мағфират қилсин.

Аёл унинг сўзларини тинглар экан, у томонга назар солди. Шу топ аллақандай суюқликнинг сирилиб томаётган овози қулоққа чалинди. Қараса, чопон этагига ўралган қўлдан қон сизиб оқаётир.

– Қўлингизни нима қилдингиз? – У қулоғига чалинган овозни эслаб қолди, жинчироқни тутамлаб, даҳлизга югурди ва ерда қонга бўялган бармоқ бўлагини кўрди-ю, ранглари учиб қайтиб келди, кўрганини роҳибга айтмоқчи бўлди; роҳиб эса жимгина қазноққа ўтиб кетди ва эшикни маҳкам ёпиб олди.

– Мени маъзур тутинг, – деди аёл. – Гуноҳимни нима билан ювай?

– Кет.

– Ярангизни боғлаб қўйишга изн беринг.

– Бу ердан йўқол.

Аёл чурқэтмай шошиб кийинди. Пўстинга ўраниб, жим кутиб ўтирди.

Ховлидан жингилдоқлар овози эшитилди.

– Сергей ота. Мени кечиринг.

– Кет. Худо кечиримли.

– Сергей ота. Мен ҳаётимни ўзгартираман. Мени ёлғиз қолдирманг.

– Кет.

– Кечиринг ва мени дуо қилинг.

– Ота ва ўғилнинг муқаддас руҳи номи билан такрорлайман, – деган сўзлар эшитилди тўсин ортидан, – кет.

Аёл уввос тортиб юборди ва хужрадан чиқди. Унга оқловчи пешвоз келарди.

– Ҳа, ютқаздим, на чора. Қаерга ўтирасиз?

– Фарқи йўқ.

У аравага чиқди ва уйга етгунча бир оғиз ҳам гапирмади.

* * *

Бир йилдан кейин аёл роҳибаликка қабул қилишнинг кичик маросимида сочини калта қилиб кесдирди ва бир пайтлар ўзига аҳён-аҳёнда хатлар ёзиб турган зоҳид Арсений раҳбарлигида монастирда узлатнишин ҳаёт тарзини қабул қилди.

6

Таркидунёчиликда Сергей ота яна етти йил яшадди. Бошида Сергей ота ўзига келтирилган кўп нарсани оларди: чой, қанд, оқ нон, сут, кийимлар, ўтин-чўп. Вақт ўтган сайин ўз ҳаётига қатъий талабларни ўрнатиб бориб, барча ортиқча нарсаларни рад этди ва шунгача бордики, фақат ҳафтада бир марта қора нондан бошқа ҳеч нарсани олмайдиган бўлди. Ўзига ҳадя қилинган нарсаларни ҳузурига келган қашшоқларга тарқатишни одат қилди.

Сергий ота бутун вақтини хужрасида ибодат билан ўтказар ёки тобора кўпайиб бораётган зиёратчилар билан суҳбатлашарди. Йилда уч марта заурат бўлиб қолганда сув ёки ўтин учун черковдан ташқарига чиқарди.

Ана шундай ҳаёт тарзининг бешинчи йилида рўй берган Маковкина билан боғлиқ шов-шувли воқеа – унинг тундаги ташрифи, шундан кейин содир бўлган ўзгаришлар, аёлнинг монастирга борганлиги ҳақидаги гап-сўзлар ҳамма ёққа тарқалиб кетганди. Ўшандан бери Сергей отанинг обрўси ошгандан-ошди. Мурид ва мухлисалар кўпайиб борди. Унинг хужраси яқинида эса роҳиблар черков ва меҳмонхона барпо этдилар. Ҳар доим бўлганидек, Сергей отанинг жасорати қўшиб-чатишлар билан бўрттирилиб, узоқ-узоқларга ёйилди. Энди одамлар ўлканинг нариги че-

тидан ҳам келадиган, унинг қудратига сажда қилиб, дардларига шифо топадиган бўлишди.

Бемор билан дастлабки юзлашув зоҳидликдаги ҳаётининг саккизинчи йили рўй берди. Бу шундай муолажа бўлгандики, бир она ўн тўрт яшар боласини олиб келиб, Сергей отадан ўғлига эзиб ички ёзиб беришини сўради. Сергей ота касалларни даволашни ўйлаётгани ҳам йўқ эди. У бунини ўз шаънига катта гуноҳ деб ҳисобларди; бироқ боласини келтирган она тинмай ялинар, оёқларини кучоқлаб, илтижо қиларди, Исо ҳаққи-хурматини ўртага солар, барчага тенг қаранг, деб уни ҳол-жонига қўймасди. Сергей отанинг фақат Худо шифо бериши мумкинлиги ҳақидаги гапига жавобан атига бир марта қўлини тегиришни ва дуо қилишни сўрарди. Барибир Сергей ота кўнмай, хужрасига кириб кетди. Аммо бошқа бир куни (бу кузда эди, аллақачон кечалари совуқ бўлиб қолганди) у сув келтириш учун хужрадан ташқарига чиққанида яна онани кўрди ва ўша илтижони эшитди. Дарҳақиқат, ўғлининг мазаси баттар қочиб, озиб-тўзиб кетганди. Сергей ота қўлида етарли асоси бўлмай, рад этадиган адолатсиз қози ҳақидаги ривоятни эслади ва рад этишида шубҳа сезди, шубҳалангач, дуо қилишни бошлади ва токи кўнглида бир қарор уйғонмагунча ибодатини тўхтатмади. Қарор шу эдики, унинг истагини бажо этиш билан онанинг эътиқоди ўғлини қутқариши мумкинлигига ишонтириш эди; бундай вазиятда Сергей ота ўзини шунчаки восита эмас, балки Худо томонидан ато этилган арзимаган қурол сифатида кўрди.

Бинобарин, онанинг ҳузурига бориб, Сергей ота унинг хоҳишини адо этишга киришди, қўлини боланинг бошига қўйди ва дуо ўқий бошлади.

Она ўғли билан кетди ва бир ойдан кейин бола тузалди, вилоятда эса бузрук Сергейнинг, энди уни

шундай атай бошлашганди, илоҳий шифобахш кучи ҳақидаги мақтовлар тарқалгандан-тарқалди. Шундан сўнг ҳафта ўтмаёқ, Сергей отанинг қабулига касаллар селдай бостириб кела бошлади. Ҳамма нарса бир бошлангунча экан, биттасини қайтармагач, бошқасини ҳам рад этмас, кўп беморларга қўлини қўйиб дуо ўқир, шифо тилар ва шу билан Сергей отанинг шуҳрати узоқ-узоқларга ёйиларди.

Монастирда тўққиз йил, узлатдаги ҳаётининг ўн учинчи йили шундай ўтди. Сергей отага кексалик нуқси урди: соқоли киндигига тушиб, оқ оралади, аммо сийрак сочлари эса қора ва жингалак эди.

7

Сергей ота бир неча ҳафта зилдай бир фикр билан яшади: у фақат ўзининг ихтиёри билан эмас, архи-мандрит ва игумен яратган вазиятга буйсуниб, тўғри қилаяптими? Ҳаммаси ўша ўн тўрт яшар боланинг соғайиб кетишидан бошланди, муттасил муолажалардан сўнг шундан бери ҳар ой, ҳафта, кун сайин Сергей ота ички оламининг таровати вайрон бўлиб бораётганини, ботиний нафосат оҳанраболи ташқи дунё билан алмашганини сезмоқда эди. Унинг аврасини астарга айлантириб қўйишгани аниқ.

Сергей ўзи монастирга мухлис ва ҳомийларни жалб этиш учун жонли қуроли бўлиб қолганини кўриб турарди, шунинг учун монастир раҳбарлари унга яна ҳам фойдалироқ бўлиш шартини тақашди. Масалан, унга меҳнат қилиш имкониятини чеклаб қўйишди. Унга нима лозим бўлса, ҳаммасини муҳайё қилишди, фақат ҳузурига келувчилардан ўз марҳаматини аямасликни талаб этишди. Одамларни қабул қиладиган жойда барча шароитни яратиб беришди. Эркакларга ва ҳузурига ташриф буюрадиган аёлларга бошқалар

топтаб ташламаслиги учун панжара билан тўсиб, келувчиларни дуо қиладиган қабулхона тайёрлашди. Дедиларки, Исонинг муҳаббат ҳақидаги қонунларини ижро этиш йўлида у одамларга лозим экан, одамларни уларнинг хоҳишига кўра кўришни рад этиши мумкин эмас, улардан узоқлашиш шафқатсизлик, у бунга йўл қўя олмайди, бироқ бундай ҳаётга сингиб кетар экан, ботинидаги қувват юзага ургани – рўёга учаётганини, оби ҳаёт манбаи қуриб бораётганини, нима қилаётган бўлса, ҳаммаси Худо йўлида эмас, балки одамлар учун эканлигини сезиб турарди.

У одамларга панд-насиҳат ўқир, шунчаки дуо қилар, касалларга шифо тилар, мардумларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатар, дардига шифо бўлиб ёки маслаҳатлари билан ёрдам берган кишилардан миннатдорчилик сўзларини қабул қилар экан, унинг шодланмаслиги, ўз фаолиятининг самарасидан таскин олмаслиги, унинг Тангрининг бандаларига таъсиридан хурсанд бўлмаслиги мумкин эмасди. У ўзини ёнаётган шам деб ўйлар, бинобарин, буни қанчалик тўла ҳис этиб борган сари тийнатида мужассам илоҳий ҳақиқат нурининг заифлашиб, сўниб бораётганини ҳам ҳис қиларди. "Мен бажараётган амаллар қанчалик Тангри йўлида ва қанчалик одамлар учун?" – мана уни доимо фақат жавоб қайтаришда эмас, ўзига ҳисоб беришда ҳам қийнаётган савол. У қалбининг тўрида иблис унинг Худо йўлидаги фаолиятини одамлар хизматига буриб юборганини ҳис қиларди, буни шундан ҳам ҳис этардики, уни ёлғизликдан маҳрум айлаганларидан сўнг унга ўзи билан ёлғиз қолиш қийин кечадиган бўлиб қолди. У ташриф буюрувчиларга интиларди, бинобарин, улардан толиқарди, бироқ, не ажабки, ўзини қуршаб олган ўша издиҳомдан, ҳамду саною олқишлардан ич-ичидан хурсанд бўларди.

Ҳатто қочиб кетишни, яширинишни мўлжаллаган пайтлари ҳам бўлди. У буларнинг ҳаммасини қандай амалга оширишни хаёлида пухталаб ҳам олди. Ўзига эркаклар кўйлаги, бошмоқ, чакмон ва телпак ҳозирлади. Қизиққанларга бу ашёлар сўраб келганларга асқатишини маълум қилди. У бу либосларни қандай кийиши, сочини олдириши ва чиқиб кетишини хаёлидан ўтказганча ўзида сақлади. Дастлаб поездда кетади, уч юз верст йўл юргач, тушиб қолади ва қишлоқлар оралаб санғийди. Кекса аскардан қаерларда юриш мумкин, қандай садақа қилишади, қай йўсинда бошпана беришади, – ҳаммасини сўраб олди. Аскар қаерда ва қандай яхши садақа қилишларини, бошпана беришларини айтиб берди ва Сергей отага йўл тутиш маромини тушинтирди. Бир сафар кечаси ҳатто либосларни кийиб, кетмоқчи бўлди ҳам, бироқ нима қилса яхши бўлишини: қолишми ёки қочишми эканини аниқ билмади. Дастлаб у аросатда қолди, кейин аросат ўтиб кетди. Барибир у иблисга мутеъ бўлди ва бош эгди, эркаклар либоси унга шайтоннинг фикри ва туғёни бўлиб туюлди.

Кундан-кун унинг ҳузурига одамлар кўплаб келар, унга эса руҳий покланиш ва ибодат қилишга кам вақт қоларди. Баъзан, нурафшон дақиқаларда, бир нав хаёл қиларди: у шундай жойни ихтиёр этдики, олдин бу жойда чашма бўлганди. “Мендан тинчгина оқаётган, мен орқали оқаётган булоқ сувининг заифгина чашмаси бор эди. Ўша чинакам тунда “аёл” (у ўша кечани ва аёлни – энди у Агния она – ҳаяжон билан эсларди) уни туғёнга келтирди. У ана шу тоза сувга таъм қўшди. Шундан бери ташна одамлар келади, бир-бирини туртиб-суртиб унга интилади. Булоқ эса тўлишга улгурмайди, улар ҳаммасини сўриб олишди, фақат балчиқ қолди”. У камдан-кам бўладиган ойдин тафаккур лаҳзаларида шу хилда хаёл қиларди;

унинг доимий аҳволи эса толиқиш ва шу толиқиш қаршисида ўзини ғамбода чоғлаш эди.

* * *

Фасли баҳор, пасха ва троица ўртаси – преполовения байрами арафаси эди. Сергей ота ўзининг гордаги черковида тунбўйи ибодатини адо этди. Со­меълар йигирма чоғли, қанча сиғса, шунча одам эди. Катта жаноблар ва савдогар бойлар. Унга беркитилган роҳиб ҳар куни монастирдан унинг чилла жойига юбориладиган, навбатчи саралаган барчага рухсат этди. Саксон нафар маконсизлар, асосан, хотинлардан иборат одамлар тўдаси Сергей отанинг чиқиши ва ибодат қилишини кутиб, ташқарига интилдилар. Сергей ота ибодат қилди, у ўзининг ўтмишдоши (Илларион)нинг марқадига оят ўқиб чиқди-да, кутилмаганда тойиб кетди ва агар орқасида турган савдогар, ундан кейин турган дъякон ўрнида хизматдаги роҳиб ушлаб қолмаганда, йиқилиб тушарди.

– Сизга нима бўлди? Отагинам! Сергей ота! Азизим! Жаноблар! – Аёлларнинг саросимали овози янгради. – Дастрўмолга ўхшаб қолибсиз-а.

Сергей ота бирдан ўзини ўнглади, ранги ўчиб кетган бўлса ҳам ўзидан савдогар ва роҳибни узоқлаштирди ҳамда қироатда давом этди. Серапион ота, дъякон ва қироатдошлари, бой хотин Софья Ивановна ундан ибодатни тўхтатишни сўрадилар.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, – мийиғида табассум қилиб деди Сергей ота, – ибодатни узиб қўйманглар.

“Ҳа, авлиёлар шундай қилади”, – ўйлади у.

– Илоҳ! Худонинг фариштаси! – орқадан Софья Ивановна ва уни тутиб қолган савдогарнинг овози эшитилди. У гапларга эътибор бермади ва ибодатни давом эттирди. Яна баттар қисилиб, ҳамма ки-

чик черков ортидаги йўлакка ўтди, бу ерда бироз қисқартириб бўлса-да, Сергей ота тунбўйи ибодатини давом эттирди.

Хизматдан кейин Сергей ота ҳозир бўлганларни дуо қилди ва ғор оғзида ўсган қайрағоч тагидаги айвонга чиқди. У дам олиш ва тоза ҳавода нафас ростлаш лозимлигини сезиб, шуни истади, бироқ у чиқиши билан одамлар дуо қилишини, маслаҳат беришини сўраб, кўчкидек ўраб олдилар. Улар орасида муқаддас жойларни қадам-бақадам кезиб юрувчи, бузруклардан бузрукларга ўтиб турувчи ва ҳамма вақт ҳар хил бузрукворлар-у бузруклар қаршисида сажда қилувчи нотавон аёллар бор эди. Сергей ота бу одатдаги, ғайридин, совуқ, писанда қилинган қавмни билар эди: улар дайдилар, катта қисми ёши ўтган, ўтроқ ҳаётдан воз кечган аскарлар; қашшоқ, кўпчилиги ичкиликка мубтало бўлган, қорин тўйдириш учун монастирдан монастирга санғиб юрувчи қариялар; ўзларининг дардига даво бўлиш ёки энг шубҳали амалий ишлар: қизини узатиш, дўконни ижарага бериш, ер сотиб олиш ёки ўзидан воз кечган ёки ўтиб кетган фарзандининг гуноҳини кечириш сингари худбинона талаблари билан юрган сийқа деҳқонлар ва деҳқон аёллар эди. Буларнинг ҳаммаси Сергей отага аллақачон таниш эди ва қизиқлиги йўқ эди. У бу қиёфалардан бирор янгилик англамасди, бу юзлар унда тариқча диний ҳиссиёт уйғотмасди, бироқ унинг дуолари, унинг сўзлари зарур ва қимматли эканини билган тўда сифатида уларни кўришни севарди, шунинг учун бу тўдага интиларди ва бу унга ёқимли эди. Сергей ота чарчаганлигини важ қилиб Серапион ота уларни кува бошлаганди. У Инжилдаги шу сўзларни эслади: “Улар (болалар)га менинг ҳузуримга келишига ҳалақит берманг” ва шу билан ўзида шафқат уйғотувчи хотираларни тиклаб, маҳталларга рухсат беришларини сўради.

У турди, одамлар биқинида тўпланиб турган панжара яқинига борди ва товушларга ҳазинлик сингиган заиф овоз билан уларни дуо қилиш, саволларига жавоб қайтаришни бошлади. Бироқ уларнинг барча истакларини мустажоб қилиш нияти қанча кучли бўлмасин, эплай олмади: яна кўз олди қоронғулашиб кетди, қалтироқ турди ва панжарани ушлаб қолди. Яна у боши айланганини сизди ва аввал ранги оқарди, кейин эса тўсатдан жаҳли чиқди.

– Ҳа, энди сири қолмади, кўриниб турибди, эртага-ча. Энди бўлмайди, – шундай деб, ҳаммани дуо қилди ва курси тарафга йўл олди. Савдогар яна уни ушлаб олди ва билагидан тутиб, ўтирғизиб қўйди.

– Ота! – тўда шовқин солди, – Ота! Отагинам! Сен бизни тарк этма! Биз сенсиз яшолмаймиз!

Савдогар Сергей отани қайрағоч остидаги курсига ўтирғизиб, ўзига миршаб хизматини олди ва одамларни қувишга жиддий киришиб кетди. Тўғри, у Сергей ота эшитмайдиган паст овозда гапирарди, аммо қатъий ва жаҳл билан буюрди:

– Йиғиштиринг, йиғиштиринг! Дуо қилди, хўп, яна сизларга нима керак? Жўна. Бўлмаса, тўғриси, бўйнингни қайираман. Ҳа, ҳа! Сен, хола, қора пайтава, бўшат, бўшат. Сен қаерга чиқмоқчисан? Айтилди, бўлди. Эртага Худо пошшо, бугун эса ҳамманг кет.

– Отагинам, тирқишдан унинг юзгинасини бир кўрай, – дерди бир қари кампир.

– Мен кўрсатаман, қаерга бурнингни суқаяпсан?

Сергей ота сездики, савдогар қўполлик қилаяпти ва заиф овозда маҳрамга у одамларни қувмаслигини тайинлади. Сергей ота барибир қувиб юборишини билди ва бир ўзи қолишни ҳамда дам олишни истади, маҳрамни шунчаки ёмон таассурот қолдирмаслик учун узр сўрашга жўнатди.

– Яхши, яхши. Мен қувмаяпман, маслаҳатлашаяпман, – жавоб берди савдогар, – қаранг, улар одамни еб қўяди. Уларда инсоф йўқ, улар фақат ўзини ўйлайди. Мумкин эмас, айтилди. Бор. Эртага.

Савдогар ҳаммани қувиб юборди.

Савдогарнинг жаҳли чиққани рост, чунки у тартибни, одамларни ҳайдаб солишни, уларни ҳўрлашни яхши қўрарди, асосийси – Сергей ота унга керак эди. Хотинидан жудо бўлган савдогарнинг касалманд, ҳали турмушга чиқмаган ягона қизи бўлиб, бир минг тўрт юз верст наридан Сергей отадан шифо истаб, унинг ҳузурига олиб келганди. Қизининг дардини икки йил давомида турли жойларда даволатди. Дастлаб губерния университетининг шаҳардаги клиникасида – ҳеч нафи бўлмади; кейин Самара губерниясидаги табибга олиб борди – бироз енгил тортди; кейин Москвадаги докторга қатнади, кўп пул сарфлади – ҳеч қандай ёрдам бермади. Унга Сергей отанинг даволашини айтиб қолишди, мана, унинг ҳузурига келиб ўтирибди. Шундай қилиб, савдогар ҳамма одамни қувиб юборгач, Сергей отага яқинлашди, бирданига эшилиб қуллуқ қилганча, баланд овозда деди:

– Авлиё ота, менинг нотавон қизимни дуо қил, дардларидан фориг бўлишига кўмак бер. Сенинг марҳаматли даргоҳинг тупроғини ўпаман. – Шундай деб кафтини унинг қўлига қўйди. У гўё аниқ ва қатъий ўрнатилган қонун талабларига бўйсунгандек, нима қилган ва айтган бўлса, асло бундан бошқача эмас, худди шундай тартибда нажот сўраш лозимдек ўзини тутди. У қатъий ишонч билан ҳаракат қилдики, ҳатто Сергей отага ҳам буларнинг ҳаммаси худди шундай бўлиши, шундай айтилиши ва бажарилиши лозимдек туюлди. Нима бўлганда ҳам у меҳмоннинг ўрнидан туришини ва гап нимада эканлигини сўзлашини сўради. Савдогар гапириб бердики, ҳали номаҳрамнинг на-

зари тушмаган йигирма икки яшар қизи икки йил олдин онасининг бевақт ўлиmidан кейин дардга ча- линди ва гумгурс йиқилди – у шундай деди. Ва шун- дан бери ҳаловат йўқ. Кундуз кунлари уйга бекиниб олади, ёруғликдан кўрқади чоғи, фақат қуёш ботган- дан сўнг ташқарига чиқади. Умид билан қизини бир минг тўрт юз верст наридан олиб келди, бемор ҳозир меҳмонхонада Сергей отанинг таклифини кутиб ту- рибди.

– Нима бўлган, у жуда заифми? – сўради Сергей ота.

– Йўқ, у ўзида заифликни сезмайди, тўлагина, фақат доктор нарасмениха деб айтган. Агар ҳозир Сергей ота олиб келишни буюрса, мен учиб бориб, олиб келардим. Авлиё ота, ғариб инсоннинг юра- гига таскин беринг, унинг зурриёдини қутқаринг – ўзингизнинг дуоларингиз билан бемор жигарпораси- га нажот беринг.

Савдогар яна қулочини кенг ёйиб, тиз чўкди, бошини бир ёнга қийшайтириб, иккала қўлининг ҳовучи устига қўйганча тош қотди. Сергей ота яна уни туришга ундади ва ўз машғулотининг қанчалик оғир эканини, шунга қарамасдан садоқат билан эплаб ке- лаётганини ўйлаб, оғир нафас олди, бир неча дақиқа жим бўлгач, деди:

– Яхши, уни кечқурун олиб келинг. Уни дуо қиламан, ҳозир эса чарчадим. – Шундай деб кўзини юмди. – Ўзим хабар жўнатаман.

Савдогар қум йўлакда салобат билан юрганидан этигининг ғижири баралла эшитилиб, узоқлашди ва Сергей ота ёлғиз қолди.

Сергей отанинг бутун умри зиёратчиларга хиз- матда ўтди, аммо бугун ҳаммасидан оғир кун бўлди. Эрталаб ташриф буюрган мартабали амалдор би- лан узоқ суҳбатлашди; ундан кейин ўғли билан бой

хотин келди. Ўғил, ёш профессор, даҳрий, она эса Сергей отага ўта ихлос қўйган, ўғлини гаплашиб кўриш учун ҳузурига олиб келибди. Суҳбат жуда оғир кечди. Кўриниб турибди, ёш йигит роҳиб билан баҳслашишни хоҳламади, худди заиф одамга раҳм қилгандек ҳамма нарсани маъқуллади, бироқ Сергей ота гувоҳ бўлдики, у илоҳий нарсаларга ишонмайди-ган даҳрий бўлса ҳам унга дунёнинг ҳамма ишлари яхши, осон ва шундан хотиржам эди. Сергей ота ҳозир шу суҳбатни ғижиниб эслади.

– Тамадди қиласизми, отагинам? – сўради маҳрам.

– Ҳа, бирор нарса келтиринг.

Маҳрам ғор оғзидан ўн қадам нарида қурилган бошпанасига кетди, Сергей ота бир ўзи қолди.

Сергей отанинг танҳо яшаган, ўзи учун ҳаммасини ўзи бажарган, фақат ибодат кулчаси ва нон билан кун кўрган дамлари қачонлардир ўтиб кетди. Мана, аллақачон уни ўз соғлиғи ҳақида қайғуриш ҳуқуқига эғалигига ишонтиришган, шундан бошлаб зоҳидона, аммо тўйимли овқатлар билан сийлашарди. Уларни кам, бироқ олдингидан кўп, ғижиниб, гуноҳ азоби-ни ҳис қилиб эмас, чуқур мамнуният билан тез-тез истеъмол қиларди. Ҳозир ҳам худди шундай эди. Бўтқани паққос туширди, бир пиёла чой ичди ва оқ ноннинг ярмини еди.

Маҳрам кетди, у яна қайрағоч остидаги курсида ёлғиз қолди.

Ажойиб май оқшоми, қайинлар, тоғ тераги, тоғ олча, қайрағоч, шумур ва эманлар энди барг ёзмокда. Қайрағоч ортидаги шумур шохлари бутунлай гул билан қопланган, улар ҳали тўкилишга улгурмаган. Булбуллар, бири жуда яқинда, икки ёки учтаси пастда дарё бўйидаги буталарда шохдан-шохга сакраб, чаҳ-чаҳ урмокда. Дарё томондан даладан қайтаётган мардикорларнинг куйлаган қўшиғи узоқдан қулоққа

чалинади; қуёш ўрмон ортига ўтиб, олатароқ нурлари билан майсалар бошини силайди. Чор тараф оқ-яшил рангда, тароватли, соя тушиб турган қайрағоч атрофи эса сирли. Қўнғизлар учади, ғўнғиллайди, шохларга урилади.

Кечки овқатдан кейин Сергей ота маърифий ибодат билан шуғулланишга киришди: “Ҳазрат Исо Масих, Худонинг ўғли, бизни асра”, – кейин оятлар ўқишга тутинди, иттифоқо, оятнинг ўртасида, қаердан пайдо бўлди, бир чумчуқ шохдан учиб тушиб ерга қўнди, чирқ-чирқ қилганча ва диккиллаганча унга сакради, нимадандир ҳуркиб, учиб кетди. У одам ўзининг дунёдан воз кечгани ҳақида сўзловчи оятларни ўқирди ва уни тезроқ тугатишга ошиқди; иттифоқо, савдогарнинг бемор қизи уни қизиқтириб қўйган эди, унга одам жўнатишни мўлжаллади. Қиз уни шуниси билан қизиқтириб қолган эдики, бу, ботиний талқинича, бир овуниш эди, янги қиёфа, боз устига унинг отаси ва ўзи уни дуоси ижобат бўладиган халоскор сифатида билишаётган эди. Халоскорлигига ўзи шубҳаланди, бироқ ич-ичидан ўзини шундай ҳисоблади.

У бир нарсага тез-тез ҳайрон қоларди, унга, Степан Касатскийга қандай қилиб ғайритабiiй башоратчилик ва чинакам мўъжизакорлик насиб этди, у ҳозир шундай эди ва бундан бошқача эмасди, бунга заррача шубҳа йўқ: ўша нимжон боладан тортиб унинг дуосидан сўнг кўзи очилган охирги кампиргача рўй берган, ўзи гувоҳи бўлган мўъжизаларга ишонмаслик мумкин эмасди.

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, бу ҳол ҳақиқат эди. Шундай қилиб, савдогарнинг қизи янги одам бўлганлиги, унга ишонганлиги билан қизиқтириб қолди, боз устига у орқали ўзининг шифокорлик маҳоратини қайта намоиш этиш, шу билан шуҳратини ошириш имконияти тўғри келиб

қолганди. “Минглаб чақиримлардан йўл босиб келишади, газеталарда ёзишади, подшо хабар топади, Европада, даҳрий Европада билишади,” – ўйлади у. Бирдан унинг шуҳратпарастлиги қўзғаб қолди ва бундан ташвишга тушиб, яна Худога сажда қила бошлади. “Яратган, осмондаги ҳукмдор, тинчлантирувчи, қалб ҳақиқати, кел ва дилимизда макон тут, кўнглимизни ҳар хил қутқулардан халос эт, қалбимизни қутқар, роҳат-фароғат бағишла. Мени хароб қилувчи, одам зотига хос нафс балосидан паноҳ бер”, – такрорлади у ва эсга олдики, бу мазмунда қанча ибодат қилмасин, унинг илтижолари ҳозиргача беҳуда бўлиб қолаётганди: дуолари бошқаларда мўъжиза яратар, ўзи учун эса майда ҳислардан озод қилишини Худодан сўраб, таскин ололмасди.

У зоҳидликдаги дастлабки пайтларда ўзига поклик, ором ва муҳаббат тилаб қилган ибодатларини эслади, унга шундай туюлган эдики, Худо унинг илтижоларини эшитади, у пок эди ва шу ҳис тазйиқида ўзининг бармоғини қирққан, ҳашаклар орасидан қийқимланиб, чандиқланиб кетган ҳолда уни топган ва олиб, қониқиш билан лабига босган эди; яна ўшанда у итоатда эди, гуноҳларидан қаттиқ изтироб чекарди, яна ўша пайтлар қалбида муҳаббат бор эди, бир сафар ҳузурига пул сўраб келган маст аскарни ва ...аёлни қандай меҳр билан кутиб олганини эслади. Ҳозир-чи? У ўзидан сўради: кимнидир севадими, Софья Ивановнани, Серапион отани севадими, ҳузуридаги шу одамларнинг ҳаммасига, ўша эринмасдан суҳбатлашган, ўзининг ақли тўлиқлигини ва маълумотли эканини кўрсатишга астойдил тиришган олим йигитга муҳаббат ҳиссини сезганми? Зотан, улардан меҳр қабул қилиш, бироқ уларга муҳаббатини сездирмаслик унинг учун ёқимли эди. Энди унда муҳаббат ҳам, итоат ҳам, поклик ҳам абас эди.

Унга савдогарнинг қизи йигирма икки ёшда эканлигини эшитиш хуш ёққанди, унинг ҳусни қандай эканини эса кўришни хоҳларди. Унинг заифлиги ҳақида сўраганда у айнан қизнинг аёлларча малоҳати бор-йўқлигини билишга қизиққанди.

“Наҳот мен шу даражада паст кетдим? – ўйлади у. – Раббим, менга ёрдам бер, Яратган илоҳим, мени ўзимга қайтар”. У қўлларини букди ва ибодат қилишни бошлади. Булбуллар чаҳ-чаҳ урарди. Қўнғиз унга томон учди ва гарданига қўнди. Уни олиб ташлади. “У бормикан? Хўш, мен ташқаридан бекитилган уйни тақиллатаман... Эшикда қулф бор, мен уни кўра олишим лозим. Қулф, бу – булбуллар, қўнғизлар, табиат. Йигит ҳақдир балки”. У бошини чалкаш ҳаёллардан қутқазмагунча, ўзини яна осойишта ва бардам ҳис қилмагунча узоқ вақт овоз чиқариб ибодат қилди. Сўнг қўнғироқни жиринглатди ва кириб келган маҳрамга қизи билан савдогар ҳозир келиши мумкинлигини билдирди.

Савдогар қизини қўлидан тутиб келди, уни хужрага жойлаштирди-да, шу заҳоти изига қайтиб кетди.

Қиз оқ бадан, ҳаддан зиёд оппоқ, қонсиз, тўлагина, ҳаддан ташқари бақалоқ, юзида болаларча ҳадик қотиб қолган, қоматида аёллик аломатлари жуда бўртиб турар эди. Сергей ота пойгакдаги айвонда қолди. Қиз кириб келар ва яқинидан ўтар экан, дуо қилди-ю, унинг қоматига тушган назаридан даҳшатга тушди. Қиз ўтиб кетди, лекин у ўзини биров чимчилаб олгандек ҳис қилди. Юз қиёфасидан билдики, қиз ҳиссиётли ва бироз овсарроқ. У жойидан жилди ва хужрага йўл олди. Қиз уни кутиб, курсида ўтирарди.

У хужрага кириб келди. Қиз ўрнидан турди.

– Мен отамга боришни хоҳлайман, – деди қиз.

– Қўрқма, – деди у, – Нима, бирор жойинг оғрияптими?

– Менинг ҳамма жойим оғрийди, – деди қиз ва бирдан юзини кулгиси ёритиб юборди.

– Сен соғайиб кетасан, – деди у. – Ибодат қил.

– Қанақа ибодат, мен ибодат қилганман, ҳеч фойда бермайди. – Қиз яна ёйилиб кулди. – Сиз қўлингизни менга қўйиб ибодат қилинг. Мен сизни тушимда кўрганман.

– Қандай кўргансан?

– Кўрганман, сиз мана бундай қилиб, қўлингизни кўкрагимга қўйгансиз. – Сергей ота унга ўнг қўлини тутқазди. Қиз унинг қўлини олди ва ўзининг кўкрагига босди. – Мана бу ерга.

– Сенинг исминг нима? – бутун гавдаси билан қалтираганча сўради роҳиб. Сездики, у енгилди, ҳирс туғёнга келди, шаҳват бутунлай ихтиёридан чиқиб кетди.

– Марья. Нимайди?

Қиз унинг қўлини олди ва ўпди, кейин эса бир қўли билан Сергей отанинг белидан кучоқлаб, маҳкам бағрига босди.

– Сенга нима бўлди? – деди роҳиб. – Марья. Сен шайтонсан.

– Ҳа, бу шунчаки таваккал, холос.

Қиз уни кучоқлаганча каравотда вобаста ўтирар эди.

* * *

Тонгда роҳиб зинапояга чиқди.

“Наҳотки шундай бўлди? Отаси келади. Ҳаммасини айтиб беради. У – шайтон. Нима қилиб қўйдим? Мана у, ўша бармоғимни чопган болта”. – У болтани қўлига олди ва хужра томон кетди.

Унга маҳрам дуч келиб қолди.

– Ўтин ёришни буюрадиларми? Болтани узатинг.

Роҳиб болтани берди. Хужрага кирди. Қиз ухлаб ётарди. Унга даҳшат билан қаради. Хужрадан ўтди, эркакча куйлакни топди, уни кийди, қайчини олиб, сочини қирқди ва ташқарига чиқиб, тоғ пастигаги сўқмоқдан дарё томон кетди. Бу жойларга тўрт йилдан бери қадам босмаганди.

Дарё бўйидан йўл узанганди; у шу йўлнинг бошини тутди ва тушгача юрди. Туш пайти бир ўтлоққа кирди ва унда чўзилди. Кечга яқин дарё бўйидаги қишлоққа юзланди. Қишлоққа кирмай, дарё томон, жар қаърига қараб кетди.

Қуёш чиқишига ярим соат қолган. Субҳи содиқ вақти эди. Ҳамма нарса нам ва ғамгин, шу чоқ ғарбдан тонги муздек шабада эсди. “Ҳа, ҳаммасини тугатиш шарт. Дилимда Худо йўқ. Қандай тугатай, ўзимни сувга ташлайми? Сузишни биламан, чўкмайман. Ўзимни осайми? Ҳа, мана, шохга осилишга камар”. Булар аниқ ва яқиндек туюлди ва у даҳшатга тушиб кетди. Ҳаяжонли шу дақиқаларда ибодат қилишни хоҳлади. Бироқ сиғинадиган зот топилмасди. Кўнглида Илоҳ йўқ эди. У бир қўлини тагига босиб, ёнбоши билан ётарди. Шу пайт ухлагиси келиб кетди, бошини бошқа чангаллаб тура олмади, қўлини бўшатиб, боши остига қўйди-ю, шу чоқ уйкуга кетди. Аммо бу уйку бир лаҳза давом этди; у бирдан уйғониб кетар, туш кўраётганини ҳам, хотираларни эслаётганини ҳам билмасди.

Мана, у онасининг қишлоқдаги уйида қарийб ўзини бола сифатида кўрди. Унга арава яқинлашади ва ундан кетмондай қора соқоли ёйилганча Николай Сергеевич тоға, у билан қисик кўзлари аянчли боқувчи юзи озғин ва изтиробли қиз Пашенька тушади. Мана, ўғил бола ўртоқлари Пашенькани бошлаб келишади.

У билан ўйнаш керак, бўлмаса зерикиб қолади. Қиз калтафаҳмроқ. Машварат шу билан тугайдики, унинг сузишни билишини кўрсатишга қисташади, у эса ерга ётиб олганча “сузади”, бу ҳамманинг кулгисини қистатади. Ҳамма қаҳқаҳа отади, уни масхаралашади. У буларни кўриб туради ва юзининг доғларигача қизариб кетади, ночор, шундай ночор ҳолга тушадики, виждонан айтганда, унинг қийшайган, самимий, итоаткорона кулгисини унутиш мумкин эмас. Сергей уни шундан кейин қачон кўрганини эслади. Уни анча кейин, роҳибликни қабул қилишидан олдин кўрганди. У бутун буд-шудини беҳуда совурган ва аёвсиз дўппослайдиган қандайдир заминдорга эрга чиққанди, унинг икки нафар фарзанди бор эди: ўғил ва қиз. Ўғли гўдаклигида ўлиб кетганди.

Сергий у бахти қарони қандай учратганини ёдга олди. Кейин уни монастирда бева ҳолда кўрди. Ўшанда ҳам олдингидек эди – овсар эмас-у, лекин кўримсиз, бечора ва аянчли. У қизи ва куёви билан келганди. Уларнинг қашшоқлиги кўриниб турарди. Кейин эшитдики, улар бир уезд шаҳарчасида жуда ночор яшашар экан. “Мен нима учун у ҳақида ўйлаяпман? – ўзидан сўради Касатский. Бироқ ўйлашдан тийила олмади. – У қаерда? Нималарни бошидан кечирди? Ҳозир ҳам ўшандай – ерда ётиб сузишни кўрсатгандагидай ночормикан? – У ҳақда ўйлаш менга зарил келибдими? Менга нима? Васвасани тугатиш керак”.

Унга яна аҳволи кўрқинчли туюлди, яна бундай хаёллардан фориг бўлиш учун Пашенька ҳақида ўйлай бошлади.

У гоҳ ўзининг муқаррар қисмати, гоҳ Пашенька ҳақида ўйлаб, узоқ ётди. Пашенька унга нажот манзилидек туюлди. Охири у ухлаб қолди. У тушида бир фариштани кўрди, фаришта унга яқин келиб деди: “Пашеньканинг ҳузурига бор ва бундан кейин нима

қилишинг, гуноҳинг нимада, нажот қайда эканлиги ҳақида ундан билиб ол”.

У уйғониб, бу Раббининг илоҳий пайғоми эканини билди ва тушда кўрганини амалга оширишга аҳд қилди. У аёл яшаётган шаҳарни биларди, – бу ердан уч юз верст нарида – ва ўша ёққа қараб йўл олди.

8

Пашенька қачонлардан бери у Пашенька бўлмай, қари, қоқ суяк, ажинларга ўранган, омадсиз, ичувчи амалдор Маврикьевнинг қайнонаси Прасковья Михайловнага айланган эди. У куёви охири келиб қолган уезд шаҳарчасида яшар, оиласини: қизи, руҳий ноқисликка чалинган касал куёви, беш набира-сини бир амаллаб боқарди. Тирикчилик манбаи соатига ўн беш рубл тўланадиган, савдогарнинг қизига ўқитиладиган мусиқа дарслари эди. Кунига баъзан тўрт, баъзан беш соат дарс берар, шу билан ойига олтмиш рублча атрофида даромад қиларди. Бу жойда ажарада яшаб, ўз бошпанаси бўлишини кутиб, омонат туришарди. Бошпана сўраб, Прасковья Михайловна ҳамма яқинларига, жумладан, Сергейга ҳам хат ёзганди. Бироқ бу хат унга келиб етмаган эди.

Шанба эди ва Прасковья Михайловнанинг ўзи ёғ, сут солиб тайёрланган нонни узум билан аралаштирарди, буни отасининг қарол ошпази жуда яхши тайёрларди. Прасковья Михайловна эртанги байрамда набираларини сийлаш ниятида эди.

Қизи Маша кичкинтойларга қараб турар, катта набиралар – бола ва қиз мактабда эди. Куёв туни билан ухламаган, ҳозир уйқуда эди. Прасковья Михайловна кечаси билан қизининг эрига бўлган ғазабини юмшатаман, деб узоқ вақт ухлай олмаганди.

Кўриб турардики, куёви – ярамас махлуқ, бошқача гапириши ҳам, яшаши ҳам мумкин эмас, хотинининг дийдиёси наф бермайди, шунинг учун қайнона бутун кучини жанжал чиқмаслиги, ёмонлик бўлмаслиги учун уларнинг мурасисига сарфларди. Аёл амалда одамлар орасидаги нохуш ҳолатларни жисмонан кўтара олмасди. Унга бу воситачилигидан бирор яхшилиқ чиқмаслиги, аксинча, аҳвол баттар бўлиши аниқ эди. Бу ҳақда ўйламасди, фақат ёвузликнинг кўринишидан бадбўй ҳид, қаттиқ шовқин ёки бадани жароҳатлашдан қўрққандек ваҳимага тушарди.

У Лукерьяга ҳафсала билан ошган хамирни қандай аралаштиришни ўргатиб турганда ошхонага пешбанд таққан, қийшиқ пойабзал, йиртиқ пайпоқда олти яшар набираси Миша ваҳима ичида югуриб кирди.

– Буви, сизни бир алвасти чол излаб юрибди.

Лукерья эгилиб қаради:

– Шундай, қандайдир тиланчи чол.

Прасковья Михайловна озғин тирсакларини бир-бирига ишқаб, қўлини пешбандига артиб тозалади-да, уйга кириб, ҳамёндан беш тийин олишни мўлжаллади, кейин бирдан майда чақа йўқлиги эсига тушиб қолди, нон садақа қилишни ўйлаб, жавонга қайтди, ўзича хижолат бўлди, нонни қизғанди, Лукерьяга бир бўлак кесишни тайинлаб, ўзи яна чақа учун юқорига йўл олди. “Мана сенга, – деди ўзича, – хасислигинингнинг жазоси”.

Садақани узатар экан, ҳар доим бўлганидек, қайси тиланчи бўлмасин, ўзининг саховатидан ғурурлана олмасди, аксинча, жуда оз инъом этаётганидан уяларди. Дарвоқе, тиланчининг кўриниши анча салобатли эди.

Христово мулкига етгунча уч юз верст йўл босиб, ҳориган, озган, қорайган бўлишидан қатъий назар, сочи қирқилган, эркакча телпаги, худди шундай эти-

ги уриниб қолган, ғамбода ҳолда букчайиб туришига қарамасдан Сергей отадан ўзига ярашиқлик салобат уфуриб турарди. Аммо Прасковья Михайловна уни қарийб ўттиз йилдан бери кўрмаган эди, шунинг учун танимади.

– Тортинманг, отахон. Балки тамадди қилишни хоҳларсиз?

У нон ва пулни олди. Прасковья Михайловна ҳайрон бўлди, чол қимирламас, унга тикилиб турарди.

– Пашенька. Мен сеникига келдим. Мени қабул қил.

Унинг қора кўзлари синчковлик ва ўтинч билан тикилиб, қуйилиб келган ёшлардан йилтираб турарди. Оқара бошлаган мўйловлари остидан лаби аянчли титрарди.

Прасковья Михайловна қоқ суяк кўксини чангаллаб, анграйганча лол қотган маҳзун нигоҳлари билан тиланчига боққан алпозда беҳуш бўлиб қолди.

– Наҳотки? Бўлиши мумкин эмас! Степа! Сергей! Сергей ота!

– Ҳа, мен ўзим, – аста сўзлади Сергей. – Фақат Сергей эмас, Сергей ота ҳам эмас, шармандали гуноҳкор Степан Касатский, маҳв бўлган лаънати гуноҳкор. Қабул қил, менга кўмак бер.

– Наҳотки, бўлиши мумкин эмас, сиз қандай қилиб бу кўйга тушдингиз? Юринг, ичкарига кириг.

Аёл қўлини узатди; роҳиб унинг қўлидан ушламади, аёлнинг орқасидан эргашди.

Бироқ қаерга олиб боради? Хона жуда тор эди. Унга бошида худди қазноқдек кичкина хонани ажратишди, кейин ана шу омборчани қизига берди. Мана, ҳозир Маша шу ерда ўтириб, гўдагини эмизаяпти.

– Мана бу ерга ўтиринг, ҳозир, – деди Сергейга ошхонадаги курсини кўрсатиб.

Сергий шу заҳоти ўтирди ва одати бўйича олдин бир елкасидаги, кейин бу елкасидаги халталарини шахт билан ечди.

– Вой худойим, вой худойим, қандай дуч келдик, отагинам! Қандай яхши, яна бирданига...

Сергий жавоб бермади, фақат халталарини суробга келтириб, илжайиб қўйди.

– Маша, биласанми, бу ким?

Прасковья Михайловна қизига пичирлаб, Сергийнинг кимлигини тушунтирди, улар иккаласи қазноқдаги беланчак ва тушакни бўшатиб, Сергий учун олиб чиқишди.

Прасковья Михайловна Сергийни хужрачага бошлаб кирди.

– Мана шу ерда дам оласиз. Хижолат бўлманг. Мен эса кетишим керак.

– Қаерга?

– Менинг дарсим бор, виждонан айтсам, мусиқа ўқитаман.

– Мусиқа, бу – яхши-ку. Фақат бир нарсa, Прасковья Михайловна, мен сизникига иш билан келганман. Сиз билан қачон гаплашсам бўлади?

– Бажонидил розиман. Балки оқшомдадир?

– Бўлади, фақат яна бир илтимос: келганим, мен ҳақимда ҳеч кимга айтманг. Мен фақат сизга сиримни очдим. Менинг қаерга кетганимни ҳеч ким билмайди. Шундай бўлсин.

– Эҳ, қизимга айтиб қўйибман.

– Уф, ундан илтимос қилинг, ҳеч кимга оғиз очмасин.

Сергий этигини ечди ва шу зумда бедор кеча, қирқ верст пиёда юришдан кейинги чарчоқ билан донг қотиб ухлаб қолди.

Прасковья Михайловна қайтганда Сергей ота кириб олган хужрачасида ўтирар ва уни кутарди. Меҳмон тушликка чиқмади, фақат Лукерья келтирган ёвғон ва бўтқа билан тамадди қилди.

– Нега айтган вақтингдан анча олдин келдинг? – деди Сергей. – Энди гаплашса бўладими?

– Қандай бахтлиман, меникига ким ташриф буюрди? Мен дарсни ўтмадим. Кейин... Мен хузурингизга боришни орзу қилганман, сизга хат ёзганман ва бир-данига мана бунақа омадни қаранг.

– Пашенька, марҳамат, ҳозир мен нима гапирсам, уларни худди васиятдек, жон бериш олдидан Раббининг қаршисида айтиладиган иқрордек қабул қилгин. Пашенька, мен авлиё эмасман, ҳатто оддий, кўп қатори фақир одам ҳам эмасман: мен гуноҳкор, ифлос, қабих, йўлдан озган, такаббур, мунофиқман, билмадим, булардан ҳам ёмонманми, бироқ энг ёмондан ҳам ёмонман.

Пашенька дастлаб кўзини чақчайтириб қаради; у ишонди. Кейин, қачонки у тўла ишонгач, қўлини унинг қўлига қўйиб, изтироб билан жилмайганча деди:

– Стива, балки сен бироз ошириб юбораётгандирсан?

– Йўқ, Пашенька. Мен дайди, бузуқи, қотил, худодан қайтган ва алдамчиман.

– Вой худойим! Бу қанақаси бўлди? – овози титраб деди Прасковья Михайловна.

– Аммо яшаш керак. Мен ҳамма нарсани биламан, деб ўйлардим, ҳаммага қандай яшашни ўргатардим, афсуски, ҳеч нарсани билмас эканман, сен менга ўргат – сендан ўтиниб сўрайман.

– Сенга нима бўлди, Стива? Сен кулаяпсан. Нима учун ҳамма менинг устимдан кулади?

– Хўп, майли, мен кулаяпман; фақат менга айт, қандай яшаяпсан, ҳаётинг қандай ўтди?

– Менми? Мен энг қабиҳ, беҳаловат ҳаёт кечирдим, энди Худо мени қилмишимга яраша шундай жазолаптики, шунақа ахлоқона яшаяпман, шунақа ахлоқона...

– Қандай эрга тегдинг? Эринг билан қандай яшадинг?

– Ҳаммаси ахлоқона бўлган. Тегдим – энг аёвсиз тарзда севиб қолдим. Отам буни хоҳламаганди. Мен ҳеч нарса билан ҳисоблашмадим, тегдим. Турмушга чиққаним – эримга ёрдамлашмоқчи эдим, кейин эса рашк қилиб уни кўп қийнадим, ўзимни бундан тия олмадим.

– У ичар экан, буни эшитган эдим.

– Ҳа, мен уни ҳеч жиловлай олмадим. Унга тазйиқ қилдим. Ичкиликбозлик касаллик-ку. У ўзини ушлай олмасди, ҳозир эсимга тушиб қолди, унга қандай кун бермаганим... Ҳаётимизда даҳшатли воқеалар кўп бўлган.

Аёл тийрак, хотиралардан маҳзун тортган кўзлари билан Касатскийга термилди.

Касатский Пашеньканинг эри қандай дўппослагани ҳақида эшитганларини эслади. Ҳозир унинг озғин, қулоқлари ортини қоплаган чуқур ажинлар бўртиб чиққан, тиришган бўйнини ва сийраклашиб қолган, оқ оралаган малларанг сочларининг хурпайиб туришини кўриб, ўша тўполонлар қандай кечганини тушингандек бўлди.

– Кейин мен икки болам билан ҳеч вақосиз қолиб кетдим.

– Менимча, сизларнинг мулкингиз бор эди...

– Буларнинг ҳаммасини Вася билан сотиб, охиригача... еб бўлгандик. Яшаш керак эди, менинг эса барча бой хотинлар каби қўлимдан ҳеч вақо келмас-

ди. Ҳаммадан ҳам мен ночор, мададсиз эдим. Иложсиз шундай яшадик, мен болаларимни ўқитдим – ўзим ҳам озроқ сабоқ олдим. Митя тўртинчи синфда касалга чалинди, уни Худо кўп кўрди. Манечка поччаси Ваняни севиб қолди. Нима дейман, Ваня яхши, фақат бахтсиз. У касал.

– Ойижон, – қизи унинг сўзини бўлди. – Мишани олиб тулинг, ундан ажрала олмаяпман.

Прасковья Михайловна чўчиб тушди, ўрнидан турди-да, титилиб кетган бошмоғини оёғига илиб, шошиб ташқарига чиқди ва тезда кўлида икки яшар набирасини тутиб кириб келди, бола ўзини орқага ташлар, кўллари билан кампирнинг сочидан ушлашга уринарди.

– Шундай, нимада тўхтаган эдим? Ҳа, мана, унинг ўша жойда вазифаси яхши эди – намунали раҳбар, бироқ Ваня чидай олмади, истеъфога чиқди.

– У қанақа касал эди?

– Неврастения, бу даҳшатли касаллик. Биз маслаҳатлашдик, бироқ кетиш керак эди, маблағ бўлса йўқ. Барибир мен умид қиламан, бу ўтиб кетади. Унда қаттиқ оғриқ йўқ, аммо...

– Лукерья! – эркакнинг заиф, лекин зардали овози эшитилди. – Қачон керак бўлса, бирор ёққа кетган бўлади. Онаси...

– Ҳозир, – яна гапини бўлди Прасковья Михайловна. – У ҳали тушлик қилмади. Биз билан ўтира олмайди.

Аёл чиқиб кетди, ниманидир жойлаштириб, қорайган, озғин кўлларини артганча кириб келди.

– Мана шундай яшаяпман. Ҳамма нарсадан шикоят қиламиз, ҳамма норози, лекин, Худога шукур, набиралар ёқимтой, соғлом, демак, ҳали яшаса бўлади. Ўзим ҳақимда бошқа нима дейишим мумкин?

– Ҳа, ниманинг ҳисобидан кун кўраяпсизлар?

– Менинг бироз даромадим бор. Бир вақтлар мусикадан безор бўлгандим, бироқ бугун у кунимга яраб турибди.

Аёл кичкина қўлини ўтирган сандалнинг устига қўйди-да, худди машқ қилгандек озгин бармоқлари билан сандални тикирлатиб қўйди.

– Дарсингиз учун қанча тўлашади?

– Бир рубл ҳам тўлашади, эллик тийин ҳам, баъзан ўттиз тийин ҳам. Улар барибир сахий одамлар.

– Нима десам экан, ютуқлар борми? – кўзлари билан кулиб сўради Касатский.

Прасковья Михайловна дабдурустан саволнинг нақадар жиддийлигига ишонмади ва унинг кўзларига савол назари билан тикилди.

– Ютуқлар ҳам топилади. Битта донғи чиққан қиз бор, қассобнинг қизи. Оқила, яхши қиз. Билмадим, тақлири нима бўлади? Ўзимдан қиёс – агар мен тарбияли бўлганимда, отамнинг мавқеидан келиб чиқиб, ўзимга қойим жойдан куёв топган бўлардим. Мен эса ҳеч нарса қила олмадим ва шу кунларга гирифтор бўлдим.

– Тўғри, тўғри, – деди Касатский бошини эгиб. – Хўш, қандайсиз, Пашенька, черков ҳаётида иштирок этасизми? – сўради Касатский.

– Э, қўйсангиз-чи. Шундай ахмоқона, шунчаки... Ташлаб қўйганман. Болаларим билан рўза тутаман ва черковда бўламан, баъзан ойлаб бўлмайман. Болаларни юбораман.

– Нима учун ўзингиз бўлмайсиз?

– Агар ростини айтсам, – қизариб кетди аёл, – виждонан айтганда, қизим, набираларим қуршовидан узилиб кетишим қийин, бироқ янгилик ҳам йўқ. Шунчаки эринаман.

– Хўш, уйда ибодат қиласизми?

– Чўқинаман, ибодат ҳам эл қатори. Биламан, бунақаси кетмайди, чинакам ошуфталиқ йўқ, фақат ўзингнинг барча ярамаслиқларингни билиб турасан, холос...

– Ҳа, ҳа, шундай, шундай, – худди тасдиқлагандай қувватлади Касатский.

– Ҳозир, ҳозир, – аёл куёвининг чақириғига жавоб берди ва бошидаги рўмолини тўғрилаганча хонадан чиқди.

Бу сафар узоқ вақт қолиб кетди. У қайтганда Касатский олдингидек қўллари билан тиззасига таяниб, бошини қуйи эгганича ўтирарди. Бироқ халталари елкасига илинганди.

Аёл гардишсиз, темир чироқ кўтариб кириб келар экан, у чиройли, ҳорғин кўзлари билан тикилиб қолди ва чуқур, янада чуқур нафас олди.

– Мен унга сизнинг кимлигингизни айтмадим, – деб дадил гап бошлади у, – фақат мен биладиган дуохон тиланчилардан дедим. Ошхонага кетдик, чой ичамиз.

– Йўқ....

– Ҳўп, мен шу ерга олиб келаман.

– Йўқ, ҳеч нарса керак эмас. Пашенька, сени Худо паноҳида асрасин. Мен кетдим. Агар заррача раҳминг келса, мени кўрганингни ҳеч кимга айтма. Раббим номи билан илтижо қиламан: ҳеч кимга айтма. Сенга раҳмат. Мен оёғингга йиқилиб, қуллуқ қилишим мумкин, бироқ бу, биламан, сени хижолатга қўяди. Раҳмат, Исо Масиҳ ҳурмати, маъзур тут.

– Дуо қилиб тулинг.

– Худо ёрлақасин. Исо Масиҳ ҳурмати, маъзур тут.

У кетмоқчи бўлди, аёл уни чиққани қўймади ва нон, тешиқ кулча ҳамда ёғ олиб келди. Касатский ҳаммасини олди ва ташқарига чиқди.

Қоронғи тушиб қолган эди, икки уйдан ўтгач, аёл унинг қорасини илғамай қолди, фақат итларнинг бир-бирига басма-бас вовуллашидангина унинг кетиб бораётганини билса бўларди.

* * *

“Тушимнинг таъбири мана шу эди. Пашенька мен бўлишим керак бўлган, бироқ бўла олмаган одам. Мен Худо номи билан одамлар учун яшадим, у эса одамлар учун яшаётгандек бўлиб, Худо учун яшайпти. Ҳа, битта хайрли иш, ҳеч мукофот талаб қилмай, миннатсиз узатилган бир пиёла сув менинг одамларга ўқиган минглаб панд-насихатимдан афзал. Бироқ менда Худога хизмат қиламан деган заррача холис хоҳиш бўлганмиди?” – сўради ўзидан ва жавоб қайтарди: “Ҳа, бироқ бунинг ҳаммаси инсон қавмига хос шуҳрат истаги билан ёнди, улғайди. Ким мен сингари шуҳратталаб бўлиб яшаса, унинг учун Худо йўқ. Таассуфки, мен энди Уни излайман”.

У худди Пашеньканикига келгандек қишлоқдан-қишлоққа ўтиб, эркак-аёл тиланчиларга дуч келиб, улардан йироқлашиб, Исо Масих ҳурмати учун нон ва бошпана сўраб, изғиб юрди. Камдан-кам ҳолларда уни баджаҳл хонимлар, ичиб олган мардумлар қувиб соларди, асосан, кўпчилик уни еб-ичирар, боқар, ҳатто йўл харжи ҳам берарди. Унинг салобатли қиёфаси кўп жойда қўл келарди. Баъзилар ҳатто бойлар ҳам қашшоқлашибди, деб ўйлаб хурсанд бўларди. Барибир унинг ювошлиги ҳаммасидан устун келарди.

У тез-тез уйлардан Инжилни топиб олиб, ўқир, одамлар эса бир вақтнинг ўзида янги ҳамда аллақачон таниш ҳикматларни ундан эшитиб, ҳар қачон ва ҳамма жойда ҳам қуллуқ қилишар, ҳам ҳайрон бўлишарди.

Агар одамларга маслаҳати ёки саводи асқатиб қолса ёки жанжаллашганларни яраштириб қўйса, бундан мағрурланиб кетмас, таъма қилмас, чунки бундай ҳислардан узоқлашганди. Шундай қилиб, унда Худо ўзини оз-оздан намоён қила бошлаганди.

Бир марта икки нафар қари кампир ва аскар билан кетар эди. Бир манзилда йўртоқ от қўшилган аравага ўрнашиб олган бой ва бойвучча, от миниб бораётган эркаклар тўдаси уларни тўхтатди. Бойвуччанинг эри қизи билан отда боришар, одатдагидек, бойвучча ва сайёҳ-француз якка от қўшилган икки ғилдиракли энгил арава – шарабанда эдилар.

Улар меҳмонга рус халқи учун хурофот бўлган, ишлаш ўрнига у жойдан-бу жойга санғиб юрадиган тиланчиларни кўрсатиш мақсадида дайдиларни тўхтатишган экан.

Улар французчалаб гаплашишар, буларни тушунмайди, деб ўйлашарди.

– Сўранг-чи, – деди француз ўз тилида, – уларнинг ибодати Худо даргоҳида қабул бўлишига ўзлари ишонишадими?

Улардан сўрашди. Кампирлар жавоб беришди:

– Худонинг иродаси. Кимники қабул бўлади: оёқ билан кезганникими, қалби билан берилганникими?

Солдатдан сўрашди. У ёлғизлигини, бундан бошқа овунчи йўқлигини билдирди. Касатскийнинг кимлигига қизиқишди.

– Худонинг қулиман.

– У нима деди? У жавоб бермаяпти...

– У, мен Худонинг қулиман, деяпти.

– Бу диндорнинг ўғли бўлса керак, битишидан кўриниб турибди, олийнасаб. Сизда майда борми?

Французга майда топиб беришди. У ҳаммага йигирма тийиндан тарқатиб чиқди.

– Айтиб қўйинг, мен уларга шам учун бераётганим йўқ, балки чой ичиб хузурансинлар, – деди у кулиб, – мана, сизга, бобой, – сўз қотди қўлқопли бармоқлари билан Касатскийнинг елкасидан туртиб.

– Худо ёрлақасин, – деди Касатский телпагини киймай, тақир бошини пастга эгиб.

Касатский учун бу учрашув жуда қувончли бўлди, негаки, одамларнинг муносабатидан жирканиб, шунга жавобан беҳуда, енгил бир иш қилди – йигирма тийинни олди-да, уни киприк қоқмай ҳамроҳига, кўр гадойга берди. Унга одамларнинг марҳамати қанчалик аҳамиятсиз туюлса, у Худони шунчалар кучли ҳис қила бошлаганди.

* * *

Касатский саккиз ой сарсон-саргардонликда кезинди, тўққизинчи ойда губерня шаҳарчасида уни тиланчилар билан тунаб ётган жойида ушладилар ва паспортсизлар қаторида қисмга олиб кетдилар. У билетинг қаерда, кимсан, деган сўроқларга билетим йўқ, ўзим Худонинг қулиман, деб жавоб берди. Уни саёқлар сафига қўшдилар ва суд қилиб, Сибирга жўнатдилар.

Сибирда бир бой одам ижарага олган ҳовлига ўрнашди ва ҳозир шу ерда яшайпти. У хўжайиннинг полизида ишлайди, болаларни ўқитади, касалларни даволайди.



БАЪЗИ СЎЗЛАРГА ИЗОҲ:

Флигель – адъютант – подшо ҳузурида хизматга олинган офицер.

Кирасирлар – XVII асрда Европада пайдо бўлган совутли оғир кавалерия.

Император Николай Павлович – Николай I.

Иконастас – авлиёлар суврати (икона) илинган тўсин.

Тройка – уч от қўшилган извош.

Монастирь – роҳиблар турар жойи.

Архиерей – олий даражага мансуб роҳиб.

Ботик – аёллар қўнжли калиши.

Покрова куни – биринчи қор муносабати билан ибодат куни.

Масленица – қишни кузатиш байрами.

Вензиль – исм-шариф бош ҳарфлари бир-бирига чирмаштириб тузилган безак, туғро.

Акселбант – елкага тақиладиган зарбоф чилвир.

Ротонда – аёлларнинг ёпинчиқ кўринишидаги енгил қишлоқ кийими.

Архимандрит – ибодатхона бошлиғи.

Игумен – монастыр бошлиғи.

Верст – 1, 06 км.га тенг масофа бирлиги.

Преполовения байрами – пасха ва троица ўртаси.

Пасха – насронийлар рўзаси ва шунга бағишланган байрам.

Троица – ота худо, ўғил худо ва муқаддас рухдан иборат худо, шунга аталган байрам.

Лампада – иконалар олдида ёқиб қўйиладиган исчиноқ. (Таржимон).

МУНДАРИЖА

Адабиёт мамлакати.....	3
Бечора Иван Ильич.....	11
Крейцер сонатаси.....	87
Сергий ота.....	200

Адабий-бадий нашр

Лев ТОЛСТОЙ

**СОНАТА
ТИЛСИМИ**

Қиссалар

Мухаррир *Жавлон Яхшибоев*
Бадий муҳаррир *Иззат Йўлдошев*
Мусахҳиҳ *Шоҳруҳ Жаҳонов*
Саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензияси рақами AI № 290. 04.11.2016
2021 йил 18 январда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Cambria гарнитураси. Офсет босма.
13,86 шартли босма табоқ. 9,7 нашр табоғи.
Адади 3000 нусха. 11 - рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz

Лев Толстой



Соната тилсими

18+



ISBN 978-9943-6452-5-7



9 789943 645257